

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ХУЗУРИДАГИ  
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**



**“ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ: МИЛЛИЙ, ХОРИЖИЙ  
ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА”**

**мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами  
2019 йил 30 май**

---

---

**сборник научно-практической конференции на тему:  
«СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ЗАКОНОТВОРЧЕСТВА:  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ, ЗАРУБЖЕННЫЙ  
И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ОПЫТ»  
30 мая 2019 года**

**Тошкент – 2019**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази **Ўқув-услубий кенгаши** томонидан нашр учун тавсия этилган.

**“Қонун ижодкорлигининг замонавий тенденциялари: миллий, хорижий ва халқаро тажриба”** мавзусидаги республика илмий-амалий семинари тўплами. – Тошкент, 2019. – 190 бет.

Тахрир ҳайъати: ю.ф.д., проф. **Ш.Х.Файзиев**  
ю.ф.д., проф. **Х.Маматов**  
ю.ф.д., проф. **О.Окюлов**  
ю.ф.д., доц. **Дж.И.Сафаров**

Ушбу республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида қонун ижодкорлигининг замонавий ҳолати ҳамда уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш механизмларини, юридик техникани ва тартибга солишнинг таъсирини баҳолаш институтини қўллашни такомиллаштириш, халқаро ташкилотларнинг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлик фаолияти, қонун ижодкорлиги жараёнида экспертиза институтини такомиллаштириш, алоҳида ҳуқуқ соҳаларида қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш каби масалалар ёритиб берилган.

Тўплам Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Юристар малакасини ошириш марказида 2018-2020 йилларга мўлжалланган Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилаётган **“Давлат ва жамият тизимини ислоҳ қилишда қонун ижодкорлик жараёнини такомиллаштириш: миллий ва хорижий тажриба”** мавзусидаги ПЗ-2017093071-сонли амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида тайёрланган ва чоп этилган.

Ушбу тўплам депутат ва сенаторлар, давлат органларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ходимлари, профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, мустақил изланувчилар, шунингдек, қонун ижодкорлиги фаолияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

© Муаллифлар жамоаси, 2019 йил.

© Юристар малакасини ошириш маркази, 2019 йил.

## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....5

### I БЎЛИМ. ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ

- Ш.Файзиев.** Ўзбекистон Республикасида қонун ижодкорлигининг замонавий ҳолати ҳамда уни такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари.....8
- Х.Маматов.** Қонун ижодкорлиги: ушбу жараёни янада такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.....13
- Х.Одилқориев.** Қонун ижодкорлигининг сифати – инновацион янгиланишнинг марказий муаммоси.....22
- Дж.Сафаров.** Тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари.....29
- А.Рахимов.** Норма ижодкорлиги фаолиятининг конституциявий принциплари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимини такомиллаштириш.....36
- Ш.Бердияров.** Норма ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашни такомиллаштириш масалалари.....40
- А.Муминов.** БМТ тизимидаги ихтисослашган халқаро ташкилотларнинг норма ижодкорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.....48
- А.Йулдошев.** Перспективы согласования проектов нормативно-правовых актов с институтами гражданского общества в Узбекистане.....53
- А.Рўзиев.** Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашга оид ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг ечими.....58
- А.Чинмирзаев.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш.....64

### II БЎЛИМ. ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЭКСПЕРТИЗА ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

- Б.Исмаилов.** Зарубежный опыт осуществления антикоррупционной экспертизы проектов нормативных актов.....71
- Ш.Дехканов.** Правовые аспекты экспертного сопровождения норматворческой деятельности: сравнительно-правовой анализ.....76
- Ф.Абдиева.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда гендер-ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг ташкилий масалалари.....82
- У.Абдубаннаев.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари.....85

### III БЎЛИМ. АЛОҲИДА ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИДА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

<b>О.Окюлов.</b> Қонун ижодкорлиги жараёни талаблари асосида фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари.....	91
<b>Б.Тошев.</b> Хорижий давлатлар ҳуқуқ тизимида фуқаролик ҳуқуқи қонунчилигини шакллантиришнинг айрим жиҳатлари.....	98
<b>Г.Худайбердиева.</b> Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг айрим жиҳатлари.....	102
<b>Б.Тошев, О.Исроилов.</b> Интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида Ўзбекистон қонунчилигини Европа Иттифоқи стандартларига яқинлаштириш йўллари.....	108
<b>М.Нурматов, О.Холиков.</b> Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришга оид қонунчиликнинг замонавий ҳолати.....	113
<b>А.Нуридуллаев.</b> Атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда халқаро тажрибанинг ўрни.....	119
<b>О.Исроилов.</b> Ўзбекистонда интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилигини кодификация қилишнинг истиқболлари.....	126
<b>А.Анорбоев.</b> Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузишнинг ҳуқуқий ҳолати.....	131
<b>Б.Усмонов.</b> Жинойий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш масалалари.....	145
<b>Р.Шакуров.</b> Значение принципов Конституции в реализации норм уголовно-процессуального закона.....	148
<b>А.Анорбоев.</b> Кибертерроризм ва унга қарши курашишнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш йўллари.....	153

### ИЛОВАЛАР

Қонун ижодкорлиги жараёнига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили.....	168
Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар.....	192

## СЎЗ БОШИ

Ҳозирги вақтда демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишнинг барқарор ва мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асосларини яратилиши жараёнида қонунийликни таъминлаш ва қонун устуворлигига устувор аҳамият қаратилиб келинмоқда. Айниқса, 2017-2018 йилларда қонун ижодкорлиги жараёни тубдан ислоҳ этилиб, сезиларли даражада жадаллашганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш биринчи устувор йўналиш сифатида белгиланди.

Айни дамда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан қонун ижодкорлик жараёни, шу жумладан, қонун ҳужжатларининг ўз вақтида ва сифатли тайёрланиши ва қабул қилиниши билан узвий боғлиқ. Чунончи, Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши доирасида 2017–2019 йилларга мўлжалланган давлат дастурларида 20 дан ортиқ қонун ва кўплаб қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши белгиланган. Бу ўз навбатида мамлакатимизда ҳуқуқий ислоҳотлар ўз қонунчилик асосларига эга эканлигидан далолат беради ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнини янада ривожлантиришни тақозо этади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги “Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббусқори ва асосий ижрочиси бўлиши керак” деб номланган маърузаларида ҳам қонун ижодкорлиги ва қонунларнинг сифати билан боғлиқ долзарб вазифаларни белгилаб бердилар.

Таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда қонунийлик, қонун устуворлиги сингари конституциявий-ҳуқуқий принципларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар амалга оширилди. Хусусан:

**Биринчидан,** қонун лойиҳаларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг демократик тартиб-қоидалари жорий этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳузурида Қонун лойиҳаларини ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишни ташкил этиш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ тузилди. Қолаверса, Қонунчилик палатаси

фаолиятида сиёсий партия ва фракциялар ўрни ва роли янада кучайтирилди, қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни ишлаб чиқиш ҳуқуқи кафолатланди. Шунингдек, фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари депутатларга етказилиши ҳамда ҳисобга олиниши шартлиги белгиланди. Қонун лойиҳасини парламентда кўриб чиқиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилиб, Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқиш, келишув комиссиясини ташкил этиш тартиби аниқлаштирилди.

**Иккинчидан,** қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижодкорлиги такомиллаштирилди. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг, халқ депутатлари Кенгашининг, ҳокимнинг ва Марказий банкнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг норматив-ҳуқуқий (норматив) тусдаги қарорларини эълон қилиш, кучга киритиш ва кенг омма эътиборига етказиш тартиби аниқ-равшан белгиланди; Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг тўхтамлари эълон қилинадиган расмий манбалар аниқлаштирилди. Қонун лойиҳасини тайёрлаш учун ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакиллари кириши белгиланди.

**Учинчидан,** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш тартиби ва ҳуқуқ ижодкорлиги билан боғлиқ қоидаларга қатъий амал қилиш тартиб-таомиллари белгилаб берилди. Хусусан, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиши учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилди. Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш муддати тўғрисидаги қоида киритилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибига Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси тузилди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши тизими йўлга қўйилди.

**Тўртинчидан,** қонун ижодкорлиги сифатини тубдан ошириш билан боғлиқ механизмлар янада кучайтирилди. Масалан, қонун ижодкорлигида халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг таҳлилий қиёсий ўрганилиши шарт қилиб белгиланди. Парламентнинг қонун ижодкорлик фаолиятининг илмий ва эксперт-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди. Қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари прогноз қилишнинг қонуний асослари яратилди, қонун

ижодкорлигига олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари жалб қилиш учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

**Бешинчидан,** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби сезиларли даражада ислоҳ этилди. Чунончи, ҳуқуқий экспертиза ўтказишда эътиборга олинмаган ҳолатлар аниқлаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди, вазирлик зиммасига: қонунлар лойиҳаларини ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан ҳам ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши, шунингдек, қонунлар лойиҳаларини улардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асоссиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлилни амалга ошириши; ҳуқуқий экспертизани ўтказишдаги иштироки билан боғлиқ қоидалар такомиллаштирилди.

Шу билан бир қаторда ҳозирги вақтда қонунчилик билан боғлиқ барча босқичларни, шу жумладан, қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш – қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш – уларни ижрочиларга етказиш – ижро этиш – ижросини назорат қилиш – қонунни бажармаслик учун жавобгарликни камраб олувчи **қонунчилик стратегиясини** тубдан такомиллаштириш зарур.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, қонун ижодкорлик жараёни ва уни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини таҳлил қилиш ва уларга илмий ҳамда амалий ёндашув асосида тавсиф бериш, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида қонунчилик соҳасидаги мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунини янада такомиллаштириш масаласини илмий-амалий жиҳатларини хорижий ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда атрофлича очиб бериш долзарб ва муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

# **I БЎЛИМ. ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ**

**Шухрат ФАЙЗИЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов қонунчилиги ва замонавий технологиялар бўйича ўқув маркази директори, юридик фанлар доктори, профессор*

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ҲАМДА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг демократик-ҳуқуқий давлат барпо этишнинг барқарор ва мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асосларини яратди. Ушбу жараёнда қонунийликни таъминлаш ва қонун устуворлигига устувор аҳамият қаратилиб келинмоқда.

**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида** қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ. Шу боис, сўнгги йилларда қонунийлик, қонун устуворлиги сингари конституциявий-ҳуқуқий принципларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фракциялар (депутатлар гуруҳи)нинг қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари депутатларга етказилиши ҳамда ҳисобга олиниши шартлиги белгиланди. Вазирлар Маҳкамасининг, халқ депутатлари Кенгашининг, ҳокимнинг ва Марказий банкнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти такомиллаштирилиб, уларнинг норматив-ҳуқуқий (норматив) тусдаги қарорларини эълон қилиш, кучга киритиш ва кенг омма эътиборига етказиш тартиби аниқ-равшан белгиланди.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга киритиши учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилди; қонун ижодкорлигида



халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг таҳлилий қиёсий ўрганилиши шарт қилиб белгиланди; ҳуқуқий экспертиза ўтказишда эътиборга олинadиган ҳолатлар аниқлаштирилди; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кучга кириш муддати тўғрисидаги қоида киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди, вазирлик зиммасига: қонунлар лойиҳаларини ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги нуктаи назаридан ҳам ҳуқуқий экспертизадан ўтказиши, шунингдек, қонунлар лойиҳаларини улардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароитлар яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун уларнинг асоссиз харажатлар қилишига олиб келувчи ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан таҳлилни амалга ошириши; қонун лойиҳасини тайёрлаш учун ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакиллари кириши белгиланди; ҳуқуқий экспертизани ўтказишдаги иштироки билан боғлиқ қоидалар такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида Қонунчилик ижроси устидан назорат бош бошқармаси тузилди; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонун ҳужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши тизими йўлга қўйилди.

Парламентнинг қонун ижодкорлик фаолиятининг илмий ва эксперт-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди, Қонунчилик палатаси фаолиятида сиёсий партия ва фракциялар ўрни ва роли янада кучайтирилди, қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни ишлаб чиқиш ҳуқуқи кафолатланди, қонуннинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа оқибатлари прогноз қилишнинг қонуний асослари яратилди, қонун ижодкорлигига олимлар, мутахассислар, фуқаролик жамияти институтларининг вакилларини жалб қилиш учун кенг шарт-шароитлар яратилди, қонун лойиҳасини парламентда кўриб чиқиш тартиб-таомиллари такомиллаштирилди, Сенат томонидан рад этилган қонунни

қайта кўриб чиқиш, келишув комиссиясини ташкил этиш тартиби аниқлаштирилди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятининг намунавий регламенти, қонун лойиҳаси концепциясига, қонун лойиҳасига илова қилинадиган тушунтириш хати, таҳлилий ва ахборот материалларига қўйиладиган асосий талаблар тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили лавозими жорий этилди. Қонун лойиҳаси манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан келишилгунига қадар мажбурий равишда жамоатчилик ва (ёки) мутахассислар муҳокамасига киритилиши тартиби жорий этилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши тартиби жорий этилди. Жамоатчилик ташаббусларини муҳокама қилиш ва вакиллик органлари томонидан кўриб чиқиш имконини берувчи **“Mening fikrim” веб-портали** ишга туширилди. Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси қабул қилинди ҳамда унинг доирасида тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллаштириш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш борасида чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон **“Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Фармони қабул қилиниши ушбу соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу Фармон билан тасдиқланган 5 асосий бўлимдан иборат бўлган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қонун ижодкорлиги жараёнини ҳам тубдан ислох этишни кўзда тутди. Юқоридагилардан ташқари мазкур Фармон асосида 26 банддан иборат бўлган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси ҳам тасдиқланди. Шубҳасиз Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қабул қилиниши идоравий ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил этиш тартиби ва асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янада такомиллаштиришни талаб этади.

Хусусан, юқоридаги Фармон асосида давлат органлари томонидан қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш

ташаббусига фақатгина ушбу органларнинг кўтарилаётган масалалар ёки муаммоларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган амалдаги нормалар ва маъмурий тартиб-таомиллар орқали ҳал қилиш ваколати бўлмаган тақдирда йўл қўйилиши белгиланди.

Шунингдек, қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини қўллаш, улар кучга кирган пайтдан эътиборан ижросини ташкил этиш юзасидан қўшимча ички идоравий ҳужжатлар қабул қилишга доир мажбуриятлар юклатилмаган ҳолда амалга оширилиши тартиби жорий этилди.

Қолаверса, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш чоғида унга, қоида тариқасида, қонун ва қонуности ҳужжатларини такомиллаштириш, ташкилий-техник чораларни амалга ошириш, шунингдек, қонун лойиҳасини кенг кўламда тарқатиш ҳамда унинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб қилиш бўйича масалаларни ўз ичига олган **қонун лойиҳасини амалга оширишга доир тадбирлар режаси** илова қилиниши белгиланди. Бунда, тадбирлар режаси қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан маъқуллаш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан унинг ижроси устидан таъсирчан назоратни таъминлаган ҳолда тасдиқланади.

Яна бир муҳим янгилик – янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи айнан бир хил юридик кучга эга ҳужжатни бекор қилиш билан бир вақтда ёки унга таклиф этиладиган ўзгартишлар киритиш орқали, шу жумладан, уни янги таҳрирда баён этган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”**ги қарорининг қабул қилиниши ҳам қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришда муҳим кадам бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори билан илк мартаба мамлакатимизда **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими** жорий этилди.

Ўз навбатида Ягона электрон тизим қуйидаги устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига кўриб чиқиш, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда келишиш (виза қўйиш) учун, шу жумладан уларнинг кенг жамоатчилик ва

мутахассислар муҳокамасини ўтказиш учун бир вақтнинг ўзидда ва тезкор жўнатиш имкониятини яратиш;

амалга оширилган ҳаракатларни автомат тарзда расмийлаштириш, тақдим этиш ва қабул қилиш саналарини қайд этиш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнининг шаффофлигини таъминлаш;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини, шу жумладан визаларнинг ҳақиқийлиги ва уларнинг долзарблигини тасдиқлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ва келишиш (виза қўйиш) жараёнида амалга оширилган ҳаракатлар, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича таклифлари ва эътирозлари тўғрисида ахборотни тўплаш ва сақлаш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёни ҳамда келишиш Ягона электрон тизим орқали амалга оширилган манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги ахборотни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ягона электрон базасини юритиш, шунингдек, ахборот-таҳлилий ва статистик маълумотларни шакллантиришда ягона электрон базадан фойдаланиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнини реал вақт режимида бошқариш, мониторинг ва назорат қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан келишиш (виза қўйиш) жараёнида вақтни ва меҳнат ресурсларини сезиларли тежаш.

Таъкидлаш лозимки, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ва кейинги даврда – манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқилган ва келишилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ҳужжатлари лойиҳалари келишиш (виза қўйиш) ҳамда кейинчалик қабул қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига **фақат Ягона электрон тизим орқали электрон кўринишда киритилиши белгиланди.**

Юқоридаги сингари замонавий тенденциялар ўз навбатида 2012 йилда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунни қонун ижодкорлиги жараёнидаги сўнгги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган ва тегишли тартибда давлат органлари, экспертлар ҳамда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилмоқда.

Биз қонун ижодкорлик жараёни тизими, объектлари, субъектлари, талаблари ва амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган янги тахрирдаги **Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”**ги Қонуни лойиҳаси юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдирамыз:

**1.** Қонун лойиҳасининг янги тахрири тўғридан тўғри амал қилувчи, консолидациялашган ҳужжат сифатида қонун ижодкорлик жараёнининг барча босқичларида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган барча субъектларнинг фаолиятининг асосий йўналишлари ва хусусиятларидан иборат қоида-талабларни белгилаши лозим. Қонун ижодкорлик жараёни мониторинг қилинганда ташаббус ҳуқуқига эга субъектларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти яъни ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва амалга ошириш механизми асосан идоравий ҳужжатларда тор белгиланган. Фикримизча қонун ижодкорлик жараёни субъектлари фаолияти учун умумий ва махсус қоида-талабларни Қонун лойиҳасида белгиланиши ушбу органларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаоллиги ва кафолатларини мустаҳкамлайди.

**2.** “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси барча қонун ижодкорлик жараёни тизимини қамраб олувчи қоида ва талабларни белгилаши лозим. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрдаги “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги ҳамда 2000 йил 14 декабрдаги “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги қонунлари нормаларини ҳам бирлаштириш мақсадга мувофиқ.

**3.** “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида қонун ижодкорлик жараёни билан боғлиқ асосий тамойиллар, талаблар ва давлат органларининг ваколатлари ва ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Шунини таъкидлаш лозимки, бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, экспертиза қилиш, муҳокама қилиш, эълон қилиш ва қабул қилиш қоида-талаблари асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг ўндан ортиқ қарори ва буйруқлари билан тасдиқланган турли низом, йуриқнома, регламент, тартиб ва қоидаларда мустаҳкамланган. Янги тахрирдаги ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан ҳукумат ва адлия органларининг қарор ва буйруқлари

билан тасдиқланадиган ҳужжатларни бир-бирини такрорловчи қоидаларини ихчамлаштирган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

**4.** Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш турлари белгиланган. Қонун ости ҳужжатларида асосан лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш қоида-талаблари мустаҳкамланган. Лекин идоравий ҳужжатларда норматив-ҳужжатлар лойиҳаларини иқтисодий, молиявий, экологик ва лингвистик экспертизадан ўтказиш тартибини белгилаш эътибордан четда қолган. Фикримизча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, лингвистик ва антикоррупциявий экспертизадан ўтказиш тартиби ва талабларини мазкур қонунда белгилаш зарур.

**5.** Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг умум назарий йўналишлари белгиланган. Фикримизча ҳар қандай қонун ва қонун ости ҳужжати лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш зарурлиги нуқтаи назаридан Мазкур қонун лойиҳасида алоҳида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш” бобида ушбу экспертизани ўтказиш тартиби, коррупциявий омиллар ва уларни классификацияси, давлат органлари мансабдор шасларининг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби моддалардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир.

**6.** Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ижросини мониторинг ва назорат қилиш билан боғлиқ муҳим моддада асосий йўналишлар ва умумий талаблар белгиланган. Бугунги кунда қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган мониторинг ва назорат қилиш институтлари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, қонун лойиҳасида мониторинг ва назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга давлат органлари ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мониторинг ва назоратни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий таъсир чоратадбирлари билан боғлиқ конкрет қоида-талабларни мустаҳкамлаш зарур.

**7.** Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, ташаббус қилиш ва ишлаб чиқиш билан боғлиқ конкрет қоида-талаблар алоҳида бобда белгиланган. Ушбу босқич жуда муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда фикримизча ушбу бобга қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда қатнашган ишчи гуруҳ, экспертлар, мутахассислар ва фуқароларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ қоидаларни белгилаш лозим. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Давлат хизматлари ягона электрон порталида муҳокамасида ўз таклиф ва тавсиялари билан фаол қатнашган олимлар, амалиётчилар ва фуқароларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш билан боғлиқ қонунда киритиш жуда муҳимдир.

8. Ҳозирги кунда қонун ижодкорлик соҳасидаги энг муҳим муаммолардан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва экспертизадан ўтказиш соҳасида чуқур билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юрист ва экспертларларни тайёрлаш ҳисобланади. Шу муносабат билан Тошкент давлат юридик университетида “Қонунчилик техникаси ва ҳуқуқий экспертиза” махсус кафедрасини ташкил этиш ҳамда бакалавриат йўналишида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими”, “Қонун ижодкорлик жараёни” ва “Лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш” каби махсус курсларни ўқув дастурига киритиш ҳамда ихтисослашган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш” магистратура йўналишини очиш ва кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш жуда зарурдир.

9. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида “Қонун ижодкорлик жараёнини такомиллаштириш масалалари”, “Давлат органларининг норма ижодкорлиги самарадорлигини ошириш ва баҳолаш”, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, лингвистик ва антикоррупциявий экспертизадан ўтказишнинг назарий ва амалий муаммолари” ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш: миллий ва хорижий тажриба” мавзуларда тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан грантларни белгилаш ушбу муҳим фаолиятнинг назарий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.



**Худоёр МАМАТОВ**

*Юристар малакасини ошириш маркази директорининг  
биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори,  
профессор, биринчи даражали адлия маслаҳатчиси*

## **ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ: УШБУ ЖАРАЁННИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА**

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” номли маърузасида юртимизда ҳозирги кунга қадар барча жабҳада, чунончи, қонун ижодкорлиги соҳасида эришилган ютуқ ҳамда марралар

чукур таҳлил этилган ҳолда, бундан кейин ривожланишнинг қайси вазифалари диққат-эътиборимизда бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳам тўхталиб ўтди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ҳар қайси ҳуқуқий давлат ўз сиёсатини амалга оширишда қонун устуворлиги принципининг сўзсиз риоя этилишини таъминлашга интилади.

Қонуннинг мавқеи унинг нечоғли амал қилинишига боғлиқлигидан келиб чиқиб айтиш жоизки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ишлаб чиқилишидан то кучга киргунгача бўлган барча босқичнинг самарали ташкил этилиши унинг ҳаётийлигига, халқчиллигига ва пировардида амалиётда бевосита қўлланилишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, муайян ижтимоий муносабатни ҳуқуқий тартибга солиш тизими мукамал бўлишини таъминлаш мақсадида қонунларнинг ўзида унинг ижро механизмларини имкон қадар тўла акс эттириш ёки қабул қилинаётган қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши билан боғлиқ барча қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари лойиҳаларини қонун кучга киргунгача бўлган жараёнда тайёрлаш ва ўз вақтида эълон қилиш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самарасини оширишда, шу билан бирга, қонуннинг ижтимоий мавқеи юксалишида муҳим аҳамиятга эга. Бунда қонун ижодкорлиги жараёнида иштирок этувчи барча субъектдан юксак масъулият ва профессионал ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармонида<sup>1</sup> эътироф этилганидек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>2</sup> қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу билан бирга, белгиланган кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши маълум даражада ўтган йилларда шаклланган қонунчилик базасига, шунингдек, норма ижодкорлиги жараёни сифатига боғлиқ.

Ушбу йўналишда мавжуд бўлган камчиликлар турли соҳалардаги ижтимоий муносабатларни тарқоқ ҳолда тартибга солиш салбий амалиётининг давом этишига олиб келмоқда, бу эса ҳуқуқий коллизиялар,

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.



ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Қонун ижодкорлиги ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда биринчи навбатда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий орган Парламент институти гавдаланади. Бу бежиз эмас. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасида, “Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди, Олий суди, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади”<sup>1</sup> деб белгилаб қўйилган. Демак, қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектларнинг барчаси ишлаб чиққан қонун лойиҳаларини дастлаб, Парламент қўйи палатаси бўлган Қонунчилик палатасига киритади.

Шу ўринда хорижий мамлакатларнинг тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, турли мамлакатларда қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи турлича тақдим этилган. Баъзи бир мамлакатларда фақат парламент депутатлари, баъзиларида эса, давлат бошлиғи, ҳукумат қонунчилик ташаббусига эга бўлади. Масалан, Америка Қўшма Штатлари қонунчилигида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига фақатгина парламентарийлар эга (Бюджет лойиҳаси бундан мустасно).

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, давлат ҳокимиятининг энг муҳим институтларидан бири сифатида қонун ижодкорлигининг ўчоғи бўлган миллий парламентни ривожлантириш асосий вазифа қилиб белгиланди. Ҳуқуқшунос олимларнинг миллий парламентаризм ривожланиши билан боғлиқ илмий изланишларига эътибор қаратадиган бўлсак, уни учта асосий даврга бўлиш зарурлиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади. Хусусан, “Миллий парламентаризм: тажриба ва истиқбол”<sup>2</sup> сарлавҳали мақолада истиқлол йилларидаги парламентаризм ривожланиш босқичлари қўйидагича таснифланади. Биринчи давр: 1991-1994 йиллар, иккинчи давр 1995-2004 йиллар, учинчи давр 2004 йилдан 2017 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3-4-сон, 27-модда.

<sup>2</sup> Миллий парламентаризм: тажриба ва истиқбол. – Тошкент, Ҳуқуқ ва бурч. 2006. – № 1. – Б. 5-7.

Дарҳақиқат, олимимизнинг миллий парламентимиз ривожланишини юқорида келтириб ўтилган уч даврга бўлишида ҳам назарий ҳамда амалий жиҳатдан бир қатор асослар бор.

Мамлакат мустақилликка эришганидан кейин давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг асосий шартларидан бири бу – ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга амалий тадбиқ этишдан иборат бўлди. Шу нуқтаи-назардан миллий парламент фаолиятининг дастлабки, даврида мамлакатимиз мустақиллиги учун муҳим қонунлар энг асосий шу даврда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Бундан ташқари, ўша пайтда “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги ва бошқа шу сингари бир қатор ўта муҳим қонунлар қабул қилинган.

Иккинчи давр қарийб ўн йилни ўз ичига олган давр бўлиб, 250 нафар депутатдан иборат бир палатали қонун чиқарувчи вакиллик органи фаолият олиб борган.

2004 йилнинг охири ҳамда 2005 йилнинг бошида бўлиб ўтган сайловлар натижасида эса, Ўзбекистон Парламенти бир палатали парламентдан икки палатали парламентга айлантирилди. Ва мамлакатимизда парламент ислохотларининг янги даври бошланди. Бир палатали парламентдан икки палатали парламентга ўтказилишининг асосий мақсади қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш эди. Икки палатали парламентга ўтилганидан кейин, қонун ижодкорлиги жараёнида принципал жиҳатдан энг ривожланган демократик ҳуқуқий давлатларнинг бу борадаги тажрибасини қўллаб ҳар томонлама пишиқ ва пухта қонунларни ишлаб чиқиш бўйича тажриба тўпланди. Шу билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган миллий қадриятлари ҳам эътибордан четда қолгани йўқ.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрларини ривожлантириб айтиш мумкинки, миллий парламент ривожланишининг учинчи даври 2005 йилдан бошланиб, 2017 йилнинг 22 декабригача давом этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномадан бошлаб, Парламентнинг тўртинчи мутлақо янги даври бошланди. Сабаби, Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон тарихида биринчи бор қилинган ушбу Мурожаатномасида Олий Мажлис олдига бир қатор муҳим вазифаларни қўйди. Янги даври дейишимизга яна бир сабаб шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Мурожаатномасида 2017 йилни мамлакатимиз тараққиётимизнинг янги босқичи деб эътироф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Мурожаатномада Олий Мажлис фаолиятига танқидий-тахлил билан баҳо берди ва қуйидаги фикрларни билдирди. “Йил давомида билдирилган 136 та қонунчилик ташаббусидан бор-йўғи 27 таси депутатларга тегишли бўлиб, улар ҳам асосан амалдаги қонунларга Президентнинг фармон ва қарорларидан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалардир. Шунинг ўзи парламентимиз фаолияти самараси етарли эмаслигини кўрсатмайдими?”

Нима, ислохотларни амалга ошириш учун фақат Президент фармон ва қарорлар қабул қилиши керакми?

Қачон парламент, майли, кўп эмас, ҳеч бўлмаса битта соҳани тубдан яхшилашга қаратилган қарор ёки қонун ишлаб чиқади? Қачон бўлади бу иш?”<sup>1</sup>

Давлатимиз раҳбарининг тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу Мурожаатномасида депутатларимиз фаолиятининг қонун ижодкорлиги йўналиши бўйича билдириб ўтган танқидий-тахлилий фикрлари ниҳоятда асосли. Бу юқорида келтирилган рақамлардан ҳам кўриниб турибди.

Биз шартли равишда Парламент ривожланишининг тўртинчи даври деб эътироф этганимиз бежиз эмас. Президентимиз томонидан Мурожаатномада илгари сурилган ғоялар ҳамда ташаббуслар Парламент аъзолари олдида янги вазифаларни қўйди. Қуйи палатадаги ҳар битта партия фракциялари ва унинг депутатлик корпуси олдида мана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, иш фаолиятига янгича ёндашув асосида қараш масъулияти юклатилди.

Эндиликда Парламент иш услубини тубдан ўзгартириш зарурияти вужудга келди. Парламентнинг ҳар иккала палатаси қоғозбозлик ва турли расмийликдан қочиб, жамиятдаги муаммоларга, унинг илдизига етиб бориб ҳамда юзакиликдан аниқ амалий ишларга ўтиши зарур.

Бугун оммавий ахборот воситалари орқали Парламент фаолиятини кузата туриб, улар фаолиятида жонлашиш бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, улар турли комиссиялар ва Ишчи гуруҳлари тузиб, ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ва Давлат дастурларининг ижросини чуқур ўрганиб чиқишмоқда. Бу орқали самарали Парламент назоратини йўлга қўймоқда.

Қонун ижодкорлиги ҳақида фикр юритилар экан, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бу – доимий равишда ривожланиб борадиган, мамлакатдаги ислохотларга уйғун ҳолатда муттасил такомиллашиб борадиган ижодий жараён бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги “Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлашга доир ташкилий чора-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти

тадбирлар тўғрисида”ги Фармойишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Парламент қуйи палатасида Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери раҳбарлигида Ишчи комиссия тузилди.

Ўтган вақт мобайнида қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича миллий тажриба ва илғор хорижий амалиёт чуқур таҳлил қилинган. Ушбу соҳа бўйича фаолият юритаётган малакали мутахассислар, олимлардан иборат таркибда эксперт гуруҳлари тузилиб, уларнинг таклиф ва тавсиялари умумлаштирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясининг дастлабки лойиҳаси тайёрланди.

Комиссия фаолиятининг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августда “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Фармон билан тасдиқланган концепция талблари бугунги кунда қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳам, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар фаолиятининг ҳам устувор йўналишига айланиб улгурди.

Концепциянинг аҳамиятли жиҳатлари шундан иборатки, унда ижтимоий муносабатларни қонуности ҳужжатлари билан тартибга солишни қисқартириш, иқтисодиётга қонун ҳужжатлари нормаларини бажариш билан боғлиқ юкни босқичма-босқич камайтириш, қонун ижодкорлиги жараёнига замонавий инновацион механизмлар ва ёндашувларни, ҳуқуқий тартибга солишнинг янги тамойиллари ва воситаларини жорий этиш, мазкур жараёнда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, норма ижодкорлиги фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, барқарор қонунчилик базасини шакллантириш ҳамда қонун ижодкорлиги фаолиятининг илмий-амалий ва методологик асосларини янада мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган.

Концепцияда Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифати, уларга илова қилинаётган ҳужжатларнинг мукамаллиги, шу жумладан концепция ва тушунтириш хатларига қўйиладиган талаблар, қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳаволаки нормалардан воз кечиш ва норма ижодкорлиги соҳасидаги тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳақидаги масалалар ҳам алоҳида эътиборга олинган. Шунингдек, “One in two out”, “Sunset clauses”, “Open ended” сингари илғор замонавий услубларнинг, инновацион ёндашувларнинг, қонун лойиҳаларини баҳолаш ва уларнинг жамият ҳаётига ва

иқтисодиётга таъсирини прогноз қилиш тизими жорий қилиниши муҳим амалий аҳамиятга эга.

Маълумки, 2018 йилнинг 13 апрель куни давлатимиз раҳбарининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини тубдан такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатлар 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилгандир.

Адлия органлари ҳужжатларда назарда тутилган вазифалар ижросини таъминлашда, тизимдаги камчиликларни бартараф этишда “Одилона қонунларни қабул қилиш, жамиятда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир” деган концептуал ғояни ҳаётга татбиқ этиш орқали ягона давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширмоқда.

Қабул қилинган қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалар ижросини амалда таъминлаш, қонун ижодкорлиги соҳасидаги ислохотлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор этиш мақсадида Адлия вазирлигида унинг веб-сайти ва Ҳуқуқий ахборот телеграмм каналида “қонун ҳужжатларини такомиллаштириш”, “қонун ижодкорлиги”, “қонунчиликдаги янгиликлар” каби долзарб мавзуларда маълумотлар берилмоқда.

Юқорида эътироф этилган ҳужжатлар қатор янгиликларни қамраб олган. Эндиликда “республика – вилоят – туман (шаҳар)” уч поғонали принципи бўйича вертикал бошқарувни жорий этган ҳолда туман (шаҳар)ларда адлия бўлимлари ташкил этилди.

Бу билан бевосита жойлардаги ҳуқуқий муаммолар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари билан боғлиқ ҳолда таъминланишини чуқур ўрганиш, жамиятдаги аниқ ҳуқуқий ҳолатдан келиб чиқиб ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш имконияти яратилди.

2018 йилдан бошлаб, Адлия вазири давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғрисида ҳар йили Олий Мажлис Сенатига ахборот тақдим этади.

2018 йил 1 майдан бошлаб эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Президенти девонига фақат Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза якуни бўйича уларни

қабул қилишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги хулосаси мавжуд бўлгандагина киритилмоқда.

Шунингдек, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилиши лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари, 2019 йил 1 январдан мамлакатимиз ҳудудида 1993 йил 17 июнгача қабул қилинган ва Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган умуммажбурий идоравий ҳужжатлар, шу жумладан собиқ СССРнинг идоравий ҳужжатлари ўз кучини йўқотади. Бу борада Ҳукуматнинг “Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоравий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чоратадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2019 йилнинг 1 январига қадар собиқ СССР даврида қабул қилинган 171 та ҳужжат ўрнига 56 та замон талабларига жавоб берадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳужжатларда белгиланган стратегик йўналишлар мамлакатимизда норма ижодкорлиги жараёнида амалга оширилаётган ишларимизни янада мукамал ва халқчил бўлишга пойдевор яратди.

Қонун ижодкорлигидек, кенг қамровли ва катта масъулият талаб этиладиган жараёнда қонунчилик техникаси ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Хўш қонунчилик техникаси нима? Бу саволга шу соҳада йирик олим, ҳуқуқшунослик фанлар доктори, академик Акмал Саидов қуйидагича таъриф беради.

“Қонунчилик техникаси – қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг зарур ташкилий-техник қоида ва усуллар йиғиндиси, қонун лойиҳаларининг ички тузилиши, уларга ўзгартишлар киритиш, уларнинг тили ва услуби, ҳуқуқий атамашунослик, қонун лойиҳаларининг таржимаси ҳақидаги билимлар мажмуидир.

Қонунчилик техникаси мазмунан уч қисмдан иборат:

биринчиси, қонун ҳужжатларини юридик кучи нуқтаи-назаридан турини аниқлаш ва ташқи кўринишига ҳамда номланишига оид қоида ва услублар;

иккинчиси, қонун ҳужжатларининг мазмуни ва ички тузилишига доир қоида ва услублар;

учинчиси, қонун ҳужжатларини ифода этиш (ёзиш) қоида ва услублари (қонун ҳужжатларининг тили).<sup>1</sup>

Шу ўринда қонун ижодкорлиги жараёнидаги амалиётда кузатилаётган жиддий бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Амалиёт шуни кўрсатаптики, аксарият ҳолатларда Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари рус тилида тайёрланиб, кейин ўзбек тилига таржима қилинапти. Аввалом бор, таржима ҳам профессионал тарзда эмас, сўзма-сўз ўзбек тилига ўгирилаяпти. Мана шу таржима қонун лойиҳасининг тили ғализ бўлишига сабабчи бўлмоқда. Тил нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсак, ўзбек тилида ёзилиши бу мутлақо бошқача. Ҳар бир тилнинг ўз жозибаси, ўзига хос хусусиятлари бўлади. Таржимада эса, бу жозоба йўқолади. Энг муҳими баъзи бир сўз таржимаси ўша ўринга мутлақо тушмайди. Тўғри, Парламент палаталарида бу ҳолатни тузатиш билан боғлиқ “Норматив-ҳуқуқий атамалар” комиссияси фаолият юритади. Лекин, таржима барибир ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб туради. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонунининг 8-моддасида “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилинади ва эълон этилади.”<sup>2</sup>

Ҳар қандай соҳада бўлгани каби, қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам илғор хорижий тажриба ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда қонун ижодкорлиги бўйича тўпланган миллий тажриба билан илғор халқаро тажриба уйғунлаштирилиб борилишига алоҳида аҳамият қаратилади.

Хусусан, хорижий тажрибани ўрганиш борасида Парламентимизнинг Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ) ва Германия Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик фонди (IRZ) каби халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоиз, Германиянинг қонун ижодкорлиги жараёни ўзининг юқори сифати ва World Justice Project томонидан юритиладиган Қонун устуворлиги рейтингида жаҳонда 6-ўринни эгаллаши билан тавсифланади. Шу сабабдан ҳам жаҳоннинг кўплаб давлатлари томонидан Германия қонунчилик жараёнини ўрганишга бўлган қизиқишлар тобора ортиб бормоқда.

Ушбу ташкилотнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари билан бўладиган мулоқотларида қонун ижодкорлиги жараёнига замонавий услубларни ва механизмларни жорий этиш бўйича Германия тажрибасини чуқур ўрганиш ва унинг ижобий

<sup>1</sup> Саидов А. Ҳ. Қонун ижодкорлиги стратегияси ва қонунчилик техникаси – ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти тизимида //Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари. –Тошкент, 2005.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 41-сон, 449-модда

жиҳатларини Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади. Хорижий экспертлар томонидан қонун ижодкорлигининг замонавий услублари, жумладан, “One in two out”, “Sunset clauses”, “Open ended” принциплари ва бошқаларни чуқур ўрганиш, бу жараёнда жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш қонунларнинг сифатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида ҳам давлат ва жамият тизимини ислоҳ қилишда қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириб бориш ва бунда миллий ва хорижий тажрибани уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Халқаро ҳамжамият томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётган ушбу ислоҳотлар моҳиятида, албатта, инсон, унга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш орқали, манфаатлари, ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалда таъминлаш масаласи ётади. Прагматик ва пухта ўйланган шиддатли ислоҳотлар стратегияси айнан шу мақсадга йўналтирилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.



**Хожимурод ОДИЛҚОРИЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказининг кафедра мудири, профессор*

## **ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИНИНГ СИФАТИ – ИННОВАЦИОН ЯНГИЛАНИШНИНГ МАРКАЗИЙ МУАММОСИ**

Мамлакатимизда ҳозирги инновацион тараққиёт йўлига ўтиш босқичида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларнинг самараси ҳамда натижадорлиги кўп жиҳатдан қонун ижодкорлиги ва унинг маҳсули қонунларнинг сифатига боғлиқ. Ушбу методологик аҳамиятга молик фикр Ҳаракатлар стратегиясида кўйидагича талқин қилинган: “Қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш”



давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир<sup>1</sup>.

Ушбу вазифанинг ҳаётий ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августда қабул қилинган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони<sup>2</sup> муҳим аҳамият касб этади. Унда қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланган: қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш; норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш; норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш<sup>3</sup>.

Қонун ижодкорлиги жараёнини оптималлаштириш нуқтаи назаридан таъкидлаш муҳимки, ушбу ҳужжатда ҳуқуқий тизимни инсонпарварлаштириш борасидаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда қонун яратиш ишларининг концептуал асосларини, устувор йўналишларини белгилаш; қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш механизмларини такомиллаштириш; қонун чиқариш фаолиятида тизимлилик ва изчилликни таъминлаш вазифалари қўйилди.

Этимология нуқтаи назаридан “норма ижодкорлиги” категорияси, “ҳуқуқ ижодкорлиги” тушунчасидан анча кенгдир. Биринчи тушунча мазмунига ҳуқуқ ижодкорлигидан ташқари, норма ижодкорлигининг барча шакллари, яъни сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотларининг сиёсий-партиявий ҳамда бошқа корпоратив нормаларни, шунингдек, ахлоқий, диний нормаларни яратиш бўйича фаолияти ҳам қиради. Юқоридаги ҳужжатда эса гап асосан ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти хусусида боради.

Юдирик адабиётларда ҳуқуқ ижодкорлиги талқинига икки хил ёдашув мавжуд. Бири – бу жараёни давлатнинг ҳуқуқий нормаларни шакллантиришга, расмийлаштиришга йўналтирилган фаолият шакли, функцияси деб қараш (анъанавий ёндашув). Иккинчиси эса, ҳуқуқ яратилишини жамиятнинг ривожланишига хизмат қилувчи ҳуқуқий тартибга солиш тизимини қарор топтириш мақсадида амалга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони. – Т., 2017, 10-бет.

<sup>2</sup> Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси. 09.08.2018й. №06/18/5505/1639.

<sup>3</sup> Ўша манба.

ошириладиган давлатнинг ташкилий уюшган фаолияти деб ҳисоблашдир (социологик-юридик ёндашув).

Анъанавий талқинга кўра, ҳуқуқ ижодкорлиги деганда, ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг (референдум чоғида – бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолияти тушунилади. Ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра, давлат идорасини норматив тарзда (ҳуқуқий қоидалар шаклида) ифодалашдир.

Социологик ёндашувга биноан, ҳуқуқ ижодкорлиги жамиятдаги турли-туман мураккаб ҳаётий вазиятларни ҳуқуқий тартибга солиш учун мутаносиб ҳуқуқий ечимни (моделни) топиш, бунга туртки бўлувчи ва таъсир этувчи ижтимоий омилларни инобатга олиш асосида ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлашни ва шу эҳтиёжларга мос ҳуқуқ нормаларини яратиш, эскиларини янгилаш ва нокеракларини бекор қилишга қаратилган фаолиятдир (С.В. Поленина). Бу жараён тўрт ёки беш босқичдан иборат тартиб-таомил (процессуал тартиб) тарзида кечадиган қонун (ҳуқуқ) ижодкорлиги тушунчасидан фарқ қилади, яъни анча кенгдир.

Социологик маънодаги ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳуқуқий нормани яратиш ғоясининг пайдо бўлишидан, шундай ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини аниқлашдан тартиб, токи уни расман юридик норматив тарзда ифодалаш, расмийлаштириш ва амалга киритишгача бўлган барча хатти-ҳаракатлар (фаолият) қўллаш қамраб олинади<sup>1</sup>. Бунда ҳуқуқни яратиш ва шакллантириш жараёнига, энг аввало, иқтисодий (моддий), сиёсий, ижтимоий, мафкуравий ва бошқа ижтимоий омиллар таъсир кўрсатади. Шу боис ҳуқуқ яратиш жараёнида ижтимоий омиллар имкон қадар тўла инобатга олинса, яратилаётган қонунлар (ҳуқуқий ҳужжатлар) жамият ривожланишининг объектив қонуниятларига, тараққиёт эҳтиёжларига шу қадар мос келади, ижтимоий ҳаёт билан уйғун бўлади<sup>2</sup>.

Юқоридаги фармон билан тасдиқланган “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепцияси” ҳам ҳуқуқ нормаларини яратишда жамият ҳаёти эҳтиёжларидан келиб чиқилишини назарда тутганлиги билан рамзий эътиборлидир. Жумладан, мазкур ҳужжатда қуйидаги сатрлар мавжуд: “муайян муаммони ўзга чоралар ҳал эта олмаса ҳамда давлатнинг тартибга солиш орқали аралашуви зарурлиги етарли даражада, шу жумладан мурожаатларни, жамоатчилик фикри сўрови натижаларини ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва таҳлил этиш негизида асосланган бўлсагина давлатнинг тартибга солувчи аралашувида йўл қўйиладиган тартибга солувчи

<sup>1</sup> Марченко М.Н. Проблемы теории государства и права. –М., 2015. – С. 660-661.

<sup>2</sup> Одилқориев Х.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Тошкент, 1995. – Б. 83.

қарорлар қабул қилиш учун асосларнинг етарлилиги принципининг амалда ишлашини таъминлаш” вазифаси белгиланган<sup>1</sup>. Бунда муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун зарур бўлган ҳужжатнинг муайян турини белгилаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметини аниқ ифодалаш муҳим аҳамиятга эга.

Концепцияда қонунларнинг, норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг яратилиши ва қабул қилиниши жараёнлари сифатини ошириш, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш алоҳида йўналиш тарзида белгиланган. Бунда сифат, шаффофлик, тизимлилик ҳамда жамоатчиликнинг бу жараёнга жалб этилишини таъминловчи концептуал жиҳатдан янги механизмларни жорий этишни назарда тутувчи норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни илгари суриш, ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда ижроси мониторингини такомиллаштириш марказий ўрин тутади.

Қонуннинг сифати ва нуфузи, унинг натижадорлиги, кўзланган мақсадга эришилишини таъминлаш, *бир томондан*, қонун ижодкорлиги жараёнининг демократик уюштирилганлигига, халқ манфаатлари ва иродасини тўла акс эттира олишига, *иккинчи томондан* эса, ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш механизмларини ўзида мужассам эта олишига боғлиқ. Қонунларнинг самарали қўлланиши, қатъий ижро этилишининг асосий шарти – уларнинг тегишли сифатли *ички* ва *ташқи механизмларининг* мавжуд бўлишидир. Демак, энг асосий масала – қонунларнинг мукамал ички механизмини яратиш, уларни мазмунан такомилга етказиб, шакллантиришдан иборат.

Хўш, қонуннинг ижросини таъминловчи механизм деганда нимани англаш лозим? Таъкидлаш жоизки, қонуннинг мантида, ички мазмунида унинг бажарилиш имкониятлари, шарт-шароитлари, ҳуқуқий механизмлари акс этирилиши лозим. Бундай ички механизм аслида қонуннинг матнида, мазмунида шакллантирилиши лозим. Ҳар қандай қонуннинг моддаси ҳуқуқий норма сифатларига эга бўлиши учун унда уч элемент: - яъни *гипотеза*, *диспозиция* ва *санкция* мавжуд бўлиши шарт. *Гипотеза* қонун қўлланадиган тегишли шарт-шароитнинг, реал тарихий вазиятнинг, аниқ замон ва макон (қонун билан тартибга солиш эҳтиёжи ҳамда тартибга солинишга муҳтож ижтимоий муносабатлар тизими)нинг зоҳир бўлишини назарда тутади. *Диспозиция* ҳуқуқий норманинг асосий мазмуни сифатида унда томонларнинг (ҳуқуқ субъектларининг) ҳуқуқ ва бурчлари батафсил аниқ ифодаланишини анлатади. Моддалари ва мазмунида ҳуқуқ ва бурчнинг мутаносиблиги ва узвий бирлиги таъминланмаса, қонун ишламайди. Чунки, қонунда мажбурият ўтовчи субъект мақомининг аниқ белгиланмаслиги ҳуқуқдор субъектнинг ҳуқуқ

---

<sup>1</sup> Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси. 09.08.2018й. №06/18/5505/1639.

ва манфаатлари таъминланмай, “хавода муаллақ” қолишига олиб келади. Ва ниҳоят, *санкция*. Санкция ҳар қандай юридик мажбурият бажарилишининг зарурий кафолатидир. Санкциянинг мавжудлиги, шунингдек, юридик мажбуриятнинг бажарилмаганлиги, ҳуқуқнинг бузилганлиги учун жавобгарликнинг муқаррарлиги қонун ички механизмининг муҳим талабидир. Башарти, юридик мажбурият лозим даражада бажарилмаса, бунинг учун муқаррар жавобгарлик келиб чиқмаса, жазо муқаррарлиги таъминланмаса, яна қонун ишламайди, унинг талаби ижро этилмай қолиб кетади.

Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаган қуйидаги фикрни эслаш мақсадга мувофиқ: “...ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир кўрсатмайдиган, ижро механизмларига эга бўлмаган, таъбир жоиз бўлса, “ўлик” қонунлар кимга керак?”<sup>1</sup>.

Қонунлар амал қилиши ва ижро этилишининг, улар устуворлигини таъминлашнинг *ташқи механизмлари* ҳам мавжуд. Уларни шартли равишда тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: а) юридик механизм; б) ижтимоий-ташкилий механизм; в) маънавий-риҳий механизм; г) социологик механизм<sup>2</sup>.

Қонунлар устувор бўлишига эришиш, уларнинг қатъий ижро этилишини таъминлаш учун юқорида эътироф қилинган ички ва ташқи механизмларнинг барчаси бақамти, комплекс тарзда ишлашини ташкил этиш зарур ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, таҳлил этилаётган Концепцияда ўзаро бир-бирига узвий боғлиқ икки жиддий муаммога эътибор қаратилган. Бири – тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш; иккинчиси – идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар салмоғини босқичма-босқич қисқартириш<sup>3</sup>.

Жумладан, ҳужжатларда “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмаётган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиққан ҳолда ҳамда асоссиз чекловлар, ортиқча маъмурий тариб-таомиллар ва тартибга солишнинг эскирган механизмларини бартараф этган ҳолда аниқ соҳалардаги муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва кодификация қилиш” – устувор йўналишлардан бири сифатида таъкидланади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, 26-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда барафсилроқ қаранг: Одиқориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. – Т., 2012, 345-354-бетлар.

<sup>3</sup> Қонунчилик маълумотларининг миллий базаси. 09.08.2018й. №06/18/5505/1639.

Фикримизча, барча қонунларни тўғридан-тўғри амал қиладиган тарзда ишлаб чиқиш, уларда тегишли процессуал механизмларни назарда тутиш ҳамма вақт ҳам уддалаш мумкин бўлмаган мушкул вазифадир. Назаримизда, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўғридан-тўғри қўлланадиган қонунларга ўхшайди. Аммо, улар ҳам Жиноят-процессуал кодекси ва Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги процессуал қонунлардаги механизмларсиз амалиётга жорий этилмайди.

Қонун ижодқорлиги амалиёти кўрсатишича, кўплаб қонунларнинг лойиҳасини тайёрлашда, ҳамма вақт ҳам улар матнида ташкилий ва процессуал механизмларни тўла-тўқис акс эттириш имкони мавжуд эмас. Масалан, 2019 йил майда қабул қилинган “Уруғчилик тўғрисида”ги ҳамда “Яйловлар тўғрисида”ги қонунларда турли минтақа ва вилоятлар учун тегишли нормативлар ва стандарт кўрсаткичларни белгилаш имкони бўлмади. Чунки, турли агро-техника талаблари ва нормативлар ҳар бир минтақа ва ҳудудларнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда алоҳида-алоҳида белгиланиши лозим. Шу боис бундай параметрлар ва мезонларни ўрнатиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилиши белгиланди<sup>1</sup>.

Норма ижодқорлиги жараёнига янги институт жорий этилаётганлиги эътиборни ўзига тортади. Гап қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколатини бошқа субъектларга ўтказиш (“делегирование полномочий”) институти ҳақида бормоқда. Адлия вазирлигининг 2019 йил 28 февралдаги хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган “Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” (янги таҳрирда) ги қонун лойиҳасида мазкур янги институт назарда тутилган (3 ва 44-моддалар).

Ҳуқуқий воқелигимизга мазкур институтнинг киритилишига эҳтиёж ва зарурат бормикин? У қандай самара бериши мумкин? Боз устига, қонун чиқарувчи ва фармон қабул қилиш ваколатини бошқа субъектга ўтказиш Конституция талабларига ҳам мувофиқ келмайди (93-модда). Қолаверса, ҳокимиятлар тақсимланиши принципига ҳам зид, деб ўйлаймиз.

Қонун ижодқорлиги жараёнининг самарасини ошириш, уни халққа яқинлаштириш, янада демократлаштириш асло ўз долзарблигини йўқотмайдиган масаладир. Фуқаролар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, тадбиркорлик субъектлари ва илм-фан ваколатларини жалб этиш ишларини самарали ташкил этиш орқали, – дейилади Концепцияда, – норма ижодқорлиги жараёнига жамоатчилик муҳокамаларининг таъсир даражасини оширишни тақазо этмоқда. Бунинг

---

<sup>1</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.02.2019 й., 03/19/521/2627-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 21.05.2019 й., 03/19/538/3155-сон

учун фуқароларга қонун лойиҳаларини барча босқичларида кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳақидаги ахборотни монеликсиз олиш имконини берувчи қонунчилик маълумотлари билан ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва Олий Мажлис палаталари фаолиятига татбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Қонун лойиҳалари бўйича парламент муҳокамалари жараёнининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини қуйидаги механизмларни жорий этиш йўли билан таъминлаш мумкин:

қонун лойиҳалари матнларини ва уларга доир таҳлилий материалларни ҳар бир ўқишдан кейин парламентнинг веб-ресурсларида тезкор эълон қилиб бориш;

реал вақт режимида таклифлар ҳамда мулоҳазаларни йўллаш имкониятини жорий этган ҳолда мазкур жараёнларни оммавий ахборот воситалари, шунингдек, парламентнинг веб-ресурсларида онлайн трансляция қилиш.

Илмий ва эксперт доиралар вакиллари, олий таълим муассасалари талабалари ва илмий даражалар олиш учун талабгорларнинг қонунчилик ва ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифларни ўз ичига олган илмий-таҳлилий фаолияти натижаларини, шу жумладан мазкур таклифларни ўз ичига олган онлайн ахборот тизимларини яратиш орқали кенг жалб этиш муҳимдир. Шунингдек, эксперт ҳамжамияти билан маслаҳатлашиш ва уларнинг салоҳиятидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланишнинг самарали механизмларини яратиш лозим.

Илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда замонавий иш усулларини ўргатиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, коррупцияга қарши ва бошқа турдаги экспертизасини амалга оширувчи давлат органлари ходимларининг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш ҳам жиддий масалалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг илмий асослантилганлигини фан ва амалиёт ўзаро ҳамкорлигининг оптимал моделини шакллантириш орқали таъминлаш долзарб вазифадир. Айни вақтда, қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш механизмининг янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Аввало, бундай экспертизанинг мақсади, уни ўтказиш тартиби, қонун лойиҳасининг юридик техника талабларига қанчалик жавоб бериши, экспертлик хулосаларига қўйиладиган талаблар, экспертиза ўтказиш муддатлари, экспертлик хулосасидаги фирк-мулоҳазаларни инобатга олиш мажбурийлиги ёки ихтиёрийлиги каби қатор масалалар ҳали ўзининг юридик ечимини топгани йўқ. Чамаси, бу ва шунга ўхшаш масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан

тартибга солувчи алоҳида қонунчилик ҳужжати қабул қилиниши керакдир.

Қонунчилик мавзусига оид социологик тадқиқотлар ўтказиб бориш муҳимлиги ҳамни таъкидлаш лозим.

Қонунларнинг самарали ишлаётганлигини, натижадорлигини парламент уларни қабул қилишидан кўзлаган мақсадларга эришилаётганлигини аниқлаш учун тегишли социологик тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Аммо, афсуски, юртимизда қонунчилик социологияси ривож топмади. Бу борада социолог-мутахассис кадрларни тайёрлаш ҳам йўлга қўйилмади. Масалан, агар сўнгги йигирма йил мобайнида “Таълим тўғрисида”ги қонун қандай самара бераётганлигини социологик ўрганишлар асосида аввалроқ аниқлаганимизда, ҳозирга келиб, академик лицей ва коллежлар тизими на таълим ва на тарбия борасида ўзини оқламади деган хулосага келмасмидик? Бинобарин, айнан шу оқибат туфайли юртимизда 11 йиллик ўрта таълим тизими жорий этилмади?

Шунингдек, бошқа кўплаб қонунларимиз нега “ўлик” ҳужжатлар тоифасига ўтиб қолмоқда, нега самараси паст? Бунга қандай омиллар таъсир этмоқда деган саволларга фақат чуқур илмий асосланган социологик тадқиқотлар эвазига жўяли жавоб топишимиз мумкин.

Қонун ижодкорлигини такомиллаштиришда юридик техника талабларига риоя этилиши, шунингдек унинг тили равонлиги, аниқ ва лўндалиги, кенг халқ оммасига тушунарли бўлишлиги ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Шу ўринда ҳали-ҳануз қонун лойиҳалари дастлаб рус тилида тайёрланиб, сўнг ўзбек тилига таржима қилинаётганлиги, таржимада эса анча ғализликларга йўл қўйилаётганлиги таажжубли эканлигини таъкидлаш жоиз. Қатор ҳолларда ҳорижий манбалардан нусха олиш, баъзан англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги институтларни асосиз равишда роман-герман ҳуқуқий тизимига мансуб бўлган Ўзбекистон ҳуқуқий воқелигига ўтказишга интилишлар кўзга ташланмоқда. Масалан, суд прецеденти институтини жорий этишга интилишлар мавжуд. Қонунларимиз матнида ҳорижий тиллардаги ибораларни ишлатиш (“импорт қилиш”) урф бўлмоқда. Жумладан, қонунчиликда “франшизинг”, “фючерс”, “лизинг”, “акцепт”, “оферта”, “кластер”, “депозитарий” ва бошқ.

Шунингдек яқинда ҳужжатларда пайдо бўлган “санация”, “тартибга солиш гильотинаси”, “деверсификация”, “аккредитив”, “арбитраж”, “лоукостер”, каби ибораларни маъно жиҳатдан аниқ ўзбекона таржималарни бериш қонунларимиз маъно-мазмунини халқимиз руҳиятига имкон қадар яқинлаштирган, уларнинг англаб, ихтиёрий ижроси таъминланишига муайян ҳисса қўшган бўлар эди.

Шундай қилиб, қонун ижодкорлигининг методологик, соф юридик, ташкилий-техникавий муаммоларина яхлит-ялпи тарзда ҳал этиш пировардида мазкур фаолиятнинг сифатини, шунингдек қонунларнинг самарали яхшилашга имкон бериши мумкин.



**Джахонгир САФАРОВ**  
*юридик фанлар доктори, доцент*

## **ТЎҒРИДАН ТЎҒРИ АМАЛ ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

Мамлакатимизда ўтган уч йил ичида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига асосан қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди.

Бунинг учун авваламбор, умумий тусга эга бўлган, амалга оширишнинг муайян механизми назарда тутилмаган, кўплаб ҳаволаки нормаларга эга бўлган, амалга ошириш учун кўплаб қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишни талаб қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётидан бутунлай воз кечган ҳолда **тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш механизмларини жорий этишга** алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, бу борада идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни имкон қадар қисқартириш, шунингдек, умумий тусдаги, ҳаракатсиз ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига таъсир этмайдиган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этишимиз мумкин.

Таъкидлаш лозимки, 2019 йилда қабул қилинган “Қурол тўғрисида” (46 модда), “Туризм тўғрисида” (45 модда), “Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида” (50 модда), Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига (103 модда) тўғридан тўғри амал қилиш механизмлари назарда тутилган.

Шу ўринда тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар қандай афзалликларга эга, нега ушбу масалага сўнгги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда, деган савол туғилиши табиий.

Тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар **биринчидан**, қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиради ҳамда шу



орқали парламентнинг давлат ҳаётидаги ролини мустаҳкамлайди. Бошқача айтганда, тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар парламентнинг нуфузига, обрўйига, кучли парламентни шакллантиришга ҳамда халқ ҳокимиятчилиги конституциявий принципини мустаҳкамлашга бевосита таъсир кўрсатади.

**Иккинчидан,** тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар ҳуқуқий коллизиялар, ҳуқуқни қўллашда турлича талқин қилиш ва мураккабликлар юзага келишининг олдини олади ҳамда шу орқали мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширилишига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда амалга оширилишига шароит яратади, шунингдек, амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди.

**Учинчидан,** тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлайди, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда ҳуқуқни қўлловчи идоралар ўз фаолиятини бевосита қонунлар асосида ташкил этади. Тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар тор идоравий манфаатларга асосланган қонун ости ёки идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни талаб этмайди ва шу орқали коррупциянинг олдини олишнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Мухтасар қилиб айтганда, **тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар – демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси** ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, тўғридан тўғри амал қилувчи қонунлар ҳақида сўз борганда, кўпчилик ҳаволаки нормалардан воз кечиш ҳақида фикр юритади. Ваҳоланки, ҳаволаки нормалар ҳам норма ижодкорлиги жараёнининг муҳим элементи бўлиб, ҳаволаки нормалардан буткул воз кечиб бўлмайди ва бу мақсадга мувофиқ ҳам эмас. Зеро, ҳаволаки нормалар қонун ҳужжатлари ўртасидаги ўзаро алоқани таъминлаб туради. Бунда ҳаволаки норма аниқ бўлишини таъминлаш лозим. Яъни, “қонун ҳужжатларига мувофиқ” деган ҳаволаки нормаларнинг ўрнига айнан қайси қонун ёки қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ҳаволани аниқ кўрсатиб ўтиш зарур бўлади.

Шу ўринда тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини жадаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган **Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси** муҳим роль ўйнади. Ушбу Концепцияда **тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш** устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларнинг ягона модели ёки намунаси мавжуд эмас. Ҳар бир қонун унда тартибга солинаётган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятидан

келиб чиққан ҳолда, тартибга солиш доирасининг тўлиқлиги, қонунни амалга ошириш учун маъмурий, процессуал ва бошқа механизмларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим.

Мамлакатимизда тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиёти тобора такомиллашиб бораётган бўлсада, бу борада ҳали яхлит бир тизим ишлаб чиқилмаган. Тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг етарли ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мамлакатимизда тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини ва механизмларини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

**Биринчидан**, янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда **қонунларнинг тўғридан тўғри амал қилишини алоҳида принцип даражасида мустаҳкамлаш** мақсадга мувофиқ. Мазкур принципни қонун лойиҳасида уни тўғридан тўғри амал қилиш ва амалга оширилиши учун зарур бўлган процессуал, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий механизмлар бўлиши шартлиги тўғрисидаги қоида билан ифодалаш мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, қонун лойиҳасидаги **ҳар бир ҳаволаки норма асослантилган бўлиши** ҳамда қонунни амалга ошириш бўйича **чоратадбирлар режасида уни амалга ошириш юзасидан аниқ чоралар белгиланиши** лозимлиги тўғрисидаги қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда аниқ-равшан мустаҳкамлаб қўйиш зарур.

**Учинчидан**, тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш шароитида кўп давлатларда **қонунга “иловалар”** қилиш амалиёти мустаҳкам кириб борган. Яъни, қонун билан жорий этиладиган тизимни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжат (масалан, ариза ёки ҳужжат намунаси) ёки схема шаклидаги маълумотлар қонуннинг ўзида илова қилинади. Бу орқали қонунни амалиётда қўллаш янада осонлашади ҳамда қонуннинг тўғридан тўғри амал қилиш даражаси сезиларли даражада ортади. Ҳозирча, гарчанд, бунинг учун етарли имконият бўлсада, миллий қонун ижодкорлиги жараёнида ушбу тизим йўлга қўйилмаган. Масалан, процессуал ҳужжат намуналари Жиноят-процессуал кодексга, Фуқаролик-процессуал кодексга, Иқтисодий-процессуал кодексга илова қилиниши мумкин ва ҳ.к.

**Тўртинчидан**, янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда **қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш чегараларини** белгилаб бериш зарур. Фикримизча, бунда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунлар асосида ҳамда уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Қонунда

қонунлар даражасида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар юзасидан қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни тақиқлаш таклиф этилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қайси масалалар бўйича қабул қилиниши мумкинлигини аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

**Бешинчидан**, қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида экспертлар лойиҳанинг тўғридан тўғри амал қилиши даражасига мажбурий баҳо бериш тартибини жорий этиш лозим. Яъни, ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича ҳулосада ушбу лойиҳа умумий тусдами ёхуд тўғридан тўғри амал қиладими, деган саволга жавоб берилиши лозим. Бунда башарти, лойиҳа умумий тусдаги қонун бўлса, уни тўғридан тўғри амал қилувчи қонунга айлантириш учун киритилиши талаб этиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилиши зарур.

**Олтинчидан**, янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ҳамда “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тўғридан тўғри амал қилиш механизмларига эга бўлмаган қонун лойиҳаларини киритишни тақиқловчи нормани** киритиш мақсадга мувофиқ.

**Еттинчидан**, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда **норма ижодкорлиги фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш** ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, қонунларда барча муносабатларни ҳам тартибга солишнинг имкони бўлмайди, уни қўллаш билан боғлиқ айрим масалалар қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши кўзда тутилиши мумкин. Мазкур ҳолатларда парламент қонунда кўзда тутилган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмуни, унинг қонунда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга мослигини, ҳаволаки норма тўлақонли реализация этилганлигини баҳолаш нуқтаи назаридан **қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўрганиши кўринишидаги парламент назоратининг янги шаклини жорий этиш зарур.**

**Саккизинчидан**, тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишда лойиҳаларни **жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** тартиб-таомиллари муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда мазкур йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳали-ҳануз жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилган лойиҳалар билан танишиб чиқадиган аҳоли қисми кўпчилиكنи ташкил этмайди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири шундаки, мутахассис бўлмагани сабабли жамоатчилик учун кўп ҳолларда мураккаб тилда ёзилган ва катта ҳажмли лойиҳалар билан танишиш

маъқул келмайди. Шу боис, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик муҳокамасига лойиҳани эмас, балки **лойиҳа тайёрланмасдан олдин унинг концепциясини, яъни энг асосий ғоясини** қўйиш мақсадга мувофиқ. Шу орқали жамоатчиликнинг кенгроқ қисмининг фикр-мулоҳазаларини қамраб олиш мумкин бўлади. Бу эса, келгусида тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишга ёрдам беради.



**Абдуманноп РАХИМОВ**  
*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди  
котибияти мудури, ю.ф.н.*

## **НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Конституциямизнинг асосий принципларидан бири Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинишидир. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас.

Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий нормалар, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган умуммажбурий характердаги кўрсатмаларни ўз ичига олган расмий ҳужжат ҳисобланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қиладиган идоралар ва мансабдор шахслар олдида бир қатор масъулиятлар юклайди.

Зеро, миллий давлатчилигимизни янада қарор топишида, мамлакатимиз тараққиётининг янги даврини шиддатли ривожланиш босқичда, давлат органлари томонидан ўз функцияларини самарали амалга оширилишида, энг асосийси давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларнинг аниқ ҳуқуқий тартибга солинишида, жамиятимизни ҳамма жабҳаларини демократлаштиришда, мамлакатимизни жаҳонга юз тутишида ҳуқуқий асос сифатида хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти катта.

Шунинг учун мамлакатимизда давлат ва жамият ишларини бошқариш учун хизмат қиладиган, юридик кучга эга бўлган ва ижро этилиши мажбурий ҳисобланувчи қонун ҳужжатлари базасини яратишга жиддий эътибор берилмоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилангани ҳам юқоридаги фикримизга яққол далилдир.

Ҳаракатлар стратегияси асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ва “Норма ижодкорлиги фаолиятининг такомиллаштириш Концепцияси” бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлашни такомиллаштириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга, тадбиркорлик субъектларининг кафолатлари, ҳимояси ва қўллаб-қувватлашини таъминлаш, уларнинг фикрларини тўлақонли ҳисобга олиш ва «Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун» принципини ҳар томонлама рўёбга чиқаришга қаратилган тизимлаштирилган қонун ҳужжатлари базасини шакллантиришни асосий мақсад қилган ҳужжат бўлди.

Бу, ўз навбатида, 2012 йил 24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини бугунги кун талабларига мос равишда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлигини кун тартибига қўймоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоиз, ҳозир амалда бўлган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчасини, унинг турларини ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилаб берган. Мазкур ҳужжат мамлакатимизни ривожда, давлат бошқарувини таъминлашда, ислоҳотларимизни самарали амалга оширишда, ҳуқуқий тизимни яхлитлигини таъминлашда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг таъсирини оширишда, энг асосийси қонун устуворлиги, фуқароларимизнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда ўзининг вазифасини бажариб келди.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, уларни ҳаётга тадбиқ қилиш борасида миллий тажриба яратилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимлаштирилди, уларни рўйхатдан ўтказиш, эълон қилиш, ягона реестрини юритиш борасида ўзига хос мактаб яратилди.

Шу билан бирга мамлакатимизда охириги йилларда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги муҳим таркибий ўзгаришлар, қонун чиқарувчи

ҳокимиятнинг роли ва таъсири кенгайганлиги, мустақиллик йилларида эришган ютуқларни таҳлил қилиш ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда демократик ислоҳотларни янада чуқурлашгани, парламент ислоҳотлари, қонунларни қабул қилиш маҳанизмларининг такомиллашганлиги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунни замон талабларидан орқада қолганлигини кўрсатмоқда.

Эътироф этиш жоиз, бугунги тадбир мавзуси бўлган ва кўпчилигимиз танишиб чиққан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган асосий принциплар ўз аксини топган.

Булар қуйидагилардир:

қонун ҳужжатлари базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш; норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш; норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

Шуни таъкидлаш лозимки, ишлаб чиқилган қонун лойиҳасининг янги таҳрири нафақат янги моддаларни ўз ичига олган, балки, ҳозирги кун ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалдаги Қонуннинг айрим қоидалари аниқлаштирилган.

Масалан, амалдаги Қонуннинг 8-моддаси, иккинчи қисмида “Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин”лиги белгиланган бўлиб, бироқ шу вақтга қадар “конституциявий қонун” тушунчасига таъриф берилмаган эди.

Бизнинг фикримизча янги таҳрирда ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида “конституциявий қонун” тушунчасига таъриф берилиши жуда ҳам тўғри бўлган.

Кўпчиликка маълум, амалдаги Қонуннинг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури ҳисобланган. Бироқ, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги 476-сонли Қонуни билан Президент Фармойиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар туридан чиқарилган эди.

Савол туғилади, Президент Фармойиши норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаса Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди

бундай ҳужжатни Конституцияга мослигини аниқлаши керак-ми ёки йўқми? Ахир у умум мажбурий характерга эга ҳужжат ҳисобланмайдику.

Бизнингча, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонуннинг ишлаб чиқиладиган янги таҳрирдаги лойиҳасида бу масалага аниқлик киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ташкил этилган дастлабки даврда фақат Президент Фармонларини Конституцияга мослиги Конституциявий суд томонидан аниқланган. Кейинчалик, Президентга Қарорлар қабул қилиш ваколати берилганидан кейин, Давлат бошлиғи қабул қилган Қарорларни ҳам Конституцияга мослиги Конституциявий суд томонидан аниқланган.

Шу ўринда, кўп вақтлардан буён ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчиларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди чиқарган Қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури сифатида Қонунда алоҳида белгиланиши керакми ёки йўқми деган масалага диққатингизни қаратмоқчиман.

Чунки, бу савол кўп йиғилишларда, конференцияларда кўтарилган ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколати доирасида кўриб чиққан иш юзасидан қабул қилган Қарор норматив-ҳуқуқий ҳужжат турига кирмайди. Чунки, амалдаги Қонуннинг 3-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси берилган бўлиб, унга мувофиқ, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган, умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир”.

Конституциявий суд Конституцияга мувофиқлигига шубҳа туғдирган, кўриб чиқиладиган аниқ масалалар юзасидангина ҳужжат қабул қилади.

Конституциявий суд норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ёки унинг қисмини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига **мувофиқ эмас** деб топиш тўғрисида, ёки аксинча, **мувофиқ** деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Конституциявий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ эмас, деб топилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг қисми ўзининг амал қилишини тўхтатади ва қўлланилиши мумкин эмас.

Кўришиб турибдики, Конституциявий суд томонидан чиқарилган қарор умум мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилайдиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган расмий ҳужжат ҳисобланмайди.

Биз муҳокама қилаётган қонун лойиҳасини кейинги босқичдаги тайёрлаш жараёнига жиддий эътибор қилишимиз талаб этилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаларида ҳам қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш лозимлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтган эдилар. Биласизларки, қонунлар ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир. Шу сабабли, бугун билдириладиган таклифлар, фикр ва мулоҳазалар алоҳида эътиборга молик деб ўйлаймиз.

Чунки, ҳар бир қонун мукамал, такомилга етиб, жамиятга хизмат қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатга айланишида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг аҳамияти бекиёс.



**Шухрат БЕРДИЯРОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлим бошлиғи,  
юридик фанлар доктори, доцент*

## **НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА ЮРИДИК ТЕХНИКАНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқий тизимни такомиллаштириш мақсадида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қабул қилинаётган қонунларнинг амалга ошириладиган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш”<sup>1</sup> вазифаси назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони<sup>2</sup> қабул қилиниб, унда қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>2</sup> ҚХММБ, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.



норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;

норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш;

норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

Мазкур концепциянинг қабул қилниши албатта бежиз эмас. Мамлакатимизда норма ижодкорлиги соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги бир қатор масалалар юзага келди:

ижтимоий муносабатлар борган сари кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинаётгани боис уларни тизимлаштириш ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш зарурати кучайиб бормоқда;

қонун ҳужжатларида учраётган тафовутлар уларни бартараф этиш заруратини вужудга келтирмоқда;

қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш заруратининг мавжудлиги кузатилмоқда;

айрим қонун ҳужжатларининг нормаларида ҳаволаки норма ва муқобил шартларнинг кўплиги уларни татбиқ этишда муаммолар келтириб чиқармоқда;

қонунчиликда атамаларни ишлатиш билан боғлиқ муаммолар, жумладан бир атаманинг турли қонунчилик ҳужжатларида турлича маъноларда қўлланилаётганлиги чалкашликларни юзага келтирмоқда;

қонун ҳужжатларини битта тилда яъни давлат тилида тайёрлаш ва қабул қилиш амалиётига ўтиш билан боғлиқ муаммолар;

қонун ҳужжатларидаги нормаларнинг тобора либераллашиб бораётганлиги (масалан, Жиноят кодексида жазо турлари ва муддатларининг қисқариб бориши ва ҳ.к.) боис қонунчиликда янги таъсирчан механизмларни шакллантириш, норма ижодкорлиги фаолиятига оид илғор хорижий тажрибани чуқур ўрганиш ва мазкур фаолиятни бугунги давр талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш зарурати пайдо бўлмоқда;

Бу каби муаммоларни ҳал этишда юридик техника муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда юридик техника масалалари ҳориж давлатларда жуда кенг ўрганилган бўлса-да, мамлакатимизда ушбу масла жуда ҳам кўп ўрганилмаган. Хорижлик олимларнинг юридик техниканинг моҳияти хусусида турли ёндашувлари кузатилади. Уларни

умумлаштирган ҳолда қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) соф амалий; 2) соф илмий; 3) илмий-амалий (методологик)<sup>1</sup>.

Шу сабабли, юридик техниканинг тушунчасига таъриф беришда ҳам ёндашувлар ҳар хил. Хусусан, юридик техниканинг моҳиятини ҳуқуқ назариясининг моҳияти билан тенглаштириш ҳолатлари ҳам мавжуд<sup>2</sup>. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса ҳуқуқий тизимни ташкил этиш воситаси<sup>3</sup> сифатида талқин этса, яна бир гуруҳ олимлар норма ижодкорлигида фойдаланиладиган усуллар, қоидалар, воситалар<sup>4</sup> эканлигини таъкидлашади.

Бизнингча, “юридик техника” тушунчасини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода “юридик техника” – бутун ҳуқуқий тизимдаги таркибий тузилмаларнинг ташкилий қурилиши ва алоқадорлигини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндисидир. Тор маънода “юридик техника” – юридик ҳужжатларнинг аниқ, тушунарли ва мавжуд ҳуқуқий тизимга мос тарзда ишлаб чиқилиши ва самарали қўлланилишини ҳамда уларга тўғри ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндисидир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, олимлар томонидан юридик техника ҳақида сўз юритилганда ҳуқуқий тизимни тартибга келтириш ёки юридик ҳужжатларни тайёрлашнинг “восита”, “услуг”, “усул” ва “метод”лари мажмуи тушунилиши ҳақида сўз юритилади. Бироқ юридик техниканинг “восита”, “услуг”, “усул” ва “метод”лари нималардан иборатлиги ҳақида адабиётларда деярли тушунчалар берилмган.

Шу боис, юридик техниканинг “восита”, “услуг”, “усул” ва “метод”ларини таҳлил қилишга ҳаракат қилиб, уларга қуйидагича изоҳ бердик:

юридик техниканинг “воситалари” – кенг маънода ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода юридик ҳужжатларнинг мукамал бўлишини таъминлаш учун зарур бўладиган элементларнинг (атамалар, юридик конструкциялар кабилар) мажмуи ҳисобланади;

юридик техниканинг “услуги” – кенг маънода ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода юридик ҳужжатларнинг мукамаллигини таъминлаш учун фойдаланиладиган муайян ҳаракатларнинг йўналишлари ҳисобланади (масалан, ҳар бир рассомнинг расм чизишдаги ўз услуги бўлади).

Юридик техниканинг “усули” – кенг маънода ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода юридик ҳужжатларнинг мукамаллигини таъминлаш учун ишлатиладиган услублар мажмуи ҳисобланади.

<sup>1</sup> Нажимов М.К., Сайдуллаев Ш.А. Қонунчилик техникаси. – Т.: ТДЮИ, 2008. – Б.7.

<sup>2</sup> Шугрина Е.С. Техника юридического письма. – М., 2001. – С.8.

<sup>3</sup> Сандеуар П. В ведение в право. – М., 1994. – С. 136.

<sup>4</sup> Теория государства и права / Под ред. В.М. Корельского и В.Д. Перевалова – М., 1998. – С. 313.

Юридик техниканинг “методи” деганда – кенг маънода ҳуқуқий тизимнинг, тор маънода юридик ҳужжатларнинг мукамаллигини таъминлашнинг йўли ҳисобланади.

Бугунги кунда юридик техника қоидаларига асосланиб, қуйидаги айрим муаммоларни ҳал этиш лозим:

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ концептуал ёндашув масаласига оид муаммолар. Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдан олдин дастлаб унинг концепцияси ишлаб чиқилиши лозим. Бинобарин, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишга нисбатан концептуал, тизимли ёндашув ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг муҳим омили ҳисобланади<sup>1</sup>.

Қонун лойиҳаларининг концепцияси қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилгунга қадар тайёрланиши, унда бўлғуси қонунни амалга ошириш механизми белгиланиши, қайси масалалар қонунлар даражасида ва қайсилари – қонуности ҳужжатлари доирасида ҳал қилиниши кўрсатилиши лозим. Бу бутун ҳуқуқий тизимни, ҳеч бўлмаса турдош ёки боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш маҳсули бўлиши даркор. Лойиҳаларни тайёрлашда баъзан тегишли муносабатларни бошқа давлатларда қонун йўли билан тартибга солиш тажрибаси лозим даражада таҳлил қилинмайди, ўрганилмайди ва ҳисобга олинмайди. Ёки лойиҳа ишлаб чиқилиб сўнг концепция шунчаки расмийлик учун таёрланади. Шунингдек, бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш амалиёти жуда тезлашиб кетган, бунинг ҳам ижобий ҳам салбий оқибатлари мавжуд. Ижобийси ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқ тезроқ тўлдирилмоқда. Салбий томони норматив-ҳужжатлар тез тайёрланиши натижасида унинг оқибатлари етарлича прогноз қилинмай қолмоқда. Бундан ташқари қонунчиликда ўзгаришларнинг тез-тез амалга оширилиши уларнинг барқарорлигини йўқотади ва айни вақтда инвесторларнинг ишончсизлигини келтириб чиқаради.

2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишнинг самарали механизмлари мавжуд эмаслиги. Баъзи ҳолатларда қонунларга мувофиқ белгиланган нормаларни қандай вазиятда қандай қўллаш лозимлигини кўрсатиб берадиган ҳуқуқий механизмларни яъни қонуности ҳужжатларини, амалга ошириш механизмларини аниқлаб берадиган ҳужжатларни қабул қилиш кечикиб қолади.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг

---

<sup>1</sup> Муҳамедов Ў. Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг истикболли вазифалари // Ҳуқуқ-Право-Law. – 2005. -№ 4. – Б.6-7.

2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг ижросига қаратилган қонун ости ҳужжатлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари) мавжуд эмас.

3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини тайёрлашда Конституция ва қонунларга ҳамда ўзаро мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Бугунги кунда ҳам афсуски айрим қонун ҳужжатларининг нормаларида мантиқан номувофиқ нормалар, тафовутлар учраб турибди. Уларни ўз вақтида бартараф этишимиз зарур. Масалан, “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги (12-модда), “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги (7-моддаси), “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида”ги (12-модда) қонунларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат ички ишлар органлари томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 118-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади яъни конституциявий нормага кўра қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш масаласи фақат прокуратура органларига берилган бўлиб, ички ишлар органларнинг ваколат доирасига кирмайди. Шу боис, “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаларига тегишли ўзгартириш киритиш талаб этилади.

Бундай ҳолатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда юқори турувчи қонун ҳужжатлари, турдош ёки боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ҳар томонлама чуқур ўрганишнинг заруратини кўрсатади.

4. Қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунининг 24-моддаси талабларига мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Ушбу моддада тил, мантиқ, реквизитлар билан боғлиқ қоидалар, ҳаволаки нормаларни қўллашга оид талаблар белгиланган. Масалан, биргина ҳаволаки нормалар билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратсак юқоридаги норманинг талабига риоя этиш қанчалик муҳим эканлигини англаш қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 15 июлда қонунчиликни янада такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқларни тўлдириш, қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриш, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи ва назорат тузилмаларининг бир хил ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлаш мақсадида “Қонунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-2003-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унда қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш жараёнида қонунларда амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари билан таъминланмаган қатор ҳаволаки нормалар аниқлангани ва бу қонунларни шарҳлаш ҳамда қўллашда субъективлик, тор идоравий танловли ёндашув учун шарт-шароит яратаётганлиги таъкидланади<sup>1</sup>.

Ҳаволаки нормалар бир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг такрорланишининг олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа нормаси, моддаси ёки боби, бўлимига ишора қилиш учун ишлатилади. “Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ”, “қонун ҳужжатларининг нормаларига биноан” каби умумий ҳаволалар<sup>2</sup> ҳам мавжуд бўлиб, улар одатда қонун ҳужжатларига ишора қилиш учун қўлланилади.

Бироқ ҳаволаки нормаларни юридик техника талабларига номувофиқ қўллаш натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нуфузи ва хусусиятига путур етиши мумкин. Масалан, 23 моддадан иборат “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунда 20 дан ортиқ ҳаволаки норма мавжуд<sup>3</sup>. Ҳаволаки нормаларни ҳаддан зиёд қўллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятини камайтириб, тартибга солишни белгиловчи ҳужжатга айланишига олиб келади.

Бу ҳаволаки нормаларни умуман қўлламаслик керак дегани эмас албатта. Ҳаволаки нормаларсиз қонун ҳужжатлари йўриқномага ўхшаш ҳужжатга айланиб қолиши мумкин. Шу боис, қонун ҳужжатининг хусусиятидан келиб чиқиб, юридик техника талабларига асосланган ҳолда ҳаволаки нормаларни қонун ҳужжатларида келтириш мақсадга мувофиқ.

5. Бир ижтимоий муносабатнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши билан боғлиқ муаммолар. Имкон қадар ижтимоий муносабатлар бир қонунчилик ҳужжатида тартибга солиниши мақсадга мувофиқ. Бир ижтимоий муносабатларнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши улардан фойдаланишни қийинлаштиради ва баъзан турлича талқин қилишга ёки нотўғри қўллашга ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, биргина суғурта билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар қуйидаги бешта “Ташувчининг фуқаролик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда.

<sup>2</sup> Одилқариев Ҳ.Т., Тультеев И.Т., Мухамедов Ў.Х. Икки палатали парламент. – Тошкент: 2004. – Б.171

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда.

жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”<sup>1</sup>ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”<sup>2</sup>ги, “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”<sup>3</sup>ги, “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”<sup>4</sup>ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”<sup>5</sup>ги қонунлар билан тартибга солинган.

Ижтимоий муносабатларнинг бу каби кўплаб қонун ҳужжатларида тартибга солиниши қонунларнинг ҳам сон жиҳатидан кўпайишига олиб келади. Бу академик А.Х. Саидов таъкидлаганидек, “қонунлар инфляцияси”<sup>6</sup> деган тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини экспертизадан ўтказишдаги муаммолар. Ўзбекистон Республикаси “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт. Мазкур қонуннинг 22-моддаси қонунда қўра, ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳавола қилувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ҳамда мақсадга мувофиқлиги текширилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқий экспертиза жараёнида амалиётда баъзан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш билан чекланилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини юридик техника қоидаларига мувофиқлигини текшириш юридик экспертизанинг муҳим жиҳати ҳисобланади<sup>7</sup>.

Экспертларнинг қонун ҳужжатларининг лойиҳаларига хулоса беришда лойиҳани тайёрлаган органдан мустақиллигини таъминлаш лозим. Шу билан биргаликда, лойиҳа қабул қилинишидан манфаатдор

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – 21-сон. – 268-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 197-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 128-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда.

<sup>6</sup> Қаранг: Саидов А.Х. Қонун ижодкорлиги стратегияси ва қонунчилик техникаси ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти тизимида // Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 15.

<sup>7</sup> Сайдман А., Сайдман Р., Абейесекере Н. Руководство по законодательной технике: Законотворчество в интересах демократических социальных перемен в обществе: Издание на русском языке. Пер.: Г.Сергунина, А.Кашпура. – Бишкек: ПРООН, 2001. – С.35.

бўлган шахс экспертиза жараёнида зарурат бўлмаганда қатнашмаслиги лозим.

8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини илмий-назарий жиҳатдан асослантиришдаги муаммолар. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларида юридик нормаларнинг мантиқий боғлиқлигини таъминлаш ва илмий хулосалар билан асослантириш масалаларида ҳам муаммолар учраб туради. Норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар тажрибаси билан, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таққослаш жадваллари ишлаб чиқилиш амалиёти бугунги кунда яхши йўлга қўйилган бўлса-да, уларни илмий асослантириш масалаларида айрим камчиликлар кузатилмоқда. Бу масалада замонавий ҳуқуқий доктринага яъни янгича демократик ҳуқуқий тафаккур, илғор ҳуқуқий қарашлар, назарий умумлашма ҳамда қоидалар тизимига асосланиш муҳим аҳамиятга эга<sup>1</sup>.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш заруратини илмий асослантириш давлат ва ҳуқуқ назариясининг методологик ғояларига замон нуқтаи назаридан ўзгартиришлар киритиш ва улардан қонунчиликни ривожлантиришда фойдаланиш йўналишида ҳам ишлар олиб бориш зарур.

Замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг қоидалари, усуллари ва методлари мажмуини янада такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

9. Юридик лингвистика талабларини таъминлаш. Бугунги кунда ҳуқуқ ижодкорлигидаги долзарб масалалардан бири бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида тил қоидаларига асосланиш ҳисобланади. Юридик техника нуқтаи назаридан, тил қоидаларининг бузилиши, норманинг хусусияти ўзгаришига олиб келиши ҳаммамизга аён бўлган ҳақиқат ҳисобланади. Бундан ташқари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рус тилида тайёрлаш амалиёти давом этаётгани ҳам муаммоли масалалардан ҳисобланади. Ҳолбуки, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги<sup>2</sup> Қонунининг 8-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари давлат тилида қабул қилиниши ва эълон қилиниши белгиланган. Шу боис норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни битта тилда қабул қилиш амалиётига ўтиш масалаларини ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ.

Умуман олганда норма ижодкорлиги жараёнида юридик техникани қўллашнинг самарасини ошириш объектив ва субъектив омилларга боғлиқ

<sup>1</sup> Қаранг: Х.Т.Одилқориев, Ш.У.Якубов Миллий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий кадриятлар. – Тошкент: SMI-ASIA, 2010. – Б. 6.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 257-модда.

бўлиб, республика миқёсида аниқ вазифалар ҳамда чора-тадбирларни белгилашни тақозо этади.



**Абдулхай МУМИНОВ**

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети  
доценти, юридик фанлар номзоди*

## **БМТ ТИЗИМИДАГИ ИХТИСОСЛАШГАН ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни уларнинг ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган фаолиятини қамраб олади. Шунинг эътиборга олиш керакки, ҳеч бир халқаро ташкилот, шунингдек, универсал ташкилотлар (масалан, БМТ, унинг ихтисослашган ташкилотлари) ҳам “қонунчилик” ваколатига эга эмас. Яъни, халқаро ташкилотлар доирасида, фақатгина давлатларнинг хоҳиш иродаси асосида ва уларнинг иштироки ҳамда давлатнинг ўзи томонидан қабул қилиши асосидагина, уна нисбатан халқаро-ҳуқуқий норма яратилиши мумкин. Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган тавсия, қоидалар ва шартномалар лойиҳаларида мавжуд бўлган ҳар қандай норма, биринчидан давлатлар томонидан *халқаро-ҳуқуқий норма сифатида тан олиниши лозим*, иккинчидан эса, *ушбу норма мазкур давлатлар учун мажбурий бўлиши керак*.<sup>1</sup>

Лекин, шунга қарамай, халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар халқаро норма ижодкорлик фаолиятида фаол иштирок этади. БМТ тизимидаги халқаро ташкилотлар ўзининг ҳуқуқий лаёқатлилигини халқаро оммавий ҳуқуқ нормаларини яратиш орқали амалга оширади. 1986 йилги Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасида ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 6-моддасига биноан, халқаро ташкилотларнинг шартномаларни тузишга бўлган ҳуқуқий лаёқати ушбу ташкилотлар қоидаларида белгилаб қўйилади. *Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги функцияси* икки хил намоён бўлади: *биринчидан*, улар давлатларнинг норма яратиш жараёнида

<sup>1</sup> Международное публичное право. Учебник. Под ред. К.А.Бекяшева. – М.: Проспект-Н, 1999. – С. 257.



иштирок этадилар; *иккинчидан* эса, уларнинг ўзи халқаро муносабатлар иштирокчилари учун юридик мажбурий бўлган тартиб-қоидаларни шакллантирадilar.<sup>1</sup>

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги ҳажми ва турлари уларнинг таъсис ҳужжатларида қатъий белгилаб қўйилган. Ҳар бир ташкилотнинг низоми ўзига хос индивидуал характерга эга бўлгани учун ҳам уларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ҳажми, турлари ва йўналишлари ҳам ҳар хилдир. Ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги халқаро ташкилотларнинг муайян ваколат ҳажмини уларнинг таъсис ҳужжатларини таҳлил этиб билиш мумкин.

Халқаро-ҳуқуқий адабиётларда халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги учун асосга *оид икки хил фикр* билдирилади. Баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, халқаро ташкилотлар, уларнинг таъсис ҳужжатларида аниқ айтилмаган бўлса ҳам, ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишга ҳақлидир.<sup>2</sup>

Халқаро ташкилотнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти ҳар доим махсус йўналишга эга бўлиши, ушбу ташкилотнинг мақсадларига мос келиши ва унинг уставида белгилаб қўйилган бўлиши керак. Халқаро ташкилотнинг норма ижодкорлиги жараёнидаги иштирокининг шакли ва даражаси у бажарадиган функцияларга боғлиқ.

Кейинги ўн йилликларда халқаро ҳуқуматлараро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги функцияларига қизиқиш кучайиб бормоқда. Кўплаб тадқиқотларда халқаро ташкилотлар иштирокида ҳуқуқни вужудга келтириш муаммолари кўтарилмоқда. Бинобарин, халқаро ҳуқуматлараро ташкилотлар ўзининг ҳуқуқни вужудга келтириш функциясини амалга ошириши билан, *биринчидан*, давлатларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ёрдамчи орган ролида иштирок этади; халқаро конвенциялар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади (шунингдек, халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий институтлари ва тармоқларини кодификациялашда ҳам); *иккинчидан* эса, халқаро ташкилотлар ҳуқуқни вужудга келтиришда ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашнинг асосий субъекти бўлиб иштирок этади. Ҳуқуқни қўллаш: 1) халқаро шартномаларни тузишда; 2) норма белгиловчи қарорлар қабул қилишда; 3) халқаро муносабатлар иштирокчилари учун тавсияларни ишлаб чиқишда кўринади. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий лаёқатлилиги улар эга бўлган ҳуқуқ ижодкорлиги имкониятининг асосий мезонларидан бирини ташкил этади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. – М.: Дело, 1988. – С. 91.

<sup>2</sup> Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. Новые тенденции в международно-правовом регулировании. – М.: Дело, 1988. – С. 91.

<sup>3</sup> Международное публичное право. Учебник. Под. ред. Бекяшева. -М.: Проспект-Н. 1999. -С.258

Умуман, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги тўғрисида қуйидаги хулосаларга келса бўлади: биринчидан, халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги, агар у халқаро ҳуқуқнинг прогрессив тараққий этишига йўналтирилган бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади; иккинчидан, ҳуқуқ ижодкорлиги бутун ҳажмда фақат халқаро ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган халқаро ташкилотларгагина тегишлидир; учинчидан, халқаро ташкилотлар, уларнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ҳажм ва йўналишларда ҳуқуқ ижодкорлигига эга.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи халқаро нормаларни вужудга келтириш жараёнида халқаро ташкилотлар қуйида келтирилган турли ролларда иштирок этиши мумкин: а) ташкилотчи сифатида, яъни маълум давлатлараро шартномаларни тузиш тўғрисидаги таклиф билан чиқиш; б) шунга ўхшаш шартнома матни лойиҳасининг муаллифи сифатида иштирок этиш; в) шартнома матнини келишиб олиш мақсадида давлатларнинг дипломатик конференциясини чақириш ташаббускори бўлиши мумкин, чунки “давлатларнинг розилигига эришиш халқаро-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқишда муҳим қоида ҳисобланади”<sup>1</sup>; г) унинг ўзи шартнома матнини келишишни ва уни тасдиқлашни амалга ошириб, ўзининг ҳукуматлараро органида шундай конференция ролини бажариш; д) шартномани тузгандан кейин, депозитарий вазифасини бажариш; е) ўзи иштирокида тузилган шартномани талқин қилиш ёки қайта кўриб чиқишда маълум ваколатлардан фойдаланиш; з) давлатлар ёки бошқа ташкилотларнинг таклифига биноан улар билан биргаликда ҳуқуқ ижодкорлигида ҳамкорлик қилиш. Бунга ЮНЕСКО ва Европа кенгаши томонидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган олий маълумот, илмий унвонлар, сертификатларнинг Европа мамлакатларида тан олиншини кафолатловчи 1997 йилги Европа конвенциясини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ҳар қандай норматив ҳужжат ишлаб чиқишда халқаро ташкилотлар ўз ваколати доирасида ҳаракат қилиши керак. Халқаро ташкилотларнинг норма ижодкорлиги ваколати индивидуал характер касб этади ва уларнинг ҳар бири ўзининг уставида белгилаб берилган мақсад ва вазифаларига мос ҳолда ва фақат унга тегишли бўлган махсус шакл ва турларда норма ижодкорлиги ҳуқуқига эга. Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1986 йилги Вена конвенциясида “шартномалар тузишга халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий лаёқати ушбу ташкилотларнинг тегишли қоидалари билан тартибга солинади” (6-модда) дейилган. Ушбу конвенциянинг 2-моддасида “ташкилот қоидаси” тушунчаси очиб берилиб, унга ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари,

<sup>1</sup> Пустогаров В.В. Федор Федорович Мартенс. Юрист дипломат. -М., “Меж.отношения”. 1999. -С.74

тегишли қарорлари ва резолюциялари, шунингдек, ўрнатилган амалиёт киритилган.

БМТнинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлари “қоидалари”га мувофиқ, уларнинг норма ижодкорлиги функциялари, ўзларининг таъсис ҳужжатларига асосланиши ва шу ташкилот томонидан ишлаб чиқилган процессуал талаблар асосида амалга оширилиши керак.

Масалан, ЮНЕСКОнинг норма ижодкорлиги фаолияти унинг Устави қоидалари, шунингдек, Бош конференциянинг халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, уларни бажариш масалаларига оид тартибот қоидалари тўғрисидаги қарорларига асосланади. Бевосита бу масалаларга тегишли қоидалар ЮНЕСКО Уставининг I модда 2 “а” бандида, IV модданинг 4- ва 6-бандларида ва VIII моддада берилган.

Бу моддаларнинг Низомдан келиб чиқувчи қоидалари, “Уставнинг IV моддаси 4-банди шартларига мос тушувчи, аъзо-давлатларга тавсияномалар ва халқаро конвенцияларга тааллуқли процедура қоидалари” номли махсус ҳужжатда мукамал берилган.<sup>1</sup> Бу “қоидалар” ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан 1950 йилда тасдиқланган (1952 ва 1972 йилларда қисман ўзгартиришлар киритилган); 1978 йилда халқаро регламентларни ишлаб чиқиш имкониятларига тегишли олдиндан тадқиқотлар ўтказишнинг тартибини белгилаб берувчи алоҳида кўшимча резолюция қабул қилинган.<sup>2</sup>

ЮНЕСКОнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг асосий босқичлари қуйидагилардан иборат:

*биринчи*, ЮНЕСКОнинг устав вазифаларидан келиб чиқиб, халқаро шартномаларни тузишни тавсия этади”.

*иккинчи*, халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида уларнинг уч тоифасини фарқлайди.

– ЮНЕСКОнинг Бош конференцияси қабул қиладиган конвенциялар ва тавсиялар;

– Бош конференция қабул қиладиган бошқа меъёрий ҳужжатлар (конвенция ва тавсиялардан ташқари); декларациялар, низомлар, қоидалар ва статутлар, резолюциялар, процедура тартиблари ва ҳоказо;

– ЮНЕСКОнинг ўзи ёки бошқа халқаро ташкилотлар билан биргаликда чақирадиган давлатлараро конференциялар қабул қиладиган ҳужжатлар.

*Учинчи*, ЮНЕСКОда ишлаб чиқиладиган халқаро ҳужжатларнинг ҳуқуқий даражаси, яъни:

---

<sup>1</sup> Rules of Procedure concerning recommendations to Member States and international conventions covered by the terms of Article IV, paragraph 4, of the Constitution./ Manual of the General Conference. -Paris. UNESCO, 2002. -P.87-92.

<sup>2</sup> Международные нормативные акты ЮНЕСКО. -М.: “Логос”, 1993. -С.10-11

– ЮНЕСКО Бош конференцияси қабул қилганидан сўнг давлатларда ратификация қилиниши керак бўлган ва маълум бир соҳага тегишли тартибда давлатлар хоҳиши ва мажбуриятини акс эттирувчи халқаро конвенциялар;

– ўзида кўпроқ концептуал масалаларни шакллантириб, давлатлар учун, мажбурий бўлмаган нормаларни шакллантирувчи, шу билан бир қаторда, кейинчалик, мажбурий нормалар ва қоидаларга эга бўлган халқаро конвенциялар учун замин бўлиб хизмат қилувчи – *тавсиялар* белгиланади.

*Тўртинчи*, конвенцияни қабул қилиш тўғрисидаги қарорни Бош конференция киритади, бунинг учун аъзо-давлатларнинг учдан икки қисмидан кўпчилигининг овози талаб этилади (хукуматлараро конференцияларда кўриладиган конвенциялар, алоҳида ўзининг регламенти бўйича қабул қилинади). Тавсиялар борасида эса, Бош конференцияда уларга нисбатан қабул қилинган аъзо-давлатларнинг оддий кўпчилик овози талаб этилади.

*Бешинчи*, халқаро регламентларни ўрнатиш ҳамда улар билан боғлиқ ҳуқуқий ва техник масалаларнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашга қаратилган дастлабки тадқиқотларни ўтказишда ташаббусли таклифларни киритишнинг тартиби белгиланади. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқувчи лойиҳаларни тайёрлаш тартиботида давлатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тартиби, ҳужжатларга таклифлар, фикр билдириш ва қўшимчалар киритиш, муҳокама қилиш ва уларни қабул қилишда барча давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги сифатида иштирок этиши белгилаб қўйилади.

*Олтинчи*, конвенция ёки тавсияларни Бош конференция қабул қилганидан сўнг, барча давлатларга ҳар қандай ҳолатда ҳам ушбу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш учун миллий ваколатли органларга тақдим этиш (кечи билан бир йил мобайнида) мажбурияти юклатилади. Шу билан бир вақтда, қайд этиш лозимки, конвенцияларни қабул қилиш ёки ратификациялаш бўйича ҳам, шунингдек, тавсияларни амалга ошириш каби масалаларда ҳам давлатлар суверен ҳисобланади.

*Еттинчи*, конвенциялар ва тавсияларнинг бажарилиши бўйича аъзо-давлатларнинг чоралари тўғрисида маърузалари. ЮНЕСКО Уставининг ҮШ моддасига мувофиқ, ҳар бир аъзо-давлат ташкилотга Бош конференция белгилаган муддатда ва шаклда, ўзи аъзо бўлган конвенциялар ва тавсияларнинг бажарилиши тўғрисида маърузалар тақдим этади.

*Саккизинчи*, норматив фаолиятга тааллуқли ҳужжатлар мақомларига оид ҳулосасини тугата бориб, яна алоҳида ҳолатларда декларация (ёки хартия)ни кўрсатиб ўтиш лозимдир. ЮНЕСКО ўзининг бундай ҳужжати билан у ёки бу масалалар бўйича ўз Уставидан келиб чиқувчи мақсад ва

вазифаларнинг тамойиллари ва қарашларини маълум қилади. Декларация шаклланган принциплар орқали ўзида маънавий таъсир этиш кучини мужассамлаштиради ва жаҳон ҳамжамиятини халқаро муомалада давлат фаолиятида, маданий ва ижтимоий ҳаётда риоя қилишга чақириқ сифатида акс этади.

ЮНЕСКО мисолида, халқаро ташкилотларнинг норма ижодкорлик фаолияти тўғрисида хулоса қилиб айтиш мумкинки, *авваломбор*, халқаро норма ижодкорлик фаолияти жараёнида, халқаро ташкилотлар ҳосилавий субъект сифатида давлатларнинг хошиш-иродасини халқаро-ҳуқуқий нормага айлантириш фаолиятида фаол иштирок этишади; *иккинчидан*, мазкур фаолияти орқали халқаро ҳуқуқни янада ривожланишига катта ҳисса қўшиб келмоқда; *учинчидан*, мазкур ташкилот мисолида кўришимиз мумкинки, ҳар бир ташкилот доирасида норма ижодкорлик фаолиятининг ўзига хос тажрибаси шаклланимоқда; *тўртинчидан*, халқаро-ҳуқуқий нормани шакллантириш ва уни бажарилишини мониторинг қилиб боришнинг ўзига хос халқаро механизмини ташкил топди; *бешинчидан эса*, халқаро ташкилотларнинг норма ижодкорлик фаолияти давлатларнинг ҳуқуқий тизимини янада такомиллаштиришга ҳамда уларнинг халқаро-ҳуқуқий тизимга интеграциясини янада чуқурлаштиришга хизмат қилмоқда.



**Азиз ЙУЛДОШЕВ**

*доцент Академии государственного управления  
при Президенте Республики Узбекистан, к.ю.н.*

## **ПЕРСПЕКТИВЫ СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-ПРАВОВЫХ АКТОВ С ИНСТИТУТАМИ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ**

Согласование проектов нормативно-правовых актов с институтами гражданского общества (далее – ИГО) является уникальной особенностью нормотворчества в нашей стране. Оно даёт гражданам возможность принимать активное участие в принятии государственных решений и действительно влиять на них. Однако, эффективное функционирование данного института, особенно, в условиях развития электронного нормотворчества требует более подробного правового определения его субъектов и содержания.

В настоящее время ориентиром развития института согласования служит Концепция совершенствования нормотворческой деятельности<sup>1</sup>. В Концепции предусматривается совершенствование порядка инициирования, разработки и принятия нормативно-правовых актов (далее – НПА), а также мониторинга их исполнения, предусматривающего внедрение концептуально новых механизмов, обеспечивающих качество, прозрачность, системность, согласованность и общественную вовлеченность. Выполнение данной задачи требует всестороннего изучения проблем и недостатков в согласовании проектов НПА.

В первую очередь, наблюдается необходимость определения видов НПА, которые могут быть приняты по согласованию. В части пятой статьи 12 Закона Республики Узбекистан “О нормативно-правовых актах” предусматривается согласование только проектов приказов и постановлений министерств, государственных комитетов и ведомств. В подзаконных актах круг НПА, принимаемых по согласованию namного расширен. Согласно им согласуются НПА, принимаемые органами государственного и хозяйственного управления<sup>2</sup>, государственной власти на местах<sup>3</sup> и вносимые ими в Кабинет Министров Республики Узбекистан<sup>4</sup>. Они могут вносить в Правительство проекты как его актов, так и решений Президента Республики Узбекистан и законов.

Следует отметить, что согласно пункту 33 Регламента Правительства, только проекты актов Президента Республики Узбекистан и Кабинета Министров должны быть согласованы с заинтересованными министерствами и ведомствами<sup>5</sup>, что не предусмотрено в отношении проектов законов. При этом в качестве разработчика признаются не только органы государственного управления и государственной власти на местах, но и остальные государственные органы. В Методических указаниях о порядке подготовки, юридико-технического оформления и проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов,

---

<sup>1</sup> Концепция совершенствования нормотворческой деятельности. Утверждена Указом Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года № УП-5505 // <http://lex.uz/docs/3858812>

<sup>2</sup> Правила подготовки и принятия ведомственных нормативно-правовых актов. Утверждено приказом министра юстиции Республики Узбекистан от 28 февраля 2014 года № 53-мх // <http://lex.uz/docs/2349916>

<sup>3</sup> Инструкция о порядке подготовки, юридико-технического оформления и проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов, принимаемых органами государственной власти на местах. Утверждено приказом министра юстиции Республики Узбекистан от 1 февраля 2013 года № 29-мх // <http://lex.uz/docs/2127711>

<sup>4</sup> Методические указания о порядке подготовки, юридико-технического оформления и проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов, вносимых органами государственного и хозяйственного управления, органами государственной власти на местах в Кабинет Министров Республики Узбекистан. Утверждено приказом министра юстиции Республики Узбекистан от 10 января 2017 года № 7-мх // <http://lex.uz/docs/3094948>

<sup>5</sup> Регламент Кабинета Министров Республики Узбекистан. Утверждено Постановлением Кабинета Министров от 22 марта 2019 года № 242 // <http://lex.uz/docs/4253105>

вносимых органами государственного и хозяйственного управления, органами государственной власти на местах в Кабинет Министров Республики Узбекистан (далее – Методические указания) предусмотрено согласование всех проектов НПА, кроме вносимых государственными органами, не являющихся органами государственного управления.

Результаты изучения показывают, что проведение согласования не предусмотрено при разработке проектов законов депутатами Законодательной палаты Олий Мажлиса, Генеральной прокуратурой, Верховным и Конституционным судами, Центральной избирательной комиссией, Центральным банком Республики Узбекистан и другими государственными органами, не являющимися органами государственного управления. Также, не предусмотрено согласование проектов актов, принимаемых этими органами. Актуальность данного вопроса можно увидеть и в том, что в пункте 4 Указа Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2018 года № УП-5505 Верховному суду совместно с Министерством юстиции Республики Узбекистан было рекомендовано утвердить порядок разработки и юридико-технического оформления проектов постановлений Пленума Верховного суда Республики Узбекистан и их согласования с заинтересованными ведомствами<sup>1</sup>.

На наш взгляд, логичным является отсутствие нормы об обязательном согласовании депутатами разрабатываемых ими проектов законов, поскольку это ограничило бы их и законодательную власть. Но кажется необходимым предусмотреть согласование проектов НПА, разрабатываемых и принимаемых Центральной избирательной комиссией, Центральным банком, Генеральной прокуратурой Республики Узбекистан остальными государственными органами, не являющимися органами государственного управления. При этом следует отметить, что акты Центрального банка Республики Узбекистан регистрируются в качестве ведомственного акта, хотя он формально не является органом государственного управления<sup>2</sup>.

В свою очередь, само согласование проектов НПА с ИГО не предусмотрено в законах. В части пятой статьи 12 Закона Республики Узбекистан «О нормативно-правовых актах» определено, что приказы и постановления министерств, государственных комитетов и ведомств могут быть приняты по согласованию только с другими министерствами, государственными комитетами или ведомствами. В Законе «О порядке подготовки проектов законов и их внесения в Законодательную палату Олий Мажлиса Республики Узбекистан» определено обязательное

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепция совершенствования нормотворческой деятельности» от 8 августа 2018 года № УП-5505 // <http://lex.uz/docs/3858812>

<sup>2</sup> Перечень республиканских органов государственного управления. Утвержден Указом Президента Республики Узбекистан от 9 декабря 2003 года № УП-3358. <http://lex.uz/docs/173166>

согласование только проекта закона, требующего материальных затрат, с Министерством финансов Республики Узбекистан.

Согласование проектов НПА с ИГО также определено в подзаконных актах, нормы которых нуждаются в изменении и дополнении. Например, в пункте 68 Правил подготовки и принятия ведомственных нормативно-правовых актов (далее - Правила) перечислены ИГО, с которыми подлежат согласованию проекты НПА. Однако, согласно предыдущему пункту (67) Правил проект ведомственного НПА подлежит согласованию с только заинтересованными министерствами и ведомствами, если такое согласование является обязательным в соответствии с законодательством, а также, если в проекте ведомственного НПА содержатся нормы, затрагивающие интересы или компетенцию других министерств и ведомств.

В Методических указаниях (пункт 88) и Инструкции (пункт 56)<sup>1</sup> ограничено указанием направления проекта НПА на окончательное согласование заинтересованным органам и организациям, в том числе и ИГО сопроводительным письмом. В следствии этого согласование можно проводить только с перечисленными в этих актах государственными органами и иными организациям. Эти и другие недостатки проведения согласования проектов НПА в нашей стране показывают необходимость более глубокого исследования этих процессов как в нашей стране, так и зарубежных странах.

Особый интерес для нас вызывает порядок и формы согласительного нормотворчества ведомств в США, установленный в Акте об административных процедурах. В данных целях объявляется создание согласительного комитета и рассматриваемые им вопросы, куда могут подать заявление все заинтересованные лица, в том числе и ИГО. Также, в организацию работы Комитета могут быть привлечены частные лица, предусмотрена оплата работы членов комитета и других расходов. По итогам работы комитета составляется отчет, отражающий согласие по проекту правового акта, в целом, или по его конкретным сферам. Комитет или каждый его член может включать в отчет или дополнением к нему любую другую информацию, рекомендации или материалы. Комитет прекращает свою деятельность, как правило, после подписания правового акта<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Инструкция о порядке подготовки, юридико-технического оформления и проведения правовой экспертизы проектов нормативно-правовых актов, принимаемых органами государственной власти на местах. Утверждено приказом министра юстиции Республики Узбекистан от 1 февраля 2013 года № 29-мх // <http://lex.uz/docs/2127711>

<sup>2</sup> Negotiated Rulemaking Act // <https://www.hrsa.gov/advisorycommittees/shortage/Meetings/20100922/negotiatedrulemakingact.pdf>



С учетом зарубежного опыта и недостатков в нашем законодательстве, в Законе «О нормативно-правовых актах» целесообразно было бы определить, что проект НПА подлежит согласованию с заинтересованными государственными органами и иными организациями, если такое согласование является обязательным в соответствии с законодательством, а также, если в проекте НПА содержатся нормы, затрагивающие интересы или компетенцию других государственных органов и организаций. Согласно данной норме внести соответствующие изменения и дополнения в подзаконные акты.

Существует необходимость уточнить, что обязательное согласование проектов НПА в законодательстве устанавливается не только путем перечисления государственных органов и иных организаций, в том числе ИГО, но и включением их в мероприятия по разработке НПА в государственных или территориальных программах, «дорожных картах» и других планах. При этом государственный орган или иная организация, стоящая первой в перечне ответственных исполнителей, как минимум, должна разработать проект НПА и согласовать с остальными исполнителями. При этом с учетом опыта США целесообразным будет открытое создание рабочих групп, выполняющих функции согласительных комитетов с учетом опыта США, в который могут войти все заинтересованные ИГО и другие организации.

Единая электронная система разработки и согласования проектов НПА создаёт благоприятные условия для предлагаемого порядка согласования. Например, в данную систему введены не только перечисленные в законодательстве ИГО, с которыми установлено согласование проектов НПА, но и другие тоже<sup>1</sup>. Это создаёт условия вовлечению ИГО в процесс нормотворчества и обеспечению согласованности принимаемых НПА.

Также целесообразно было бы определить место согласования проекта НПА в процессе нормотворчества, точнее в отношении онлайн обсуждений проектов НПА. Например, согласно пункту 40 Типового регламента<sup>2</sup> законопроект, пункту 87<sup>1</sup> Методических указаний проект НПА выносится на общественное и (или) профессиональное обсуждение до его согласования с заинтересованными органами и организациями. В Регламенте Кабинета Министров, Правилах и Инструкции проведение общественных обсуждений проектов НПА не указывается, хотя их онлайн проведение является обязательным.

---

<sup>1</sup> См.: <https://project.gov.uz/>

<sup>2</sup> Типовой регламент законопроектной деятельности органов государственного и хозяйственного управления, органов исполнительной власти на местах. Утвержден Постановлением Кабинета Министров от 17 октября 2016 года № 345 // <http://lex.uz/docs/3047384#3047915>

Спорным является в законодательстве Узбекистана и приравнивание согласования к визированию. Невооруженным глазом можно увидеть, что визирование проекта НПА является результатом его согласования, которое включает в себя и другие действия. Кроме этого, наблюдается необходимость уточнения норм об оформлении результатов согласования и их учета. По нашему мнению, целесообразным будет отражение результатов согласования в пояснительной записке к проекту НПА, а разногласия должны решаться на основании заключения Министерства юстиции и их территориальных органов.

С учетом зарубежного опыта можно сказать, что процесс согласования должен начаться до общественного обсуждения проектов НПА и оканчиваться после его принятия путем создания согласительных комитетов. Это позволит оперативному согласованию предложений, поступивших в ходе общественных обсуждений, привлечению в рабочую группу заинтересованные ИГО и другие организации. Все эти меры в перспективе будут способствовать выполнению задач, определенных в Концепции совершенствования нормотворчества, достижению согласованности принимаемых НПА и укреплению гражданского общества в нашей стране.



**Ахрор РЎЗИЕВ**

*Ҳуқуқ магистри, давлат бошқаруви магистри, мустақил изланувчи*

## **ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИЖТИМОЙ СОҲАГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШГА ОИД ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ**

Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш ҳуқуқий сиёсатда муҳим ўрин тутди. Зеро, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, пенсионерлар, талабалар, ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларига путур етишининг, атроф-муҳит ҳолатида салбий ўзгаришлар юзага келишининг, шунингдек соғлиқни саклаш, таълим ва пенсия тизимидаги ўзгаришлар натижасида соҳага асосиз чекловлар, ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар вужудга келишининг олдини олишга хизмат қилади.

Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш жараёнида лойиҳалар жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилинади, шу жумладан, фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлили амалга оширилади. Шунингдек, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш натижасида лойиҳани қабул қилиш натижасида

ижтимоий соҳада юзага келиши мумкин бўлган тахминий оқибатлари прогноз қилинади ҳамда уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларига баҳо берилади.

Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш бўйича чора-тадбирлар Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларининг таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2008 йил 26 декабрдаги 281-сон қарорида<sup>1</sup> белгилаб берилган. Ушбу қарор асосида қонун ҳужжатларининг, шу жумладан, ижтимоий соҳага, хусусан, соғлиқни сақлаш, статистика таъсирини баҳолаш тизимини жорий этишга қаратилган қатор чора-тадбир белгиланган. Хусусан, мазкур қарор асосида мутахассисларни тартибга солиш таъсирини баҳолашга ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси негизида факультатив курслар жорий этиш бўйича чоралар амалга оширилди.

Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашда муҳим элемент – ижтимоий соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилиш ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларини жамоатчилик ва касбий доирада муҳокама қилиш имконини берадиган мазкур тизим илк маротаба Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори<sup>2</sup> билан жорий этилиб, 2014-2018 йиллар давомида фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга таъсир этадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига нисбатан қўлланилган.

Мазкур тизим ўтган даврда ўзининг ижобий самарасини берганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори<sup>3</sup> билан 2018 йил 1 майдан эътиборан барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2008 йил 26 декабрдаги 281-сон қарори // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2008 г., № 52, ст. 520; Национальная база данных законодательства, 29.12.2017 г., № 09/18/1023/0495.

<sup>2</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 581-модда; 2015 й., 26-сон, 338-модда.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018 й., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018 й., 06/18/5475/1489-сон; 02.07.2019 й., 07/19/4380/3360-сон.

муҳокамасидан ўтказилиши бўйича мажбурий тизим жорий этилди. Ушбу янгилик асосида эндиликда ижтимоий соҳага тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳам Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилинади.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш, шу жумладан, унинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш институтини комплекс ҳуқуқий институт сифатида шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси<sup>1</sup> муҳим кадам бўлди.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида лойиҳа юзасидан фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг ижтимоий соҳага, атроф-муҳит ҳолатига таъсирини, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни баҳолаш тизимини жорий этиш кўзда тутилган. Концепцияда белгиланган яна муҳим вазифалардан бири бу – тартибга солиш таъсир кучини баҳолаш тизими тартиб-таомилидан ўтиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг яқунланган рўйхатини шакллантириш назарда тутилган.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг институционал асослари жорий этилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлан-тиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида” 2019 йил 29 январдаги ПФ–5644-сон Фармони<sup>2</sup> билан Вазирлар Маҳкамасининг Юридик таъминлаш бошқармаси таркибида Тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўлими ташкил этилиши муҳим кадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 февралдаги 82-сон қарорида<sup>3</sup> Тартибга солиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 06/18/5505/1639-сон.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.01.2019 й., 06/19/5644/2546-сон.

<sup>3</sup> Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 3 февралдаги 82-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 04.02.2019 й., 09/19/82/2564-сон; 27.02.2019 й., 09/19/171/2675-сон; 17.05.2019 й., 09/19/416/3146-сон; 28.06.2019 й., 09/19/532/3344-сон, 19.07.2019 й., 09/19/600/3448-сон, 24.07.2019 й., 07/19/4401/3470-сон.

таъсирини баҳолаш бўлимида ижтимоий соҳада тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича алоҳида мутахассис штати киритилган.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар мамлакатимизда тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг ҳуқуқий, ташкилий ва институционал асосларини яратиш ва такомиллаштириш борасида амалга оширилган билан бир қаторга тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимида қуйидаги муаммоларни кўрсатмоқда.:

**Биринчидан,** қонун ҳужжатларида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ-5505-сон, 2019 йил 29 январдаги ПФ-5644-сон фармонлари) тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлса-да, ушбу институт тўлақонли ва яхлит тизим сифатида шаклланмаган. Хусусан:

– ижтимоий соҳа кенг қамровли бўлгани боис, бу соҳада давлат бошқарувини ҳам бир қатор махсус ваколатли давлат органлари (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқалар) амалга оширади. Бироқ, ушбу вазирлик ва идоралар томонидан тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашни амалга ошириш бўйича вазифа ва ваколатлар белгиланмаган;

– тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимини амалга оширишнинг аниқ тартиби ва таомиллари ишлаб чиқилмаган, баҳолашнинг ягона методикаси мавжуд эмас. Натижада амалиётда ижтимоий соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ўтказилмаяпти.

Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш ва унда қуйидаги масалаларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ:

ижтимоий соҳани тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш тартиби;

ижтимоий соҳа субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этиш тартиби;

тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашни амалга ошириш бўйича фаолиятга раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш тартиби;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича давлат органларининг аниқ вазифа ва функционал мажбуриятлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси концепциясида фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг ижтимоий соҳага таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни назарда тутиш.

**Иккинчидан**, қонун ҳужжатларида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг ягона методикаси мавжуд эмас, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашни амалга ошириш усуллари аниқ белгиланмаган.

Ушбу камчиликни бартараф этиш мақсадида мазкур йўналишдаги халқаро ташкилотларнинг тавсияларини, илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, **тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш методикасини** ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш лозим. Методикада ижтимоий соҳага таъсир кўрсатадиган тартибга солувчи механизмнинг мақсадга мувофиқлиги, давлат аралашувисиз муқобил механизмларни қўллаш имконияти каби ҳолатларга баҳо берилиши лозим.

**Учинчидан**, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш таҳлил қилиш, статистик ва бошқа кўрсаткичларни ўрганиш, прогноз қилиш, фойда ва харажатларни баҳолаш билан боғлиқ бўлгани боис узоқ вақт талаб қилади. Ушбу институт қўлланиладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг аниқ соҳалари ва мезонлари белгиланмаган. Бошқача айтганда, ижтимоий соҳанинг қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тартибга солиш таъсирини баҳолаш тартиб-таомилидан ўтиши кўзда тутилмаган.

Юқорида кўрсатилган камчиликни бартараф этиш мақсадида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш амалга оширилиши лозим бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг аниқ рўйхатини ва мезонларини ишлаб чиқиш лозим**.

**Тўртинчидан**, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, мураккаб жараён бўлгани, нафақат ҳуқуқий, балки ижтимоий соҳа қонунчилиги бўйича чуқур билим ва малака талаб қилиши, шунингдек бу борада махсус билимлар бериш бўйича ўқув курслари мавжуд эмаслиги боис, уни амалга ошириш бўйича зарур билим ва кўникмага эга мутахассислар кам.

Юқорида кўрсатилган камчиликни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

– вазирлик ва идораларнинг тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш учун масъул бўлган ходимларининг бу борадаги малака ва аамалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ҳар йили **Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш** бўйича ўқув семинар машғулотларини ўтказиб бориш амалиётини жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетига тегишли ихтисослик бўйича магистратура босқичида **тартибга солувчи таъсирни баҳолаш бўйича махсус ўқув курсларини** жорий этиш;

– Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтида **Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш муаммолари бўйича алоҳида бўлим** ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

**Бешинчидан**, тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашнинг муҳим элементи сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш тартиби аниқ белгиланмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарорининг жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш билан боғлиқ нормалари ўзаро мувофиқлашмаган.

Шунингдек ушбу жараёнда баён этилган таклифлар ва мулоҳазалар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ишлаб чиқувчи томонидан эътиборга олмаслик ҳолатлари кўп учрамоқда. Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ишлаб чиқувчи томонидан инobatга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан маълумотнома тайёрланиши белгиланган бўлсада, ушбу турдаги маълумотномалар тайёрланмаяпти, шунингдек бундай маълумотноманинг намунавий шакли ҳам ишлаб чиқилмаган.

Мазкур камчиликни бартараф этиш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳозирги кунда ўз амалий аҳамиятини йўқотганлиги муносабати билан уни бекор қилиб, қонун ҳужжатларининг тартибга солишнинг таъсирини баҳолаш тизими бўйича янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш;

**норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида баён этилган ҳамда ишлаб чиқарувчи томонидан инobatга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан тузиладиган маълумотноманинг намунавий шаклини** ишлаб чиқиш ҳамда Адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларда илова қилиш мақсадга мувофиқ.



**Алишер ЧИНМИРЗАЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати  
девони Юридик бошқармаси етакчи маслаҳатчиси*

## **МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бу маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларидир. Маълумки, вилоят, туман ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари эса тегишли вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айти бир вақтнинг ўзида мазкур ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қонун ижодкорлигининг сифатини ошириш ва уни тартибга солиш ҳамда эркак ва аёлларга тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаш кафолатлари сифатида гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун ташкилий-ҳуқуқий механизмни ишлаб чиқиш норма ижодкорлиги соҳасини такомиллаштиришда хизмат қилади.



**У.АБДУБАННАЕВ**

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия  
университети ўқитувчиси*

## **НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ЛОЙИҲАЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Инсон, жамият ва давлат учун катта хавфга эга бўлган ва бир вақтнинг ўзида жамият ҳаётининг барча соҳаларига салбий таъсир ўтказадиган коррупция омиллари бугунги кунда нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва хавфсизлиги учун таъсир ўтказди, балки фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини бузади ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун тўсқинлик қилади.

Коррупцияга қарши кураш, уни бартараф этиш кўп ҳолларда унга сабаб бўлувчи омилларни, ҳолатларни ва шарт-шароитларни аниқлашдан ва уларни бартараф этишдан, шунингдек унга қарши комплекс курашдан иборат бўлади.

Мамлакатда ўтказилаётган ислохотлар самарадорлиги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифати билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли, нафақат қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқлаштиришни таъминлаш, балки уларда давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан суиистеъмолликларнинг амалга оширилиши, амалиётда коррупциянинг

турли шакллари вужудга келишига олиб келувчи нормаларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш керак.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларининг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида:

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси мувофиқ тузилди ва республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

– коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

– аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;

– коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларга чек қўйишга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чора-тадбирлар самарадорлиги оширилишини таъминлаш;

– коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;

– коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

– коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни;

2. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрирда);
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги 2419-III/КҚ-523-III-сонли Қўшма қарори билан тасдиқланган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек уларга илова қилинадиган ахборот-таҳлилий материалларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштиришнинг ягона услубиёти;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон “Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг регламенти;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 мартдаги 242-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 октябрдаги 345-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қонун лойиҳаларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;
9. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар (рўйхат рақами 2352, 2012 йил 9 апрель);
10. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 2420, 2013 йил 1 февраль);
11. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль);
12. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти (рўйхат рақами 2745, 2015 йил 25 декабрь).

2003 йил 31 октябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Коррупцияга қарши конвенцияси 5-моддасининг 3-бандида белгиланганидек, коррупциянинг олдини олиш сиёсати ва амалиёти доирасида ҳар бир иштирокчи давлат тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ва маъмурий чораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга мос келиши нуқтаи назаридан уларни даврий баҳолашга ҳаракат қилади.

Худди шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлари режаси доирасида Ўзбекистон Республикасига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажбурий экспертизасини ўтказиш ҳақидаги талабни ва мазкур экспертизани ўтказишнинг жараёнини тартибга солувчи, шунингдек коррупцияга замин яратадиган нормалар анқиланган тақдирда амалга ошириладиган кейинги ҳаракатлар тўғрисидаги тартибни қабул қилиш бўйича тавсия берилган.

Коррупцияга қарши экспертиза қонунийлик, ҳуқуқни қўллашлик, нормаларнинг шаффофлиги ва барқарорлиги, холислик ҳамда мустақиллик тамойилларига асосланади.

Коррупциявий омиллар деганда ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни асоссиз қўллаш имкониятини белгиловчи, жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни, шунингдек ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқларни ўз ичига олган лойиҳаларнинг нормалари тушунилади.

Уларга:

ҳуқуқни қўлловчилар томонидан ҳар хил ва аниқ бўлмаган талқин қилишга имконият яратадиган нормаларнинг мавжудлиги;

ҳуқуқлар ҳажмини танлаб ўзгартиришнинг имконияти мавжудлиги, яъни органларнинг ихтиёрига кўра жисмоний ва юридик шахслар учун умумий тартибдан чиқувчи истисноларни асоссиз белгиланиши;

тегишли ҳуқуқ ва ваколатларни тақдим қилишнинг танлов тартибидан воз кечиб, уларни танловдан ташқари тақдим қилиш тартибининг мустаҳкамланиши;

барқарор бўлмаган, икки маъноли тушунчалардан фойдаланиш ёки қўлланилаётган атамаларнинг тушунчаси, илмий асослантирилиши ва ишончлилигининг мавжуд эмаслиги;

ҳуқуқий муносабатларнинг бир гуруҳ субъектларига нисбатан бошқаларни тенг бўлмаган, камситувчи аҳволга солувчи афзалликларнинг белгиланиши;



органларнинг жавобгарлиги, шунингдек уларнинг ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги нормаларнинг мавжуд эмаслиги каби омиллар киради.

Албатта, омилларнинг аниқ қилиб белгиланиши ҳуқуқни қўлловчиларга, яъни бевосита ҳуқуқий экспертиза билан шуғулланувчи мутахассисларга кўп қулайликлар яратади ва уларнинг коррупциянинг олдини олишдаги ўрнини сезиларли равишда оширади.

Коррупцияга қарши экспертиза ўтказишнинг *ўзига хос хусусиятлари* қуйидагилардир:

Коррупцияга қарши экспертиза адлия органлари томонидан ўтказилади.

Коррупцияга қарши экспертиза ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи, шунингдек лойиҳалар келишилиши лозим бўлган органларнинг юридик хизмати томонидан ўтказилиши мумкин.<sup>1</sup>

Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш жараёнига мустақил экспертлар ва тор доира йўналишларидаги мутахассислар ҳам жалб қилиниши мумкин.<sup>2</sup>

Коррупцияга қарши экспертиза ўтказилаётганда лойиҳанинг ҳар бир нормаси ёки қонуннинг, шунингдек лойиҳа қоидаларининг бу соҳадаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги даражасининг таҳлили амалга оширилади.<sup>3</sup>

Лойиҳада коррупциявий омиллар аниқланган тақдирда, адлия органининг коррупцияга қарши экспертизаси натижаси ҳуқуқий экспертиза ўтказилиши натижалари бўйича тайёрланадиган лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосада акс эттирилади.<sup>4</sup>

Олдинги таҳрир бўйича эса Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни ўз ичига олган нормалар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказишни рад этар эди.

---

<sup>1</sup> Олдинги таҳрирдаги услубиётда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро шартномалари ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси фақатгина услубиётга мувофиқ ўтказилиши белгиланган эди.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.06.2018 й., 10/18/2745-1/1310-сон.

<sup>3</sup> Олдинги таҳрирдаги услубиётда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, халқаро шартномалари ва уларнинг лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси фақатгина услубиётга мувофиқ ўтказилиши белгиланган эди.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.06.2018 й., 10/18/27451/1310-сон.

Лойиҳани қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хулосада коррупцияга қарши экспертизани ўтказишда аниқланган коррупциявий омиллар, улар аниқланган лойиҳанинг таркибий қисмларини ёритган ҳолда, кўрсатиб ўтилиши лозим.

Ўтказилган лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича эътирозлар мажбурий тусга эга ва лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши учун такроран киритилганда баргараф қилиниши шарт.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциявий омилларни ўз ичига олган нормалар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уларни Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказишни рад этади.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш жараёни ёки натижаси бўйича ўтказилади<sup>1</sup>.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади: адлия органлари, давлат органлари ва ташкилотларининг иш режалари; жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари; жамоат назорати субъектларининг таклиф ва мулоҳазалари; оммавий ахборот воситаларидан келиб тушган нашрлар ва бошқа материалларни ўрганиш натижалари.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси натижалари бўйича адлия органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 12-банди 5-кичик бандига мувофиқ давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва назорат тузилмаларига бажарилиши мажбурий бўлган тегишли тақдимномалар киритилиши мумкин.



---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.06.2018 й., 10/18/2745-1/1310-сон.

## **III БЎЛИМ. АЛОҲИДА ҲУҚУҚ СОҲАЛАРИДА ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Омонбой ОКЮЛОВ**

*Тошкент давлат юридик университет профессори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,  
юридик фанлар доктори,*

### **ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ**

Мамлакатимиз мустақилликга эришгандан кейин амалга оширилган иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ғоят муҳим роль ўйнади. Фуқаролик Кодекси кўп функцияли тизим яратувчи манба сифатида мамлакатимиз ҳуқуқий майдонида бунёдкорлик ва тартибга солиш вазифаларини амалга оширмоқда. Фуқаролик Кодексининг кўпгина категориялари ва тушунчалари, жумладан, зарар, зиён, фойда, даромад, мулк, мулкӣ ҳуқуқлар, мутлақ ҳуқуқлар, фуқаро, юридик шахс, ҳуқуқ лаёқати, муомала лаёқати ва шу кабилар бошқа ҳуқуқ тармоқлари учун ҳам ўзига хос методологик қурилма ҳисобланади, шу жумладан, жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, солиқ ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи ва бошқалар унга мўлжал оладилар.

2019 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди ва ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланди. Мазкур ҳужжатда мамлакатимизнинг келгусидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминловчи концептуал аҳамиятга эга бўлган муҳим кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Жумладан, фуқаролик муомаласида фан-техника ютуқларидан мақсадли фойдаланиш, хусусан, виртуал ҳуқуқий майдонда битим ва шартномалар тузиш, криптовалютадан фойдаланиш, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникацион технологияларни фуқаролик муносабатларида кенг қўллашнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиши белгилаб қўйилди. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасини кенгайтириш ва уни корпоратив муносабатлар билан бойитиш, тижорат ва нотижорат ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий ва шартномавий шакллари тизимини

такомиллаштириш, шу жумладан, давлат-хусусий ҳамкорлиги орқали турли инвестицияларни жалб қилиш, айниқса, ижтимоий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари конструкцияларини яратиш муаммолари ҳал этилиши лозим.

Фуқаролик қонун ҳужжатлари шахсий ҳуқуқ ва эркинларни ҳимоя қилиш соҳасида ҳам муҳим вазифаларни бажаради, шу муносабат билан оммавий маданият ва глобаллашув шароитида вужудга келаётган ғайритабiiй шахсий ҳуқуқлар: эвтаназия, бир жинсли никоҳлар, турли жинсий эркинликлар, ғайритабiiй эҳтиёжлар билан боғлиқ шахсий ҳуқуқларни эътироф этиш ва уларни амалга оширишни расмийлаштириш ҳамда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳар хил талабларни мамлакатимиз ҳуқуқий тизимига киритишга айрим кучлар ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Фуқаролик кодексида шахсий ҳуқуқларнинг мазмуни, уларнинг диний, ахлоқий, миллий қадриятлар билан уйғунлиги ёки уларга зид эмаслиги ва бошқа шу каби қадриятлар уларни ҳимоя қилиш шартлари сифатида белгилаб қўйилиши ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Фуқаролик кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишда ҳал қилиниши лозим бўлган методологик муаммолардан бири Фуқаролик кодекси – махсус қонунлар – қонун ости ҳужжатлари ўртасидаги муносабатни белгилаш масаласидир. Кўп ҳолларда, бу тизим уч қатламли бўлса, баъзи ҳолатларда тўрт қатламли тизим сифатида ҳам намоён бўлади. Фуқаролик кодекси фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг барча жиҳатларини батафсил тартибга солувчи манба сифатида қаралмаслиги лозим. Биринчидан, бунинг юридик техника жиҳатидан имкони йўқ (10 мингдан ортиқ нормадан Фуқаролик кодексини тасаввур қилиш мумкинми?). Иккинчидан, у доимийлик ва барқарорлик касб этолмайди.

Ривожланган мамлакатлар фуқаролик қонун ҳужжатларида шартномаларнинг янгидан-янги турлари ўз ифодасини топган. Ушбу шартномалар бугунги кунда мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам кенг қўлланилмоқда. Жумладан, логистика хизмати, дистрибьюторлик хизматлари, толлинг, консигнация битимлари, аутсорсинг битимлари, турли хизматлар кўрсатиш бўйича шартномалар ва шу кабилар бунга яққол мисолдир. Олди-сотди шартномаларининг кўп турларида товарнинг сотиб олган харидорга нисбатан кейинчалик товарни сифати ва иш ҳолатини таъминлаш бўйича юқори даражадаги сервис хизмати кафолатланади. Шундан келиб чиқиб, Конституциямизнинг 53-моддасида белгилаб қўйилган истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили Фуқаролик Кодексининг бутун мазмунига сингдирилиши лозим.

Фуқаролик кодексини янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрлашда Инвестиция, Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари, шунингдек, Фуқаролик Кодекси ва алоҳида фуқаролик қонунлари ўртасидаги нисбат ҳисобга олиниши талаб этилади. Фуқаролик кодекси

барча фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи ягона универсал манба бўла олмайди. Шу сабабли ҳам алоҳида фуқаролик қонунлари мавжуд бўлиши ва улар ҳуқуқий тартибга солиш юридик кучига, ўз юкига эга бўлиши табиийдир. Шу сабабли ҳам Фуқаролик Кодекси ва алоҳида фуқаролик қонунлари бир-бирларини такрорламасликлари учун Фуқаролик кодексида кўпроқ доктринал принциплар, тармоқлараро ва кичик тармоқлараро тартибга солувчи нормалар мустақамлаб қўйилиши лозим.

Фуқаролик кодекси фуқаролик кичик тармоқлари, институтлари, мегаинститутлари, субинститутларининг асосий қоидаларини ўзида мужассам этиши лозим. 1804 йилда қабул қилинган Франция Фуқаролик кодекси, 1896 йилда қабул қилинган Германия Фуқаролик Тузукларининг ҳозиргача амал қилиб келаятганлигининг сири ҳам шунда. Президент фармойишида ҳам Фуқаролик кодекси эмас, балки фуқаролик қонун ҳужжатлари ибораси ишлатилганлиги бежис эмас. Демак, бунда вазифалар ҳамжи Фуқаролик кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш билан чекланмайди, балки махсус қонунлар мазмуни билан боғлиқ вазифаларни ҳам қамраб олади.

Навбатдаги муаммо Фуқаролик кодексининг ўзбекча ва русча матни билан боғлиқдир. Афсуски, амалдаги ФКда ўзбекча матнда палапартишлик, ҳатто бир ҳолатни турли иборалар билан ифодалаш ёки бир неча ҳолатни битта ибора билан атаб фарқламаслик, ноаниқликлар, мавҳумликлар учраб туради. Масалан, русча матнда “ущерб”, “убыток”, “вред”, “задаток”, “заклад” каби тушунчалар ўзбекча матнда “зарар”, “закалат” сифатида қўлланган. Шу сабабли ҳам, Фуқаролик кодексининг янги таҳририда ўзбекча ва русча тушунча ва ибораларнинг айнийлигига, ўзбекча ибораларнинг мазмун юки русча ибораларники билан ҳамоҳанглигига алоҳида эътибор бериш лозим.

Ҳал қилиниши лозим бўлган методологик масалалардан бири қитъа ҳуқуқ тизими ва англо-саксон ҳуқуқ тизими ўртасидаги танлов масаласидир. Тўғри, бу масала қатъий равишда нотўғри қўйилгандай бўлиб туюлиши мумкин. Чунки баъзи мамлакатларда, масалан, Японияда фуқаролик қонунчилиги қитъа ҳуқуқ тизими ва англо-саксон ҳуқуқ тизими дурагайлиги асосида шакллантирилган. Бироқ бу масалада ниҳоятда эҳтиёткор бўлиш лозим. Англо-саксон ҳуқуқ тизимининг умумий тамойиллар ва суд прецедентида асосланиши юрист кадрларнинг таҳлилий қобиляти ўта юқори даражада бўлишини тақозо этади. Акс ҳолда, ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида ҳар хил суистеъмолликлар ва ўзбилармонликлар келиб чиқиши мумкин. Шу сабабли ҳам, фуқаролик қонун ҳужжатларини шакллантириш ва ривожлантиришда қитъа ҳуқуқ тизимининг доминантлиги (устунлиги) асосида англо-саксон ҳуқуқ

тизимининг замонавий илғор конструкцияларидан фойдаланишга йўл қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 апрелда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармойишида фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини тизимлаштириш ва бирхиллаштириш, уларни энг илғор хорижий амалиёт билан уйғунлаштириш, шунингдек, бу соҳада янада мукамалроқ халқаро стандартларни имплантация қилиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион юқори технологияларга асосланган экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгилаш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Фармонида бу соҳада конкрет қадам қўйилди. Ушбу Фармоннинг 21-бандига кўра Адлия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Навоий эркин иқтисодий зона дирекцияси акциядорлик жамияти ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда икки ой муддатда Навоий эркин иқтисодий зонаси ҳудудида иш юритишда инглиз тилидан фойдаланиб, инглиз стандартлари тамойиллари ва нормалари асосида Навоий эркин иқтисодий зонаси иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутувчи алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси белгиланди. Бу эса мамлакатимизнинг муайян ҳудудида ҳозирги амалдаги ФК эмас, инглиз ҳуқуқи амал қилишини англатади. Бундай тажриба Қозоғистонда ижобий самара берди. МДҲ мамлакатларининг роман-герман ҳуқуқ тизимига асосланган фуқаролик қонун ҳужжатларини катта бизнес томонидан йирик корпоратив битимларда қўлланилмаётганлиги ҳолатлари кузатилмоқда. Ушбу муаммонни хал этиш учун Россия Фуқаролик Кодексига англосаксон ҳуқуқ тизимини тегишли конструкциялари киритилди ва натижада катта бизнес Россия ФКсига ўз эътиборини қаратди.

Англияда шаклланган прецедент ҳуқуқ тизими кейинчалик Америкада татбиқ этилиб АҚШнинг фуқаролик ва савдо ҳуқуқини белгилади. Бундай татбиқ этилиш нафақат ҳуқуқ нормалари ва институтларини тушуниш ва мазмунини белгилашда балки ҳозирги кунга қадар сақланиб келаётган суд прецеденти усулини қўллаш билан белгиланади.<sup>1</sup>

Бугунги кунда инглиз ҳуқуқи суд прецеденти қобиғидан ташқари чиққан. Унинг мажбуриятларнинг алоҳида турлари бўйича

---

<sup>1</sup> Имомов Н.Ф., Бобожонова Д.И. Хорижий мамлакатлар фуқаролик ҳуқуқи: умумий тавсиф (айрим мамлакатлар мисолида). – Тошкент: ТДЮУ, 2018. – Б.4.

конструкциялари конкрет вазиятларда тарафлар томонидан ўз имкониятлари ва манфаатларига мослаштиришга имкон беради. Худди шу сабабли ҳам бугунги кунда қонун ижодкорлиги жараёнида инглиз ҳуқуқи конструкцияларини Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигига жорий этиш масаласи долзарб бўлиб қолади. Юридик таълим тизими, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, одил судлов корпусини шакллантиришда ушбу омилни қатъий ҳисобга олмоқ лозим.

Қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик қонунчилигини ривожлантиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган яна бир омил Х.Одилқориев, Ш.Ёқубов таъкидлаганидек халқнинг руҳи, табиати ва менталитети ҳисобланади<sup>1</sup>. Ш.Монтесъке таълимотида ижобий қонунлар уни яратадиган халқнинг табиатини, ҳукуматнинг хусусияти ва принципларини акс эттиради. Ҳуқуқнинг мазмунига таъсир этувчи омиллар қаторига аҳолининг турмуш тарзи, феъл-атвори, халқ руҳиятининг алоҳида хусусиятлари, ахлоқи, маънавияти, одатлари, дини ва бошқалар киради.<sup>2</sup>

Маълумки фуқаролик қонунлари шахсий ҳуқуқ эркинликларни, номоддий неъматларга бўлган ҳуқуқларни ҳам тартибга солади. Шу муносабат билан баъзи Ғарб мамлакатларида шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни кенг маънода ахлоқий кадриятларга зид равишда бузиб талқин этиш, нотабиий майл хохишларни шахсий ҳуқуқ ва эркинлик даражасига кўтариш ҳолатлари кузатилмоқда.

ФКнинг янги таҳририни ишлаб чиқишда шахсий ҳуқуқ эркинликлар, номоддий неъматларга бўлган ҳуқуқлар халқимиз руҳи, алоқий, диний кадриятларимизга зид бўлмаслиги ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ҳисобга олиниши лозим бўлган яна бир омил юридик техника билан боғлиқ. Унинг талаблариги риоя қилган ҳолдагина қонунлар мукамал даражага етади. Масалан қонунчилик техникасининг мақсадга мувофиқлик, қонунийлик, саводхонлик, жумлаларни тўғри тузиш, оқилона структурага жойлаштириш, ташқи жозибадор белгиларнинг мавжудлиги ва шу кабилар норматив ҳужжатлар учун ҳам ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳужжатларини учун ҳам умумийдир.<sup>3</sup>

Амалдаги ФКда рентага берилган таъриф, даъво муддати жорий этилмайдиган ҳолатлар бўйича негатор ва вендикацион даъволар ўртасидаги фарқлар бўйича матндаги англашилмовчиликлар ва чалкашликлар қарийиб 20 йилдан кейин бартараф этилганини унутмаслик лозим. Бинобарин, фуқаролик қонун ҳужжатларини такомиллаштириш жараёнида қонун ижодкорлиги талабларига қатъий риоя қилиш Фуқаролик кодексини ва қонунларини ҳаётийлигини ва таъсирчанлигини,

<sup>1</sup> Одилқориев Х., Ёқубов Ш. Миллий ҳуқуқий тизим ва кадриятлар. – Тошкент, 2010. – Б.254.

<sup>2</sup> Монтесъке Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – С.416.

<sup>3</sup> Теория право и государства. – М.: Новый юрист, 1997. – С.132.

самарадорлигини белгиловчи омил эканлигини доим назарда тутмоқ лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қонун ижодкорлиги талабларига риоя қилган ҳолда Фуқаролик кодексини янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш мамлакатимизда тадбиркорлар ва мулкдорлар манфаатларига ҳар томонлама хизмат қилган ва мамлакат тараққиётини таъминлашда муҳим юридик восита вазифасини бажарган бўлар эди.

ФКдан ташқари минглаб фуқаролик-ҳуқуқий қонун ҳужжатлари амал қилади. Улар турли фуқаролик тузилмаларни ҳуқуқий мақомини белгилайди, улар томонидан бажарилаётган ишлар, кўрсатилаётган хизматлар, етказиб бериладиган товарлар бўйича шартномалар хусусиятлари, сифати, тарафларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Ушбу қонун ҳужжатлари адолатли, холис ва инсофга асосланган бўлиши лозим. Бироқ, сўнгги вақтларда оммавий ахборот воситаларида муайян норматив-ҳужжатларни ва хатто қонунларни муайян манфаатларга хизмат қилишга бўйсундирилганлиги тўғрисида иддаолар баён қилинмоқда. Бошқача айтганда, ўзига хос тор доирадаги манфаатларни ифодаловчи лаббистик фаолият намоён бўлмоқда деб айтиш мумкин. Мамлакатимизда лаббизмнинг бир кўриниши маҳкамавий идоравий манфаатларни ифодаловчи турининг у ёки бу даражада мавжудлиги ҳақида аввалдан илмий адабиётларда мулоҳазалар мавжуд бўлган. Муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқаётган идора унда биринчи галда ўз манфаатларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади ва баъзи ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўша идоравий манфаатни мустаҳкамлаган ҳолда ўтиб кетади. Адлия вазирлигида қонун ҳужжатларини лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказдириш жараёнида ҳар доим ҳам маҳкамавий лаббизмни пайқаш имкони бўлмайди. Лаббизмнинг яна бир тури муайян соҳада фаолият юритувчи йирик компаниялар ёки тузилмалар манфаатини кўзлаб норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилган талаблар ҳисобланади. Афсуски, ижтимоий воқеъликда кишиларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган бундай ҳолатлар ҳам учраб турибди. Ривожланган мамлакатларда ҳар қандай қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар истеъмолчилар ҳуқуқ манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан ва эркин рақобат ва монополияга қарши кураш нуқтаи назаридан кенг миқёсда ҳуқуқий экспертизадан ўтказдирилади ва бунда турли жамоат бирлашмалари фаол иштирок этадилар. Фикримизча мамлакатимизда ҳам худди шундай тартибни жорий этиш ўринли бўлур эди. Норматив ҳужжатлар қабул қилингандан кейин уларни қай даражада ишлаётганлиги, шунингдек, лаббизмга дахлдорлиги бўйича доимий мониторинг йўлга қўйишни ҳам ўйлаб кўриш лозим.



Фуқаролик қонун ҳужжатлари икки қатламли ва баъзан уч қатламли ҳуқуқий тартибга солиш поғонали тизимлари шаклида намоён бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатда улар ўртасидаги коллизияларни бартараф қилиш механизми, турли поғоналар ўртасида уйғунликни таъминлаш масалалари муҳим аҳамиятга эга. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйилган коллизияларни бартараф этиш усуллари, яъни юридик кучи бўйича устуворлик тамойили, тенг кучга эга ҳужжатларда энг охирида қабул қилинган ҳужжатнинг устуворлиги тамойили етарли эмас. Тўғри Солиқ Кодексида солиқ тўловчи ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили, Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонунда эса тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойиллари мавжуд. Ушбу тамойиллар ҳам коллизияларни ҳал этувчи юридик восита ҳисобланади ва улар ҳам ўзига хос тарзда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунда мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Амалиётда коллизияларни ҳал қилувчи яна бир тамойил – махсус норма умумий нормадан устувор тамойили амал қилади. Бироқ, ушбу тамойилнинг ўзи баъзан ҳуқуқни қўллаш амалиёти учун муайян қийинчиликларни вужудга келтиради. Аниқроқ айтганда, умумий норма муайян имкониятни белгилайди, махсус нормада эса ушбу имкониятни амалга ошириш шартлари белгилаб қўйилган. Масалан, умумий норма бўйича фуқаролар мамлакат ҳудуди ва ташқарисига эркин кўчиб юриш ҳуқуқига эга. Бироқ, махсус норма бўйича муайян доирадаги шахслар жумладан, жиноий таъқиб остига олинган ёхуд суд қарори билан белгиланган қарз мажбуриятлари юкланган шахсларга нисбатан муайян чекловлар мавжуд. Бироқ, умумий норма конституциядаги ёки қонунда, махсус норма эса қонун ҳужжатида белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Умумий норма мустаҳкамланган норматив ҳужжатнинг юридик кучи юқори. Бироқ, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юридик кучи паст бўлган махсус норма кўпроқ қўлланилади. Шу сабабли ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунга умумий норма ва махсус норма ўртасидаги нисбат ва қандай ҳолатларда махсус норма умумий нормадан устувор бўлиши белгилаб қўйилиши лозим. Бу эса улкан норматив массивга эга бўлган фуқаролик қонун ҳужжатлари тизимини ўзаро уйғунлигини ва мутаносиблигини таъминлаган бўлур эди.



## **ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ХУҚУҚ ТИЗИМИДА ФУҚАРОЛИК ХУҚУҚИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ**

Хуқуқий тизимларнинг ҳозирги замондаги ҳолати узоқ ва изчил давом этадиган тарихий ривожланиш натижасидир. Аммо, нормаларни яратиш, талқин қилиш ва баҳолаш учун ишлатиладиган фақат энг ўзгармас элементларни кўриб чиқадиган бўлсак, хуқуқий тизимлар ўртасида ўхшашликларни кузатиш мумкин. Ушбу нуқтаи назарга асосланган ҳолда Рене Давид миллий хуқуқий тизимларни оилаларга гуруҳлаштириб ажратишни таклиф қилди. Натижада у хуқуқий оилаларнинг учта асосий гуруҳларини ажратиб берди: роман-герман хуқуқи оиласи, умумий хуқуқ оиласи ва социалистик хуқуқ оиласи. Албатта, вақт хуқуқ ривожланишига тузатишлар киритди. Социалистик тизимга асосланган мамлакатлар доираси амалда торайган сари социалистик хуқуқ оиласи ўзининг жаҳон миқёсидаги аҳамиятини йўқотди.

Романо-герман хуқуқи оиласи Европа мамлакатлари Рим хуқуқини ўзлаштиргани натижасида вужудга келган. Ҳозирги пайтда ушбу хуқуқий оиллага авваламбор Европа қитъаси, Лотин Америка (Испания ва Португалиянинг собиқ мустамлакалари ҳудудларидаги давлатлар), Африка мамлакатлари киради. Рим хуқуқининг таъсири Шотландия, Луизиана (АҚШ), Квебек (Канада) да сезиларлидир. Умумий хуқуқ оиласига Буюк Британия, АҚШ, Канада (Квебекдан ташқари), Австралия, Янги Зеландия, Ямайка, Ҳиндистон, Таиланд ва бошқа мамлакатлар киради.

Европа қитъаси мамлакатларида, шунингдек уларнинг хуқуқ тизимини ўзлаштирган мамлакатларда биринчи ўринда қонун туради, уларнинг фуқаролик хуқуқи эса кодификацияланган. Аксарият мамлакатларда фуқаролик кодекслари ўтган асрда ёки бу асрнинг бошидан чоп этилганлигига қарамасдан ҳозирга қадар ушбу давлатлар фуқаролик хуқуқининг негизи ҳисобланади. Маъмурий хужжат расман бўйсунувчи рол ўйнайди, суд амалиёти эса умуман хуқуқ манбаи ҳисобланмайди. Судлар қарор чиқариб, умумий нормалар яратмайди, қонун чиқарувчининг ўрнини босолмайди. Муайян иш бўйича чиқарилган қарор эса фақат мазкур иш учун мажбурий, деб тутилади.

Инглиз-саксон хуқуқи тизимини қўллайдиган мамлакатларда бошқача ҳолат юзага келган. У ерда ҳам қонун хуқуқининг бошқа

манбаларидан баландроқ туради, лекин суд амалиёти ҳам ҳуқуқ манбаи ҳисобланади. Айниқса ҳозирга қадар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ёзилган деб аталмиш ҳуқуқ манбаларига –қонун ва қонуности ҳужжатларга қараганда суд амалиёти катта роль ўйнайди.

Англия, АҚШда ва уларнинг тизимини қабул қилган бошқа мамлакатларда суд прецеденти принципи амал қилади: муайян иш юзасидан чиқарилган қарор тенг ва пастки инстанция судларининг барчаси учун, башарти улар шунга ўхшаш иш кўрса, мажбурийдир. Натижада расман амал қилаётган қонун аслида кучга эга бўлмаган вазият вужудга келади.

Европа қитъаси мамлакатларида суд амалиёти алоҳида ўрин тутаяди. У ерда қуйидаги принцип амал қилади: суд қарори фақат у чиқарилган иш учунгина мажбурийдир. Аммо аслида пастки инстанция судлари юқори инстанция судлари қарорларига амал қилишлари шарт, акс ҳолда уларнинг қарорлари бекор қилинади. Суднинг бундай ҳуқуқ ижодкорлигидаги ўрни айрим қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган. Швейцариянинг 1907- йилдаги Фуқаролик кодекси 1-моддасидан шундай ҳолат тугилганки, судья, башарти қонунда бўшлиқ мавжуд бўлса, қонун чиқарувчи ўрнига уни тўлдириш ҳуқуқига эга. Бошқа кодексларда, масалан Германиянинг фуқаролик қонун ҳужжатларида (ГФҚХ) судьяларга бундай катта ваколатлар берилмаган, шунингдек суднинг ҳуқуқ ижодкорлиги билан боғлиқ роли мустақамланган. Лекин мазкур қонун қоидалари шундай ёзилганки, суд кўриб чиқиши учун кенг имконият берилаяди. “Яхши хулқ”, “соф виждон” мезонларига таянган ҳолда нормаларни талқин қилиш йўлларини кўрсатади.

Европа қитъаси мамлакатларида фуқаролик ва савдо ҳуқуқи ҳамда умумий ҳуқуқ манбаларидан бири одат ҳисобланади. Одатни ҳуқуқий норма сифатида таърифлашга келадиган бўлсак, барча мамлакатлар учун қандайдир ягона таъриф мавжуд эмас. Бундан ташқари, бир мамлакатнинг таълимотида одатнинг турли таърифлари бор. Одат тавсифланадиган асосий белгилар сифатида қуйидагилар кўрсатилади: борлиқнинг муайян давмийлиги, оммавий тартибга риоя этиш мунтазамлиги, аниқлиги ва зид эмаслиги.

Ҳозирги пайтда одат қонун, қонуности ҳужжатлар ёки ҳатто суд амалиёти каби ҳуқуқнинг бошқа манбаларига қараганда иккиламчи ўрин тутаяди. Одатнинг ҳуқуқий нормалар иерархиясидаги ўрнига келсак, Европа қитъаси ва умумий ҳуқуқ мамлакатларининг барчасида одат даставвал қонунда тегишли кўрсатма умуман ёки тўлиқ бўлмаган ҳолларда қонунни тўлдирувчи норма сифатида тушунилади.

Норматив характерга эга бўлган ҳамда ҳуқуқнинг ҳар қандай бошқа нормаси сингари қўлланиладиган одатлардан ташқари таълимот ва амалиётда оддийликлар ҳам ажратилади. Улар айниқса савдо битими

бўйича тарафларнинг муносабатларини тартибга солиш борасида катта роль ўйнайди. Одатларга ўхшаб оддийликлар муайян савдо тармоғида доимий ва бир хил қўллаш асосида вужудга келган хулқ-атвор қоидаларидир. Лекин, одатлардан фарқли ўлароқ улар ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди ҳамда улар фақат тарафларга маълум бўлган, битимда тўғридан-тўғри кўрсатиш ёки назарда тутилган шарт тарзида ўз аксини топган тақдирдагина қўлланилади.

Бундай оддий принциплар халқаро савдо ҳуқуқи соҳасида тарқалган. Уларнинг кўплари у ёки бу савдо тармоғида кўпроқ қўлланилган бўлиб, турли халқаро ташкилотларнинг қатор ҳужжатларида акс этган. Масалан, 2000 йилда Халқаро савдо палатаси ташқи савдо соҳасида кенг қўлланиладиган савдо атамаларини талқин қилиш бўйича янги халқаро қоидаларни – “Инкотермс”ни ишлаб чиққан. Айнан шу халқаро ноҳуқумат ташкилоти 1974 йилда ҳужжатли аккредитивлар учун ягона қабул қилган бўлиб, улар ҳозирга қадар амал қилмоқда.

Европа қитъаси ва умумий ҳуқуқ мамлакатларнинг ҳозирги замон иш муомаласида формулярлар жуда кенг тарқалган. Бу олдиндан йирик экспортёрлар - юридик шахслар томонидан ишлаб чиқилладиган ва имзолаш учун контрагентга таклиф этиладиган намунавий шартномалардир. Намунавий контрактлар шартномаларнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Улар тарафлар учун уларнинг келишуви бўйича мажбурийдир. Аммо аслида йирик фирмалар бу шартларга бошқа мамлакатларнинг контрагентларини мажбуран кўндирадидилар. Ушбу шартларнинг мазмуни уларни ишлаб чиққан мамлакатларнинг ҳуқуқи ва амалиётига асосланади. Шу муносабат билан БМТ Европа иқтисодий комиссияси томонидан ишлаб чиқилган контрактларнинг турли шакллари ҳамда хилма-хил умумий шартларни эслатиб ўтиш жоиз.

Фуқаролик ва савдо ҳуқуқи манбалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқар эканмиз, уларнинг яқинлашишига, ҳатто нафақат бир мамлакат доирасида, балки халқаро миқёсида унификацияланишига доир тенденцияни кўрсатиб ўтиш лозим. Халқаро конвенция тузиш унификациялашнинг енг тарқалган усули ҳисобланади. Унификация натижасида эришилган конвенция ушбу конвенцияда қатнашувчи давлатларнинг халқаро шартнома мажбуриятларига асосланади. Бунда шундай вазият бўлиши мумкинки, унда конвенция нормалари билан фақат халқаро муомала билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Транспорт, товарларнинг олди-сотдиси, товарларнинг халқаро олди-сотдисидаги даъво муддати соҳасига доир конвенцияларнинг кўплари шундай характерга эга. Бир қанча давлатлар муайян соҳада ўз ички ҳуқуқини тўлиқ ўзгартиришга келишиб олган тақдирда унификация янада кенгрок амалга оширилади. Хусусан, 1930-йилги Женева вексел ва чек

конвенциялари шундай аҳамиятга эга. Уларнинг нормалари мамлакат ичкарасидаги муносабатларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Ҳуқуқий нормаларнинг унификацияси халқаро шартномани тузмаган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бир қанча давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари билан (ёки халқаро ташкилот ёрдамида) намунавий қонун лойиҳаси яратилиб, уни манфаатдор давлатлар ўзларида жорий этишлари мумкин. Масалан, Интеллектуал мулк бутунжаҳон ташкилоти бу йўлдан бориб ривожланган мамлакатлар учун саноат мулкани муҳофаза қилиш соҳасида намунавий қонунлар яратиб келмоқда. Скандинавия мамлакатлари ҳам шу йўлдан бормоқда: У ерда олди-сотди шартномалари тўғрисидаги, савдо реестри тўғрисидаги, савдо агентлари тўғрисидаги ва бошқа бир хил қонунлар қабул қилинди.

Ҳуқуқий тизимларнинг яқинлашуви нафақат ҳуқуқий кўрсатмалар мазмунини ўзгартириш орқали юз бермоқда. Яқинлашув тартибга солиш усуллариини ўзгартириш бўйича амалга оширилмоқда: агар Европа қитъаси мамлакатларида суд амалиёти катта ўрин тутса, инглиз-америка ҳуқуқий тизими давлатларида қонун роли ошиб бормоқда.

Ниҳоятда, яқинлашув ҳуқуқий кўрсатмаларни ўзгартирмасдан ҳам юз бериши мумкин. Бунда турли мамлакатларга хос бўлган бир-биридан фарқ қилувчи ҳуқуқий принциплар ва нормалардан фойдаланиш орқали улар шундай талқин қилинади ва қўлланиладики, ҳар хил нуқтаи назарларга асосланиб бир натижага келинади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2205 (XXI)-рақамли резолюцияси Халқаро савдо ҳуқуқи комиссияси (ЮНСИТРАЛ) олдида “халқаро савдо ҳуқуқи соҳасидаги халқаро конвенциялар ва қонунларнинг бир хил талқин қилинишини таъминлайдиган йўл ва воситаларни излаб топиш” вазифасини қўйди. Айрим конвенцияларда уларнинг қоидаларни талқин қилишда конвенциядаги нормаларнинг халқаро характерини ҳисобга олиш ҳамда улар бир хил қўлланилишига эришиш зарурати кўрсатилган (масалан, 1980 –йилги Халқаро олди-сотди тўғрисидаги Конвенциянинг 71-моддаси).

Европа Ҳамжамияти (ЕҲ) (илгариги Европа Иқтисодий Ҳамжамияти) доирасида унификация хусусан ЕҲга аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида тузилган битимлар асосида амалга оширилмоқда. 1968 йилдаги Компаниялар ва бошқа юридик шахсларни ўзаро тан олиш Брюссель конвенцияси, 1980-йилдаги Шартномавий мажбуриятларга нисбатан ҳуқуқни қўллаш тўғрисидаги Рим конвенцияси бундай битимлар қаторига киради. Америка қитъаси мамлакатлари эса 1994-йилда Мехикода халқаро шартномаларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги америкалараро конвенцияни қабул қиладилар.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, Европа қитъаси ҳамда инглиз-америка ҳуқуқи мамлакатларининг фуқаролик ва савдо ҳуқуқи

манбалари одатда қонунлар, норматив характердаги маъмурий ҳужжатлар, суд амалиёти ва одатдан иборатдир. Аммо, ЕҲ доирасида ушбу минтақавий ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар учун фуқаролик ва савдо ҳуқуқи манбалари тоифасига кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари ЕҲ органларининг ҳужжатлари (регламент ва директивалар) киради.



**Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА**

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти  
доценти, юридик фанлар номзоди*

## **ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Ҳар қандай давлатда муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги яратилиши билан миллий ҳуқуқ тизими ҳам шаклланади. Олимлар муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясининг қонунчиликда 3 тури: рим ҳуқуқи, англосаксония ва социалистик тизим қонунчилиги мавжуд эди, деб фикр билдиришади.

Англо-саксония (англо-америка) тизимига кўра муаллиф деб жисмоний ва юридик шахслар тан олинади. Континентал (европача) тизимга кўра эса (Франция, ГФР, Россия, Украина и бошқа давлатларда) муаллиф деб фақат жисмоний шахслар тан олинади ва уларга шахсий номулкий ва шахсий ҳуқуқлар тегишли бўлади. МДҲ давлатлари ва Ўзбекистон қонунчилигида муаллифлик ҳуқуқи қоидалари ҳуқуқнинг континентал тизимига кўра мустаҳкамланган.

Асосан шўролар даври қонунчилигини таҳлил этган олимлардан М.В.Гордон, Е.А.Флейшиц, Н.А.Райгородский, А.М.Гарибян, О.С.Иоффе, М.М.Богуславский, Э.П.Гаврилов ва бошқалар социалистик тизим жаҳонда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя тизимини яратишда туб бурилиши ясади, шунга кўра бир қатор халқаро конвенциялар социалистик тузум принципларидан келиб чиқиб қабул қилинди,<sup>1</sup> дейишади. Бу олимларнинг қарашларига кўшилиб бўлмайди. Чунки, социалистик тузум шароитида қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликда муаллиф эмас, унинг асарлари биринчи ўринда ҳимоя қилинган, қонунларда эса ижрочилар ва уларга тенглаштирилган субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими мавжуд эмас эди.

<sup>1</sup> Гордон М.В. Советское авторское право. -Москва.: Юридическая литература 1955., Флейшиц Е.А. Авторское право.- Москва.: Юридическая литература, 1956., Райгородский Н.А. Авторское право на кинематоргафическое произведение. -Л.:ЛГУ, 1958.

В.В.Белов, Г.В.Виталиев, Г.М.Денисовларнинг фикрига кўра “асосий мақсад давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш, ижодий фаолият натижаларини эса яратишда “ижтимоий фойдалиги” асосий критерий эди”.<sup>1</sup> Бугунги кунда муаллифлик ҳуқуқининг икки тизими: агло-саксон (англо-америка) ва роман-герман (континентал) мавжуд.

Маълумки, муаллифлик ҳуқуқи хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади. Бир мамлакат ҳудудида яратилган ҳар қандай асардан бошқа мамлакатда эркин фойдаланиш ёки бир мамлакат фуқароси вақтинча бошқа мамлакат ҳудудида бўлиб турганида асар яратиши, муаллифлик ҳуқуқининг халқаро миқёсда ҳимоя қилинишини англатади. Шунинг учун ҳам муаллифлик ҳуқуқига оид қатор конвенция ва шартномалар ҳаракатда бўлган вақтда шу конвенция ва шартномаларнинг аъзоси бўлган барча давлатларда муаллифлик ҳуқуқи бир хилда, яъни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳимоя қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи халқаро-ҳуқуқий масалалар билан шуғулланиб келаётган қатор ташкилотлар - БМТ, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), ЮНЕСКО, Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) ва бошқа халқаро универсал ташкилотларнинг фаолияти, улар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг амалда қўлланиши, давлатларнинг бу ташкилотларга аъзо бўлиб кириши, бу ташкилотларни бошқаришда иштирок этиш каби қатор масалалар халқаро ҳуқуққа, жумладан, муаллифлик ҳуқуқига ҳам дахлдор. Халқаро ҳуқуқ кишилиқ цивилизациясининг ютуғи, умуминсоний қадрият ва ҳозирги замон жаҳон тартиботининг ҳуқуқий асоси ҳисобланса,<sup>2</sup> муаллифлик ҳуқуқи халқаро доирада фан, адабиёт ва санъат асарларининг эркин айирбошланиши, уларнинг халқаро ҳуқуқ нормалар орқали ҳимояга олингани билан фарқланади.<sup>3</sup>

Муаллифлик ҳуқуқи халқаро доирада ҳимоя қилинар экан, албатта халқаро универсал ташкилотларнинг назарида бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи халқаро ҳимоя қилинаётганда асосий иштирокчи субъект-давлат ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ аксарият ҳолатларда давлат ичида юзага келувчи муносабатларга бу давлатнинг миллий ҳуқуқлари орқали муайян таъсир кўрсатса-да, бу муносабатларни бошқармайди.<sup>4</sup>

Р.Т.Ҳақимовнинг фикрига кўра “давлат халқаро муносабатларда қатнашар экан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг асосий истемолчиси ва ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади, чунки халқаро ташаббус субъектлари

<sup>1</sup> Белов В.В., Виталиев Г.В., Денисов Г.М. Интеллектуальная собственность. Законодательство и практика его применения. –Москва.: Юристъ, 2002. –С.132

<sup>2</sup> Саидов А. Халқаро ҳуқуқ: моҳияти ва аҳамияти. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2000.-Б.3

<sup>3</sup> Международное частное право. –Москва.: Юридическая литература, 1984. –С.222

<sup>4</sup> Маматкулов А.. Халқаро ҳуқуқ.-Т.: Адолат, 1997. –Б.8

иродасини келишириш орқали халқаро ҳуқуқий нормалар яратиш жараёнидан иборатдир”.<sup>1</sup> Р.Ҳақимовнинг бу фикрига тўлиқ қўшилиб айтиш мумкинки, давлат халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг яратувчи субъекти ҳисобланади ва айна вақтда халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлган халқаро универсал ташкилотларнинг ҳам аъзоси бўлиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон ЮНЕСКО, БИМТ, БМТ каби халқаро ташкилотларнинг тўлақонли аъзосидир.

Муаллифлик ҳуқуқи муҳофазаси билан шуғуланиб келаётган халқаро ташкилотларнинг соҳага оид ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини кенгрок тушуниш учун, аввало, миллий ҳуқуқ ижодкорлигини англаб олиш лозим. Ҳуқуқ ижод этиш давлатнинг юридик нормалар яратишга қаратилган махсус фаолиятидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги нисбатан кенгрок жараён бўлмиш ҳуқуқ яратишнинг таркибий қисми ҳисобланади.<sup>2</sup>

Халқаро-ҳуқуқий нормалар халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг бош вазифаси бўлмай, балки у узоқ давом этган субъектлараро муносабатларни ёки халқаро-ҳуқуқий ҳодиса ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш заруриятидан келиб чиқиб яратилади. Бу халқаро ташкилотнинг “ҳуқуқ яратиш” фаолияти бўлиб, у юридик нормани шакллантириш ва расмийлаштиришга қаратилган жараёндир. Ҳуқуқ яратишнинг сўнгги босқичи ҳуқуқ ижодкорлигини ташкил этади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги-ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг (референдум чоғида бутун халқнинг) ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ўзгартириш, такомиллаштириш ва бекор қилишга йўналтирилган махсус фаолиятидир. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти ўз моҳиятига кўра давлат иродасини ифодалаш билан боғлиқ. Халқаро ташкилотлар фаолиятида эса, ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти юзага келган халқаро муносабатларни тизимлаштириш жараёни бўлиб, бир давлат иродасини ифодалаш бўлмай, балки ҳамжиҳатлик принципини жорий этиш демакдир.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти бир қараганда давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига ўхшаб кетади. Давлатнинг халқаро ҳуқуқ яратиш фаолиятидаги ташаббуси ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини таклиф қилиш, субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни мустақил адо этиш, халқаро вазиятдаги ўзгаришларга қарашнинг янги ижодий варианты ва ҳоказолар шаклида амалга оширилиши мумкин<sup>3</sup>. Масалан, Р.Ҳақимов халқаро ҳуқуқнинг манбаси сифатида халқаро

<sup>1</sup> Ҳақимов Р.. Ўзбекистон ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.-Б.37

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. -Т.: Адолат, 2000. –Б.238

<sup>3</sup> Ҳақимов Р. Ўзбекистон ва Бирлашган миллатлар ташкилоти. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. –Б.192.



шартномаларни сиёсий шартномалар, ҳуқуқий масалалар бўйича битимлар, иқтисодий масалалар бўйича битимлар, дўстлик, маданият ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар, алоқа масалалари бўйича битимлар, транспорт масалалари бўйича битимлар, антикриминал масалалар ва биргаликда ҳаракат қилиш бўйича битимлар, уруш қонунлари ва одатларига оид масалалар бўйича битимлар гуруҳига ажратади<sup>1</sup>.

Давлат халқаро оммавий ҳуқуқнинг субъекти сифатида бошқа субъектларга нисбатан катта ваколатларга эга бўлса-да, лекин давлат халқаро хусусий ҳуқуқнинг субъекти сифатида мулкӣ муносабатларга ҳам киришиши мумкин<sup>2</sup>. Халқаро ташкилотлар ҳам худди давлатлар каби ҳуқуқ тизими меъёрларини яратиш ва бошқа муносабатларда иштирок этади.

Халқаро ташкилотларнинг муаллифлик ҳуқуқига оид ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятига ўзига хос хусусиятларга эга. Халқаро ташкилотлар халқаро-ҳуқуқий нормалар яратишни мақсад қилиб кўйган экан, келгусида бу нормаларнинг амалда таъминланиши учун ҳам масъул ҳисобланади. Яратилган халқаро-ҳуқуқий нормалар халқаро ҳуқуқнинг манбасига айланар экан, у аввало, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари томонидан бажарилиши мажбурийдир. Миллий қонунчиликда одоб-ахлоқ, миллийлик ёки хусусийликка асосланган қоидалар ўз аксини топса, халқаро-ҳуқуқий нормаларда умумэътироф этилган принципларга кўра умумтавсиявий, кенг ҳудудлик, тенглик, иштирокчилик, хоҳишийлик ва бошқа бир қатор унсурлар жамланади. Бинобарин, халқаро ҳуқуққа нисбатан “қонунчилик”, “халқаро қонунийлик” тушунчаларини қўллаш маълум маънода нотўғри<sup>3</sup>.

Халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратишда халқаро ташкилотлар аввало, ҳамжиҳатлик принципига таянади. Бунда халқаро ташкилотнинг аъзо-давлатлари барча-хоҳиш истаклари инобатга олинади. Халқаро актлар қабул қилиниши билан ҳам миллий қонунчиликдан фарқланади. Миллий қонунчилик бевосита халқ вакиллари (депутатлар) томонидан қабул қилинса, халқаро актлар давлатлар вакил қилиб юборган шахслар (ваколатли шахслар) иштирокида қабул қилинади.

Миллий қонунчилик тўғридан-тўғри кучга киритилса, халқаро актлар эса давлатларнинг навбатма-навбат ва номуайян муддатларда аъзо бўлиб кириши билан ҳам фарқланади. Миллий қонунлар ҳамма субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлса, халқаро актларга давлатларнинг аъзолиги даврида Илова (оговорка)лар қилиниши мумкин. Аъзо давлатлар ўзи қўшилган халқаро актдан истаган пайтда эркин чиқиб

<sup>1</sup> Ўша жойда. –Б.8-50.

<sup>2</sup> Бобоев Х., Додобаев, Коннова Т. Международное торговое право. -Т.:Янги аср авлоди, 2001. -Б.25

<sup>3</sup> Саидов А.Халқаро ҳуқуқ: моҳияти ва аҳамияти. -Т.: Инсон ҳуқуқлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2000.-Б.20

кетиш ҳуқуқига ҳам эга. Бундан ташқари халқаро ташкилотлар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланаётган пайтда миллий қонунларга таянмайди.

Т.Н.Нешатаева халқаро ташкилотлар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида уч кўринишдаги қуйидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни яратади, деб кўрсатади: а) оммавий характердаги халқаро нормалар; б) хусусий характердаги халқаро нормалар; в) халқаро маъмурий қоидалар.<sup>1</sup> Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ҳуқуқ ижодкорлиги ўз мазмунига кўра икки тоифа ҳаракатни: биринчидан, ҳуқуқ ижод органларнинг норматив акт лойиҳасини тайёрлаш бўйича ҳаракатлари; иккинчидан норматив актни чиқариш бўйича ҳаракатларни амалга оширишни қамрайди.<sup>2</sup> Бундай туркумланишга асосланиб айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқ ижодкорлиги миллий ҳуқуқ ижодкорлигидан кўра кўпроқ ҳаракат ва жараёнларни қамраб олади. Бу жараёнлар дунёнинг турли ҳудудларида ва турли вақтларда амалга оширилиши, кенг қамровлиги ва нормаларнинг қабул қилиниши хусусиятлари ҳамда амалга киритилиши билан фарқ қилади.

Маълумки, халқаро ташкилотлар ўзининг кундалик фаолиятига доир ва ўзи субъект сифатида халқаро муносабатларга киришадиган характердаги актларни қабул қилади. У ўз вазифасини икки жиҳатдан амалга оширади: биринчидан, ҳар бир ташкилот бевосита ўзининг тузуми ва фаолиятининг асосий йўналишига таълуқли ҳужжатлар туркумини эълон қилади; иккинчидан, ташкилот махсус ҳужжатлар, маърузалар, маълумотлар, ўзи шуғулланадиган масалалар бўйича қисқача баёнлар эълон қилади. Норматив вазифани икки маънода: халқаро ташкилотнинг ҳуқуқ нормаларини яратишда бевосита иштироки; халқаро ташкилотнинг давлатларнинг норматив жараёнида иштироки сифатида тушуниш мумкин<sup>3</sup>.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти натижасида халқаро шартномалар қабул қилинар экан, уларни тадбиқ этиш ўзига хос амалга оширилади. Аъзо-давлатлар шартномада қатнашишни расмийлаштириш босқичларига қараб шундай фарқланади: музокаларнинг қатнашчилари-халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома матнини тузиш ва қабул қилишда қатнашадилар. Битишувчи томонлар халқаро ҳуқуқ субъектлари шартнома кучга-кирдими-йўқми, бундан қатъий назар шартномани узил-кесил қабул қиладилар; шартнома қатнашчилари-халқаро ҳуқуқ субъектлари шартномани узил- кесил қабул қилиб, улар учун у кучга киради<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>Нешатаева Т.Н. Международные организации и право. -Москва.: Дело, 1998.-С.55

<sup>2</sup> Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. -Т.: ТДЮИ, 2000. –Б.239-240

<sup>3</sup> Ўша жойда. –Б.121

<sup>4</sup> Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ.-Т.: Адолат, 1997. –Б.64-65

Шартномалар турли босқичдан иборат жараёнда тузилиши мумкин. Бу халқаро ташкилот томонидан ўртага ташланган мавзу ва келишувнинг кечишига қараб аниқланади. Масалан, БИМТнинг шартномаларини яратиш ўн йилга чўзилган ва қабул қилиш жараёни икки йилни ташкил этди. ЮНЕСКОнинг муаллифлик ҳуқуқига оид айрим халқаро актларини қабул қилиш жараёни ўн йилдан бери давом этиб келмоқда. БСТнинг шартномалари турли регионларда ва турли муддатларда яратилган.

Республикамизда А.Мўминов томонидан ЮНЕСКОнинг норма ижодкорлик фаолияти ва унинг актларининг ҳуқуқий табиати таҳлил этилган ҳамда актлари юқорида баён этилган тамойилларга кўра туркумланган<sup>1</sup>. Унинг фикрларига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, муаллифлик ҳуқуқига оид актлар ўз мақомига эга бўлишида унинг яратилиши билан боғлиқ қарашлар муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган актлар, шартномалар турлича кўринишларда амалга киритилиши мумкин. Маълумки, шартномалар: ратификация қилиш, қўшилиш, иловага эришиш жараёнлари орқали давлатларда кучга кириши мумкин. А.Маматқуловнинг фикрича, ратификация-шартноманинг давлат олий органларидан бири томонидан тасдиқланиш акти бўлиб, бу шартноманинг мажбурийлигига розиликни билдиради. Қўшилиш-бошқа давлатлар тузган шартнома мажбурийлигига розилик актидан. Илова (оговорка)-бир томонлама баёнот бўлиб, унинг воситасида давлат шартноманинг муайян қоидалари ҳаракатини ўзига нисбатан бекор қилиш ёки ўзгартиришни кўзда тутди<sup>2</sup>. Масалан, Ўзбекистон 2005 йил 19 январда “Бернь конвенцияси”га қўшилди ва конвенциянинг 18-моддасига Илова (оговорка) таклиф қилди. Айтиш керакки, ушбу Илова халқаро ҳуқуқ талабларига унчалик мос равишда киритилмаган. Яъни, Иловада “Ўзбекистонда конвенция қоидалари кучга кирган пайтгача амалда бўлган асарлар ижтимоий бойликка айланган деб ҳисобланади ва улар конвенция қоидалари амалга киритилгандан кейин муҳофаза қилинмайди”, деб имтиёз олишга ҳаракат қилинган. Худди шундай ҳолат 1993 йилда Россия Федерациясининг Бернь конвенциясига аъзо бўлиб қўлишида ҳам кузатилган эди.

Бернь конвенциясига қилинган Иловада кўрсатилган, яъни мамлакатимизнинг олган имтиёзини амалда қўллаш имконияти бўлмасида, лекин уни расман бекор ҳам қилиб бўлмайди. Шунинг учун халқаро амалиёт ва тажрибага кўра бу қоидага эътибор қаратилиши шарт эмас ва

<sup>1</sup> Мўминов А.Р. Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий масалалари. Юрид.фан.номзод... диссертацияси. –Т.: ЖИДУ, 2005. -154 б.

<sup>2</sup> Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ.-Т.: Адолат, 1997. –Б.69-70

республикамиз имзолайдиган икки томонлама давлатларо муносабатлардаги актларда тўғриланиши ёки алоҳида изоҳланишининг ўзи кифоя бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ, муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро-ҳуқуқий актларни яратиш ва унинг назоратини амалга оширишда қатнашиб келаётган халқаро ташкилотлар асосан соҳага оид халқаро ҳуқуқ нормаларини яратишда иштирок этадилар. Улар томонидан қабул қилинган ёки маъмурий вазифаси бошқарилаётган халқаро актлар халқаро ҳуқуқнинг манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу актлар амалда қўлланган вақтда хусусий-ҳуқуқий кўринишни касб этса-да, пировард натижада улар билан боғлиқ халқаро муносабатлар халқаро оммавий ҳуқуқ нуқтаи-назаридан ҳал этилади. Келгусида халқаро актларга аъзоликка ушбу тамойилга эътибор қаратиш фойдали ҳисобланади. Республикамиз томонидан келгусида қўшиладиган бошқа халқаро актларга нисбатан Илова бераётганида халқаро актларнинг мазмуни ва қўлланиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилиши муҳим аҳамият кссб этади.



**Бобоқул ТОШЕВ**

*Юристар малакасини ошириш маркази  
кафедра мудири, юридик фанлар доктори*

**Олимжон ИСРОИЛОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси*

## **ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ СОҲАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ СТАНДАРТЛАРИГА ЯҚИНЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

1996 йил 21 июнда Флоренцияда Европа Иттифоқи аъзо-давлатлари Вакиллари, Еврокомиссия раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти “Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим” (ШХБ)ни имзоладилар. Бу акт билан бирга 17 протокол ва 33 декларация имзоланган. Бу Битим ўзининг кўлами, тартибга солинадиган халқаро масалалар ва томонларнинг ваколатлари даражаси билан ажралиб туради.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожидида 1999 йил алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур йилда Европа ҳамжамиятлари ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик битими кучга кирди, ТАСИСнинг янги регламенти қабул

қилинди. ШХБ доирасида Европа Иттифоқи-Ўзбекистон биринчи Ҳамкорлик кенгаши 1999 йил 13 сентябрда Брюсселда бўлиб ўтди. Шундан сўнг идоравий учрашувларга йўл очилди ва тенг ҳуқуқли муносабатларнинг шартномавий ҳуқуқий негизлари ҳам мустаҳкамланиб борди.

Бу Битимга кўра Ўзбекистонда халқаро-ҳуқуқий фаолият йўллари белгилаб олинди. Битимда томонлар БМТ уставида, Хельсинки конференциясининг Яқунловчи ҳужжатида (1975 йил июль) ҳамда 1990 йил ноябрда ҳуқумат бошлиқларининг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Конференциясидаги учрашувида қабул қилинган Янги Европа учун Париж Хартиясида мустаҳкамланган демократия, халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари принципларини, бозор иқтисодиёти принципларини, шу жумладан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Бонн Конференцияси ҳужжатларида мустаҳкамланган принципларни ҳурмат қилишлари керак. “Европа ҳамжамияти” деб ном олган Европа иқтисодиёти ҳамжамияти тўғрисидаги шартнома халқаро ҳуқуқий манба сифатида унинг ташкил топишини ҳуқуқан расмийлаштирди, деб ҳисоблайди Ҳ.Юнусов.

Шартномада **6-бобнинг 41-моддасида интеллектуал мулкка оид** қоидалар белгиланган. Унда айтилишича ушбу битим кучга киргандан кейин беш йиллик муддат тугагач, интеллектуал, саноат ва тижорат мулки эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳамжамиятдаги даражага мос келадиган ҳимоя даражасига, шу жумладан, мазкур ҳуқуқларни кучайтириш борасида самарали воситаларга эриши мақсадида бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилишни яхшилаб бораверади.

Ушбу Битим кучга киргандан кейин, беш йил ўтгач Ўзбекистон Республикаси 5-Илованинг биринчи бандида айтиб ўтилган интеллектуал, саноат ва тижорат мулкига эгалик ҳуқуқлари тўғрисидаги кўп томонлама конвенцияларга қўшилади, қўшилган ушбу конвенцияларнинг тегишли шартларига биноан уларга Аъзо-давлатлар ёки улар амалда Аъзо-давлат томонидан қўлланилади, деб белгиланган.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик Битимининг 42-моддасида томонлар Ўзбекистон Республикасининг мавжуд ва бўлажак қонунларининг Ҳамжамият қонунлари билан яқинлашуви Ўзбекистон Республикаси билан Ҳамжамият ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашнинг муҳим шarti, деб биладилар. Ўзбекистон Республикаси ўз қонунларининг Ҳамжамият қонунларига мос келишига аста-секин эришишга ҳаракат қилади. Қонунларнинг яқинлашуви жараёни, хусусан, ҳуқуқнинг қуйидаги соҳаларига тадбиқ этилади: бож ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолияти, интеллектуал мулк, телекоммуникациялар соҳасидаги қонунлар, рақобат

қоидалари, шу жумладан савдо бобидаги барча параграфлар, давлат хариди ва бошқа соҳалар.

Шериклик ва Ҳамкорлик Битимининг 63-моддасида томонлар ахборотни қайта ишлашнинг замонавий усулларини, унинг воситаларини қўшган ҳолда қўллаб-қувватлайдилар. Улар самарали ўзаро ахборот алмашишни рағбатлантириш бўйича керакли ишларни қиладилар. Жамоатчиликни Ҳамжамият ва Ўзбекистон Республикаси ҳақидаги асосий ахборот билан таништиришга қаратилган дастурларга устивор эътибор қаратилади, имкони бўлганда интеллектуал мулк ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда маълумотлар базасига йўл очик ҳам бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, Европа Иттифоқи мамлакатларининг тажрибаси ва амалиётидан республикамизда кенг фойдаланиш яхши самара беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, томонлар келишув маданий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши, маданий ҳамкорлик асосан аъзо-давлатларда асарларнинг эркин айланиши орқали юқори ҳамкорликни таъминлайди деб ўзаро ишонч билдирганлар. Битимнинг 73-моддасида белгиланишича, томонлар ушбу моддага мувофиқ ЕИ ва Аъзо-давлатларнинг маданий ҳамкорлик дастурларида иштирок этиши ва Томонларни ўзаро қизиқтирувчи фаолиятни ривожлантириш мумкин. Ҳамкорлик муассаларни, маданият арбобларини ва маданият соҳасида ишловчи бошқа шахсларни ўзаро маданий айирбош шаклида, ёдгорликларни, тарихий жойларни ва ҳоказоларни муҳофаза қилишда ахборот ва тажриба алмашиш шаклида амалга оширилиши мумкин, деб таъкидлангани, бевосита муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган асарларнинг эркин айланишига олиб бориши ҳақида келишиб олинган.

Битимда белгиланганича Ўзбекистон Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ)га аъзо бўлиши йўлида қатор ҳужжатлар қабул қилиши лозим эди. БСТга аъзо бўлиш учун республикамизда ҳуқуқий, иқтисодий, халқаро масалаларга оид ислоҳотлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Дастлаб Вазирлар Маҳкамаси томонидан **1999 йил 10 июнда 296-сонли** ва **1999 йил 3 сентябрда 415-сонли қарорлари** қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, Европа Иттифоқи ва унинг аъзо давлатлари билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ва шерикчилик тўғрисидаги Битимнинг амалга оширилиши юзасидан Ўзбекистон Ҳукуматининг 1999-2005 йилларга мўлжалланган комплекс Дастури тасдиқланган эди.

Юқоридаги қарорга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг **1999 йил 5 июлда 328-сонли қарори** билан тузилган идоралараро комиссияси Республика мувофиқлаштирувчи кенгашига айлантирилди. Кенгаш зиммасига йилнинг ҳар чорагида “Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисидаги Битим”нинг барча модда ва қоидалари қандай амалга оширилаётганлиги

тўғрисида ахборот бериб бориш юклатилди. Шунингдек, Дастурда Ўзбекистоннинг энг муҳим халқаро шартнома ва битимларга аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ устувор вазифалар белгилаб олинди.

Дастурда БСТга аъзолик билан боғлиқ чора-тадбирлар, шунингдек муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро конвенция ва шартномаларга аъзо бўлиш муддатлари ва тадбирлари белгиланган. Дастурнинг 8- ва 9-бўлимларда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид бўлган миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни халқаро меъёрларга мослаштириш, халқаро конвенцияларга аъзо бўлиб киришдаги бирламчи вазифалар, соҳа идораларининг ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва бошқа шу каби муҳим масалаларда тегишли таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш белгиланди.

Ўзбекистон Ҳукумати халқаро ташкилотлар ва давлатлар билан ҳозирги кунда ана шу Дастурда белгилаб олинган режа ва тадбирлар орқали ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Айниқса, муаллифлик ҳуқуқига оид республика қонунчилигини БИМТ ва БТС томонидан маъмурий бошқаруви амалга оширилаётган халқаро конвенциялар қодаларига мувофиқлаштириш қарорнинг 9.4-бандида алоҳида вазифа сифатида белгилаб қўйилди.

Ҳозирги вақтда юқоридаги қарорлар ўз кучини йўқотган ва ҳукуматнинг 2004 йил 22 март куни “Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 134-қарори қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2004 йил 22 март куни** “Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” **134-қарори** қабул қилинди.

Мазкур қарорга Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2005 йил 11 февралда 59-сон, 2005 йил 26 майда 135-сон, 2006 йил 24 мартда 51-сон, 2006 йил 2 октябрда 207-сонли қарорлар билан ўзгартиришлар киритилган. Қарорнинг 1-илоvasи билан “2004-2008 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга доир асосий ташкилий чора-тадбирлари Комплекс Дастури”, 2-илова билан “Ўзбекистон - Европа Иттифоқи Ҳамкорлик кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми Таркиби”, 3-илова билан “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” Ҳамкорлик кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми тўғрисида Низом”, 4-илова билан ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди ёки айрим қарорлар ўз кучини йўқотган деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятни

демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастури тўғрисида” 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сон қарорига кўра амалдаги қонунчиликни янада такмоиллаштириш ва халқаро актларга кўшилиш тўғрисида тадбирлар белгиланган. Бу тадбирларга кўра республикамизда муаллифлик ҳуқуқига оид халқаро конвенцияларга риоя этиш тизимини шакллантириш ва миллий қонунчиликни янгилаш кўзда тутилган.

Ўзбекистонда 2005 йил 19 апрелдан Берн конвенциясига аъзо бўлганидан сўнг, муаллифлар мулкӣ ҳуқуқларини амалда таъминлашга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқӣ тадбирлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Европа иттифоқида муаллифлик ҳуқуқига оид фаолиятни таъминлашда кейинги йилларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қуйидаги Директивалар қабул қилинган:

1. 1991 йил “Компьютер дастурларини ҳимоя қилиш ҳақида”;
2. 1992 йил “Турдош ҳуқуқлар объектларини ижарага ва прокатга бериш ҳуқуқлари ҳақида”;
3. 1993 йил “Кабелли ва сунъий йўлдош орқали узатувчи ташкилотларга қўлланадиган қоидалар ҳақида”;
4. 1993 йил “Муаллифлик ҳуқуқи ва айрим турдаги турдош ҳуқуқларнинг ҳимоя муддатлари ҳақида”;
5. 2000 йил “Ахборотлар базасининг ҳуқуқӣ муҳофазаси ҳақида”;
6. 2000 йил “Пластик санъатни давом эттириш ҳуқуқлари ҳақида”;
7. 2000 йил “Компьютерлашган жамиятда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар”;
8. 2000 йил “Электрон савдога директиваларнинг қўлланиши ҳақида”.
9. 2001 йил “Ахборотлашган жамиятда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларнинг айрим йўналишларини уйғунлаштириш тўғрисида”ги Директиваси қабул қилинди.

Бу актда иттифоқнинг барча аъзо-давлатларида янги аср ахборотлашган жамиятда муаллифлик ҳуқуқи объектлари ва унга тенглаштирилган объектларнинг қонуний савдосини таъминлашга эришиш йўллари ҳамда узоқ йилларга мўлжалланган дастурлар қабул қилиниши, ҳуқуқбузарликларга қарши кураш восита ва усуллари ҳақида гап боради. Европа Иттифоқи мамлакатларида янги асрда ахборот технологиялари билан боғлиқ муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигининг ривожланиши тенденцияларини анча вақт олдин россиялик олимлар айтиб ўтишган эди. Республикамизнинг халқаро савдо тизимига кириши ва янги технологиялар билан боғлиқ халқаро сиёсат юритишида ривожланган мамлакатларнинг босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш орқали, кейинги қадамларни белгилаб олиш мумкин.



Айтиш керакки, Европа Иттифоқининг ижрочи органи сифатида Европа комиссияси Европа Иттифоқи Министрлар кенгаши ва Европа парламенти тавсиясига кўра аъзо-давлатлар учун **муаллифлик ҳуқуқи соҳасида икки йўналишда тавсиялар** ишлаб чиққан:

биринчидан, аъзо-давлатлар Бернь ва Рим конвенциясининг сўнгги тахрирдаги матнларига қўшилиш;

иккинчидан, ахборот алмашинувини янада кенгайтириб бориш.

Юқоридагиларга кўра Европа Иттифоқи куйидаги икки муҳим қонидани таъминлашни алоҳида таъкидлайди:

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги қоидалар;

қалбакилаштирилган объектларга нисбатан божхона режимини қўллаш қоидалари.

Европа Иттифоқида амалда бўлган халқаро актлар шу ҳамжамиятнинг аъзо-давлатлари миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи, умуман, интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликни ривожлантиришда Европа иттифоқи доирасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида такомиллаштирилиши ўзининг ижобий натижасини бериши шубҳасиз.



**Мирғолиб НУРМАТОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника  
институтини доценти, юридик фанлар доктори, капитан*

**Одил ХОЛИКОВ**

*Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани  
адлия бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси*

## **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ**

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши, аҳамияти, даражаси ва ролини тубдан ошириш, хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк улушини изчил ошириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бошқача айтганда, хусусий мулкни ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва

имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Ушбу ислохотлар тизимида ер участкаларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи институтининг жорий этилиши муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда дастлаб ушбу масала ер участкаларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, уй-жой бозори ва ипотекани ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш мақсадида жорий этила бошланди.

Хусусан, **Ер кодексининг** 18-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келиши назарда тутилган.

Шунингдек, Кодексда дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ҳамда дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари белгиланган.

Бироқ, ушбу тартиб-таомиллар ва ҳуқуқий механизмлар етарлича яратилмаганлиги сабабли амалда Ер кодексининг мазкур нормаси, дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларга ер участкасини мулк ҳуқуқи асосида реализация қилишни истисно этганда, деярли ишламас эди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 июлдаги ПФ–3780-сон **“Юридик шахслар ва фуқароларнинг бинolari ҳамда иншоотлари билан банд бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”**ги Фармони билан бу борада дастлабки ҳуқуқий механизмлар белгилаб берилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари – резидентлар мулкый ҳуқуқ асосида ўзларига қарашли ёки улар томонидан хусусийлаштириладиган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкаларини, шунингдек мазкур объектларга туташ ер участкаларини қўлланиладиган технология жараёнлари, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган миқдорда хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бунда ер участкаларини

хусусийлаштириш бозор қийматидан келиб чиқиб, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулкка эгалик ҳуқуқини расмийлаштирган ҳолда ихтиёрийлик асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Қолаверса, мазкур ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари – резидентларига якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштириш ҳуқуқи берилли. Бунда якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун ажратилган ер участкаларини хусусийлаштиришнинг уч хил тартиби ҳам белгиланди. Биринчи – амалда эгаллаб турилган ва ўрнатилган тартибда берилган кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорда доимий фойдаланиш ёки умрбод мерос қилиб қолдириладиган эгалик ҳуқуқи билан участкаларга эга бўлган фуқаролар томонидан ихтиёрийлик асосида хусусийлаштирилади. Иккинчи – ер участкаларини якка тартибда уй-жой қурилишига ким ошди асосида конун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда сотиш чоғида, кейинчалик мулкка эгалик ҳуқуқини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш асосида хусусийлаштирилади. Учинчи – томонлар – кўчмас мулкни бегоналаштираётган ёки сотиб олаётган (қабул қилаётган) шахснинг аҳдлашуви бўйича якка тартибдаги уй-жойни сотиш ёки ҳада этиш (яқин қариндошлар бундан мустасно) чоғида мажбурий тартибда хусусийлаштирилади.

Шунингдек, кадастр ҳужжатларида белгиланган чегара ва миқдорларда якка тартибда уй-жой қуриш ва турар-жой биносига хизмат кўрсатиш учун берилган ер участкаларини хусусийлаштириш катъиян бозор нархлари бўйича амалга оширилиши тўғрисидаги норма ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 сентябрдаги ЎРҚ–336-сон **“Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонуни ҳам хусусий мулк, шу жумладан, ер участкасига нисбатан хусусий мулк билан боғлиқ айрим нормаларни мустаҳкамлади. Масалан, Қонунда мулкдорга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаси национализация, мусодара ва реквизиция қилинаётганда ҳамда бевосита олиб қўйишга қаратилмаган ҳолда бекор қилинганда унинг ҳуқуқлари кафолатлари белгилаб берилди. Шу жумладан, олиб қўйилаётган ер участкасидаги уйни, бошқа иморатларни, иншоотларни бузиб ташлаш ёки дов-дарахтларни кўпориб ташлашга зарарнинг ўрни бозор қиймати бўйича олдиндан ва тўла қопланмагунга қадар йўл қўйилмаслиги кафолатланди.

Шунингдек, ер участкаси олиб қўйилиши муносабати билан мулкдорга бузиб ташланаётган мол-мулкнинг ўрнини қоплаш, бузиб ташланаётган уйнинг мулкдорига турар жой бериш, бузиб ташланаётган уй ўрнига якка тартибда уй-жой қуриши учун фуқарога ер участкаси бериш, ер участкаси ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши муносабати билан

мулкдорга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби ва шартларига оид умумий нормалар ўз аксини топган.

Ер участкаларини хусусийлаштириш билан боғлиқ янги босқич бу – 2019 йил 13 августда 44 моддадан иборат Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-552-сон “**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида**”ги Қонуни қабул қилиниши билан бошланди.

Қонунга мувофиқ, **ер участкасини хусусийлаштириш** деганда, оммавий мулк бўлган ер участкасини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар мулкига ўтказиш тушунилади.

Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришнинг 5 та асосий принциплари мустаҳкамланди, булар – қонунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги ҳамда очиклик ва шаффофлик.

Қонунда шунингдек, ер участкаларини хусусийлаштириш объектларининг **4 тоифаси** белгиланди (10-модда). *Биринчи тоифа* – юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки улар томонидан хусусийлаштирилаётган бинолар ва иншоотлар, ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари жойлашган ер участкалари, шунингдек уларга туташ бўлган, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур ўлчамлардаги ер участкалари. *Иккинчи тоифа* – Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун берилган ер участкалари. *Учинчи тоифа* – бўш турган ер участкалари. *Тўртинчи тоифа* – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига берилган ер участкалари.

Шунингдек, Қонуннинг 11-моддасида хусусийлаштирилмайдиган ер участкаларининг қуйидагича 5 тоифаси белгиланди: 1) тасдиқланган ва эълон қилинган режалаштириш схемалари бўлмаган ҳудудларда жойлашган ер участкалари; 2) рўйхати қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган, хусусийлаштирилмайдиган фойдали қазилмалар конлари, давлат мулкидаги стратегик объектлар жойлашган ер участкалари; 3) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадлари ва тарихий-маданий мақсадлар учун мўлжалланган ерлар таркибига кирувчи ер участкалари, шунингдек ўрмон ва сув фондларининг, шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг умумий фойдаланишдаги ерлари (майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, скверлар, хиёбонлар); 4) хавфли моддалар билан зарарланган ва биоген захарланишга дучор бўлган ер участкалари; 5) эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари иштирокчиларига берилган ер участкалари.

Яна бир муҳим жихати илк маротаба ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари аниқ белгилаб берилди (12-модда). Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган жисмоний шахслар ва Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахслар ер участкаларини хусусийлаштириш субъектларидир.

Чет эллик фуқаролар ва Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар ер участкаларини хусусийлаштириш субъектлари бўлмайди.

Қонунда белгиланган яна бир муҳим норма бу ер участкаларини хусусийлаштириш шакллариининг белгиланиши бўлди (13-модда). Унга кўра, ер участкаларини хусусийлаштириш қуйидагича 2 та шаклда амалга оширилади: биринчи – доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш) ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқлари асосида тегишли бўлган ер участкаларини юридик ва жисмоний шахслар томонидан сотиб олиш; иккинчи – ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали сотиш.

Шунингдек, Қонун асосида ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгилаб қўйилди (14-модда).

Мазкур Қонун асосида ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасида давлат бошқаруви батафсил тартибга солинди. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Урбанизацияни ривожлантириш жамғармасининг ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари белгилаб берилди.

Қолаверса ер участкаларини хусусийлаштиришни рад этиш учун асослар, хусусийлаштириладиган ер участкаси учун тўлов, хусусийлаштирилган ер участкаларининг ҳуқуқий мақоми, хусусийлаштирилган ер участкасига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи, хусусийлаштирилган ер участкалари мулкдорларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Чунончи, Қонун асосида хусусийлаштирилган ер участкаларига хусусий мулк ва фуқаролик муомаласи объектлари мақоми берилган. Унга кўра, хусусийлаштирилган ер участкаларига бўлган хусусий мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва у давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Ушбу Қонунни амалга татбиқ этишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ–5780-сон “**Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек,**

**тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”**ги Фармони муҳим роль ўйнайди.

Мазкур Фармон асосида 2020 йил 1 январдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигида мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар эгаллигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига берилди.

Шунингдек, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 2020 йил 1 мартдан кучга киришини ҳисобга олиб, 2020 йил 1 февралга қадар Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш белгиланди.

Ҳуқуқий эксперимент доирасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш механизмларини амалда қўллаш самарадорлигини баҳолаш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини уларнинг амалий самарадорлиги, тартибга солинадиган муносабатлар соҳаларини тўлиқ қамраб олиниши жиҳатидан мониторинг ўтказиш ва бошқа вазифалар ҳал этилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида ер участкаларини фуқаровий-ҳуқуқий муомалага киритиш борасида муайян чекловларни ҳамда мулкдорнинг мажбуриятларини белгилаган ҳолда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айни дамда олдимизда турган муҳим масалалардан бири бу ушбу механизмни амалга ошириш тартиб-таомилларини аниқ белгилаб беришга қаратилган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқишни таъминлаш зарур.



**Аслиддин НУРИДУЛЛАЕВ**  
*Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг*  
*Тошкент ҳарбий-техника институти доценти,*  
*юримдик фанлар номзоди*

## **АТРОФ МУҲИТНИ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚАРО ТАЖРИБАНИНГ ЎРНИ**

Экология ва атроф муҳитни турли жиноий тажовузулардан муҳоғаза қилиш – жиноят ҳуқуқининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда экологик ҳуқуқбузарликлар миқдорининг ортиши, атроф муҳит сиатининг пасайиши атроф муҳитни муҳоғаза қилиш ҳуқуқий нормаларининг даражасини ошириш, ушбу муаммони ҳал қилиш бўйича умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни тақозо этади. Бир қатор сабабларга кўра экологик муаммолар ва атроф муҳитни муҳоғаза қилиш масаласи ушбу соҳадаги ҳуқуқнинг ривожланишида ўзига хос локомотив вазифасини бажараётган Европа Иттифоқи давлатлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Европа давлатлари томонидан ушбу соҳада муайян стандартлар ишлаб чиқилган ва татбиқ этилмоқда. Гарчанд, уларнинг аксарияти тавсиявий хусусиятга эга бўлсада, улар тобора императив тус касб этиб бормоқда.

Бунда Европа атроф муҳитни муҳоғаза қилиш соҳасидаги стандартларни қабул қилиш қуйидаги афзал жиҳатларга эга: экологик ҳуқуқбузарликларга қарши курашдаги кучларни бирлаштириш ва унификациялашга хизмат қилади; ривожланган давлатлар томонидан тўпланган тажрибадан фойдаланилади, давлатларнинг ўзаро интеграцияси юз беради<sup>1</sup>. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан ушбу соҳадаги стандартлар қабул қилиниши ва амалиётга татбиқ этилиши мумкин бўлиб, бундай интеграция ҳолати ва имкониятларини батафсилроқ кўриб чиқсак.

Европа ҳудудидаги давлатлар зиммасига атроф муҳитга зарарли ва ҳуқуққа хилоф таъсир кўрсатишни чеклаш бўйича қатъий чоралари қабул қилиш мажбуриятини юқловчи асосий ҳужжатлардан бири бу – Европа парламенти ва Кенгашининг 2008 йил 19 ноябрдаги “Атроф муҳитни

---

<sup>1</sup> Жиноят ва экология ҳуқуқида Европа мамлакатларининг ушбу соҳага оид қонунчилиги ва тажрибасидан фойдаланишга оид тадқиқотлар тўғрисида батафсил қаранг: Дубовик О.Л. Формирование уголовно-экологического законодательства Европейского союза: цели, тенденции, перспективы и реализация // Международное уголовное право и международная юстиция. – Москва, 2009. – №4. – С. 13-16.; Дубовик О.Л. Кодификация экологического законодательства в ФРГ // Экологическое право. – Москва, 2010. – №6. – С. 40-43.; Брославский Л.И. Уголовная ответственность за экологические преступления в области охраны вод в США // Журнал российского права. – Москва, 2008. – №3 ва б.к.

жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2008/99/ЕИ Директиваси ҳисобланади. Ушбу ҳужжат илгари амалда бўлган ҳужжатларга нисбатан табиатни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги миллий қонунчилик нормаларини қатъийлаштириши ва барча ЕИ аъзо-давлатлари учун мажбурий мақомга эгаллиги билан тавсифланади. Айнан ушбу ҳужжат мазкур давлатлар жиноят-экологик сиёсатини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланиши боис, уни атрофлича кўриб чиқамиз.

Директиванинг Преамбуласи унинг ҳаракат доираси билан боғлиқ муҳим жиҳатларни белгилайди. Унда айтилишича, “атроф муҳит соҳасидаги Иттифоқ сиёсати юқори даражадаги ҳимояга қаратилган бўлиши лозим”, бу ЕИ барча асосий стратегик ҳужжатларига мувофиқ келади. Ушбу стандарт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳам тан олинган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чиқишлари ва маърузаларида инсонлар ҳаёти асоси ва манбаи сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш зарурияти эътироф этилган. Бундан ташқари атроф муҳитни муҳофаза қилиш – глобаллашув ва табиат учун хавfli технологияларнинг кенг тарқалиши шароитида мутлақо зарур бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбурияти ҳамдир. “Иттифоқ экологик жиноятлар ўсиши ва уларнинг оқибатларидан, ушбу жиноятларнинг тобора улар содир этилган давлат чегараларидан тарқалаётганлигидан ташвишда. Ушбу жиноятлар атроф муҳитга зарар етказмоқда ва уларга нисбатан қаттиқ жавоб муносабатини билдиришни тақозо этади”. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида табиий муҳитни жиноий тажовузлардан кўриқлаш унинг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган (ЖК 2-моддаси биринчи қисми). Шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш ҳам Жиноят кодекси вазифаларидан ҳисобланади (“уларга нисбатан қаттиқ жавоб муносабатини билдириш” доирасида).

Директива мавжуд жазо тизими атроф муҳитни муносиб ҳимоя қилишни таъминламайди, маъмурий чоралар самарасиз, жазо айбдор шахсларни юқори даражада жамоатчилик томонидан танбеҳ берилишида ифодалангани лозимлигини эътироф этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам ушбу муаммо анча кескин тус олган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси амалга киритилган вақтдан бошлаб, экологик жиноятлар учун жавобгарликка тортиш амалиёти яхши ривожланмаган, бу борада жазо чоралари етарлича самара бермаяпти, кенг латентлик ҳолати кузатилади, айниқса етказилган зарарни қоплаш масаласида муаммолар кўп учрайди. Директива жазонинг янги турини жорий этишни таклиф қилади. Шунингдек, экологик жиноятлар учун ягона жазо тизимининг мавжудлиги уларни тергов қилишнинг сифатли услуби шаклланишига имкон беради.



Директива экологик хавфли ишлаб чиқариш устидан юқори назорат тизими юритилиши мажбуриятини мустаҳкамлаб, профилактикани чуқурлаштириш асосларини, шунингдек, хавф остига қолдирганлик учун жавобгарликни белгилаб беради. Унда айтилишича, қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, жиддий салбий оқибатларга сабаб бўлган ҳаракатлар жиноят сифатида тан олинishi лозим. Ушбу жиҳатлар миллий жиноят ҳуқуқи учун ҳам долзарб саналади.

Хусусан, Директиванинг 3-моддасига мувофиқ, қуйидаги қилмишлар жиноят сифатида тан олинishi шарт:

(а) катта миқдордаги моддаларни ёки ионлаштирувчи радиацияни ҳаво, тупроқ ёки сувга чиқариш, эмиссия қилиш ёки киритиш натижасида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етиши. ЎзР ЖК 14-боби шу каби ўхшаш жиноятлар учун жавобгарлик кўзда тутуди (ушбу моддалар атроф муҳитни ифлослантирганлик учун жавобгарликни кўзда тутуди, бироқ айнан атроф муҳитни радиоактив ифлослантирганлик учун жавобгарликни белгиловчи норма мавжуд эмас; ЎзР ЖК 252-254-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар бошқа бевосита асосий объектларни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, радиоактив ифлосланишдан ҳимояланганлик ҳолати фақатгина кўшимча объект сифатида намоён бўлади);

(б) чиқиндиларни тўплаш, ташиш, қайта ишлаш ва утилизация қилиш, шунингдек, ушбу фаолият қилиш ва чиқиндиларни утилизация қилиш жойларини қайта тиклаш устидан назорат қилиш фаолияти, шу жумладан, дилер ёки брокерларнинг (чиқиндиларни бошқариш бўйича) фаолияти натижасида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етиши (Ўзбекистон Жиноят қонунида чиқиндилар билан тегишли ва лозим даражада муомала қилмаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилмаган);

(с) чиқиндиларни ташиш, башарти ушбу фаолият Европа Иттифоқи парламенти ва Кенгашининг 2006 йил 14 июндаги №1013/2006-сонли “Чиқиндиларни ташиш тўғрисида”ги Регламентининг<sup>1</sup> 2(35)-моддаси таъсирига тушса ва кўп бўлмаган миқдорда бир ёки ўзаро яққол боғлиқ бўлган бир неча марталик ташиш асосида амалга оширилса (Ўзбекистон Жиноят қонунида чиқиндилар билан муомала қилишга оид жавобгарлик кўзда тутилмаган)

---

<sup>1</sup> Регламентда турли чиқиндиларни ҳар хил объектив шарт-шароитларда ташиш билан боғлиқ қоидалар анча муфассал ёритиб берилган.

(d) хавфли фаолият турларини амалга оширувчи заводни ишга тушириш ёки заводнинг фаолиятида унинг ҳудудидан ташқарида ўлим ёки ўлим хавфи келиб чиқиши ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етиши, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етишига сабаб бўлиши мумкин бўлган моддалардан фойдаланиш ёки сақлаши (ушбу жиноят таркиби қисман ЎзР ЖК 193-моддаси билан қамраб олинади);

(e) парчаланувчи материаллар ёки бошқа хавфли радиоактив моддаларни ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, фойдаланиш, ташиш, экспорт ва импорт қилиш натижасида ўлим ёхуд ҳар қандай шахсга жиддий зарар етса, ёинки ҳаво, тупроқ, сув сифатига ёки ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга жиддий зарар етса ёхуд шундай хавфни келтириб чиқарса (ушбу жиноят таркиблари ЖК 193, 253, 254-моддаларида кўзда тутилган муқобил ҳаракатлардан бири орқали содир этилади);

(f) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турларини ўлдириш, яшаш муҳитини бузиш, сақлаш ёки тутиш, ушбу фаолият мазкур турларга нисбатан аҳамиятсиз миқдорда содир этилган ёки объектларнинг муҳофаза қилиниш мақомига жиддий таъсир кўрсатмайдиган ҳоллар бундан мустасно (Ўзбекистон жиноят қонуни фауна ва флоранинг муҳофаза қилинадиган турларига нисбатан жиноятнинг “ўлдириш” таркибини умуман кўзда тутмайди, фақатгина ЎзР ЖК 198, 202-моддаларида “шикаст етказиш”, “нобуд қилиш”, “кесиш”, “пайҳон қилиш”, “ушлаш”, “йиғиш”, “тайёрлаш” каби ҳаракатлар учун жавобгарлик кўзда тутилган);

(g) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турлари ёки уларнинг қисмлари ёхуд улардан тайёрланган маҳсулотлар билан савдо қилиш, ушбу фаолият мазкур турларга нисбатан аҳамиятсиз миқдорда содир этилган ёки объектларнинг муҳофаза қилиниш мақомига жиддий таъсир кўрсатмайдиган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР ЖКда мазкур қилмишлар учун жавобгарлик белгиланмаган);

(h) ёввойи флора ва фаунанинг муҳофаза этиладиган турлари яшаш жойларига жиддий зарар етказувчи ҳар қандай фаолият турлари (ЎзР ЖКда мазкур жиноят таркиблари 202, 204-моддаларида мустаҳкамланган);

(i) озонни бузувчи моддаларни ишлаб чиқариш, импорт, экспорт қилиш, улар билан савдо қилиш ва фойдаланиш (ЎзР ЖКда мазкур таркиб учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаган).

ЎзР ЖКда Директивада кўзда тутилган жиноят таркибларининг белгиланганлиги тўғрисидаги масалани таҳлил қилиб, таъкидлаш лозимки, миллий қонунчилик барча жиноят таркибларини қамраб олмайди, уларнинг бир қисми “Экологик жиноятлар” тўғрисидаги 14-бобдан ташқарида қолган, экологик жиноятларни таснифлаш асосан

предмет бўйича амалга оширилгани ҳолда, объектив томон эътибордан четда қолган, нормаларнинг асоссиз рақобати юзага келишига сабаб бўлган. Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг жиддий камчилиги сифатида унда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноят таркибларида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектларига нисбатан “хавф остида қолдириш” таркиби амалда кўзда тутилмаганлигини кўрсатишимиз мумкин. Бундан ташқари, ЎЗР ЖК 14-бобида кўзда тутилган аксарият жиноят таркиблари моддий таркибли сифатида шакллантирилган бўлиб, қилмишни тугалланган жиноят сифатида квалификация қилиш учун ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиққан бўлиши талаб қилинади. Бунда қоида тариқасида Жиноят кодекси экологик жиноятларга оид моддаларнинг иккинчи ва кейинги қисмлари икки гуруҳ оқибатларни (ЖК 196-моддаси “Атроф табиий муҳитни ифлослантириш” иккинчи қисми одам ўлимига сабаб бўлишини кўзда тутуди, бунинг учун ушбу оқибат ерларни ифлослантириш ёки бузиш, сув ёки атмосфера ҳавосини ифлослантириш натижасида келиб чиқиши лозим) кўзда тутуди. Икки оқибатнинг бўлиши ўз навбатида биринчи оқибат ва иккинчи оқибатлар ҳамда қилмиш ўртасидаги сабабий боғланиш бўлишини кўзда тутуди. Ҳозирги кунда фаннинг ривожланиш даражаси ҳамиша ҳам амалда ифлосланиш ва инсон касалланиши ўртасидаги тўғридан-тўғри бевосита сабабий боғланишни аниқлаш имконини бермайди.

Фикримизча, миллий жиноят қонунчилигини экологизациялаш ҳамда Директива 3-моддасида белгиланган стандартларга мувофиқлаштириш атроф муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини сезиларли даражада оширган бўларди. Шу маънода ЎЗР ЖКга қуйидаги мазмундаги концептуал ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ:

1. ЎЗР ЖК 14-бобига ядровий, радиоактив, ионлаштирувчи материаллар, предметлар ва қурилмаларнинг экологик хавфли муомаласи учун жавобгарликни белгиловчи моддаларни киритиш ва унда таркибларни содир этиш усулига қараб фарқлаган ҳолда, жавобгарликни ижтимоий хавфлилиқ даражасига қараб дифференциация қилиш лозим. Бунда ушбу нормаларни айнан “Экология соҳасидаги жиноятлар” бўлимига жойлаштириб, бошқа бобларда мавжуд бўлган нормаларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

2. ЎЗР ЖКда хавфли чиқиндиларни ташиш, жўнатиш учун жавобгарликни белгиловчи жиноят таркибини белгилаш лозим (бунда ушбу тоифа чиқиндиларни ташиш, жўнатиш тартибини белгиловчи бланкет қонунчиликнинг сифатини яхшилаш бўйича тегишли ишларни амалга ошириш талаб қилинади).

3. ЎЗР ЖКда балиқ ва ёввойи ҳайвонларни ноқонуний овлаш билан боғлиқ жиноят таркибини белгилаб қўйиш, бунда Директиванинг

ёввойи флора ва фауна объектларини ўлдириш билан боғлиқ қоидаларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

4. Предмети атроф муҳит объекти бўлган ноқонуний битимларни тузганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш. Бу ўз навбатида экологик жиноятларни тергов қилиш сифатига таъсир кўрсатади, экологик жиноятларни аниқлаш ва олдини олиш даражаси ошади ва пировардида жиноят-ҳуқуқий муҳофаза даражаси ортади.

5. Озон қатламини бузувчи ижтимоий хавфли қилмишлар учун жиноий жавобгарликни алоҳида моддада белгилаш мақсадга мувофиқ.

6. Экологик жиноятлар таркибини хавф остида қолдириш принципи асосида қайтадан шакллантириб чиқиш лозим. Бу жиноят-ҳуқуқий муҳофаза объектини ва жиноят объектини бўлишда асосли ва амалга оширилиши мумкин бўлади. Муҳим ижтимоий муносабатлар хавфсизлиги муҳофаза остига олиниши ва улар бузилганга қадар бўлган ҳолати муҳофазаланиши лозим. Шунда жиноят қонуни нормалари жиноят содир этилгунга қадар ҳам тўлақонли амал қилади ва қилмиш натижасида оқибат келиб чиқмай туриб ҳам, хавф остида қолдирганлик учун жиноий жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлади.

Директиванинг 4-моддаси қасдан иштирокчиликда содир этиладиган жиноятлар учун жазо миқдорини ошириш заруриятини кўзда тутади. ЎзР ЖК экологик жиноятлар таркиблари мажмуида фақатгина битта моддада (ЖК 202-моддаси иккинчи қисми “в” банди ва учинчи қисми “д” банди) иштирокчилик жиноятни оғирлаштирувчи квалификациявий ҳолат сифатида эътироф этилган. Амалиётда экологик жиноятларнинг кўп ҳолларда айнан иштирокчиликда содир этилишини ҳисобга олиб, экологик жиноятларнинг бошқа таркиблари учун ҳам оғирлаштирувчи ҳолат сифатида иштирокчиликни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Жавобгарлик масаласи жиноят ҳуқуқининг энг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Самарали, мутаносиб ва жиноят содир этишдан тийиб турувчи жиноий жавобгарлик чоралари бўлишининг зарур эканлиги Директиванинг 5-моддасида белгиланган стандартлардан биридир. ЎзР ЖК 14-бобидаги моддалар муайян даражада хилма-хил ва самарали санкциялар билан мустаҳкамлангандек туюлади. Улар орасида айниқса, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва жарима каби жазо чораларининг белгиланиши асослидир. Бироқ, ушбу жазо турларини қўллаш амалиётини таҳлил қилиш экологик жиноятлар учун асосан шартли жазо қўлланилаётганлиги ҳамда бу хусусий ва умумий олдини олиш чораларини самарали амалга ошириш имконини бермайди.

ЎзР ЖК жазо тизимида жиноят содир этган шахс томонидан етказилган зарарни тиклаш тартиби кўзда тутилмаган. Ушбу чора фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий тартибда амалга оширилиши мумкин.

Етказилган зарарни тиклаш бўйича бошқача чора-тадбирлар ЎзР ЖКда кўзда тутилмаган. Директива давлатлар зиммасига юридик шахсларнинг экологик жиноятлар учун жавобгарлигини киритиш мажбуриятини юклайди. Умуман ҳуқуқ назариясида бугунги кунда юридик шахсларнинг жинойий жавобгарлиги масаласида анча кенг мунозаралар бўлмоқда. Гарчанд, романо-герман ҳуқуқ тизимининг ушбу янгиликка муносабати ижобий бўлмасада, бу борадаги мунозаралар тобора жонланиб, унинг тарафдорларининг далиллари кўпайиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда юридик шахслар жинойий жавобгарлигини амалга оширишнинг бир неча усуллари бор. Ушбу концепциялар бугунги кунда жиноят ва экология ҳуқуқида кенг муҳокама қилинмоқда. Мазкур концепциялардан бирига мувофиқ, юридик шахсларга субъектив томон, хусусан айб тўғрисидаги қоидалар қўлланилиши мумкин. Юридик шахс рухий фаолиятни амалга оширишга қодир мустақил субъект сифатида тан олинади. Сўнгги пайтларда юридик шахсларда ўзига хос инсон “альтер эго”си ривожлантирилиши тўғрисидаги концепция янада кенг тарқалмоқда. Ушбу концепция АҚШ, Буюк Британия ва бир қатор англо-саксон давлатлари қонунчилигида ўз аксини топган.

Иккинчи концепция юридик шахсда тўлақонли субъектив томон бўлишини эътироф этмайди, юридик шахсни бевосита жиноят субъекти деб ҳисобламайди. Ушбу концепция тарафдорлари юридик шахсни у жиноят содир этиш усули бўлган ёхуд жиноят юридик шахс манфаатларини кўзлаб ёки унинг номидан содир этилган ҳоллардагина жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин деб таъкидлайдилар. Бу ҳолатда жинойий жавобгарлик чоралари бевосита бажарувчига (ва бошқа иштирокчиларга) ҳамда бевосита юридик шахсга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларига ажратилади. Мазкур концепция ғояси Франция ҳамда бошқа Европа ва Африка давлатларида самарали қўлланилиб келмоқда.

Учинчи концепцияга биноан, юридик шахс унинг иштирокчилари томонидан жиноят содир этилганда фақатгина маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Ҳозирги кунда ушбу концепция Россия Федерациясида қўлланилмоқда<sup>1</sup>.

Мавжуд юридик шахслар жавобгарлиги чораларининг барча ўзига хос хусусиятларини, ушбу институтни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, дастлабки икки концепция нисбатан самаралироқ бўлади, деган хулосага келишимиз мумкин. Бунда биринчиси афзалроқ деб ҳисоблаймиз, чунки айнан у атроф муҳитни муҳофаза қилишни амалга ошириш учун кўпроқ имконият яратиб беради. Мазкур йўналишда

---

<sup>1</sup> Забавко Р. Новые стандарты уголовно-правовой охраны окружающей среды (на основе Директивы Европейского Парламента и Совета 2008/99/ЕС от 19 ноября 2008) // Право и жизнь. – Москва, 2011. – №160 (10) (<http://www.law-n-life.ru/arch/n158.aspx>)

жинойй жавобгарликни амалга ошириш учун жиддий тўсиқлар кўзга ташланмайди. Директивада жиноий жавобгарликка тортиш экологик жиноятларнинг бевосита бажарувчиларининг жавобгарлигини истисно этмаслиги кўзда тутилган. Шу билан бирга унда юридик шахслар учун аниқ жазолар кўрсатилмаган бўлиб, фақатгина бундай жазолар бўлиши лозимлиги эътироф этилиши билан чекланилган. Директива қоидалари ўз аксини топган стандартлар таҳлили улар атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш сифатини сезиларли даражада ошириши, жиноят ҳуқуқи мақсад ва вазифаларига мос келиши, анъанавий жазо тизимидан самаралироқ эканлиги билан тавсифланади. Ушбу стандартлар универсал бўлиб, миллий қонунчиликка жиддий ўзгаришларсиз киртилиши мумкин ҳисобланади.



**Олимжон ИСРОИЛОВ**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲУҚУҚИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ КОДИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Мустақиллик йилларида республикада интеллектуал мулк ҳуқуқи қонунчилиги асосларини яратиш, ҳуқуқ эгаларининг манфаатларини муҳофаза қилиш ва улар ҳуқуқларини хорижий мамлакатларда ҳимоя қилиш масалалари давлатнинг устивор йўналиши сифатида белгилаб олинди. Кейинги йилларда интеллектуал мулк ҳуқуқига оид қонунчилик таркибан жиддий янгиланди, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг имплементацияси амалга оширилди. Айни вақтда мамлакатимиз интеллектуал мулк ҳуқуқига оид бир қатор халқаро конвенция ва шартномаларнинг аъзоси эканлиги бу соҳада изчил халқаро-ҳуқуқий сиёсат олиб боришни талаб этади.

Бугунги кунда республикада интеллектуал мулк ҳуқуқига оид 10 дан ортиқ махсус қонунлар қабул қилинди ва давлатимиз 13 та халқаро шартномаларга аъзо бўлди ҳамда бир неча давлатлараро ва идоралараро келишувларга эришилди. Бир сўз билан айтганда, республикада интеллектуал мулкни миллий ва халқаро доирада ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ва тизими яратилди.

Соҳага оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни халқаро ҳуқуқий меъёрларга мослаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жадаллаштиришда халқаро ташкилотлар ва улар томонидан маъмурий жиҳатдан бошқариладиган халқаро ҳужжатларнинг аҳамияти самарали бўлмоқда. Хусусан, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ) бутун дунёда интеллектуал мулк объектларини бир хилда ҳимоя қилиш, давлатларда соҳага оид миллий қонунчилик тизимини яратиш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш, давлатлараро халқаро муносабатларни ривожлантириш, ҳимояга олинган объектларнинг халқаро айирбошлашини қўллаб-қувватлаш, бошқа халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиш орқали халқаро ҳимоя тизимини мустаҳкамлашни мақсад қилган.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) ҳам интеллектуал мулк объектларинининг савдо аспекти билан бевосита шуғулланиб келади. БСТнинг ТРИПС (Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича шартномаси) барча иштирокчиларга стандартларда кўрсатилган асосларда ҳуқуқни татбиқ қилиш вазифасини юклайди. ТРИПС<sup>1</sup> муқаддима ва 7 бўлимдан иборат бўлиб, интеллектуал мулкнинг ҳам патентлаштириладиган (гувоҳнома бериладиган) объектларини, ҳам муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар объектларига ҳуқуқий режим бериш билан бирга, барча объектларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларига бериладиган ҳуқуқлар кўлами ҳамда даражасининг қандай бўлиши, давлатлар қайси халқаро конвенция ва шартномаларга аъзо бўлиши лозимлигини белгилайди.

ТРИПС интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқий мақом берадиган, халқаро нормаларнинг ягона мажму сифатида, энг унификациялашган халқаро ҳужжат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ТРИПС БСТнинг интеллектуал мулк объектларига нисбатан стандартлар ўрнатган ҳужжат ҳам эътироф этилади.

Умумий мақсадларга эришиш учун БИМТ ва БСТ 1995 йилда “БИМТ ва БСТ ташкилотларининг ҳамкорлиги тўғрисида”ги шартномани имзолади. Шартнома 5 та моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида ягона халқаро-ҳуқуқий сиёсат юритиш, миллий қонунчиликни унификация ва кодификация қилишга эришиш, халқаро норма ва стандартларни бир хилда қўлланишига эришиш кўзда тутилган. Умуман олганда, интеллектуал мулкни объектларга таркибларга ажратиш, объектларга ҳуқуқий режим бериш, ҳуқуқ эгалари манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини соддалаштириш орқали бутун дунёда бугунги кунда кодификация жараёни олиб борилаётгани кўзга ташланмоқда.

---

<sup>1</sup> БСТ ҳужжатлари БСТ расмий сайти ([www.wti.org](http://www.wti.org))дан олинган.

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларда халқаро тажрибани ўрганиш, унинг илғор томонларидан фойдаланишга эътибор қаратилмоқда. Соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-436 қарорида белгиланган устивор йўналишларни амалда таъминлаш учун ҳам янги нормалар ва тамойиллар қонунчиликда ўз аксини топиши муҳим.

Республикамиз қонунчилигини халқаро ташкилотлар ҳужжатларида белгиланган қоида (стандар)ларга яқинлаштириш мақсадида биринчи марта қонунчилигимизда, яъни Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 21 июлдаги “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Қонуни 64-моддасида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида ахборот бериш тартиби ва мажбуриятлари ўрнатилди. Унга кўра, асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини, муаллифни, турдош ҳуқуқлар эгасини ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгасини идентификацияловчи ҳар қандай ахборот ёхуд асардан ёки турдош ҳуқуқлар объектидан фойдаланиш шартлари ҳақидаги, асарнинг ёки турдош ҳуқуқлар объектининг нусхасида мавжуд бўлган, уларга илова қилинган ёхуд бундай асарни ёки турдош ҳуқуқлар объектини барчанинг эътибори учун юбориш ёхуд барчанинг эътиборига етказиш муносабати билан пайдо бўладиган ахборот, шунингдек шундай ахборотни ўз ичига олган ҳар қандай рақамлар ва кодлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборот деб эътироф этилади. Қуйидагиларга:

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахборотни ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг рухсатисиз чиқариб ташлаш ёки ўзгартиришга;

муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги ахбороти ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг рухсатисиз чиқариб ташланган асарларни ёки турдош ҳуқуқлар объектларини такрорлаш, тарқатиш, тарқатиш мақсадида импорт қилиш, омма олдида ижро этиш, барчанинг эътибори учун юборишга, барчанинг эътиборига етказишга йўл қўйилмайди деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Миллий қонунчиликни мувофиқлаштириш мақсадида Қонуннинг 4-моддасида қуйидаги қоида белгилаб қўйилди: “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ асарга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муҳофаза берилган тақдирда, асар муаллифи муаллифлик ҳуқуқини олиш учун асос бўлиб хизмат қилган юридик факт қайси давлатнинг ҳудудида содир бўлган бўлса, ўша давлатнинг қонуни билан аниқланади. Бу норма ахдлашувчи аъзо-давлатлар муаллифларининг республикамиз ҳудудида ҳам бир хил ҳуқуқий муҳофаза олишларини кафолатлайди”.



Миллий қонунчиликни такомиллаштиришда давлат ҳуқуқий-сиёсатининг кейинги устивор йўналишларини кўрсатувчи қатор асослар мавжуд. Бизнингча, Фуқаролик кодекси билан амалдаги қонун нормалари мувофиқлаштирилиши, кодексда асосий тамойил ва объектлар мақомини берувчи жиҳатлари белгиланиши кифоя. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикада интеллектуал мулк ҳуқуқи, хусусан, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид нормаларни унификация қилиш тизимини Фуқаролик кодексида ҳам кўришимиз мумкин. Кодексда биринчи марта интеллектуал мулкнинг таркибий қисми бўлган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга кенг ўрин ажратилди. Шунинг учун ҳам Фуқаролик кодексидаги муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга оид нормалар муқаддам амалда бўлган норма ва қоидалардан қуйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

биринчидан, кодексда муаллифлик ҳуқуқи илмий концепциясига эга бўлди ва нормалар изчиллик асосида бир мантиқий тизимда жойлаштирилди;

иккинчидан, биринчи марта муаллифлик ҳуқуқи объектлари таркиби кенгайтирилди ва улар туркумланди;

учинчидан, муаллифлар тоифаси янада кенгайтирилди ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатлари аниқлаб берилди;

тўртинчидан, муаллифларнинг шахсий ҳуқуқлари янада кенгайтирилди ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муддатлари узайтирилди;

бешинчида, бозор иқтисодиёти қонуниятларига асосланган, эркин ижтимоий муносабатларни таъминлашга қаратилган муаллифлик шартномаларининг ҳуқуқий табиати белгилаб берилди;

олтинчидан, кодексдаги барча нормалар муаллифлик ҳуқуқига оид бўлган қатор конвенция ва шартномаларнинг қоидалари асосида ишлаб чиқилди;

еттинчидан, кодексдаги соҳага оид қоидалар амалда қўлланишига эришиш учун содда ва тушунарли тилда баён этилди.

Янги Фуқаролик кодексининг муаллифлик ҳуқуқига оид нормалари ўз навбатида бир қатор соҳавий қонунларнинг ҳам қабул қилинишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Шундан бўлса-да, Фуқаролик кодексида муаллифларнинг мулкӣ ҳуқуқларини алоҳида-алоҳида моддаларда бериш, уларни маълум тизимга жойлаштириш, айрим нормаларни халқаро нормаларга яқинлаштириш лозим. Хусусан, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида белгиланган "муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланган асарлар" тоифасида "интеграл микросхемалар топологияси" деган объектни бевосита киритиш керак.

Республикада бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг "Интеграл микросхемалар топологияси тўғрисида"ги Қонуни мавжуд

бўлса-да, лекин бу қонуннинг ўзида бу турдаги объект интеллектуал мулкнинг қайси тоифасидаги объектларга кириши аниқ белгиланмаган. Бу эса амалда муҳим, янги технологияларга асосланган бундай объектни яратиш ва ундан фойдаланишда келиб чиқадиган турли муносабатларни тартибга солишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Россиялик олимлардан Э.П.Гаврилов, В.В.Белов ва бошқалар эса бу объектни муаллифлик ҳуқуқининг бевосита объекти, деб ҳисоблайдилар. Мазкур ҳолат республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасида халқаро тажрибалардан фойдаланган ҳолда нормаларни унификация қилишнинг зарурияти борлиги, мавжуд муаммоларни аниқлаб, уларни бартараф этишга ҳаракат қилинаётганидан далолат беради.

Соҳага оид миллий қонунчиликни кодификация қилиш мақсадида МДХ мамлакатларининг ўзаро халқаро алоқалари яхши самара бермоқда. Айнан шу мақсадда 2010 йил 7 апрелда МДХ аъзо-давлатлари Парламентлараро Ассамблеясининг ўттиз тўртинчи ялпи мажлисида МДХ аъзо-давлатлари учун “Интеллектуал мулк модел кодекси” қабул қилинди. Модел кодекс 13 боб, 107 моддадан иборат бўлиб, унда интеллектуал мулкнинг барча объектлари бир тизимда жойлаштирилган. Ҳар бир бобда объектларнинг умумий муҳофаза йўналишлари алоҳида кўрсатилган.

Бизнингча, республикамизда интеллектуал мулк ҳуқуқи билан боғлиқ барча қонунларни жамлаб, алоҳида кодексга киритиш вақти келди. Қонунлар сонининг кўплиги бир хил нормаларнинг ҳар бир қонунда такрорланиши ёки умумий ҳавола йўсинидаги нормаларнинг юзага келишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, соҳага оид қонунлар илмий концепцияси ихчамлашиб, кодексда яхлит илмийликка асосланган, назарий жиҳатдан асослаш мумкин бўлган норма ва қоидалар жамланиши мумкин. Энг асосийси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти янада жадаллашиб, нормаларни шарҳлаш ва ҳужжатларда акс эттиришда имкониятлари янада кенгайди.



*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Юридик бўлими бош юрисконсулти, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти мустақил изланувчиси*

## **ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗО ВА ЭЛЕКТРОН ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ**

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги глобал замонда ахборот-коммуникацияси кирмаган соҳанинг ўзи йўқ. Ахборот-коммуникация ўзининг қулайлиги, шаффофлиги, тезкорлиги билан ажралиб туради. Мазкур тизим ичида “электрон ҳужжат”, “электрон рақамли имзо (ЭРИ)” жамиятнинг ҳар қайси соҳасига жадал кириб бораётганлиги билан ўзининг аҳамиятини янада кенгайтирмоқда.

**Хўш, савол туғилади: “Электрон ҳужжат”, “электрон рақамли имзо (ЭРИ)” нима ва уларнинг аҳамияти қандай?**

Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат тушунчалари “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунда кўрсатилган бўлиб, унга асосан, электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо бўлса, электрон ҳужжат – электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборотдир<sup>1</sup>.

Электрон ахборотнинг баҳоси ёки самарадорлиги ўз аҳамиятини йўқотмаслигини электрон рақамли имзо таъминлаб туради, шунинг учун ҳам электрон рақамли имзо алоқа тизимларида шу каби ҳолатлардан муҳофаза қилинишини таъминлайди, яъни махфий калит фақат юборувчининг ўзигагина маълум бўлса, у ҳолда қабул қилувчи томонидан қабул қилиб олинган маълумот фақат юборувчи томонидан жўнатилганлигини рад этиб бўлмайди, рақиб томон махфий калитни

---

<sup>1</sup> “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон.

билмаган ҳолда ўзгартириш, қалбакилаштириш, ниқоблаш ва бошқа шу каби алоқа тизими қоидаларининг бузилишига имконият туғдирмайди<sup>1</sup>.

Шу сабабдан ҳам электрон рақамли имзо корхона ва савдо-сотиққа оид ташкилотларда ҳисоботларни электрон кўринишда топширишда, электрон ҳужжатга юридик мақомини беришда катта аҳамиятга эга<sup>2</sup>.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, электрон ҳужжат электрон рақамли имзо билан амалга оширилади ва уларнинг ҳимояси биргаликда таъминланади. Тўғри, электрон рақамли имзосиз ҳам электрон ҳужжатлар айланиши ва алмашилиши мумкин, аммо мамлакатимиздаги электрон ҳужжат айланиши ҳозирда электрон рақамли имзо билан бирга амалга оширилаётганлиги сабабли иккала предметларни ҳам қонун билан ҳимоя қилиш зарур.

Маълумки, барча ижтимоий муносабатлар қонун билан тартибга солинса, албатта ушбу қонун ҳужжатининг бузилишини олдини олиш учун жавобгарлик белгиланади. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низомнинг 7-бандига кўра, ариза берувчи лицензия олиш учун умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, лицензияловчи органга бевосита ёки почта алоқаси орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатларни (бир нусхада) электрон шаклда тақдим этади. Шунингдек, ушбу Низомнинг 9-бандига кўра, ариза берувчи ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни тақдим этгани учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради<sup>3</sup>, деб белгиланган.

**Хўш, электрон рақамли имзо ёки электрон ҳужжат учун қонунчилигимизда жавобгарлик белгиланганми?**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда ЖК деб юритилади)нинг 228-моддасига асосан, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш — энг кам

<sup>1</sup> Акбаров Д.Е. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг криптографик усуллари ва уларнинг қўлланишлари. Тошкент. “Ўзбекистон маркаси”, 2009. – 432 б.

<sup>2</sup> Интернет сайтдан: [unicon.uz/uploads/6YF5w23.Sobirova\\_D.doc](http://unicon.uz/uploads/6YF5w23.Sobirova_D.doc). Д.Т. Собирова. Мавжуд электрон рақамли имзо алгоритмларининг қиёсий таҳлили.

<sup>3</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш излаётган шахслар ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.09.2018 й., 09/18/725/1874-сон; 31.12.2018 й., 09/18/1066/2428-сон.

ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Кўриб турганимиздек, умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатларни (бир нусхада) электрон шаклда тақдим этиш вақтида ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган.

Мазкур ҳолатни янада аниқроқ қилиб тушунтирадиган бўлсак, ЖКнинг 4-моддасига асосан, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.

ЖКнинг 9-моддасига кўра, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавfli қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

ЖКнинг 10-моддасига кўра, қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

ЖКнинг 14-моддасига кўра, Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Жиноят кодекси билан кўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади.

ЖКнинг 16-моддасига кўра, жиноят учун жавобгарлик — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади<sup>1</sup>.

Демак, юқоридагиларга асосан тўлиқ хулоса қилишимиз мумкинки, умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқларидан, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳужжатларни (бир нусхада) электрон шаклда тақдим этиш вақтида ишончсиз ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганлик учун Жиноят кодексида жиноий жавобгарлик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 248-модда.

белгиланмаганлиги ва фақатгина сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларнинг электрон шаклини ёки электрон имзони қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши учун қонунчилигимизда аниқ жавобгарлик белгиланмаганлиги сабабли мавжуд қилмишни содир этган шахсларни жавобгарликка тортиб бўлмайди.

### **Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатнинг қалбакилаштиришнинг салбий оқибатлари қандай?**

Мазкур саволга Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан жавоб беришга ҳаракат қилиб кўрамиз. Маълумки, ушбу қарор билан 2021 йил 1 январга қадар тегишли манфаатдор вазирлик ва идораларга ахборот алмашинувчининг махфийлиги ва хавфсизлигини таъминловчи норматив-ҳуқуқий база билан мустаҳкамланган ҳолда, ташқи савдо битимларига доир ахборотларни алмашишига имкон берувчи “Ягона дарча” БАТни жорий этишда ташқи фаолият субъектларига имконият яратадиган механизм жорий этишга русхат берилди<sup>1</sup>.

Мазкур тақдим этилган электрон савдо битимининг ўзи ушбу битимлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ёки ўзга шахслар томонидан сохталаштирилиши ўзга шахс, жамият ва давлат учун жуда катта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин, жумладан, молиявий қийинчилик, молиявий зарар, ўзаро ишончнинг путур етиши, мамлакат ташқи сиёсатдаги нуфузининг йўқолиши, ўзга мамлакатлар ва шахслар томонидан мамлакат иқтисодиётига ўзларининг кўштирноқ ичидаги ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун қулай имконият ва бошқалар.

Юқорида кўрсатилган мисолларни биз яна давом эттиришимиз мумкин, ҳозирги кунда 140 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан электрон рақамли имзо билан электрон ҳужжатларнинг айланиши ҳақидаги ижтимоий муносабатлар тартибга солинган бўлиб, улардаги маълумотларнинг сохталаштирилиши ёхуд қалбакилаштирилиши мамлакат равнақи учун жуда катта оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳатто жиноят ишлари бўйича иш юритувни электрон шаклда юритиш ва процессуал ҳаракатларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги ПҚ–4297-сон “Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда маъмурий тартиб-таомилларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // ҚХММБ, 24.04.2019 й., 07/19/4297/3002-сон

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори<sup>1</sup> тартиби жиноят процессуал қонунчилигимизга киритилиши электрон жиноят ишининг қалбакилаштирилиши жиноят қонунчилиги билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларга таҳдид солиши мумкинлиги билан характерланади ва бу ҳолат биздан янада огоҳликни талаб этади.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг олдини олиш учун жинойий жавобгарлик белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Уни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг 2019 йил 7 мартдаги 30/21-19-570-сон хатига жавобан “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдим этилди.

Таклиф этилган қонун лойиҳаси бўйича мавжуд қонунчиликдаги бўшлиқни тўлдириш мақсадида Жиноят кодексининг 228-моддасига қўшимча прим модда қўшиш ва Жиноят кодексининг 228<sup>2</sup>-моддасини ишлаб чиқиш таклиф этилди, унга асосан “228<sup>2</sup>-модда. Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатларни тайёрлаш ва фойдаланиш қоидаларини бузиш.

Ғаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб ўзга шахсга тегишли электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжатни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек уни қалбакилаштириш.

Энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар: а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан; б) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда; в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, — уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар: а) жуда кўп миқдорда; б) ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса; в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

манфаатларини кўзлаб, г) оғир оқибатларга сабаб бўлса, — уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.”, деган таҳрир таклиф этилди.

Хўш, ушбу таҳрирда ҳужжатни қабул қилиш мақсадга мувофиқми. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ–5505-сон Фармони ва у асосида қабул қилинган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб, дастлаб тажриба сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг электрон ҳужжат айланиши ва бунда электрон рақамли имзодан унумли фойдаланиш чоралари кўрилиши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 апрелдаги 284-сон “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимини жорий этишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг 1-бандига асосан, ягона электрон тизимда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини электрон кўринишда келишиш (виза кўйиш) “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ сертификати Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази томонидан белгиланган тартибда бериладиган электрон рақамли имзо билан амалга оширилади.

“Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 22-моддасига кўра, электрон рақамли имзо тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Аммо, уларнинг қандай жавоб беришлиги жиноят қонунчилигида кўрсатиб берилмаган.

Шунингдек, ҳозирги пайтда электрон битимлар, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали мурожаат қилганидан сўнг, давлат органларининг мурожаатнинг хавфсиз, сифатли ва тўлиқ етиб борилишини таъминлаш чоралари бугунги кунда ўзининг юқори чўққисига кўтарилмоқда, аммо уларнинг қалбакилаштирилиши ва бу ҳужжатлардан фойдаланиш орқали нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг, балки давлатнинг манфаатларига ҳам зарар етиши мумкин.

Бундан ташқари, электрон тижорат бўйича бугунги кунда электрон битимлар тузиш кенгаймоқда ва бу бўйича ўзаро муносабатларда электрон ҳужжатларнинг қалбакилаштирилиши ёхуд сохталаштирилиши эҳтимоли йўқ эмас.

Қолаверса, бугунги кунда идоралараро электрон алмашинув йўлга кўйиш бўйича олиб борилаётган ишлар туфайли ушбу ҳужжатларнинг



қалбакилаштирилиши эҳтимоли йўқ эмас ва бу ва юқоридагилар учун жавобгарлик ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддаларига асосан белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида халқаро тажриба ҳам ўрганилди, жумладан, Болгария Республикаси Жиноят кодексининг 212а-моддаси, Жанубий Корея Республикаси Жиноят кодексининг 237-, 237-2-моддаси, Руминия Жиноят кодексининг 437-438-моддалари, Испания Жиноят кодексининг 197-моддаси, Эстония Жиноят кодексининг 145.1-моддаси, Швеция Жиноят кодексининг 9с-моддасига кўра, электрон ҳужжатлар ва электрон имзонинг қалбакилаштирилганлиги ҳолати бўйича жавобгарлик бегиланганлигини кўришимиз мумкин.

Доктринал тажрибага назар ташласак, ҳуқуқшунос олим П.Ю.Летников ҳам юқоридаги таклифларимизга оид таклифларни билдирган ҳолда Россия Жиноят кодексининг 327-моддаси 1-қисмига тегишли ўзгартириш киритишни қайд этиб ўтади<sup>1</sup>, В.В.Омельянович эса, ушбу жиноятларни жиноят предмети электрон ҳужжат бўлганлиги сабабли электрон жиноят иши тартибида кўрилишини таъкидлайди<sup>2</sup>, фикримизча, электрон ҳужжатларнинг қайси бири сохталаштирилганлиги электрон кўринишда яхшироқ кўринадиди ва иштирокчиларга ҳолат тушунарли, шунингдек, суд қарорининг тўғри чиқарилишига имконият яратиб берганлиги сабабли ҳам ушбу фикрга кўшилиш зарур.

Юқоридаги муаммоли ҳолатлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида тизимли асосда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифалари амалга оширилиши самарадорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъулиятини оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 28 январдаги ПФ–5644-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ишини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019 йил 28 январдаги ПҚ–4136-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 февралдаги Мажлис баёни асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳукумат тузилмасига кирувчи идоралар ва хўжалик бошқаруви органларини янада ихчамлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди.

---

<sup>1</sup> П.Ю. Летников. Уголовная ответственность за подделку, изготовление или сбыт поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Красноярск, 2009 г., с.16.

<sup>2</sup> В.В.Омельянович. Расследование подделки, изготовления или сбыта поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.09, 2011 г., –Омск, с.20.

Мазкур лойиха билан Ижро этувчи ҳокимият органларини янада ихчамлаштириш ва фаолиятини такомиллаштириш бўйича комплекс чоратadbирлар дастури тасдиқланган ҳолда, биз томонимиздан, дастурда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг электрон тартибда келишишга оид тартибот қабул қилинаётганлиги, электрон ҳужжатлар айланиши йўлга қўйилганлиги сабабли Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига электрон ҳужжатлар ва электрон имзони қалбакилаштириш билан боғлиқ жавобгарликни белгилаш таклиф этилди.

Мазкур қарор лойихаси ушбу вазирликнинг 04.04.2019 йилдаги РГ-1-7/6-15-сон хати билан вазирлик ва идораларга келишиш ва жамоа муҳокамасига қўйилиб, 18.04.2019 йилдаги РГ-1-7/6-17-сон хати билан Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, 26.04.2019 йилдаги РГ-1-7/4-18-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритилган.

### **Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат қалбакилаштирилиши жинояти билан курашиш зарурмикин?**

Мазкур жиноятларнинг олдини олиш учун тизимли асосда ишлар амалга ошириш зарур. Бу хусусда ҳуқуқшунос олим Д.А.Мозговая ушбу жиноятларнинг олдини олиш ва уларни тергов қилишни янада кенгайтириш мақсадида амалиётда тергов давомида аниқланган, аммо қонунчилик томонидан чекловни англатувчи нормалар мавжуд бўлган ҳолда, тергов тажрибасини амалдаги қонун ҳужжатларига киритиш ва бу бўйича амалиёт бир хилда бажарилишини таъминлаш чоралари кўрилиши таклифини беради<sup>1</sup>, ҳақиқатан ҳам ушбу фикрларда жон бор, зеро амалиётдаги баъзи муаммоларнинг мавжуд қонунчилик билан тартибга солиб қўйилмаганлиги натижасида кейинчалик шу каби муаммолар яна ўз ечимини топмаслиги мумкин, шу сабабдан ҳам агарда шу муаммолар тергов давомида аниқланиб, уларни тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий асос мавжуд бўлса, у ҳолда уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиб қўйиш мақсадга мувофиқ ва у бошқа шахслар учун даструл амал бўлиб хизмат қилади.

### **Электрон рақамли имзо ва электрон ҳужжат қалбакилаштирилиши жинояти қандай усулларда содир этилади?**

Ушбу жиноят тури ҳам қалбакилаштириш усуллари каби амалга оширилади, аммо бу усуллар жиноятни квалификация қилиш учун аҳамият касб этмайди. Қалбакилаштириш ўчириш, кўшиб ёзиш, тузатишлар киритиш ҳамда мазмуни (матни)нинг бир қисмини йўқ қилиш, кўшимча маълумотларни киритиш йўли билан содир этилиши мумкин.

---

<sup>1</sup> Д.А.Мозговая Расследование подлога документов тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.12, –Москва, 2013 г., 21-22.

Ушбу ҳолат хусусида ҳуқуқшунос олим А.Н.Ватутин ҳужжатларни, айниқса, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматли ҳужжатларни қалбакилаштиришнинг 95 фоизи нусха кўчириш аппаратлари ёрдамида амалга оширилишини қайд этган ҳолда, ушбу жиноятларни квалификация қилишда жиноятларни албатта уларнинг қайси усулда амалга оширилишига ҳам эътибор бериш кераклигини, асосли мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилган<sup>1</sup> бўлса, Ж.А.Бойцова Европа давлатлари қонунчилигида ушбу жиноятларнинг қай тартибда ҳал қилиниши ҳақида сўз юритиб, бунда қуйидаги асосли мисолларни келтириб ўтади, яъни франсуз қонунчилигига бўйича давлат хизматчиси томонидан ушбу жиноят содир этилса, ушбу ҳолатда давлат хизматчисининг ишдан бўшатилиши, Болгария қонунчилигида эса, қандай ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноят эканлигининг ягона рўйхати мавжудлигини, Голландия қонунчилигида эса, қалбакилаштирилган ҳужжатдан фойдаланиш ҳужжатни қалбакилаштирилган ёки ўзга шахсга далил сифатида хизмат қилса, мазкур ҳолатда ҳар қандай ҳужжат қалбакилаштириш жинояти деб баҳоланишлигини, Польша қонунчилиги бўйича рухсат берувчи характерга эга бўлган ҳужжатларни беришга ихтисослаштирилган юридик шахслар, мансабдор шахслар ва ўзга шахслар томонидан берилган ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноят деб белгиланганлигини, Швейцария қонунчилигида эса, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, гувоҳнома, рухсатнома ва бошқа рухсат берувчи мазмундаги ҳужжатларни қалбакилаштирилганлиги ҳолати бўйича жиноят предмети аниқроқ кўрсатилганлигини қайд этиб ўтади<sup>2</sup>, ҳақиқатан ҳам қайси ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки сохталаштириш жиноят эканлигини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Миллий қонунчилигимизда унинг аниқ рўйхати шакллантирилмаган бўлиб, фақатгина бир қанча ҳужжатларда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар ва рухсат берувчи характердаги ҳужжатларнинг турлари ҳамда расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби белгиланган, холос.

### **Электрон ҳужжатни қалбакилаштириш жиноятининг предметларига қайси ҳужжатлар киради?**

Мазкур жиноят предмети фақатгина расмий электрон ҳужжатлар бўлиши мумкин, чунки айнан ушбу расмий ҳужжатларгина шахсга ёки ўзга шахсга муайян бир ҳуқуқ беради ёки муайян бир мажбуриятдан озод қилади.

---

<sup>1</sup> А.Н.Ватутин. Подделка денег, ценных бумаг и иных платежных документов: уголовно-правовые и криминологические аспекты тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, –Ростов-на-Дону, 2006 г., с.15.

<sup>2</sup> Ж.А.Бойцова. К вопросу об уголовной ответственности за подделку, изготовление или сбыт поддельных документов, государственных наград, штампов, печатей, бланков по законодательству ряда европейских стран, –Москва, Вестник Московского университета МВД России, 2015 г., №5 с.67.

Электрон ҳужжат бўлиши учун эса бир қанча шартларга у жавоб бериши, яъни электрон ҳужжат электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлиши лозимлигини юқорида таъкидлаб ўтдик. Демак, ҳужжат нафақат электрон бўлиши керак, балки у электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имконини берадиган расмий ҳужжат бўлиб, ўша расмий ҳужжат қалбакилаштирилса, мазкур ҳолатда уни жинойт деб эътироф этиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги низом расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва топшириш тартибини белгилайди.

Ушбу низомнинг 3-бандига асосан, расмий ҳужжатлар бланкалари, шу жумладан бунга Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган матбаа корхоналари томонидан “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқарилган, қалбакилаштиришдан ҳимоя қилувчи элементлари бўлган махсус қоғозда тайёрланишлиги белгиланган<sup>1</sup>.

Юқоридагиларга асосан, қандай ҳужжатлар рухсат бериш ҳарактеридаги бўлиб, улар расмий ҳужжат ҳисобланиши ҳамда қайси ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки сохталаштириш жинойт эканлиги белгилаб қўйиладиган ягона рўйхат тасдиқланиши мақсадга мувофиқлиги таклифини берамиз.

Ушбу фикрга қўшимча равишда расмий ҳужжатни тайёрлаш тушунчаси ҳам қонунчилигимизда аниқ ва ягона таърифи белгилаб қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди, ушбу тушунча ҳақида жинойт ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Ш.Худаяров расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) тайёрлаш - бу асл ҳужжатнинг нусхаларини ғайриқонуний тайёрлаш ёки уларни аслида мавжуд бўлмаган юридик шахс ёки фуқаролар номидан норматив ҳужжатларда ўрнатилган талабларни бузган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, айтиб ўтилган ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига уларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирувчи тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва ҳоказоларни киритишдир деб тушунтириш берса, расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) қалбакилаштириш – бу асл ҳужжатнинг мазмуни ва шаклини тўлиқ ёки

---

<sup>1</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сон қарори билан тасдиқланган “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби тўғрисида”ги низом // Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 42-модда.

қисман ғайриқонуний модификация қилиш (ўзгартириш)дир деб тушунтириш бериб ўтади<sup>1</sup>, аммо бу фикр доктринал характерда бўлганлиги сабабли “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунга асосан ушбу фикрни расмий тушунча сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Нима учун ушбу тушунча белгилаб қўйилиши керак, сабаби расмий ҳужжатга қайси ҳужжатлар кириши белгиланиб қўйилмаганлиги терговнинг турли ёқламали бўлишлигига олиб келяпти. Жумладан, расмий ҳужжат нусхасига қилинган ҳаракатни жиноят дея баҳолаб, жиноят иши қўзғатилган ҳолатлар мавжуд.

**Шу ўринда савол туғилади, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон шакли ёки нусхаси сохталаштирилиши учун жиноий жавобгарлик белгиланганми?**

Жиноят кодексининг 4, 9, 10, 14, 16-моддаларининг талаблари бўйича ушбу шахсларни жавобгарликка тортиш имконсиз, сабаби уларнинг электрон кўриниши (шакли) ахборот-коммуникация воситалари орқали ўзгартирилган бўлса-да, аммо расмий ҳужжатнинг ўзи ҳеч қандай қалбакилаштирилмаган, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ–4262-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисида”ги низомга асосан паспорт шахсни тасдиқловчи расмий ҳужжат ҳисобланади, аммо унинг электрон шаклини расмий ҳужжатни қалбакилаштирмасдан унинг нусхасини қалбакилаштириш орқали, паспортга эмас, балки паспорт нусхасига қасд бўлганлиги сабабли ҳам мазкур ҳолатда бу шахсларга нисбатан жавобгарликнинг таркиби бўлган жиноятнинг объекти ва объектив томони мавжуд эмаслиги сабабли жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасига асосан қўзғатилган бўлса тугатилиши ёки ЖПКнинг 333-моддасига кўра, жиноят иши қўзғатишдан рад қилиниши шарт.

Амалиётда баъзи ҳолларда суриштирувчи, терговчи, ҳатто прокурорлар паспортнинг расмий ҳужжат эканлигини эътироф этишиб, ҳолат бўйича жиноят иши очишади, аммо бу ҳолат нотўғри ҳисобланади, фикримизча.

ЖПКнинг 321-моддасига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ўз ваколатлари доирасида **жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб** ва **етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.**

<sup>1</sup> Интернет сайтдан: <https://jizxavozi.uz/huquq/652-uzhzhatlar-shtamplar-murlar-blankalar-tayerlash-valarni-albakilashtirish-sotish-ulardan-foydalanish-zhinoyati-tushunchasi.html>. Жиззах вилоят жиноят ишлари бўйича вилоят судининг судьяси Ш.Худаяров. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш ва уларни қалбакилаштириш, сотиш, улардан фойдаланиш жинояти тушунчаси.

Мазкур модда-да, кўриб турганимиздек, ушбу мансабдорлар жиноят ишини қўзғатиши учун фақатгина жиноят содир этилганлигини сабабидан ташқари етарли асосо бўлишига ҳолатига ҳақ эътибор беришлари лозим. Иккала ҳолат тўлиқ бўлгандагина мазкур ҳолатда жиноят иши қўзғатишлари мумкин.

Мазкур ҳолатни янада анироқ англаш учун юқоридаги паспорт билан боғлиқ ҳолатга тўхталиб ўтамиз, юқорида таъкидлаганимиздек, паспорт расмий ҳужжат, аммо унинг нусхаси расмий ҳужжат эмас.

ЖКнинг 16-моддасига асосланадиган бўлсак, жиноят таркиби жиноят объекти, субъекти ҳамда объектив ва субъектив томонларидан иборат бўлади.

ЖКнинг 228-моддасида эса, қонун чиқарувчи қачонки, расмий ҳужжатнинг қалбакилаштирилиши ҳолати жиноят эканлигини эътироф этган ва бунда паспорт расмий ҳужжат ҳисобланади.

ЖКнинг 4, 10, 14, 16-моддаларига асосланадиган бўлсак, жиноят қонунчилигида расмий ҳужжатнинг нусхасига қасд қилганлик ҳолати бўйича жиноят ҳисобланиши ёки маъмурий қонунчилик бўйича жавобгарлик белгиланмаганлиги ҳамда ушбу ҳолатни белгиланиши орқали жуда кўп шахсларнинг ахборот-коммуникация воситалари орқали тайёрлаган турли маъноларни англаувчи, хизматлар кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектларига ҳам жиноят иши очилиши мумкинлигини келтириб чиқариши ва бошқа шу каби сабабларга асосан расмий ҳужжатнинг нусхасини ўзгартирганлик учун бутун дунё жиноят қонунчилигида жинойий жавобгарлик белгиланмаган.

Сабаби, шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси неча марта ўзгартирилганидан қатъий назар, расмий ҳужжатга тегишли ўзгартириш киритилгани йўқ.

Шу ўринда пул билан боғлиқ ҳолатга ҳам тўхталиб ўтадиган бўлсак, пул қачонки валютадаги мавжуд рақамлардан ташқари ёки шу рақамларни такрорловчи пул бирлиги сифатида қалбакилаштирилса ва тўлов воситаси сифатида амалга оширилса, мазкур ҳолатда бу жиноят ҳисобланади.

Юқоридаги каби салбий ҳолатлар вужудга келмаслиги учун ҳам жиноят процессуал қонунчилигимизга “40<sup>1</sup>-боб. Ишни судга қадар юритишнинг умумий шартлари” деган алоҳида боб киритилган.

ЖПК 320<sup>1</sup>-моддасига кўра, ишни судга қадар юритиш жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади.

ЖПК 320<sup>2</sup>-моддасига асосан, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни,

шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. Терговга қадар текширув ЖПК 391-моддасида кўрсатилган органлар томонидан ЖПК 41-бобида белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Терговга қадар текширув суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан ҳам олиб борилиши мумкин.

Шу сабабли ҳам юқоридаги ҳолатларда дастлаб терговга қадар текширув амалга оширилиб, сўнг жиноят кўзғатиш учун етарли сабабли ва асослар тўлиқ аниқланганидан кейин жиноят иши кўзғатилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Қалбакилаштирилган электрон ҳужжатнинг олди-сотдиси ҳар қандай усулда: сотув, алмаштириш, ҳада этиш ва ҳоказо усуллар орқали амалга оширилиши мумкин. Сотиш қалбакилаштирувчининг ўзи томонидан ёки бошқа, қалбакилаштириш учун жавобгар бўлмаган, лекин ҳужжатнинг қалбакилигини англамаган шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Агар шахс ҳужжатнинг қалбакилигини англамаган ёки англаши мумкин ҳам бўлмаган бўлса, ушбу шахсни мазкур қилмиш учун жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Ушбу ҳолатни билиш жуда мураккаб ҳисобланади, амалиётда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар расмий ҳужжат қалбакилаштирилдими, демак бу ҳужжатнинг қалбакилигини ўша шахс билган ва билиш имкони бўлган деб ҳисоблашиб, тегишлича экспертиза тайинлашадилар ва экспертларнинг олдига гумонланувчи, айбланувчи, судланувчини ўша қилмиш содир этилган вақтида руҳий ҳолати хусусида йўналтирувчи саволларни беришади, аммо бу ЖПКнинг 102-моддасига кўра, тақиқланган, яъни кутилаётган жавобга бевосита ёки билвосита йўналтириш мазмунидаги саволлар ишора қилувчи саволлар деб ҳисобланади. Ишора қилувчи саволлар бериш тақиқланади. Шунга асосан, мазкур қилмишни содир этган шахсларни айнан ўша қилмишни содир этганини аниқлашнинг муқобил усуллари, қалбакилаштириш жиноятини содир этган шахс билан қанчали алоқага киришганлиги, ушбу ҳужжат бўйича манфаатдорлик ҳолати терговчилар томонидан кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу жиноятнинг субъекти ҳам, ЖКнинг 228-моддасида назарда тутган шахс, яъни ўн олти ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади. Агар расмий электрон ҳужжатни қалбакилаштириш мансабдор шахс томонидан амалга оширилган бўлса, ушбу шахс ЖК 209-моддасига биноан жавобгарликка тортилиши шарт. Бунда унинг ҳаракатларини шарҳланаётган модда бўйича квалификация қилиш талаб этилмайди. Бироқ мансабдор шахс томонидан, расмий электрон ҳужжатни қалбакилаштирамаган ҳолда, олдиндан била туриб қалбаки ҳужжатдан фойдаланилиши ҳолатини жиноят деб квалификация қилиш зарур.

Электрон расмий ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш – бу айбдорнинг ушбу ҳужжатдан келиб чиққан ҳуқуқларга эга бўлиш ёки мажбуриятлардан озод бўлиш учун қилган ҳаракатларидир. Фойдаланиш сиртдан қалбаки ҳужжатни намойиш этиш (кўрсатиш) ёки уни ташкилот ва алоҳида шахсларга ҳақиқийдек тақдим этиш (узатиш, юбориш) орқали ифода этилиши мумкин. Ҳужжатни тайёрлаган ёки қалбакилаштирган шахс ўзи ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланса, айбдорнинг ҳаракатларини жиноят деб квалификация этиш зарур, чунки шахс томонидан айтилган бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этилганлик учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарда тутилган қисми бўйича юзага келади.

Ушбу жиноятларнинг олдини олиш учун бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, 2017 йилнинг 9-июнь куни Тошкент шаҳрида Трансмиллий таҳдидлар бошқармасининг Йўл ҳужжатларининг хавфсизлигини таъминлаш дастури ёрдамида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори томонидан қалбаки ҳужжатлар ва улардан фойдаланувчи шахсларни аниқлаш бўйича инструкторларни тайёрлов курси ташкил қилинди ва унда Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг тегишли бўлинмаларидан 19 мутахассис ва Ички ишлар вазирлигидан 12 мутахассис иштирок этдилар. Австрия Федерал ички ишлар вазирлигининг экспертлари халқаро ҳужжатлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор амалиёти, шу жумладан, ҳужжатларни текшириш пайтида қалбакилаштирилган йўл ҳужжатларини аниқлаш бўйича тажрибалари билан бўлишдилар. Иштирокчилар қалбаки йўл ҳужжатларини яшаш жараёни, ҳужжатларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қоғоз ва полимер субстратлардан фойдаланиш йўллари, оддий босма усуллари, фотопроекция, такрорий верификация, профайлинг ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш ва бундай ҳолатларни аниқлаштириш соҳаларидаги охириги тенденциялар билан танишиб чиқдилар<sup>1</sup>.

Юқоридагилар орқали хулоса қилишимиз керакки, ушбу турдаги жиноятлар ўзининг тезкорлиги ва жуда катта оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳамда ўзининг сирли эканлиги ҳамда узоқ давом этиши мумкинлиги билан ажралиб туради.

Шу сабабдан ҳам мазкур жиноятларнинг олдини олиш учун, аввало, жиноят қонунчилигимиз билан ушбу ижтимоий хавфли қилмиш тартибга

---

<sup>1</sup> Интернет сайтидан: <https://www.osce.org/uz/project-coordinator-in-uzbekistan/322216>. ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори // ЕХХТ қалбаки ҳужжатлар ва улардан фойдаланувчи шахсларни аниқлаш бўйича инструкторларни тайёрлов курсини ўтказмоқда.



солиб қўйилиши лозим. Зеро, давлат ва халқ манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бўлаётган таҳдидлардан олдини олиш ўз қўлимизда.



**Бурхонжон УСМОНОВ**

*Юристар малакасини ошириш макази катта ўқитувчиси*

## **ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТИНИНГ ЎТИБ КЕТГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЯТ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ**

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят процессуал қонунларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритган. Юртбошимиз Шавкат Миромонович томонидан ҳам инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, инсон манфаати олий қадрият эканлигини, адолат ва фақат адолат бўлиши лозимлигини таъкидлаб, қабул қилинган фармон ва қарорларнинг барчаси халқимизнинг фаровонлиги, осойишталигини таъминлашга, фуқарорларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳурмати кучайишига, халқ билан давлат ўртасидаги, халқ билан мансабдор шахслар ўртасидаги тўсиқ, яъни деворни олиб ташлашда, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида 2001 йил 29 августда қабул қилинган **“Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”**ги Қонуни билан амалдаги Жиноят кодексининг 105 та моддасига жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши юзасидан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топди. Жиноят кодексининг 15 моддасида белгиланган жиноятлар таснифи тубдан ўзгарди. Хусусан, оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизга яқини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди, жиноий жазо тизимидан айрим жазо турлари чиқарилиб, жазо тизими янада либераллаштирилди, жиноят қонунчилигида ярашув институти жорий этилди, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш учун белгиланган

муддатлар қискартирилди. Аёллар, вояга етмаганлар ва ёши 60 дан ошган эркекларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо турининг энг кўп муддати муайян жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп муддатнинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлмаслиги белгиланди.

Раҳмдиллик ва кечиримлилик каби миллий қадриятлардан келиб чиқиб, 45 модда ва 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти жорий этилиши суд-ҳуқуқ ислохотларида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, 11 та жиноят таркиби бўйича иқтисодий жиноят натижасида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш мумкин эмаслиги белгиланди.

Жиноят қонунчилигида жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг тури сифатида жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш институти (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддаси) белгиланган. Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – уч йил, б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – беш йил, в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн йил, г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган эди.

Жиноий жазоларни либераллаштириш давоми сифатида 2018 йилнинг 20 июлида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, жиноят-процессуал ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур қонунга асосан жиноий жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш институти либераллаштирилди, ждумладан; жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – икки йил, унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – тўрт йил, оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – саккиз йил ҳамда ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн тўрт йил ўтган бўлса шахс жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги белгиланди.

Қонунчиликжа жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади. Агар жиноят содир этган ва жиноий жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Шунингдек, эски таҳрирдаги қонунчилигимизда қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъий назар агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс

жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгиланган эди. Мазкур қонунга асосан содир этилган қилмишларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва оғирлигига қараб, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб ўн йил, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахсни жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари эски таҳрирдаги қонунчиликка асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 64-моддаси 7-бандига асосан қонунда белгиланган жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ўтган бўлсада, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги қайд этилган эди. Мазкур қонун бўлиб, қонунчилигимиздаги бўшлиқ тўлдирилиб, айнан қандай қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан тадбиқ этилмаслиги аниқ белгиланиб, “уришни тарғиб қилиш”, “агрессия”, “уришни қонун ва удумларини бузиш”, “геноцид”, “ёлланиш”, “чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёлланиш”, “терроризм”, “тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактларни хабар қилмаслик”, “террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш”, “терроризмни молиялаштириш”, “миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатиш”, “давлатга хоинлик қилиш”, “Ўзбекистон Республикаси Президентига тажовуз қилиш”, “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ ёки унинг манфаатларини кўзлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилганлик, ҳокимиятни босиб олиш ёки Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш”, “жосуслик”, “қўпоровчилик” ҳамда “диний экстеремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этиш” жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлсада, жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги белгилаб қўйилди.



## **ЗНАЧЕНИЕ ПРИНЦИПОВ КОНСТИТУЦИИ В РЕАЛИЗАЦИИ НОРМ УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО ЗАКОНА**

Республика Узбекистан, будучи полноправным субъектом международно-правовых отношений, с уважением относится к требованиям международных стандартов по защите прав, свобод и интересов личности и человека. Эти стандарты нашли своё отражение в принципах и положениях Конституции Республики Узбекистан. Свидетельством тому, являются высокие оценки нашей Конституции которые даны экспертами и специалистами международных организаций и государств.

Выступая на торжественном собрании, посвященном 27-й годовщине государственной независимости Республики Узбекистан глава нашего государства справедливо отметил, что «Проводится большая работа по дальнейшему утверждению в нашем обществе приоритета закона и справедливости, принципа неотвратимости наказания за противоправные деяния, совершенствованию системы судебной власти, органов внутренних дел, адвокатуры, чтобы они на деле стали защитниками прав и интересов человека. Благодаря этим позитивным изменениям находят достойное место в нашей жизни принципы дисциплины, верховенства закона, учета справедливых требований людей».

Безусловно, в обеспечении приоритета законности и справедливости особое место занимают суды, которые в рамках своих полномочий и обязанностей осуществляют правосудие.

В соблюдении процессуальных полномочий и обязанностей важным является руководство судами принципами уголовно-процессуального законодательства, в которых воплощены основополагающие принципы и общие положения Основного закона нашей страны - Конституции Республики Узбекистан.

Такое понимание принципов уголовно-процессуального законодательства, позволяет определить их как основанные на Конституции идеи и общеобязательные правила для участников этих отношений, представляющие сущность и порядок уголовного процесса, которое направлено на обеспечение справедливого правосудие по уголовным делам в целях защиты личности, ее прав, свобод, а также интересов общества и государства от преступных посягательств.

Статья 16 Конституции Республики Узбекистан, содержит положение в соответствии с которым «Ни один закон или иной нормативно-правовой

акт не может противоречить нормам и принципам Конституции». Данный общеобязательный принцип, обуславливает при разработке и принятии законов или других нормативно-правовых актов Республики Узбекистан учесть принципы и общие положения Основного закона страны, которые в первую очередь направлены на соблюдение законных прав, свобод и интересов граждан, проживающих в нашей стране.

В связи с этим, особую значимость приобретает имплементация основных принципов, предусмотренных в первом разделе Конституции Республики Узбекистан, в содержание законов, и в частности, в уголовно-процессуальное законодательство. Так, статья 4 Конституции Республики Узбекистан, содержащаяся в Главе I «Государственный суверенитет», предусматривает принцип, в соответствии с которым «Республика Узбекистан обеспечивает уважительное отношение к языкам, обычаям и традициям наций и народностей, проживающих на ее территории, создание условий для их развития».

Действительно, в нашей стране особое внимание уделяется обеспечению равенства граждан. Сущность данного конституционного принципа нашло своё отражение в статье 18 Конституции Узбекистан, согласно которой, все граждане Республики Узбекистан имеют одинаковые права и свободы и равны перед законом без различия пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения. Положения статей 4 и 18 Конституции, отразились в статьях УПК, которые обязывает осуществление правосудия по уголовным делам на началах равенства граждан перед законом и судом (ст.16 УПК), уважения чести и достоинства личности (ст.17 УПК), охраны прав и свобод граждан участвующих в уголовном процессе (ст.18 УПК).

В частности, статья 17 УПК обязывает суд уважать честь и достоинство участвующих в деле лиц, запрещает выполнение действий или вынесение решений, которые унижают честь и достоинство человека, приводят к распространению сведений об обстоятельствах его личной жизни, ставят под угрозу его здоровье либо необоснованно причиняют ему физические и нравственные страдания.

Пленум Верховного суда в своём руководящем разъяснении обратил внимание судов, что нарушение установленного порядка и условий производства следственных действий могут быть оценены судом как оказание на подозреваемого, обвиняемого психического воздействия, а данные, полученные в результате такого воздействия, не имеют

доказательственной силы и не могут быть положены в основу обвинительного приговора<sup>1</sup>.

Обеспечению Конституционного принципа равенства граждан, посвящены также ст.ст. 20 и 473 УПК. Так, статья 20 УПК («Язык, на котором ведется производство по уголовному делу») обязывает суд обеспечить участников процесса, не владеющим или недостаточно знающим язык, на котором ведется производство, правом делать устные или письменные заявления, давать показания и объяснения, заявлять ходатайства и жалобы, выступать в суде на родном языке или другом языке, который они знают.

Для ознакомления с материалами дела закон предоставляет также право пользоваться помощью переводчика. Кроме того, согласно требованиям статьи 473 УПК («Провозглашение приговора»), если приговор изложен на языке, которым подсудимый не владеет или владеет недостаточно, то вслед за провозглашением приговора он должен быть зачитан переводчиком на родном языке подсудимого или другом языке, который он понимает. При этом, приговор и другие судебные (следственные) документы, подлежащие вручению осужденному, оправданному, должны быть переведены на их родной язык или другой язык, который они знают (ст.20 УПК).

Примером, реализации одного из принципов народовластия (Глава II Конституции Республики Узбекистан), предусмотренного статьёй 13 Конституции, где отмечается, что «Демократия в Республике Узбекистан базируется на общечеловеческих принципах, согласно которым высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права. Демократические права и свободы защищаются Конституцией и законами», является норма уголовно-процессуального закона, регламентирующая коллегиальное рассмотрение уголовных дел с участием народных заседателей, которые пользуются всеми правами судьи, в решении всех вопросов, возникающих в ходе рассмотрения дела и постановления приговора (ст.13 УПК «Коллегиальность и единоличность рассмотрения уголовных дел»).

В обеспечении демократических ценностей народовластия, имеет значение также статья 21 УПК («Участие общественности в производстве по уголовным делам»), которая уполномочивает представителей общественных объединений и коллективов участвовать в производстве по уголовным делам в качестве общественных обвинителей и общественных защитников. Более того, при судебном рассмотрении уголовных дел суд

---

<sup>1</sup> См.: Пункт 20 постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 19 декабря 2003 года за №17 «О практике применения судами законов, обеспечивающих подозреваемому, обвиняемому право на защиту».

вправе, в пределах своей компетенции, использовать помощь общественности для вынесения справедливого приговора.

Статья 14 Конституции, закрепляет положение о том, что «Государство строит свою деятельность на принципах социальной справедливости и законности в интересах благосостояния человека и общества». Известно, что система государственной власти Республики Узбекистан основывается на принципе разделения властей, одну из ветвей которой составляет судебная власть (ст.11 Конституции). Соответственно, обеспечение указанного в статье 14 Конституции принципа социальной справедливости возлагается на суд, который как представитель государственной власти должен осуществлять правосудие по уголовным делам в соответствии с Конституцией Республики Узбекистан (ст.12 УПК), провозглашающей основные идеи социальной справедливости (Преамбула Конституции Республики Узбекистан)

Глава III Конституции Узбекистана содержит ряд статей, направленных на обеспечение важного принципа «Верховенства Конституции и закона».

Анализ статей уголовно-процессуального закона, позволяет утверждать, что в них нашел своё отражение и воплотился принцип статьи 15 Конституции Узбекистана, признающий безусловное верховенство Конституции и законов в Республике Узбекистан. Так, например, статья 11 УПК, определяющая принцип законности, обязывает суд точно соблюдать и исполнять требования Конституции, Уголовно-процессуального кодекса и других законодательных актов Республики Узбекистан и предупреждает о том, что всякое отступление от точного исполнения и соблюдения законов, какими бы мотивами оно ни было вызвано, является нарушением законности в уголовном процессе и влечет за собой установленную ответственность, в частности, по ст.ст.230-241<sup>1</sup> УК.

Статья 14 УПК определяющая независимость судей и подчинение их только закону, реализуя положения о Верховенство Конституции и закона, содержит правила в соответствии с которым, при осуществлении правосудия судьи и народные заседатели независимы, подчиняются только закону и рассматривают и разрешают уголовные дела на основе закона.

Важным в соблюдении законности, является независимость суда при разбирательстве уголовных дел (ст.14 УПК «Независимость судей и подчинение их только закону»). Обращая внимание на необходимость соблюдения данного принципа, Пленум Верховного суда Республики Узбекистан и Пленум Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан в пункте 7 постановления от 20 декабря 1996 года № 1/60 «О судебной власти» отмечает, что «Принцип независимости дает судам

право и требует от них справедливого судебного разбирательства и соблюдения прав сторон». Более того, полагаем, что независимость суда имеет значение в обеспечении принципа презумпции невиновности (ст.23 УПК).

Предусмотренное в статье 16 Конституционное положение, в соответствии с которым ни один закон или иной нормативно-правовой акт не может противоречить нормам и принципам Конституции, безусловно относимо и к руководящим разъяснениям Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, которые издаются в виде постановлений и имеют значение в реализации норм уголовно-процессуального закона.

В соответствии со статьей 114 Конституции Республики Узбекистан акты судебной власти обязательны для всех государственных органов, общественных объединений, предприятий, учреждений, организаций, должностных лиц и граждан. Названное конституционное положение нашло свою реализацию в Законе Республики Узбекистан от 14 декабря 2000 г. «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О судах», в соответствии с которым Олий Мажлис Республики Узбекистан утвердил его новую редакцию<sup>1</sup>.

В частности, ст. 21 данного Закона определяет, что разъяснения Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, по вопросам применения законодательства обязательны для судов, других органов, предприятий, учреждений, организаций и должностных лиц, применяющих законодательство, по которому дано разъяснение.

Стало быть, руководящие разъяснения Пленума Верховного суда по существу выступают как разновидность нормативно-правового акта и составляет правовую основу для рассмотрения уголовных дел в судах и вынесения приговора. Соответственно, незнание руководящих разъяснений Пленума Верховного суда по применению законодательства может повлечь назначение осужденному необоснованно сурового или, напротив, необоснованно мягкого наказания. Высокая значимость, данного документа обуславливает обязательное её соответствие нормам и принципам Конституции Республики Узбекистан.

В статье 17 Конституции Узбекистан, определяющей принципы внешней политики нашего государства указывается, что Республика Узбекистан являясь полноправным субъект международных отношений, может заключать союзы, а также выходить из них, исходя из высших интересов государства, народа, его благосостояния и безопасности.

Полагаем, что распространительное толкование данного принципа позволяет отнести к реализации этого принципа принятое Пленумом Верховного суда Республики Узбекистан постановление «О некоторых

---

<sup>1</sup> См.: Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2001. – № 1–2. – Ст.10.



вопросах международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства»<sup>2</sup>, которое направлено на разрешение вопросов возникающих в судебной практике при осуществлении международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства.

Таким образом, можно сделать обоснованный вывод о том, что принципы Основного закона нашли свою реализацию в нормах уголовно-процессуального законодательства и способствуют судам в обеспечении уголовного судопроизводства в соответствии с международными требованиями по защите прав, свобод и законных интересов граждан.



**Амириддин АНОРБОЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Юридик бўлими бош юрисконсулти, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техника институти мустақил изланувчиси*

## **КИБЕРТЕРРОРИЗМ ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Ҳозирги шиддат билан давом этаётган глобал замонни ахборот технологиясиз, айниқса, интернет тармоғисиз тасаввур этиб бўлмайди. Маълумки, ахборот дунёни бошқаради<sup>1</sup>, ушбу ахборотдан эса, ҳар ким турлича фойдаланиши, хатто, ахборотдан ўзининг ёвуз мақсадларидан фойдаланишни режалаштирган бир гуруҳ кимсалар ҳам топилади.

Умуман олганда, мамлакатда ушбу ахборотдан мазкур шахслар ёвуз мақсадларда фойдаланилмаслигининг олдини олиш учун ҳар бир мамлакат комплекс равишда кибержиноятчиликка қарши курашадилар ва мамлакатда хавфсиз кибермаконни яратиш чоралари кўришишга ҳаракат қилинади.

Хавфсиз кибермаконни яратишдаги энг катта муаммолардан бири бу кибертерроризм ҳисобланади. Кибертерроризмга олимлар турлича таъриф берадилар, жумладан олим А.Темуров уни электрон усул, халқаро интернет тармоғи орқали амалга оширилаётган террористик жиноят деб

<sup>2</sup> См.: Постановление Пленума Верховного суда Республики Узбекистан от 25 мая 2012 года за №6 «О некоторых вопросах международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства».

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги сайтдан: А.Саттаров. Қачонлардир башорат тарзида айтилган “дунёни ахборот бошқаради”, деган гап бугун ҳақиқатга айланди. <http://uza.uz/oz/programs/25-years/achonlardir-bashorat-tarzida-aytilgan-dunyeni-akhborot-bosh--20-02-2018/>.

таърифласа<sup>1</sup>, Л.Буранов эса, кибертерроризм террористик мақсадлар йўлида компьютер ва телекоммуникация технологиялари (асосан Интернет)дан фойдаланиш деб таърифласа<sup>2</sup>, бу борада В.С.Овчинский янада кенгроқ тушунтириш беришга ҳаракат қилган, жумладан, у кибертерроризм ва киберэкстремизм хусусида аниқроқ фактлар беришга ҳаракат қилган<sup>3</sup>.

Кибертерроризм хусусида Е.В.Старостиной ва Д.Б.Фролова тўхталиб, биринчи навбатда унинг ҳар қандай замонавий ахборот қуролиларидан фойдаланган ҳолда содир этилишини, ўзининг содир этилиш тактикаси, усулларига кўра, сиёсий терроризмдан фарқ қилишини таъкидлашсалар<sup>4</sup>, А.В.Соколов ва О.М.Степанюк, ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали алоқа йўлларининг ишламай қолишига сабабчи бўлган ҳолда, ахборот фойдаланувчилари учун сунъий тўсиқларни келтириб чиқарадиган жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган жиноятлар мажмуи сифатида тушунтириш беради<sup>5</sup>.

Грузия Республикасида, кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга хилоф раившда олиб қўйиш, уни ишлатиш ёки фойдаланиш орқали аҳолини кўрқитиш ва (ёки) ҳокимиятга таъсир кўрсатиш учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавф-хатар сифатида тушунилади<sup>6</sup>.

Кибертерроризм ёки киберэкстремизм деганда, баъзи олимлар баъзан одамлар ўлими, катта мулкий зарар етказилиши ёки бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар таҳдидини юзага келтирадиган ахборот тизимларини издан чиқариш ҳаракатлари (агар улар махсус ижтимоий хавфсизликни бузиш, аҳолини кўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қилишига таъсир кўрсатиш мақсадида содир этилган бўлса), шунингдек, ана шу мақсадларда мазкур ҳаракатларни содир этиш билан таҳдид қилиш тушунилиши ҳақида фикр юритади<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> А.Темуров. Кибертерроризм нима? –Термиз. Сурхон тонги. 2019 йил 4 июлдаги сони. Интернетдаги манзили: <http://surxontongi.uz/kiberterrorizm-nima/>.

<sup>2</sup> Интернет сайтидан: <https://blog.xabar.uz/post/kiberjinoatchilikka-qarshi-kurashishda-internet-madaniyatning-a>. Л.Буранов. Кибержиноятчиликка қарши курашишда Интернет-маданиятнинг аҳамияти.

<sup>3</sup> В.С.Овчинский. Криминология цифрового мира: учебник для магистратуры / В. С. Овчинский. — М.: Норма: ИНФРА-М, 2018. — 352 с.

<sup>4</sup> Е.В.Старостина, Д.Б.Фролов, Защита от компьютерных преступлений и кибертерроризма Вопросы и ответы. Интернет сайтидан: <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobnosti-ego-proyavleniya/>.

<sup>5</sup> Соколов А В Информационное общество в виртуальной и социальной реальности. – СПб Алетейя, 2012 г. – 178 . с.

<sup>6</sup> Грузия Жиноят кодекси. <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.

<sup>7</sup> Ф.Кадиров, М.Х.Джаматов. Кибертерроризм ва киберэкстремизм жиноятлари профилактикаси. Трансмиллий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й., – 186 б.

Олим Д.Турдиева кибертерроризм аслида ахборот технологиялари ички фаолиятига ноқонуний аралашуш, компьютерда мавжуд дастурлар ёки маълумотларни мақсадли равишда йўқ қилиш, зарар келтириш, давлат органларининг муҳим қисмлари фаолиятини издан чиқариш билан бирга инсонлар ҳаётига хавф солиш, моддий зарар келтириш ёки оммавий қўрқитиш, ҳарбий низолар каби турли зарарли оқибатларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатдир деб атайди<sup>1</sup>.

Фикримизча, бу тушунчага таъриф бериш, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни<sup>2</sup>дан келиб чиқилиши ва ундан келиб чиққан ҳолда кибертерроризм деб мамлакатда ўрнатилган киберхавфсизликни турли хил ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали бузган ёки уни четлаб ўтган ҳолда, сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуроли можаролар чиқаришни кўзлаб илғовгарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, мамлакатнинг жиноий қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган киберзўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлардир, деб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, кибертерроризм бу ўз ва ўзга шахсларнинг манфаатини кўзлаган ҳолда махсус бузувчи дастурий воситалар орқали ахборот технологиялари ва коммуникациявоситаларини эгаллаб олиш ва турли хил дастурий вируслари ёрдамида Интернет жаҳон ахборот тармоғида теракт содир этиш, Интернет жаҳон ахборот тармоғини ишдан чиқариш орқали терроризмни амалга ошириш назарда тутилади.

Бундай фикрга келишимизга сабаб шуки, киберхужум фақатгина интернет орқали содир этилмайди, интернет киберхужум амалга оширилиши учун қулай восита ҳисобланади, аммо киберхужум интернетсиз ҳам амалга оширилиши мумкин, шу маънода ҳам бу тушунчага кенгроқ ва тўлиқ маънода қараш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

---

<sup>1</sup> Д.Турдиева. Кибертерроризм: миллий ва халқаро хавфсизликка таҳдид. 2018 й., Манба: <http://darakchi.uz/uz/44666>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги 167-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 15-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда).

Мазкур терминнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ушбу термин илк мартаба 1980-йилларда АҚШдаги Хавфсизлик ва разведка институти (Institute for Security and Intelligence) катта илмий ходими Барри Коллин томонидан ишлатилган<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кибермаконни яратиш бўйича бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда, жумладан, киберхавфсизликни таъминлаш ва тармоқлар, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий қилишни таъминлаш бўйича комплекс чораларни амалга оширишда иштирок этиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолиятининг устувор йўналишлари бири сифатида<sup>2</sup>, Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси киберхавфсизликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жорий этиш ва ривожлантириш ҳолати устидан назорат, мониторинг олиб бориш, уни ўрганиш ва текшириш ваколатига эгаллиги белгиланган ҳолда<sup>3</sup>, киберхавфсизлик таълим йўналишида юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида тайёрлашни таъминлаш бўйича Ўзбекистондаги Шарда университети ташкил этилди<sup>4</sup>, шунингдек, Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш концепцияси ишлаб чиқилган ҳолда, Ўзбекистоннинг тезкор “рақамли тараққиёти”, иқтисодиёти, ижтимоий, социал ва гуманитар соҳаларини бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида ривожлантириш учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш йўналишида киберхавфсизлик инфратузилмасини ривожлантириш зарурлиги белгилаб қўйилди<sup>5</sup>.

Аmmo, бу билан биз тўлиқ мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш бўлдиқ деб айта олмаймиз, сабаби энг катта муаммо ичида кибертерроризм балоаси турибди. Ушбу бало ўзининг кенг қамровлиги,

---

<sup>1</sup> Collin B. The Future of Cyberterrorism // Crime & Justice International Journal. 1997. Vol. 13. – P. 23–26.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.02.2018 й., 06/18/5349/0792-сон.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси тўғрисида”ги низом // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2018 й., 07/18/4024/2200-сон.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ–4278-сон “Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.04.2019 й., 07/19/4278/2920-сон.

<sup>5</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 августдаги 622-сон қарори билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг виртуал маконда иштирокини фаоллаштириш Концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.08.2018 й., 09/18/622/1637-сон.

келтирган зарарнинг кўплиги, жуда кўпчиликнинг, шу жумладан, давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг манфаатларига ҳам жуда катта путур етиши билан характерлидир.

Шу ўринда табиий савол туғилади, хўш, кибертерроризмдан ҳимояланиш учун нима қилиш керак, нима қилсак, мамлакатимизда хавфсиз кибермаконни яратиш мумкин, аввало, замонавий технология ва етук кадрлар билан таъминланишимиз зарур, бу борада эса, қонунчилигимизда қуйидагилар қайта кўриб чиқилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Хусусан, шу пайтга қадар мамлакатимизда, кибертерроризмдан ҳимояланаш бўйича стратегия ишлаб чиқилмаган, ваҳоланки, дунёда кибержиноятчилик тобора хавфли тусиб олиб, кунига 200 мингдан ортиқ содир этилмоқда, натижада жисмоний ва юридик шахсларга 500 млрд.га яқин мулкӣ зарар етказилмоқда<sup>1</sup>, биргина мисол, 2016 йилда Juniper Research томонидан ўтказилган тадқиқотда, 2019 йилга келиб, компьютер жиноятчилигидан етказиладиган зарар 2,1 трлн долл. ортиб кетиши мумкинлиги<sup>2</sup> ва ҳар ойда содир этилаётган жиноятлар 10-15% га ортиб бораётганлиги<sup>3</sup> шуни изоҳлайдики, бу балого қарши аниқ тактик режалар, яъни стратегия ишлаб чиқилиши ва бу бўйича амалий чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Мисол учун биттагина ҳолат, барча вазирлик ва идораларга кирувчи ҳужжатларнинг деярли барча “e-hat” электрон манзили орқали келиши мумкин, аммо келиб тушган ҳужжатни базага жойлаштириш тизими барча вазирлик ва идораларда турлича, масалан, кўпчилик, “germes”, “portal” ва яна ва ҳақозо тизимдан фойдаланса, қонун ҳужжатларини келишиш бўйича “project.gov.uz”, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамаси учун “regulation.gov.uz” ва яна қандайдир вазифаларни амалга ошириш учун бошқа дастур ва праграммалардан фойдаланишади, энг қизиғи, қонун ҳужжатларининг ижро тизими “e-ijro” программаси орқали амалга оширилади, биз буларни алоҳида-алоҳида кўрсатаётганлигимизга сабаб, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида дастурий восита, бу каби воситаларга нисбатан киберҳужум қилиш жуда осон, уларнинг энг катта камчилиги агарда улардаги ахборот биринидан иккинчисига ўтказиш вақтида ёки улардаги маълумотлар янгиланиш вақтидан фойдаланган ҳолда киберҳужум уюштирилса, бутун бир тизим киберҳужумнинг қурбонига айланади.

---

<sup>1</sup> Warren G. Kruse, Jay G. Heiser (2002). Computer forensics: incident response essentials. Addison-Wesley, p.392.

<sup>2</sup> Steve Morgan (January 17, 2016). “Cyber Crime Costs Projected To Reach \$2 Trillion by 2019”. Forbes. Retrieved September 22, 2016.

<sup>3</sup> Ҳ.Р.Очилов. Ўзгалар мулкӣни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун жавобгарлик. Монография // – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2017 й., - 225 бет.

Энг ачинарлиси, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, яъни “lex.uz” сайтига расмий мақом берилганлиги ва бундан киберҳужумдан манфаатдор шахслар ўзларининг ғаразли мақсадларидан фойдаланиши мумкинлиги ва амалиётда деярли қоғоз кўринишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш тизимидан воз кечган ҳолда, электрон шаклдаги ҳужжатлардан, яъни, “lex.uz” сайтидан фойдаланиши ва бундаги мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кибержиноятчилар ўзгартириш киритиши натижасида шахс, жамият ва давлатнинг кўриши мумкин бўлган зарари ҳақида тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Зеро, шахснинг тақдири, биттагина “lex.uz” сайтидаги нотўғри норманинг қўлланиши орқали ўнганмас зиён етиши мумкин.

Бу каби муаммоларнинг олдини олиш учун барча муаммоларни акс эттирувчи ва уларнинг ечими кўрсатилган мамлакатнинг кибертерроризмга қарши ягона стратегияси ишлаб чиқиши ва стратегияда белгиланган вазифалар кетма-кет ижро этилиши керак.

Кибертерроризмга қарши курашиш бўйича халқаро амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги ҳолатларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Хусусан, Германия Федератив Республикасида кибертерроризмга қарши курашиш бўйича миллий стратегия қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжат ГФР Ҳукуматининг мазкур соҳадаги кибертерроризмга қарши курашишнинг мақсад ва вазифаларини белгилайди ва бу Миллий ахборот инфратузилмасининг хавфсизлиги дастурида кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>.

Венгрия Республикасида, давлат ва хусусий шерикчилик фонди киберхавфсизликни таъминлаш бўйича маблағларни тизимли ажратади ва кибертерроризмга қарши курашиш бўйича CERT-Vengriya фавқулодда миллий тезкор жавоб гуруҳлари шакллантирилган<sup>2</sup>.

Ҳиндистон Республикасида эса, кибертерроризмга қарши курашиш учун Ҳиндистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Кенгаши Котибиятининг таркибий қисми саналган 21 нафар аъзодан иборат Ҳиндистон Миллий Ахборот Кенгаши ташкил этилган. У Давлат илмий-техника ташкилоти ва Давлат ахборот хавфсизлигини мувофиқлаштирувчи марказ билан ҳамкорликда фаолият олиб боради ҳамда компьютер тармоқларида рўй берадиган истаган фавқулодда ҳолатларга, илмий татқиқотларга жавобан, маълумотлар узатиш каналларини шифрлайди, норма ижодкорлиги билан шуғулланади, киберҳужумларнинг олдини олиш ва дастлабки огоҳлантиришни амалга оширади, соҳага оид таълим ва халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради ҳамда бу бўйича Ҳиндистон Республикаси Миллий Киберхавфсизлик

<sup>1</sup> С.Б.Бенджамин, Ф.Шрайер, Х.Теодор. Демократическое управление и вызовы кибербезопасности (Женева: Женевский центр демократического контроля над вооруженными силами, 2013 г., ст. 38.

<sup>2</sup> С.Б.Бенджамин, Ф.Шрайер, Х.Теодор. Демократическое управление и вызовы кибербезопасности (Женева: Женевский центр демократического контроля над вооруженными силами, 2013 г., ст. 39.

фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Миллий кўмигага тегишли кўрсатмаларни бериб боради.

Энг қизиғи шундаки, Ҳиндистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш бўйича саноатнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатувчи давлат органлари, Ахборот инфратузилмасини ҳимоя қилиш маркази, киберполицияда бу бўйича алоҳида бўлимлар мавжуд. Мисол учун, Ҳиндистон Республикаси Алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги тараққиёт ва тарғибот бўлим бу ўзига бириктирилган вазифа бўйича кибертерроризмга қарши курашиш чораларини кўради. Ҳиндистон-АҚШ Киберхавфсизлик Форуми ташкил этилган бўлиб, бу юқори технологиялар соҳасида икки давлатнинг ҳамкорлигини муҳокама қилиш вабу фаолиятни кенгайтириш билан шуғулланади<sup>1</sup>.

Италияда кибертерроризм билан Ички ишлар вазирлиги ва Инновация ва технология вазирлиги шуғулланади, шунингдек, полициянинг почта хизмати ташкил этилган бўлиб, у миллий ва минтақавий даражада компьютер жиноятларига тезкор жавоб қайтариш марказларини назорат қилади. Шунингдек, Италиянинг инфратузилмаларини танқидий экспертиза Ассоциацияси ташкил этилган бўлиб, у давлат ва хусусий секторнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради<sup>2</sup>.

Япония бу борада жуда яхши натижаларга эришган, жумладан, уларда кибертерроризмга қарши курашиш Япония Ҳукуматининг асосий мақсади ҳисобланади ва унинг Котибиятида 20 нафар таниқли экспертлардан иборат 2005 йилда ташкил этилган Ахборот технологияларини ривожлантириш стратегияси кенгаши ушбу бало билан бевосита кураш олиб боради. 2005 йилда ушбу кенгаши билан бир вақтда унга кўмаклашувчи Миллий ахборот хавфсизлиги маркази ташкил этилган. Ахборот технологияларини ривожлантириш стратегияси кенгаши киберхавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу борадаги сиёсатни амалга оширади. Унга Вазирлар Маҳкамаси Котибиятининг раҳбари бошчилик қилади ҳамда унга Япония Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бевосита кўмаклашади.

Японияда ҳар йили ахборотлаштириш ва коммуникация бўйича ҳар йили Оқ китоб чоп этилади ва ушбу китобда ахборот технологияси соҳасидаги амалга оширилаётган барча илмий ишлар ва тажрибалар ўз аксини топган. Шунингдек, Ҳимоя, техник операциялар, таҳлил ва жавоб

---

<sup>1</sup> С.Б.Бенджамин, Ф.Шрайер, Х.Теодор. Демократическое управление и вызовы кибербезопасности (Женева: Женевский центр демократического контроля над вооруженными силами, 2013 г., ст. 40.

<sup>2</sup> С.Б.Бенджамин, Ф.Шрайер, Х.Теодор. Демократическое управление и вызовы кибербезопасности (Женева: Женевский центр демократического контроля над вооруженными силами, 2013 г., ст. 39.

маркази Японияда давлат ва хусусий сектор ўртасида ахборот алмашинувини мувофиқлаштириб назорат қилиб туради<sup>1</sup>.

Малайзияда, кибертерроризм билан курашиш учун ушбу соҳа ваколатлари органлар ўртасида ўз ваколати нуқтаи назаридан тақсимланган, ушбу ҳолат бўйича улар бизнинг мамлакатимизда бу бўйича олиб борилаётган ислохотларга бирмунча ўхшаш, жумладан, давлат секторида кибертерроризмдан кураш учун Замонавийлаштитриш ва режалаштириш идораси таъминлайди, Фан, технологиялар ва инновациялар вазирлиги миллий ахборот-коммуникация технологиялари сиёсатни юритади, Кибержиноятчилик бўйича полиция эса, тижорат аҳамиятидаги кибержиноятларни тергов қилиш учун масъул ҳисобланади, алоқа соҳаси эса, Энергетика, сув хўжалиги ва алоқа вазирлиги томонидан амалга оширилади, Алоқа ва мултимедиа комиссияси Малайзиянинг ахборот тармоқларининг ахборот хавфсизлиги ва уларнинг яхлитлиги ҳамда ишончилигини мувофиқлаштириб туради.

Кибертерроризмнинг шиддат билан ўсиб боришининг асосий сабабидан бу аввало, қулай, тезкор, шунингдек, терроризмни амалга ошириш учун жуда арзон усул ҳисобланади. Биргина мисол, 2018 йилнинг якунларига кўра, Ўзбекистонда интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг сони 20 миллиондан ошган, аниқроғи 22.8 млн. га етган<sup>2</sup>.

Ўзбекистондан халқаро тармоқларга умумий уланиш тезлиги 104,1 Gbit /s. Ни ташкил этмоқда, ушбу кўрсаткичнинг бир йил мобайнида ўсиши 58 фоиздан ортган<sup>3</sup>.

Мобил алоқалар сони эса, 22 млн. 800 мингга етган<sup>4</sup>.

Бу рақамлар шуни англатадики, мобил алоқа воситаси бўлган шахсларнинг кибертерроризм қурбони бўлиши мумкинлигини ва уларнинг ҳар бирида интернет тармоғининг мавжудлиги ушбу жараённи янада тезлаштириш имконини бериши мумкин. Шу маънода, кибертерроризмнинг хавфи Ўзбекистон учун жуда хавфли ва хатарлидир ҳамда бундан огоҳ бўлиш ҳаммамизнинг қўлимиздадир.

Юқоридагилар орқали айтишимиз керакки, мамлакатимизда айнан кибертерроризмга қарши курашиш бўйича ваколатли орган белгиланиши ва бу бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш вақти етиб келди.

<sup>1</sup> С.Б.Бенджамин, Ф.Шрайер, Х.Теодор. Демократическое управление и вызовы кибербезопасности (Женева: Женевский центр демократического контроля над вооруженными силами, 2013 г., ст. 40.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги сайти: <http://mitc.uz/ru/stat/7>.

<sup>3</sup> Интернет сайтдан: <http://uz.infocom.uz/2018/01/27/ozbekistonda-internetdan-foydalanuvchilar-soni-20-milliondan-oshdi/>.

<sup>4</sup> Интернет сайтдан: <http://uz.infocom.uz/2018/01/27/ozbekistonning-mobil-aloqa-abonentlari-soni-22-mln-800-mingga-yetdi/>.



Норма ижодкорлиги борасида, кибертерроризмга қарши курашиш учун “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ва Жиноят кодексига кибертерроризм тушунчаси, унинг олдини олиш чора-тадбирлари, кунга қарши курашиш механизм ҳамда бу бўйича жавобгарлик чоралари аниқ белгилаб қўйиш таклиф этилади.

Ушбу фикрларга ўхшаш олим А.Расулев ҳам ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон жиноят қонунчилиги (155-модда)да кибертерроризм бўйича аниқ жавобгарлик белгиланмаганлигини таъкидлаган ҳолда, “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда ушбу тушунча белгиланиб, Жиноят кодексига кибертерроризм алоҳида битта модда сифатида киритилиши таклифини беради<sup>1</sup>.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, юқорида таъкидлаган кибертерроризм тушунчаси “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга киритилиши ва механизми белгилаб қўйилиши муносабати билан Жиноят кодексининг 155-моддасига кибертерроризм билан боғлиқ қоидалар киритилиши ва улай қуйидаги тахрирларда баён қилиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддаси қуйидаги тахрирдаги тўртинчи-бешинчи қисмлар билан тўлдирилсин ҳамда тўртинчи қисм тегишинча олтинчи қисмдан ҳисоблансин:

“Мамлакатда ўрнатилган киберхавфсизликни турли хил ахборот технологиялари ва коммуникациялари орқали бузган ёки уни четлаб ўтган ҳолда, сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, мамлакатнинг жиноий қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган киберзўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки шундай ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд ўзгача таҳдид қилиш орқали кибертерроризмни амалга ошириш ёки унга суиқасд қилиш

---

<sup>1</sup> А.Расулев. Противодействие кибертерроризму: международно-правовые и уголовно-правовые аспекты.

–Т.: ТДЮУ нашриёти, Юридик фанлар Ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журнал, 2018 г., с.92-96.

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) одам ўлишига;

б) кўп ва жуда кўп миқдорда зарар келиб чиқишига;

в) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-3-моддаси иккинчи қисми диспозицияси қуйидаги таҳрирдаги “г” банд билан тўлдирилсин:

“г) кибертерроризм орқали содир этилган бўлса”.

Юқоридаги ҳолатларга ўхшаш ҳолатлар чет мамлакатларда, жумладан, Бюук Британиянинг 2000 йилги “Терроризм тўғрисида”ги Қонунида ҳам кўрсатилган бўлиб, унга асосан, компьютер, унинг тизимига

ва тармоқларига ноқонуний кириш ҳамда у орқали оммавий заравонликларни амалга ошириш жиноят ҳисобланади<sup>1</sup>, Арманистон Республикаси Жиноят кодексининг 389-моддасига асосан кибертерроризм халқаро терроризм сифатида алоҳида битта моддада кўрсатилган<sup>2</sup>, Грузиянинг Жиноят қонунчилигида эса, алоҳида 324<sup>1</sup>-модда-кибертерроризм деган алоҳида битта модда мавжуд, унга асосан, кибертерроризм, яъни компьютер томонидан муҳофаза қилинадиган маълумотни қонунга хилоф равишда олиб қўйиш, уни ишлатиш ёки фойдаланиш орқали аҳолини кўрқитиш ва (ёки) ҳокимиятга таъсир кўрсатиш учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфни келтириб чиқариш, 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади, ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан, ушбу ҳаракатлар натижасида одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабабчи бўлса, 12 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан, агарда булар юридик шахслар бўлса, у ҳолда ушбу юридик шахслар тугатилади<sup>3</sup>, Франция Жиноят кодексининг 421-1-моддасига асосан, информатика соҳасидаги террористик ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> А.Расулев. Противодействие кибертерроризму: международно-правовые и уголовно-правовые аспекты.

–Т.: ТДЮУ нашриёти, Юридик фанлар Ахборотномаси илмий-амалий ҳуқуқий журнал, 2018 г., с.93.

<sup>2</sup> Арманистон жиноят кодекси. <https://www.wipo.int/edocs/lexdocs/laws/ru/am/am012ru.pdf>

<sup>3</sup> Грузия Жиноят кодекси. <https://matsne.gov.ge/ka/document/download/16426/143/ru/pdf>.

<sup>4</sup> Франция Жиноят кодекси. <https://constitutions.ru/?p=5859>.

Умуман олган, кибертерроризм жуда кўп мамлакатларда, баъзиларида алоҳида, бошқаларида эса, терроризмнинг баркибий қисми сифатида жиноят деб баҳоланган.

Ҳақиқатан ҳам ушбу қилмиш учун жавобгарлик жиноят қонунчилигимизда мавжуд эмас, Жиноят кодексининг 4, 10, 4, 16-моддаларига асосан, мазкур қилмишни жиноят деб баҳалошимиз учун ушбу қилмиш учун жавобгарлик Жиноят кодексига кўрсатилган бўлиши, жиноят қонунчилиги билан кўрикланадиган объектга путур етиши, жиноят таркибининг тўлиқ мавжуд бўлиши керак.

Шуларга асосланиб, юқорида таъкидланган фикрларни умумлаштирган ҳолда, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш оқали аҳолининг оғирини енгил қилишнинг энг самарали йўлларида бири бу халқаро ҳужжатлар орқали давлатнинг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ҳисобланади. Кибертерроризмга қарши курашиш бўйича халқаро ҳужжатлар ичида, 2001 йил 23 ноябрда Будапештдаги Европа Иттифоқи аъзоси бўлган давлат томонидан имзоланган 48 моддадан иборат “Кибержиноятчилик тўғрисида”ги Конвенция<sup>1</sup> бўлиб, ушбу Конвенция қонунлари учта асосий масалани тартибга солишга қаратилган:

Компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятларни жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаш;

миллий жиноий-ҳуқуқий тадбирлар ўтказиш орқали ушбу жиноятларни тергов қилиш ва аниқланган далилларни йиғилишини таъминлаш;

чет мамлакатлардан туриб содир этилган ушбу жиноятларни очишда ва уларга қарши курашиш учун халқаро ҳамкорликни таъминлаш.

Конвенция иштирокчи давлатларнинг қонунчилигида кибержиноятлар бўйича жавобгарликка тортилидиган ягона қонунлар бўлишини таклиф қилади.

Мазкур конвенцияга асосан, кибержиноятларнинг объекти ишлаб чиқариш, йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, қидириш, узатиш, тарқатиш ва бошқа функцияларни амалга оширувчи, истемол бўйича ахборот жараёнларини амалга оширишга ихтисослашган компьютер техникаси ёки унинг қисми, тизими ва тармоқлари оид ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан ушбу жиноятлар яхлит, бут, ўзга шахс учун сир маълумотлар ва тизимни бузиш орқали, компьютер билан, компьютер

---

<sup>1</sup> [http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014\\_2019/documents/libe/dv/7\\_conv\\_budapest\\_/7\\_conv\\_budapest\\_en.pdf](http://www.europarl.europa.eu/meetdocs/2014_2019/documents/libe/dv/7_conv_budapest_/7_conv_budapest_en.pdf).

қисми, контент билан, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни бузиш орқали содир этилади.

Ушбу жиноятнинг субъекти юқорида кўрсатилган ҳаракатларни амалга оширган истаган шахс бўлиши мумкин.

Субъектив томондан жиноят қасддан содир этилган бўлиши зарур<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам ушбу жиноятлар трансмиллий халқаро жиноятлар сирасига киради<sup>2</sup>. Мазкур жиноятлар чегара танламайди, улар учун давлатлар, халқаро аҳамиятсиз<sup>3</sup>. Кибержиноятчилик жумладан, кибертерроризм тегишли жабрланувчига тўғридан-тўғри ёки билвосита ўз таъсирини кўрсатиши мумкин<sup>4</sup>. Шунга кўра, мазкур конвенция иштирокчи давлатларнинг ҳар бири учун индивидуал ушбу жиноятларга қарши курашиш курашиш чора-тадбирлар рўйхатини тақдим қилган<sup>5</sup>.

Мазкур жиноят ўзининг кенг қамровлиги ва узоқдан туриб бошқарилиши ва жуда катта миқдорда зарар келтириши мумкинлоғи билан характерлидир, шу маънода ушбу жиноят билан курашиш учун давлат халқаро муносабатларда ўзаро яқин ҳамкорлик қилишлари мақсадга мувофиқ. Ҳар бир инсон халқаро умумэътироф этилган ҳужжатларда кўрсатилган ҳуқуқлар ва эркинликлар тўла-тўқис рўёбга чиқадиган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир<sup>6</sup>.

Ўз навбатида, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларининг рўёбга чиқишда шундай чеклашларга мубтало бўлиши мумкинки, булар қонун томонидан белгилаб қўйилиши ҳамда бундан муддао – бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари зарур даражада тан олинмиш ва ҳурмат қилиниши ҳамда ахлоқ- одобнинг адолатли талаблари ижтимоий тартиб ҳамда демократик жамиятдаги бугунги фаровонликнинг адолатли талаблари қондирилган бўлсин<sup>7</sup>.

---

<sup>1</sup> Волеводз А.Г. Конвенция о киберпреступности: новации правового регулирования / А.Г. Волеводз // Правовые вопросы связи. – 2007. – № 2. – С. 17-25.

<sup>2</sup> Диссертационные исследования международная конвенция о киберпреступности / Гусейн Магомед оглы наджафи, докторант Института философии, социологии и права Национальной академии наук Азербайджана Научная специальность: 12.00.08 — уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право. Манба: <http://naukarus.com/mezhdunarodnaya-konventsia-o-kiberprestupnosti>.

<sup>3</sup> Доронин А.М. Уголовная ответственность за неправомерный доступ к компьютерной информации: Дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2003. С. 8.

<sup>4</sup> Гаврилин Ю.В. Преступления в сфере информационных технологий: Часть автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. М., 2000: Манба: <http://www.dissercat.com/content/rassledovanie-nepravomernogo-dostupa-k-kompyuternoi-informatsii>.

<sup>5</sup> Конвенция о киберпреступности: на защите вас и ваших прав: манба: <http://hub.coe.int/ru/octopus-conference-20121/>.

<sup>6</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси / 1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган. 27-модда. Манба: [https://unicode.org/udhr/d/udhr\\_uzn\\_cyrl.txt](https://unicode.org/udhr/d/udhr_uzn_cyrl.txt).

<sup>7</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси / 1948 йил, 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 217 А (III) кўрсатмаси орқали қабул қилинган ва эълон қилинган. 28-модда. Манба: [https://unicode.org/udhr/d/udhr\\_uzn\\_cyrl.txt](https://unicode.org/udhr/d/udhr_uzn_cyrl.txt).

Ушбу талабнинг бажарилмаслиги натижасида инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етади, шуни инобатга олган ҳолда, кибертерроризм балосини бартараф этиш нафақат давлатнинг, балки инсонларнинг, жамиятнинг келажаги учун ҳам зарурдир, кибертерроризм билан курашишда энг самарали йўллардан бири, чет мамлакатлар билан ўзаро ушбу соҳа бўйича ҳамкорликни ўрнатиш ва амалий чоратadbирларни амалга ошириш ҳисобланади, зеро ушбу жиноятнинг қамрови жуда кенг бўлиши мумкин, аммо кибертеррорист барибир қайси бир ҳудуддан туриб бўлса ҳам, ўзининг манфур қилимишларини содир этишга уринади. Ўша ҳудудда жойлашган давлатлар билан самарали алоқани йўлга қўйишнинг энг яхши йўллари билан бири икки малакат қонунчилигининг кибертерроризмга қарши курашиш бўйича амалга оширилиётган ишларга ўхшаш бўлишидадир. Ўхшашлик эса, албатта, халқаро ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур конвенция қоидаларини жиноят қонунчилигимизга имплементация қилиш вақти етиб келди. Имплементация кибертерроризмга қарши курашиш бўйича амалга ошириладиётган ишларни янада жадаллашишига ва инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари путур етмаслигига сабаб бўлади. Имплементация бўйича олинган мажбуриятлар давлат томонидан бажирилиши мажбурийлиги имплементациянинг нечоғлик аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Кибертерроризмга қарши курашишнинг самарали усуллари билан бири бу тарғибот ва ташвиот ишлари ҳисобланади. Шу маънода, айни глобаллашув шароитида терроризм хавфи ва у келтираётган таҳдидлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида тарғибот ишлари олиб борилмас экан, бу борада кутилган натижага эришиш мушкул. Ахборот майдони ривожланиб, тобора тўйиниб бораётган, аммо уни етказишда ҳам мазмунан, ҳам шаклан, ўзибўларчилик устуворлик қилаётган ҳозирги даврда

ОАВ экстремизм ва терроризм қўлидаги кучли қуролга айланиб қолмоқда. Тўғри, ОАВ ўз ҳолича террорчилик хуружининг “самарадорлигини” англаган ҳолда ташкил этадиган тизим ҳисобланмайди. Аммо аксарият ҳолларда бунга кўмаклашмоқда, дейиш мумкин<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кибертерроризмга қарши тарғибот ва ташвиқот олиб боришнинг ягона механизми ишлаб чиқилмаган, ўйлашимизча, кибертерроризмга қарши курашиш учун ҳар йили Давлат дастури қабул қилиниб, бу бўйича ишлар ягона стратегик йўналишда амалга оширилса ва бунда тарғибот ва ташқиқот масалалари ҳам бир йўла амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўларди.

<sup>1</sup> М.Раҳимова. Халқаро ҳуқуқ. –Т.: “Akademiya” нашриёти. 2005 й., 20 б.

<sup>2</sup> Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари / Масъул муҳаррир А. Т. Очилдиев. – Т., 2008. – Б. 145.

Фикримизча, тарғиботнинг қуйидаги самарали йўллари мавжуд:

“смс-хабарнома” тизими орқали кибертерроризмнинг салбий оқибатларидан халқни огоҳликка ундаш;

ОАВ орқали кибертеррористик ҳужумларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш;

“Оила-боғча-мактаб-олий ўқув юрти-олий ўқув юритидан кейинги давр” тизимини ишлаб чиқиш;

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича махсус дастурлар орқали аҳолини ўқитиш.

“смс-хабарнома”, ҳақиқатан ҳам бу тизим ҳозирги кунда ўзининг кенг қамровлиги ва аҳолини огоҳликка чақириш бўйича тезкорлиги билан ажралиб туради, юқорида таъкидланганидек, 20 млн. ошиқроқ ўзбекистонликнинг мобил алоқалари мавжуд ва улар бемалол интернет хизматларидан фойдаланиши мумкинлигини инобатга олсак, ҳақиқатан ҳам ушбу усул орқали аҳолини огоҳликка чақириш самарали эканлигини ҳис қилишимиз мумкин.

ОАВ орқали кибертеррористик ҳужумларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришда бугунги кунда энг катта ўл қўяётган камчилигимиз, танланган махсус лавҳа (дастур)нинг уни кўрувчи, эшитувчи аҳоли ёшига мутаносиб қилиб берилмаслидадир. Биргина миолс, ҳали кўрмаган ва бу бўйича тасаввурга ҳам эга бўлмаган ҳамда бунга вақти ҳам йўқ бўлмаган кибертеррористик ҳаракатларни кўрганидан кейин ёш бола нима қилиши керак, унинг ақлий ва жисмоний фаолияти кундан кун ривожланмоқда ва ушбу берилган маълумотларни унинг мияси ахборот сифатида қабул қилиши ва ушбу ахборотдан фойдаланишга бўлган боланинг психологик ҳолати натижасида ушбу усул ўзининг аҳамиятини йўқотиши мумкин. Шу маънода, ОАВда тегишли лавҳани тайёрланиб, у ефирга узатилган вақтда аҳолининг ёшини инобатга олиб, лавҳа кўрсатилиши вақтларини ҳамда унда кўрсатилган ҳолатларнинг таъсирини ОАВ назарда тутишлари зарур.

“Оила-боғча-мактаб-олий ўқув юрти-олий ўқув юритидан кейинги давр” тизимининг самарали жиҳати шундаки, ҳозирги кунда ҳали боғчага бормаётган кўпчилик болалар ҳам алоқа воситаларидан бемалол фойдаланишни билишади, шунингдек, мактабда ўқиётган боланинг қўлида ҳам алоқа воситаси ва у бемалол ундан фойдаланишни билади. Бу эса, кибертеррорчилар учун айна мудда ҳисобланади. Халқимизда “қуш уясидагини қилади” деган нақл ор, бу бекорга эмас. Ҳақиқатан ҳам оиладан бошлаб боланинг қўлига тутқазилган ахборот технологияси ёки коммуникацияси ва унинг эгасининг кибертеррористик ҳужумлар қурбонига айланишининг олдини олиш чоралари ота-она томонидан доимий равишда назорат қилиниб борилса, ушбу алоқа воситасидан бола фойдали мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш бўйича махсус дастурлар орқали аҳолини ўқитиш юзасидан информатика ва ҳуқуқ дарсликлари бўйича махсус боблар боғчадан торитб ўқитиб борилса, ҳам мамлакатимиз учун керакли кибертерроризмга қарши курашадиган кадрлар сони кўпаярди ҳам бу бўйича мамлакат аҳолисининг ва давлатнинг кибертерроризмга қарши курашиш бўйича махсус ҳимоя дастури амалга ошган бўларди.

Зеро, киберэкстремист ва кибертеррорчилар компьютер тармоқлари (асосан Интернет) орқали турли салбий омилларни тарғиб қилишади. Бу эса, жамиятнинг барқарор ривожланишида катта хавф туғдиради ва жамият аъзоларининг маънавий-маърифий онгига салбий таъсир қилади. Чунки, бугунги кунда дунё аҳолисининг 82 фоизи, ёшларнинг 90 фоизи асосий ахборот манбаи сифатида Интернет тармоғига мурожаат қилишмоқда. Масалан, “Ислом халифалиги”ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татбиқ этишни мақсад қилган “ИШИД” ҳам ўз режаларини амалга оширишда Интернетдан фаол фойдаланмоқда<sup>1</sup>. Интернет орқали келаётган хабарларга нисбатан аҳолининг ҳуқуқий онги баланд бўлса ва ушбу ҳужумларга бемалол кураша оладиган давлатнинг кадрлари бўлса, бу мамлакатга нисбатан бўлаётган ҳужумларнинг барчаси самарасиз бўлиб, давлатнинг бу йўналишда халқаро майдондаги обрўси юқори поғонага кўтарилар эди.

Кибертерроризм, интернетсиз ҳам амалга оширилиши мумкин, биргина мисол, АҚШда кибертерроризм билан курашиш энг биринчи муаммо ҳисобланади. унда “Эшелон” деб аталмиш электрон хавфсизлик тизимига кирувчи. АҚШ разведкаси назорат қиладиган АҚШ, Канада, Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландиядаги электрон хавфсизлик занжир кибертеррорчилар томонидан интернетсиз, кибертеррорчилар ўзаро ҳамкорлик қилиш учун электрон бўлмаган телекоммуникация воситаларидан фойдаланишган, ўзларининг хабарларини эса криптографик ёки қисқартириш усуллари билан яширишган ва “Эшелон” тизимидаги алгоритм четлаб ўтилиб, тизим аввал ўчирилган, сўнг ҳужум амалга оширилган, ваҳоланки, “Эшелон” мазкур давлатларнинг барча электрон воситаларини назорат қииб турган<sup>2</sup>.

Умуман олганда, мамлакатимизда кибертерроризмнинг олдини олиш учун яқдиллик билан кенг кўламли ишлар амалга оширилмас экан, кибертеррористик ҳужумларнинг хавфи ошиб бораверади ва бу эса мамлакатимизнинг иқтисодий базасига жуда катта зарарни келтириб

<sup>1</sup> Ф.Кадиров, М.Х.Джаматов. Кибертерроризм ва киберэкстремизм жиноятлари профилактикаси. Трансмилий таҳдид сифатидаги терроризмга қарши кураш: Ўзбекистон ва жаҳон тажрибаси: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й., – 188 б.

<sup>2</sup> М.М.Самчук. Кибертерроризм и особенности его проявления. Манба: <http://kursak.net/kiberterrorizm-i-osobennosti-ego-proyavleniya>

чиқариши мумкин. Шу сабабдан ҳам юқорида кайда этилган таклифларнинг амалий ижросини таъминлаш орқаси халқимизни кибертеррористик балодан сақлаш чоралари амалга оширилиши мумкин. Зеро, халқ тотувлигини таъминлаш ўз кўлимиздадир.

**✽✽✽✽✽**



# ИЛОВАЛАР

Илова №1

## Қонун ижодкорлиги жараёнига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили

№	Давлатнинг номи	Қонун ижодкорлиги жараёни тавсифи
1.	АҚШ	<p><b>Конгресснинг норматив ҳужжатлари.</b> Конгресснинг қонун кучига эга бўлган хоҳиш-иродаси қонун лойиҳаси (bill) ёки қўшма резолюция (joint resolution) йўсинида расмийлаштирилади. Қўшма резолюция Конституцияга тузатишлар киритиш билан боғлиқ таклифлар учун, шунингдек муайян мақсадларга маблағ ажратилиши да фойдаланилади.</p> <p>Билль ва қўшма резолюция қабул қилиниш айна бир хил тартиб-таомиллардан ўтади. Конституцияга тузатишлар киритишни таклиф этувчи қўшма резолюция шундай хусусиятга эгаки, унга Президент маъқуллови керак эмас, шу сабабли ҳам Конгресс томонидан қабул қилиниши билан айрим штатларга ратификация қилиш учун юборилади. Конституцияга тузатиш киритиш таклифларини ўзида мужассам этган қўшма резолюция ҳар бир палатада кворум бўлган тақдирда ҳозир бўлган аъзоларнинг учлан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан маъқулланиши, шунингдек барча штатларнинг тўртдан уч қисми томонидан ратификация қилиниши керак.</p> <p><b>Палаталарнинг иш қоидалари.</b> Палатанинг қоидалари мослашувчан ва ўзгарувчан бўлса-да, унинг иш билан боғлиқ битта алоҳида асосий қоидаси мавжуд. Жоизлик қоидаси (germaneness rule) деб юритилувчи бу қоиданинг моҳияти шундаки, билль муҳокама қилинаётганда барча нутқлар ва таклиф этилаётган тузатишлар қонун лойиҳасининг мазмунига монанд бўлиши керак. Сенатда бу қоида палата ташкил топган 1789 йилдан буён деярли ўзгаришсиз қолмоқда: чунки Сенат ҳеч қачон тўлиқ янгиланмайди, бинобарин учдан бир қисми янгилангани боис у узлуксиз ишлаб келмоқда деб ҳисобланади. Ҳар икки йилда сессия тугаганидан кейин учдан бир қисми янгиланган Сенат сессиялар оралиғида гўё танаффус бўлмаганидек ўз ишини бир маромда давом эттираверади.</p> <p>Палаталарнинг ва қўмиталарнинг қарорлари (масалан, учинчи ўқишда овоз бериш) action деб аталади, бир ёки бир нечта Конгресс аъзосининг бу йўналишдаги ҳаракатлари (чунончи, таклифлари ёки нутқлари) эса motion деб юритилади.</p> <p>Президент ўзининг қонунчилик борасидаги ғояларини Иттифоқ ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги номасида (Миллатга нома) баён этиши мумкин, оддий фуқаролар эса, Конгрессга петиция йўллашлари мумкин (1-тузатиш). Лекин фақат Конгресс аъзоларигина қонун лойиҳаси тайёрланиши (ишлаб чиқиши) борасида бевосита ташаббус билан чиқиш ҳуқуқига эга. Қонун лойиҳасини Вакиллар палатаси аъзоси ҳам, сенатор ҳам тақдим этиши мумкин. Бунинг учун палата аъзоси қонун лойиҳасини минбар ёнидаги махсус яшикка солади, сенатор эса Сенат котибига</p>

(Clerk) топширади ёки ўзи тақдим этади. Агар қонун лойиҳасини сенаторнинг ўзи тақдим этаётган бўлса, қолган сенаторлардан хоҳлагани биллини кўриб чиқишга эътироз билдириши мумкин, бундай ҳолларда қонун лойиҳасини тақдим этиш кейинги кунга қолдирилади.

Сенат котиби тақдимотдан кейин қонун лойиҳасининг номини ўқиб эшиттиради (1-ўқиш), уни кўриб чиқиш учун кўмита тайинлайди ва қонун лойиҳасини шу кўмитага юборади. Вакиллар палатасида ҳам илгарилари қонун лойиҳасининг номи ўқиб эшиттирилар эди, лекин ҳозир бундай қилинмайди – Палата котиби келгусида кўриб чиқилиши учун лойиҳани дарҳол тегишли кўмитага йўллайди. Котиб бир неча кўмитани тайинлаши ҳам мумкин, бунда кўмиталарнинг ҳар бири қонун лойиҳасининг ўз ваколатлари соҳасига тааллуқли қоидаларини кўриб чиқадилар. Бундай ҳолларда кўмиталардан бири қонун лойиҳасининг босқичлардан ўтиши учун умумий жавобгарликни зиммага олади.

**Қонун лойиҳасини кўмиталарда кўриб чиқиш.** Ҳар бир палатада доимий (standing) ва махсус (select) кўмиталар фаолият олиб боради. Иккала палата томонидан ташкил этилган бир нечта қўшма (joint) кўмиталар ҳам фаолият олиб борадилар. Ҳар бир кўмита (full committee) ўз ваколати доирасида бир нечта доимий кичик кўмита (subcommittee) ёки ad hoc кичик кўмиталари тузиши ҳамда ўз хоҳишига кўра кўмита кўриб чиқиши жоиз бўлган ҳар қандай масалани уларга топшириши мумкин.

Кўмиталарнинг таркиби ҳар бир янги Конгресс мажлиси бошланишида, яъни ҳар икки йилда, партия фракциялари (caucus) мажлисларида аниқлаб олинади. Палатада кўпчиликни ташкил этган партиянинг вакилларида бири одатда кўмита раислигига лойиқ кўрилади. Конгресснинг бир аъзоси кўпи билан иккита кўмитада ва тўртта кичик кўмитада иштирок этиши мумкин. Бунда кўмитадаги аъзолик фракциядаги аъзолик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, Конгресс аъзоси фракция таркибидан чиққан тақдирда кўмиталардаги ўрнидан ҳам маҳрум бўлади. Кўмиталарнинг партиявий таркиби одатда бутун палатадаги партиявий нисбатга монанд бўлади. Бу бутун палатада овоз бериш кўпинча кўмитадаги овоз бериш натижалари билан айнан бир хил бўлишини англатади. Шу сабабли Конгресс фаолиятида қонун лойиҳасини кўмиталарда кўриб чиқилиши қонун лойиҳасининг ҳаракатланувидаги муҳим босқич ҳисобланади, негаки қонун лойиҳасининг тақдири моҳиятан айна шу ерда ҳал бўлади.

**Қонун лойиҳасини кўмиталарда муҳокама қилиш.** Қонун лойиҳаси кўмитага келиб тушгач, қоида тариқасида, кўмита уни ўзининг кичик кўмитасига кўриб чиқиш учун йўллайди.

Кичик кўмита нуфузли давлат тузилмаларидан қонун лойиҳаси тўғрисида фикр-мулоҳаза сўраши мумкин. Кўпинча бундай сўровлар Конгресснинг Бюджет-назорат бошқармасига (General Accounting Office) йўлланади. Агар кўмиталарнинг сўровлари ижро этувчи тузилмаларга юборилаётган бўлса, бу сўровлар аввал Маъмурий-бюджет бошқармасидан (Office of Management and Budget) орқали ўтади: бошқарма қонун лойиҳасининг Президент олиб бораётган сиёсатга мувофиқлигини текширади. Шуниси ҳам борки, сўраб олинаётган фикр кўмита учун ҳеч қачон мажбурий кучга эга бўлмайди.

Агар қонун лойиҳаси жуда муҳим бўлса, кўмита ёки кичик кўмита эшитув (public hearings) тайинлайди, унда қонун лойиҳаси муҳокамасига хусусий шахслар, ташкилотлар ва давлат идораларининг вакиллари таклиф этилади.

Қўмиталарнинг мажлислари ҳам, эшитувлари ҳам жамоатчилик учун очик. Бундан қўмита ёки кичик қўмита ана шу тадбирларни ёпиқ режимда ўтказиш ҳақида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилган ҳоллар мустасно. Тўғри, тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш қўмитаси (Committee on Standards of Official Conduct) мажлисларига жамоатчилик вакиллари ҳеч қачон қўйилмайди.

Агар қонун лойиҳаси кичик қўмитага юборилган бўлса, муҳокама ва эшитувлардан кейин кичик қўмитанинг яқунловчи мажлиси (markup) ўтказилади. Бунда кичик қўмита аъзоларининг фикри сўнгги марта эшитилади ва овоз бериш ўтказилади. Кичик қўмита муайян тузатишлар билан ёки бундай тузатишларсиз яхши, ижобий ҳулоса (favorable) шаклида ижобий тавсиф ёинки салбий тавсиф бериши мумкин. Салбий тавсиф берган тақдирда кичик қўмита: 1) салбий (unfavorable) ҳулоса бериши; 2) қўмитага қонун лойиҳасини ҳеч бир тавсиясиз қайтариб бериши ёки 3) қўмитага қонун лойиҳасини номуайян муддатга (table) кечиктириб туришни тавсия этиши мумкин.

**Қўмитада яқунловчи овоз бериш.** Қўмитанинг қонун лойиҳаси бўйича яқунловчи мажлисида лойиҳа моддама-модда муҳокама этилади ҳамда ўринли (germane) тузатишлар тавсия этилади. Шундан кейин қўмита яқунловчи овоз беришга ўтади: қонун лойиҳаси яхши, ижобий ҳулоса (favorable) билан ёки номақбул ҳулоса (adverse) билан ёки ҳеч бир тавсиясиз бутун палата кўриб чиқиши учун қайтарилади.

Яхши, ижобий ҳулосага тузатишлар иккита шаклда илова қилиниши мумкин. Биринчиси қонун лойиҳасига киритиш тавсия этилаётган барча тузатишлар қонун лойиҳасига ягона тузатиш тариқасида илова қилиниши (amendment in nature of substitute) ёки қонун лойиҳаси матнига киритиб қўшиб қўйилиши (clean bill) мумкин. Агар қўмита қонун лойиҳасини маъқулламаса, уни кейинроққа қолдириши (table) мумкин. Буни қонун лойиҳасини “йиқитиш”нинг қулай имконияти деса ҳам бўлади. Шу боис салбий ҳулосадан ва тавсияси бўлмаган ҳулосадан онда-сонда фойдаланадилар, холос. Лекин палата қонун лойиҳасини палатанинг ўзи кўриб чиқиши учун қўмитадан қайтариб олиш мақсадида (discharge a committee), ҳатто у кейинроқ кўриладиган бўлган тақдирда ҳам, резолюция қабул қилиши мумкин. Лекин бу усулга жуда камдан кам мурожаат этадилар.

**Вакиллар палатасида иккинчи ва учинчи ўқиш.** Билль палатадан қўмитага келиб тушганидан кейин қонун лойиҳаси бўйича умумий музокаралар бошланади. Бунда “бир соат қоида” (hour rule) деган норма амал қилади. У палата аъзосига кўриб чиқиладиган масала бўйича 60 дақиқа ичида, агар спикер унинг сўзларини бўлиб қўймаса, ўз фикрини билдириш имконини беради. Конгресс аъзоси сўзга чиқиб атайин вақтни чўзаётган ҳоллардагина спикер юқорида йўсинда аралашishi мумкин.

Сўнгра биллнинг 2-ўқиши, яни моддама-модда ўқиш бошланади. Ҳар бир модда ўқиб чиқилганидан кейин Палата аъзолари унга доир ўз тузатишларини тавсия этадилар. Бунда “беш дақиқа қоида” (five-minute rule) амал қилади. Бу қоида Конгресс аъзосига тузатишларини баён этиш учун 5 дақиқа ҳамда ана шу тузатишларга қарши сўзга чиққан Конгресс аъзосига 5 дақиқа вақт беради. Қарши фикр билдираётганда ўз нуқтаи назарини баён этишга ажратилган 5 дақиқа тугагач, музокаралар тузатишга тузатиш таклифи билан давом эттирилиши мумкин.

Қўмита томонидан таклиф этилаётган ягона тузатиш бўйича овоз бериш энг охирида ўтказилади, негаки шундан кейин бошқа ҳеч қанақа тузатиш хусусида таклиф киритиб бўлмайди.

Ниҳоят ялпи Палата томонидан қабул қилинган ёки бутун палата қўмита орқали тузатишлари билан қабул қилган билл учинчи ўқишга келиб тушади. Қонун лойиҳасининг номи ўқилгач, овоз бериш бошланади. Шундан кейин қонун лойиҳасининг узил-кесил ифодаси (engrossed bill) тузилади ва у палатанинг “хужжати (act)” номини олган ҳолда Сенатга юборилади.

**Бутун палата қўмита орқали.** Вакиллар палатаси тартиб-таомилларни бир мунча содалаштириш мақсадида Иттифок ҳолати бўйича бутун палатанинг музокаралари ва 2-ўқишни (модда-модда ўқишни) Қўмита шаклида (Committee of the Whole House on the state of the Union) ўтказиши мумкин. Бу эса мажлисни палатанинг одатдаги мажлисида бўлгани каби 218 нафар эмас, балки 100 нафар киши иштирокида (кворум таъминланган ҳолда) ўтказиш имконини беради. Қўмита орқали бутун палата бўлиб мажбурий тартибда кўриладиган масалалар жумласига давлат даромадлари (солиқлар) ва харажатлари масалалари киради.

Қўмита орқали бутун палата бўлиб мажлис ўтказилаётган вақтда палата спикери палатада кўпчиликни ташкил этган партия аъзолари орасидан раис (chairman) тайинлайди ва ўз ўрнини унга бўшатиб беради. Қўмита мажлиси ўтадиган вақт олдиндан белгилаб олинади ва бу вақт раис билан палатада камчиликни ташкил этган партия вакили ўртасида тенг тақсимланади. Улар ўз партияларининг аъзоларига қонун лойиҳасини ёқлаб ёки унга қарши овоз бериш юзасидан сўзга чиқишга вақт берадилар. Қўмита барча муҳим тузатишларни маъқулламоғи керак. Тўғри, кўриб чиқиладиган барча тузатишларни “автомат тарзда қабул қилиш” (self-executing) қонидаси қабул қилиниши ҳам мумкин.

Музокаралар тугаганидан кейин ёки музокараларни исталган вақтда тўхтатиб, бутун палата қўмита тарзидаги ишини яқунлаб (rises), яна ўз ҳолига қайтади, Қўмитанинг раисликка тайинланган аъзоси эса ўринни палата спикерига бўшатиб беради. Ана шундан кейин Палата Қўмита томонидан қабул қилинган тузатишларни овозга қўяди, сўнгра бутун қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш (3-ўқиш) ўтказилади.

**Сенат.** Палата хужжати Сенатга келиб тушгач, раислик қилувчи сенатор уни тегишли қўмитага йўллайди. Хужжат мазкур қўмитада Палата қўмиталарида бўлгани каби тартибда кўриб чиқилади ва бутун Сенат муҳокамасига тақдим этилади.

Қонун лойиҳаси бўйича музокаралар ҳамда тузатишларга доир таклифлар ва уларга бағишланган музокаралар Сенатда бир ўқиш доирасида ўтказилади. Сенатда тузатишларнинг жоизлик қонидаси (germaneness) амал қилмайди. Лекин қонун лойиҳасининг моҳиятига мутлақо тааллуқли бўлмаган тузатишлар (rider) ман этилади.

Сенатор ҳар қандай мавзуда чекланмаган вақт мобайнида сўзга чиқиб гапириши мумкин. Қонун лойиҳасини чалғитма йўл, вақтни олиш воситасида (filibustering), яъни сессия жараёнини атайин чўзиш ёрдамида барбод этишда кўпинча ана шундан фойдаланадилар. Бундай ҳолларда Сенат ўз таркибининг бешдан уч қисми билан музокараларнинг умумий давом этиш муддатини 30 соат, алоҳида сенаторнинг нутқ сўзлаши энг узок муддатини 1 соат (cloture) билан чеклаб қўйиши мумкин. Белгилаб қўйилган 30 соат ўтгач, музокаралар тўхтатилиб Сенат 3-ўқишга ва яқунловчи овоз беришга ўтади.

Қонун лойиҳаси Сенат томонидан қабул қилинган тузатишлари билан бирга яна Палатага юборилади. Вакиллар палатаси энди Сенат тузатишларини кўриб чиқади. Палата Сенат тузатишларини қабул қилиши ёки рад этиб қўмитага

юбориши ёхуд Сенат тузатишларига доир ўз тузатишларини қабул қилиши мумкин. Агар палата Сенат таклиф қилган тузатишларни қабул қилса, ҳар иккала палата томонидан маъқулланган қонун лойиҳаси (enrolled bill) имзолаш учун Президентга юборилади.

**Сенатда таклиф этилган қонун лойиҳаси.** Мабодо қонун лойиҳаси Палатадан келиб тушмаган, балки сенатор томонидан таклиф этилган бўлса, Сенат уни маъқуллаб Вакиллар палатасига юбориши, шунингдек айни шу масала бўйича Палатадан қонун лойиҳаси келиб тушгунга қадар уни кечиктириб туриши мумкин. Сенаторлар маъқулланган қонун лойиҳасини Палатага юборгач, лойиҳа Палата тузатишлари билан бирга Сенатга қайтиб келгунча кутиб турадилар. Шундан кейингина улар Палата томонидан киритилган тузатишларни қабул қилишлари ёки бу тузатишларни рад этиб Келишув қўмитаси тузишни таклиф этишлари мумкин.

Сенат Конституцияга кўра (I.7-модда) солиқ тўғрисидаги қонун лойиҳаларини (revenue measures) ҳамда анъанага кўра молияга оид қонун лойиҳаларини (appropriation bills) илгари суриш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга эмас.

**Палаталар ўртасидаги ихтилоф ва келишмоқчиликлар.** Агар Вакиллар палатаси Сенатнинг тузатишларига рози бўлмаса, уларни рад этиб қонун лойиҳаси юзасидан ўз вариантини тақдим этади. Бундай ҳолларда Конгресс палаталари келишув тартиб-таомилларига (conferece) мурожаат этишлари мумкин. Ҳар бир палата ўз вакилларини (conferee) тайинлайди ва уларга йўл-йўриқ беради. Палаталарнинг вакилларидан ташкил топган Келишув қўмитасида иккала делегациянинг ҳар бири битта овозга эга. Палата делегациялари амалда баайни иккита алоҳида-алоҳида қўмита сифатида мажлис ўтказадилар ва уларнинг ҳар бирида қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Келишув қўмитаси палаталар ўртасида ихтилоф ва келишмовчиликларга сабаб бўлган масалаларнигина муҳокама этишлари мумкин – улар қонун лойиҳасининг бошқа қисмларини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас.

Агар Келишув қўмитаси ўзаро мурасага кела олмаса, палаталар қўмитадаги ўз вакилларини алмаштиришлари ёки уларга берган йўл-йўриқларини ўзгартиришлари мумкин. Ҳар иккала палата делегациялари ўзаро келишувга эришгач, қўмитанинг маърузаси (conferece report) Вакиллар палатасига ва Сенатга юборилади. Келишув қўмитасининг маърузаси ҳар иккала палатада ягона ҳужжат сифатида овозга қўйилади. Конгресс аъзолари бу ҳужжат юзасидан музокара олиб боришга ҳам, маърузага тузатиш киритиш таклифини билдиришга ҳам ҳақли эмас. Маъруза юзасидан биринчи бўлиб овоз берган палата уни қайтариши мумкин, ана шунда Келишув қўмитаси қонун лойиҳасининг низоли жойлари устида иш бошлайди. Бордию қўмитанинг маърузаси маъқулланса, палатанинг овоз бериб бўлган вакиллари бу борадаги ташвишдан озод бўлади ва қўмита ўз ишини тугатади. Бу эса Қўмита маърузаси юзасидан иккинчи палата овоз бериб бўлгач, лойиҳани энди Келишув қўмитасига қайтариб бўлмайди демак. Бундай вазиятларда янги Келишув қўмитаси тузилади.

Келишув қўмитаси маърузаси ҳар иккала палата томонидан маъқуллангач, ҳужжатнинг узил-кесил, яқунловчи матни (enrolled bill) тузилади ва у имзолаш учун президентга юборилади.

**Президент.** Президент ҳамма қонун лойиҳаларини имзолайди, лекин у бу ишни 10 кун ичида (дам олиш кунлари бунга кирмайди) қилмаган бўлса, ҳужжат ўз-ўзидан қонунга айланади. Бироқ ана шу вақтда Конгресс ўз сессиясини (adjournment sine die) тугаллаган бўлса, қонун лойиҳаси рад этилган ҳисобланади, бироқ Конгресс иши қайта

		<p>бошлангач, қонун лойиҳаси Парламентга қайтарилмайди. Бу “қўлбола” вето (pocket veto) амалда мутлақлик касб этади. Тўғри, бундан Конгресс фақат сессия тугаганидан кейин, яъни ҳар икки йилда бир марта, тоқ сонли йил январиди фойдаланиши мумкин, холос.</p> <p>Президент қонун лойиҳасига кечиктириб туриш мазмунидаги вето солиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда у ҳужжатга ўз эътирозларини илова қилади-да, қонун лойиҳасини муҳокамага олиб чиққан палатага қайтаради. Президент ветосини четлаб бартараф этиб ўтиш масаласи музокараларсиз ва тузатишларга доир таклифларсиз кўтарилади. Агар палатанинг учдан икки қисми ветони четлаб бартараф этиб ўтишни ёқлаб овоз берса, қонун лойиҳаси иккинчи палата ихтиёрига ўтади. Бу ерда ҳам ўша жараёнлар кечади. Президент ветоси четлаб бартараф этиб ўтилса, ҳужжат ўз-ўзидан қонунга айланади, Президент имзолашига ҳожат ҳам қолмайди.</p> <p>Шундан кейин қонун расман эълон қилинади, акс ҳолда у ҳақиқий эмас деб топилади ва қўлланилмайди.</p>
2.	<p><b>Буюк Британия</b></p>	<p>Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги парламенти ўз ҳужжатлари билан қонунларни ўрнатиши мумкин. Баъзи ҳужжатлар Қиролликнинг бутун ҳудудида, шу жумладан Шотландияда амал қилади. Дарвоқе, Шотландия ўз қонунчилик тизимига эга (уни баъзан Шотландия қонуни деб ҳам юритадилар – Scots law). Кўпгина ҳужжатлар Шотландияда амал қилмайди ёки Шотландиянинг ўзидагина амал қиладиган худди шундай ҳужжатлар ёхуд Шотландия парламенти томонидан қабул қилинган қонунлар билан (1999 йил) илова қилинади.</p> <p>Қоралама шаклида билль деб юритиладиган янги қонунни юқори ёки қуйи палатанинг исталган аъзоси таклиф этиши мумкин. Одатда биллар муҳокамага Қироллик вазирлари томонидан киритилади. Вазир томонидан киритилган билль “Ҳукумат билли” (“Government bill”) деб, палатанинг оддий аъзоси томонидан киритилган билл эса “Палата оддий аъзосининг билли (“private member’s bill”)” деб юритилади. Биллар мазмун бўйича ҳам фарқланади. Бутун жамиятга дахлдор биллар микдоран анчагина кўп бўлиб, улар “Жамоат биллари” (“Public bills”) дейилади. Хусусий (оддий) шахсга ёки кишиларнинг чоғроқ гуруҳига алоҳида ҳуқуқлар берувчи билларни “Хусусий биллар” (“Private bills”) дейдилар. Жамиятнинг кенг қатламларига дахлдорлиги бўлган хусусий биллар “Гибрид билль” (“Hybride bill”) деган ном олган.</p> <p>Палата хусусий (оддий) аъзоларининг биллари барча билларнинг саккиздан бир қисмини ташкил этади, уларнинг қабул қилиниш эҳтимоли ҳукумат биллариникига қараганда анча кам, бунинг устига ана шундай қонун лойиҳаларининг муҳокамасига ажратиладиган вақт ниҳоятда чеклангандир. Парламент аъзосида ўз биллини палатанинг хусусий (оддий) аъзоси билли тариқасида киритишнинг учта услуби бор.</p> <p>Бирини услуб – уни муҳокама учун таклиф этилаётган биллар рўйхатига овоз беришга киритиш. Одатда бундай рўйхатга тўрт юзга яқин қонун лойиҳаси киритилади. Сўнгра ана шу биллар бўйича овоз бериш ўтказилади. Энг кўп овоз олишга муваффақ бўлган 20 та қонун лойиҳасига муҳокама қилиниш учун вақт тегади.</p> <p>Иккинчи услуб – “ўн минут қонидаси”. Ана шу қонидага мувофиқ парламент аъзолари ўз қонун лойиҳасини таклиф этиш учун 10 минутдан вақт олади. Агар палата бу лойиҳани муҳокама этиш учун қабул қилишга розилик берса, биринчи ўқиш босқичига ўтади, акс ҳолда қонун лойиҳаси рўйхатдан тушириб қолдирилади.</p> <p>Учинчи услуб – 57-буйруққа биноан спикерни бир кун олдин огоҳлантириб қонун лойиҳасини муҳокама этилиш</p>

рўйхатига расман киритиш керак. Бундай қонун лойиҳалари камдан кам ҳолларда қабул қилинади.

“Парламент флибустьерлиги (“қароқчилиги”)” қонун лойиҳалари учун жуда-жуда хатарлидир. Бунда қонун лойиҳасининг ғанимлари уни муҳокама этиш учун ажратилган муҳлат беҳуда ўтиб кетишига эришиш мақсадида атайин эзмаланиб, вақтни оладилар. Палатанинг хусусий (оддий) аъзолари билларининг, агар уларга амалдаги ҳукумат қаршилиқ қилаётган бўлса, қабул қилиниш имконияти йўқ ҳисоб. Шундай бўлса-да, уларни одоб юзасидангина муҳокамага киритадилар. Гомосексуал муносабатларни ошкоралаштириш ёки абортларга оид қонун лойиҳалари палата хусусий (оддий) аъзоларининг биллари эди. Ҳукумат унча машҳурлик касб этмайдиган қонунлар қабул қилиниши учун палата хусусий (оддий) аъзолари билларидан ҳам баъзида фойдаланади. Уюшган ҳолдаги ҳаракатга раҳна солмайдиган тарзда қабул қилинадиган бундай қонун лойиҳаларини садақасифат биллар дейишади истехзо билан.

Ҳар бир қонун лойиҳаси муҳокаманинг бир неча боқичидан ўтади. Биринчи ўқиш шунчаки расмиятчилик учун ўтказилади. Иккинчи ўқишда қонун лойиҳасининг умумий принциплари муҳокама қилинади. Палата иккинчи ўқишда қонун лойиҳасини рад этиш учун овоз бериши мумкин (рад этилгач бемалол “That the Bill be now read a second time” деб айтиш мумкин), аммо ҳукумат билларини рад этиш ҳоллари камдан кам учрайди.

Иккинчи ўқишдан кейин қонун лойиҳаси кўмига юборилади. Лордлар палатасида бу кўмига бутун палата камровида бўлади ёки катта кўмига ҳисобланади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам Палатанинг барча аъзоларидан таркиб топган бўлади, лекин катта кўмига махсус тартиб-таомиллар асосида иш олиб боради ва ундан баҳс-мунозара келтириб чиқармайдиган қонун лойиҳалари учун фойдаланилади. Жамоалар палатасида қонун лойиҳаси одатда палатанинг 16-50 нафар аъзосидан таркиб топган амалдаги кўмига топширилади. Аммо муҳим қонунлар учун Бутун палата кўмитасидан фойдаланилади. Бошқа турдаги бир неча кўмига, хусусан сайлаб қўйилган кўмигадан амалда камдан кам ҳолларда фойдаланадилар. Кўмига қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқади ва таклиф этилаётган тузатишлар ҳақида Бутун палатага мукамал ахборот беради. Тафсилотларнинг кейинги муҳокамаси бутун палатада ўтади. Сакрама деб аталадиган қурилма (амалдаги 31-буйруқ) спикерга муҳокама этиш учун тузатишларни танлаб олиш имкониятини беради. Одатда бу қурилмадан кўмига раиси кўмигадаги муҳокамани чеклаш мақсадида фойдаланади.

Палата қонун лойиҳасини кўриб чиққанидан кейин учинчи ўқишга гал келади. Жамоалар палатасида бошқа тузатиш киритилмайди. “That the Bill be now read a third time” таклифининг қабул қилиниши эса бутун қонун лойиҳаси қабул қилинганлигини англатади. Бироқ ҳали Лордлар палатаси ҳам тузатишлар киритиши мумкин. Лордлар палатаси учинчи ўқиш поёнига етгач, “That the Bill do now pass” таклифи учун овоз бермоғи керак. Қонун лойиҳаси бир палата муҳокамасидан ўтгач, бошқа палатага юборилади. Қонун лойиҳаси ҳар иккала палата томонидан айна бир хил таҳрирда қабул қилинган бўлса, у тасдиқлаш учун тождор ҳукмронга тақдим этилиши мумкин. Лекин палаталардан бири бошқа палатанинг тузатишларига розилик билдирмаса ҳамда улар ўзаро ихтилоф ва келишмовчиликларни бартараф этишга муваффақ бўлмасалар, қонун лойиҳаси барбод бўлади.

1911 йилги Парламент хужжати Лордлар палатасининг Жамолар палатаси томонидан қабул қилинган қонун

лойиҳаларини рад этиш борасидаги ваколатларини чеклаб қўйди. Бу чеклов 1949 йилги Парламент ҳужжати билан янада кучайтирилди. Ана шу ҳужжатга биноан, агар Жамоалар палатаси кейинги икки сессияда қонун лойиҳасини қабул қилган бўлса ва икки сафар ҳам Лордлар палатаси уни рад этган бўлса, Жамоалар палатаси бу қонун лойиҳасини, гарчи унинг қабул қилинишини Лордлар палатаси рад этган бўлса-да, тасдиқлаш учун тождор ҳукмронга юбориши мумкин. Ҳар бир ҳолатда қонун лойиҳаси Жамоалар палатаси томонидан сессия тугашидан камида бир ой олдин қабул қилинган бўлиши лозим. Бу қарор Лордлар палатаси таклиф этган қонун лойиҳаларига, шунингдек Парламентнинг иш муддатини узайтирувчи қонун лойиҳаларига ва хусусий билларга нисбатан кучга эга эмас. Жамоалар палатаси спикери томонидан “пулга оид биллар” (money bills) деб эътироф этилган қонун лойиҳалари учун алоҳида тартиб-таомил амал қилади. Пулга оид билль солиқ солиш ёки давлат маблағларига доир масалаларгагина тааллуқлидир. Агар Лордлар палатаси пулга оид биллни Жамоалар палатаси қабул қилганидан кейин бир ой ичида қабул қилмаган бўлса, қуйи палата уни тождор ҳукмронга тасдиқлаш учун юбориши мумкин.

Юқорида номи зикр этилган парламент ҳужжатлари қабул қилинмаган пайтларда ҳам Жамоалар палатаси молиявий масалаларда катта ҳокимиятга эга эди. Қадимий одатга кўра Лордлар палатаси солиқ солиш ёки бюджетга оид қонун лойиҳаларини ёхуд солиқ солиш ёки бюджетга таллуқли, қонунчилик йўналишидаги тузатишларни киритиши мумкин эмас. Жамоалар палатаси Лордлар палатасига молиявий масалаларга тааллуқли тузатишлар қабул қилиш имкониятини бериш мақсадида унга молиявий масалаларни кўриб чиқиш борасида вақтинча имтиёз бериб туриши мумкин. Лордлар палатаси бюджет ва солиқ солишга тааллуқли қонун лойиҳалари қабул қилинишини рад этиши мумкин. Шуниси ҳам борки, бундай рад этишни “пулга доир биллар” борасида осонгина четлаб бартараф этиб ўтиш мумкин.

Қонун лойиҳасини қабул қилишнинг энг охирги босқичи Қироллик розилигини (Royal assent) олишдир. Назарий жиҳатдан тождор ҳукмдор ўз розилигини бериши (яъни қонунни қабул қилиши) ёки ўз розилигини бермаслиги (яъни қонун лойиҳасига вето қўйиши) мумкин. Кейинги кечмиш йилларга назар ташланса, тождор ҳукмдор ҳамиша қонунларни қабул қилиб келаётганлиги аён бўлади. Розилик бериш энг охирги марта 1708 йили рад этилган бўлиб, ўшанда Қиролича Анна “Шотланд кўнгилли лашкарларини ташкил этиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тасдиқламаган эди.

Қонун лойиҳаси қонунга айланишидан аввал парламентнинг ҳар учала “устунлари” розилигини олиши лозим. Шундай қилиб, барча қонунлар Лордлар палатаси ва Жамоалар палатаси розилиги ва маъқуллаши билан тождор ҳукмдор томонидан муқаррар қилинади (жорий этилади). Барча парламент ҳужжатлари «BE IT ENACTED by the Queen’s [King’s] most Excellent Majesty, by and with the advice and consent of the Lords Spiritual and Temporal, and Commons, in this present Parliament assembled, and by the authority of the same, as follows» деган сўзлар билан бошланади.

Ҳозирги вақтда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини соддалаштиришга кўпроқ эътибор қилинмоқда, негаки асосан статут нормалар билан тартибга солиб келинаётганлиги муносабати билан мазкур қонун ҳужжатлари инглиз ҳуқуқи соҳасида анчагина ривожланган деб ҳисобланади.



Шунчалар кўп миқдордаги манбаларга асосланган инглиз жиноят ҳуқуқини тизимга солиш йўлидаги дастлабки уриниш 1833 йилда бўлган эди. Уильям IV таркибига У.Уайтхолл, Д.Остин ва Э.Амослардан иборат таркибдаги Қироллик комиссиясига жиноят кодекси лойиҳасини тайёрлаш ваколатини берди. Комиссия қилинган ишлар юзасидан 8 та маъруза тақдим этгач, қолаверса таркибида ўзгариш бўлгач, нихоят 1843 йили дастлабки лойиҳани тақдим этди.

1877 йили сэр Жеймс Фицжеймс Стифен ўзининг машҳур “Жиноят ҳуқуқи дайжестлари” (“Digests of criminal law”) асарини эълон қилди. Асар Англиянинг давлат амалдорларида катта таассурот қолдирди. Ж.Стифен қайд этиб ўтганидек, “суд амалиётининг ва доктринанинг йиллар мобайнида шакл ва сайқал топган соғлом ақл-заковатига асосланган инглиз жиноят ҳуқуқининг биттагина, аммо каттакон камчилиги бор – унда тизим йўқ. Кодификацияси бўлган тақдирда инглиз тизимини мукамал дейишга барча имконият ва асослар бор эди”. Кейинчалик унга ва махсус Қироллик комиссиясининг бошқа аъзоларига ҳукумат Жиноят кодексининг янги лойиҳасини ишлаб чиқишни топширди. Бу иш 1878 йили якунига етди. Мазкур лойиҳа жиноят-ҳуқуқ соҳасида юзага келувчи муносабатларни аниқроқ ва муфассалроқ тартибга солиши билан аввалгиларидан фарқ қиларди, шундай бўлса-да Парламент томонидан маъқулланишга сазовор бўлмади. Бош Атторней томонидан киритилган биллни кўриб муҳокама этиш кўмита босқичида чўзилгандан чўзилди, унга тузатишлар кўп киритилаверди ва нихоят бир неча йил ўтиб лойиҳа муҳокамадан шартта чиқариб ташланди.

Лекин мазкур лойиҳа тузувчиларнинг салмоқли иши беҳуда кетмади, жиноят кодексининг Ж.Стифен томонидан тайёрланган лойиҳаси умумий ҳуқуқ амал қиладиган давлатларнинг, шу жумладан Канаданинг тегишли кодификацияларига асос бўлиб қолди.

Ўн тўққизинчи аср охирларида, жиноят кодексини қабул қилиш “барбод бўлгани”дан кейин инглиз жиноят ҳуқуқини тизимга солиш жараёни қарийб юз йилга тўхтаб қолди. Профессор Ж.Смит раҳбарлиги остида ва Ҳуқуқий комиссия раҳнамолигида бир қанча олимлар жиноят кодексининг янги лойиҳасини ишлаб чиқишга киришгач, сал кам бир асрлик “сукунат” барҳам топди. Мазкур лойиҳа 1985 йили эълон қилинди. Ўшандан буён мана неча йилдирки, қабул қилинишини кутмоқда.

Ҳуқуқий комиссиянинг жиноят кодекси лойиҳасини Парламентдан ўтказиш борасидаги ҳукумат қарорига муайян даражада ўз таъсирини ўтказиши мумкин бўлган омилар сирасига баъзи олимлар Рим конвенцияси ва тегишинча 1998 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳужжат талабларини киритадилар. Конвенциянинг 7-моддасида назарда тутилганидек, ҳеч ким қандайдир қилмиш содир этганлиги учун ёки ҳаракатсизлик учун, агар улар рўй берган вақтда амалдаги миллий ёхуд халқаро ҳуқуққа биноан жинойий жазога лойиқ жиноят бўлмаса, ҳукм қилиниши мумкин эмас. Уэлчнинг Бирлашган Қиролликка қарши ишини кўриб чиқиб Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа кенгаши шуни таъкидлайдики, жиноят тўғрисидаги қонун имкон қадар аниқ таърифланган бўлиши керак. Ҳозирги вақтда эса жиноят тўғрисидаги инглиз қонун ҳужжатлари бу талабга жавоб бермайди.

Рим конвенцияси миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилинганидан буён ҳам сал кам 20 йил ўтди, лекин иш ўз жойидан қўзғалмади. 1985 йилда тайёрланган лойиҳа қисман эскириб қолди. Ҳукумат кодификация бўйича ўз

иродасини ўтказиб, қарор қабул қилгунча Ҳуқуқий комиссия жиноят ҳуқуқининг айрим соҳаларини соддалаштиришга қаратилган ишларни давом эттирмоқда. Ҳуқуқий комиссия аъзолари келгусида муҳокама этиладиган лойиҳалардан ташқари давлатга хиёнат, ўғрилик, жамоат тартибини бузиш сингари жиноятларнинг таъриф ва талқинини соддалаштириш имкониятларини ҳам кенг кўламда муҳокама этмоқдалар.

Қонунларни жамлаш Ҳуқуқий комиссия ишида иккинчи йўналиш саналади.

Жамлаш бизнинг тушунчамизда тизимга солишнинг шундай шаклики, унда “бир нечта норматив ҳужжат ички қайта ишловларсиз ва камчилик ё кемтикликлар ўрнини тўлдирмасданок, янги норматив ҳужжатга бирлаштирилади”. Инглиз ҳуқуқида эса иш бошқача алфозда: бу ерда жамлашнинг: “соф жамлаш” (оддий бирлаштирув) ва “кенг жамлаш” (бирлаштириладиган қоидаларга тегишли ўзгартишлар киритган ҳолда) деган икки тури мавжуд.

1949 йили “кенг жамлаш”ни тартибга солиш учун Жамлаш тартиб-таомиллари тўғрисида тегишли ҳужжат қабул қилинди. Жамланилма ҳужжатларни тайёрлашда лорд-канцлерга муҳим роль ажратилган, унга хусусан қонунчилик соҳасида янги таклифлар тайёрлаш ҳуқуқи берилган.

Бирлашган Қироллик парламентида қонунчилик жараёнининг асосий босқичлари. Таъкидлаш жоизки, Жамоалар палатасининг дастлабки доимий кўмиталари тармоқ принципи бўйича таъсис этилган эди. Кейин негадир бу принципдан воз кечишди, доимий кўмиталар аниқ бир биллини кўриб чиқиш учун тузиладиган, алифбо тартибида, айтайлик, В, F, G доимий кўмитаси деб белгиланадиган бўлди.

Жамоалар палатасидаги тартиб-таомилларни ўзгартириш юзасидан А.Д.Бальфурнинг 1906-1907 йиллардаги ислохотлари доимий кўмиталарни ташкил этиш тартибини жорий этди. 2006 йилга қадар амал қилган бу тартибда кўмита аъзоларининг 2 тоифаси: палатадаги сиёсий кучлар жойлашувига биноан ва парламент аъзоларининг шахсий фазилатларига мувофиқ сайланадиган кўпчиликдан ҳамда алоҳида аъзолардан таркиб топадиган, кўпи билан 15 киши миқдоридаги озчиликдан иборат тоифа назарда тутилган эди. Доимий кўмиталарнинг аъзолари сони қисқартирилиб, 1919 йилда 80 нафар ўрнига 40 нафар, 1945 йилда эса 20 нафар қилиб белгиланди. Кўмиталар айна ўшанда “доимий” деган ном олди. Унча оммалашмаган нуқтаи назарга кўра кўмиталар доимий деган номни уларнинг аъзолари айнан тик турган ҳолда сўзлаши шарт эканлиги сабабли олган. Профессор Гриффитга қолса, “доимий кўмиталар” деган атама анахронизм, ўзига хос хусусиятига мувофиқ кўмиталар “мунозарали” (debating committees) деб аталгани маъқул.

Вақтлар ўтиши билан кўмитадаги кўпчилик ва озчилик ўртасидаги тафовут йўқола борди. Зотан сиёсий мулоҳазалар парламентидаги у ёки бу партияга тарафдорлик аъзоликнинг асосий мезони бўлиши кераклигини тақозо этади, бу тафовут кўмиталарни шакллантиришда кўп дуч келинаётган қийинчиликларни бартараф этиш муддаоси измида фақат 1960 йилдагина узил-кесил барҳам топди.

1947 йили доимий кўмиталарнинг таркиби партияларнинг тартиб-интизом мутасаддиларидан тайинланадиган бўлди. Инглиз конституцияпарастларининг фикрича, бу “кўмиталарнинг палатада партиялар олиб бораётган курашдан нисбий мустақиллиги хотима топишига олиб келди”. Кўмиталар таркиби ўзининг тадрижий ривожланиши жараёнида камая, профессионализм даражаси орта борди, кўмиталар сони эса кўпайди. 2006 йилга қадар ҳар бир

сессияга деб тахминан 10 та доимий кўмита тузилар эди.

Доимий кўмиталар тизимига тадқиқотчилар узок вақтлар мобайнида “қонунчилик тартиб-таомиларининг заиф жойи” деб қараб келдилар, чунки билларни кўмитада кўриб чиқиш босқичи парламентнинг хаддан ташқари кўп вақтини оларди. Бунинг устига доимий кўмита аъзолари биллни ўрганиб чиқишда махсус кўмиталардаги ҳамкасабаларидан фарқли равишда манфаатдор тарафларнинг фикрини эшитишдан, шунингдек бошқа зарур ахборот олишдан махрум эканликлари сабабли фақат ўз фикрларига тўлиғича таянишлари лозим эди.

Йигирманчи асрнинг ўрталарида кўплаб таклифлар муҳокама этилди, бу таклифлар, муаллифларининг фикрича, доимий кўмиталар ишининг самараси юқори эмаслиги муаммосини ҳал эта оларди. Аксига олгандек, таклифларнинг ҳаммаси ё кўмиталар, ёки кўмита аъзолари миқдорини ўзгартириш билан чекланган бўларди.

Билларни батафсил ўрганишнинг ва экспертлик хулосаларини текширишнинг афзаллик жиҳатларини бирлаштиришга оид таклифлар биринчи бор ўтган асрнинг 70-йилларида илгари сурилди. Профессор Гриффит ўзининг “Ҳукумат билларини парламентда кўриб чиқиш” деган асарида кўмитанинг қонунчилик жараёни босқичининг янги “шакли”ни таклиф этди. Мазкур босқич иккига бўлинарди: биринчиси – гувоҳлик кўрсатмаларини олишдан иборат бўлиб, иккинчиси – биллни анъанавий тарзда батафсил ўрганишни назарда тутарди.

Ана шундай таклифлар қонун лойиҳаларини кўриб чиқишни такомиллаштириш йўлларини зўр бериб излаётган ҳукумат томонидан инобатга олинди. 1980 йилда тажриба тарикасида сессия ўтаётган пайтда уч бора гувоҳлик кўрсатмалари олиш ҳуқуқига эга бўлган махсус доимий кўмиталар (Special Standing Committees) таъсис этилди. Махсус доимий кўмиталар экспертларни белгилаш борасида мустақил бўлиб, улар сўраб-суриштиришга “яроқли” экспертларни ўзлари танлардилар.

Бундай эксперимент ўтказилган икки йиллик давр мобайнида махсус доимий кўмитада фақатгина 5 та билль кўриб чиқилди. Махсус доимий кўмиталардан фойдаланиш амалиёти ижобий баҳоланди, парламент регламентининг улар фаолиятини тартибга солувчи муваққат нормаларига ҳатто доимийлик мақоми берилди. Лекин 1983-1994 йиллар мобайнида экспериментал кўмиталар биронта ҳам қонун лойиҳасини кўриб чиқмадилар.

2006 йил 7 сентябрда Модернизация бўйича кўмитанинг “Қонунчилик жараёни” деган маърузаси эълон қилинди. Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, асосий вазифа қонун лойиҳасини моддама-модда ўрганиш босқичини имкон қадар самарали қилиш эди. Биринчидан, ана шу мақсадга эришиш учун кўмита аъзолари кўриб чиқиладиган қонун лойиҳасига тааллуқли ҳаммабоп ва холис ахборотга эга бўлишлари юзасидан барча шарт-шароитни яратиб бериш мўлжал қилинган эди. Иккинчидан, парламентда муайян қонун лойиҳасини кўриб чиқишда манфаатдор шахсларнинг иштироки ва таъсир даражасини оширишга қарор қилинди. Модернизация бўйича кўмитанинг фикрича, қонунчилик жараёни имкон қадар очиқ ва ошқора бўлиши керак.

Модернизация бўйича кўмита ўз маърузасини эълон қилганидан кейин орадан 2 ой ўтиб маъруза Жамоалар палатасида муҳокама мавзуси бўлди. Маърузада таърифланган таклифларнинг аксарияти палата томонидан қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди. Доимий кўмиталар тизими оммавий билларни кўриб чиқувчи кўмиталар (Public Bill Committees) тизими билан алмаштирилди. Махсус кўмиталарга ўхшаб оммавий билларни кўриб чиқувчи

		<p>қўмиталар ҳам қонун лойиҳаларини пухта ўрганиб чиқиш учун оғзаки ва ёзма гувоҳлик кўрсатмаларини олиш, шунингдек керакли хужжатлар, далиллар ва бошқа ахборотларни олиш ваколатига эга бўлди. Илгариги доимий қўмиталарда бўлгани каби оммавий билларни кўриб чиқувчи қўмиталарда ҳам ҳозирги вақтда аъзолик муқим эмас. Аъзоларнинг сони турлича – 16-50 киши атрофида бўлади, лекин қўмитада 17 нафар парламент аъзосининг бўлиши рисоладагидек иш деб қаралади. Оммавий билларни кўриб чиқувчи қўмиталар кичик қўмиталар тузиши мумкин.</p> <p>Оммавий билларни кўриб чиқувчи қўмиталар ўз навбатида умумий қўмиталар (General Committees) жумласига киради. Жамоалар палатасининг умумий қўмиталари хусусан Шотландия ишлари бўйича катта қўмита (The Scottish Grand Committee), Уэльс ишлари бўйича катта қўмита (The Welsh Grand Committee), Шимолий Ирландия ишлари бўйича катта қўмита (The Northern Ireland Grand Committee), минтақавий сиёсат бўйича қўмита (The Regional Affairs Committee), ўзгалар ихтиёрига ишониб топширилган қонун хужжатлари бўйича қўмиталар (Delegated Legislation Committee), Европа Иттифоқи ишлари бўйича қўмиталар (The European Committees), иккинчи ўқиш билан шуғулланувчи қўмиталар (Second Reading Committees) дан иборат .</p>
3.	<b>Франция</b>	<p>Ер юзидаги давлатларнинг парламентларида қонун ижодкорлиги жараёни қонунларни тайёрлаш ва қайта ишлаб чиқиш, жамиятнинг, аҳолининг ҳаётий фаолияти билан боғлиқ барча соҳалар учун ҳуқуқий майдонни шакллантириш борасидаги ғоят мураккаб ва сермашаққат фаолиятдир.</p> <p>Францияда қонунчилик ташаббуси фақатгина “Бош вазирга ва Парламент аъзоларига” тегишли. Ф.Арданнинг таъкидлашича, 2008 йилгача Франция парламентида кечмиш барча қонунчилик жараёни устидан ҳукумат назорати жуда қаттиқ эди. Лекин 2008 йилда (23 июлда) Парламент палаталарининг Конгрессида Конституцияга киритиладиган тузатиш лойиҳаси қабул қилинганлиги натижасида Франция парламентининг мавқеи ва аҳамияти ошди. Бунга Парламентга Ҳукумат билан бўладиган муносабатлар борасида янги ваколатлар берилганлиги, шунингдек Парламентнинг давлат ҳокимиятининг бошқа органлари билан муносабатларида муайян мувозанат ўрнатилганлиги орқали эришилди.</p> <p>Франция Республикасининг конституциявий-ҳуқуқий тизимида қонунчилик ташаббуси деганда қабул қилинганидан кейин қонунга айланадиган хужжат киритиш ҳуқуқи назарда тутилади.</p> <p>Франция ҳукумати қонун лойиҳаларини Парламентга қонун лойиҳалари шаклида киритишга асосланган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Депутатлар эса уларни қонунчиликка доир таклиф тарзида киритадилар, бунда қуйидаги икки шарт билан чеклов ҳам белгиланган:</p> <p>биринчидан, қонунга доир мазкур таклиф Франция парламентининг қатъиян ваколат доирасига кирадиган муайян саволларга жавоб бермоғи керак;</p> <p>иккинчидан, қонунга доир мазкур таклиф давлат ресурсларини кўпайтириш ёки камайтириш сари ўзгартиришга дохил бўлмаслиги лозим.</p> <p>Ф.Ардан ўз асарида ёзишича, “Франция Республикасининг Конституцияси 40-модда Парламент аъзоларининг ташаббускорлигини анчагина чеклаб қўяди”. Бунинг боиси шундаки, харажатлар сметасини ўзгартиришни талаб этмайдиган қонунлар унча кўп эмас. Мазкур норма бўлғуси қонунлар Парламентда муҳокама этилаётганда</p>

киритилиши эҳтимоли бўлган тузатишларга нисбатан ҳам амал қилади. Шундан келиб чиқиб назарда тутиладики, “Парламент аъзолари томонидан киритилган таклифлар ва тузатишлар, агар уларнинг қабул қилиниши давлат даромадлари қисқариши ёхуд давлат харажатларини келтириб чиқариш ёки кўпайтириш тарзидаги оқибатга олиб келадиган бўлса, қабул қилиниши мумкин эмас”. Франция Миллий Мажлиси регламенти 89-моддасининг 2-бандида белгилаб қўйилишича, бундай ташаббуслар номақбул деб ҳисобланади.

Шуниси ҳам борки, 41-моддага биноан Ҳукумат, шунингдек Палата раиси қонунчилик таклифлари борасидаги ваколат доирасига кирмайдиган масалаларни ёки ваколатларни ўзгалар ихтиёрига ишониб топширилишига зид бўлган таклифлар билан боғлиқ масалаларни кун тартибидан чиқариб ташлашда фикрида собит туриш, қатъият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Бу нарса Миллий Мажлиснинг регламентида, 93-моддада ҳам кўрсатиб ўтилган. Ҳуқуққа доир замонавий француз назариясида парламент аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга оширишнинг якуни йўсинида қонунга оид таклифлар ҳамиша ҳам парламентда кўриб чиқилишида ўз ифодасини топа бермайди деган бир фикр устунлик қилиб келади. Амалиётда айни ҳукумат қонун лойиҳалари туркумини парламентга киритиш орқали, мажлисда кун тартибини ўзгартириб ва назорат қилиб боради.

Францияда қонунчилик ташаббуслари ва қабул қилинган қонунларнинг аксарияти келиб чиқиши жиҳатидан барибир ҳукуматга мансублик ришталарини сақлаб қолади. Бошқача қилиб айтганда, Франция ҳукумати сиёсий тизимнинг “мотори” ролини ўтайди, қонун лойиҳаларининг ўзи эса, жамиятга таъсир ўтказишнинг ишончли ва мақбул воситасига айланади. Қонун лойиҳалари ҳам, қонунчиликка оид таклифлар ҳам ихтисослаштирилган комиссияга (махсус ёки доимий комиссияга) юборилиши Франция Республикаси парламентининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Ана шу комиссия келиб тушган қонун лойиҳаси ёки қонунга оид таклиф юзасидан муҳокама яқунлари асосида ўз хулосасини беради, шунингдек келиб тушган таклиф ва мулоҳазаларни инobatга олган ҳолда лойиҳага тузатишлар киритади. 2008 йилги конституциявий илоҳотлардан олдин қонун лойиҳаси ёки қонунга оид таклиф муҳокамаси Ҳукумат томонидан тақдим этилган матн бўйича ўтказилар эди. Ҳукумат бунда қонун лойиҳаси бўйича битта ялпи овоз бериш, матн бўйича ҳам, Ҳукуматнинг ўзи киритган тузатишлар бўйича ҳам кўриб чиқиш ҳеч бир ўзгартишларсиз ўтказилишига эришиш тарзида бевосита парламентга босим ўтказиш (зарурати бўлганда, албатта) ҳуқуқига эга эди. Ҳуқуқшунос олим А.Д.Керимов таъбири билан айтганда, буни “тўсиқ қўйилган овоз бериш” тартиб-таомили деса ҳам бўлади. Ҳозирги вақтда Ҳукуматнинг ва Парламент аъзоларининг ташаббуси асосидаги қонун лойиҳалари муҳокамаси тегишли комиссия томонидан қабул қилинган матн асосида, комиссиянинг матни бўлмаган тақдирда эса муҳокама Палатага тақдим этилган бирламчи матн асосида ўтади. Айтиш жоизки, “тўсиқ қўйилган овоз бериш” тартиб-таомили Франция Конституцияси 44-моддасининг учинчи хатбошисида қисман ўзгарган ҳолда сақланиб қолди. Моҳиятан олганда, мазкур тартиб-таомил парламентда кўпчиликни ташкил этувчи, аммо муҳокама этилаётган ҳужжат ёкинқирамаётгани боис муайян даражада тараддудланиб қолган аъзоларга қаратилган дейиш мумкин. Охир-оқибат Парламентни Ҳукумат қонун лойиҳасини ўзи киритган вариантда, ўзи (ҳукумат) таклиф этган тузатишлар билан қабул қилишга мажбур этади.

Ҳуқуқшунос А.Н.Пилипенко қаламига мансуб мақолада таъкидлаб ўтилганидек, Франция Конституциясидаги

мазкур ўзгартишлар қонун лойиҳасининг парламентдан ўтиш вақтини тезлаштиришга ҳамда муҳокама асносида муҳолифат томонидан бўладиган пайсалга солиш билан боғлиқ қинғирликларни камайтиришга қаратилганлиги аниқ.

Шунга қарамай, мазкур ҳолатда қонун ижодкорлиги жараёнида Ҳукумат тутган алоҳида роль рўй-рост кўринадиган (тўғри, бу ролнинг доираси бир оз қисқарган). Бу эса Ҳукумат ҳам, Парламент ҳам қонун лойиҳаси ёки қонунга оид таклиф махсус комиссиядан ўтишидан манфаатдор эмаслиги оқибатидир. Франция Республикаси Конституциясининг 43-моддасида шундай шарт кўрсатиб ўтилганлиги рост, лекин бу замонасозлик изми шекилли. Ҳужжатлар билан самарали ва тезкор иш олиб борилиши нуқтаи назаридан бу анчагина мураккаб тартиб-таомил, Ҳукумат эса комиссия таркибидаги мутахассисларнинг беғараз фикр-мулоҳаза ва баҳосидан чўчиброқ туради. Ф.Арданнинг таъкидлашича, деярли барча қонун лойиҳалари ва қонунга оид таклифлар махсус комиссиялар бир четда қолиб, доимий комиссияларда муҳокама этилади ва келишиб олинади, бу эса Конституция ижодкорларининг хоҳиш-иродасига тамомила зиддир. Россиялик ҳуқуқшунослардан Ю.В.Харламова ўз асарида эътиборни шунга қаратадики, Парламентнинг қонун ижодкорлиги жараёнида ижро этувчи ҳокимиятнинг устун мавқеи Франция Конституциясидан ташқари қонун лойиҳалари айна Ҳукумат томонидан киритилиши амалиёти ёрдами билан ҳам таъминланади, шу муносабат билан Миллий Мажлис ўзига хос ташаббускорлигини муайян даражада бой беради. Оқибат натижада ижро этувчи ҳокимият ҳам расман, ҳам амалий жиҳатдан Парламент мажлислари кун тартибини белгилашда етакчилик ролини тамомила ўз қўлига киритиб олган.

А.Н.Пилипенко қайд этиб ўтганидек, Франция Республикаси Конституциясининг янги таҳрирдаги 42-моддасида қонун лойиҳаларини Франция парламентида киритиш ва унда тезроқ кўриб чиқиш шартлари тартибга солинган бўлиб, қонун лойиҳасининг муқобил варианты Парламент томонидан таклиф этилиши мумкин, шунингдек Парламентда қонун лойиҳалари хусусида хулоса олиш учун Давлат Кенгашига мурожаат этиш имконияти пайдо бўлди. Қонун лойиҳаси ёки қонунга оид таклиф матнига тузатишлар киритилаётганда Ҳукумат Франция Конституциясининг 44-моддаси, шунингдек Миллий Мажлис регламентининг 100-моддаси асосида Палата муҳокамасига комиссияларда кўрилмасдан туриб киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга эътироз билдириш ҳуқуқига эга.

Барча қонун лойиҳалари ва қонунга оид таклифлар Франция парламентининг ҳар иккала палатасида кўриб чиқилади (Франция Конституциясининг 45-моддаси асосида). Бундан кўзланган мақсад муносиб, мақбул матнни ишлаб чиқишдир. Мабодо муҳокама қилиш асносида муайян ихтилоф ва келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда (агар қонунчилик йўналишидаги ҳужжат лойиҳаси Парламентнинг ҳар иккала палатасида икки ўқишдан кейин қабул қилинмаган бўлса, ёки Ҳукумат овоз беришнинг тезлаштирилган тартиб-таомилларидан фойдаланишни таклиф этаётган бўлса), муайян қоидалар бўйича барча ихтилоф ва келишмовчиликлар бартараф этилган матнни ишлаб чиқиш учун тенглик асосида аралаш комиссия тузилади. Бундай ҳолларда Франция Конституциясининг 45-моддасида кўрсатиб ўтилган айрим шартлар ҳам борки, унга кўра қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиганда ихтилоф ва келишмовчиликлар бўлган тақдирда тенглик асосидаги комиссияни тузиш ҳуқуқи Бош вазирга, қонунга оид таклифлар кўриб чиқиладиганда эса “биргаликда фаолият олиб бораётган ҳар иккала палата раислари”га тегишлидир.

Бундай комиссияларни тузиш имкониятига палаталар раислари 2008 йилги конституциявий ислохотдан кейингина эга бўлдилар. Бунгача қўлланиб келинган шартлар А.Д.Керимов томонидан “Парламент фаолиятини муайян ўзганга солиб, ижро этувчи ҳокимиятга қаттиқ боғлиқ қилиб қўйишга интилиш” деб баҳоланган эди. Тенглик асосидаги аралаш комиссиялар тузиш ташаббуси фақат Ҳукуматга тегишли бўлиб, Парламент бундай ҳуқуқдан маҳрум эди. Ҳозирги вақтда ана шу камчилик бартараф этилган, қонунга оид таклифлар (кўпроқ депутатлар томонидан киритилади) матнга ҳар иккала палата томонидан тегишли тузатишлар киритиш учун тенглик асосидаги комиссия тузиш масаласида парламентга йўл очилган. Тенглик асосидаги комиссия таърифидаги матн ҳар иккала палатага маъқулланиши учун юборилади, унга доир тузатишлар Ҳукумат билан келишиб олиниши шарт. Агар тенглик асосидаги комиссия яқдил фикрга келмаса ва ишлаб маромига етказилган янги қонун лойиҳасини ёки қонунга оид таклифни қабул қилмайдиган бўлса, ана шу лойиҳа ва таклифлар ҳар иккала палатада янги ўқишдан ўтказилгач, Ҳукумат Парламентнинг қуйи палатаси – Миллий Мажлисдан мазкур масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилишни ёхуд аралаш комиссия томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатни қабул қилишни ёки Миллий Мажлис қабул қилган ҳужжатга қайтишни (Сенатдан келиб тушган тузатишларни киритган ҳолда) талаб қилади.

Бу билан яқунловчи фикрни айтиш ҳуқуқи Миллий Мажлисга берилади. Айни шу нарса Франциянинг икки палатали тизимида қонун ижодкорлигининг тенг ҳуқуқли бўлмаган хусусияти борлигини яққол кўрсатади. Е.В.Ковряков ўз мақоласида эътиборни шунга қаратадики, ижро этувчи ҳокимият тарихий сабабларга кўра ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан устунлик қилади, шу сабабли Миллий Мажлиснинг ҳуқуқ ва ваколат доираси чекланганлик хусусиятига эга. Францияда қонун чиқарувчи ҳокимият билан ижро этувчи ҳокимият ўртасидаги муносабатларнинг қарор топган модели Учинчи ва Тўртинчи Франция Республикаси хатоликларини такрорлашни истамаслик иддаоси билан белгиланади.

Франция Конституцияси узвий қонунлар жумласига киритадиган қонунларга қатор ўзгартишлар киритилдики, улар қонун лойиҳасини ёки қонунга оид таклифни Франция Парламентининг қуйи палатасидан ўтказиш (кўриб чиқиш) жараёнини “киритилган пайтидан эътиборан ўн беш кунлик муддат тугагунига қадар” тезлаштиради (тезлаштириш тартиб-таомилларини киритиш таклиф этилган бўлса).

Франция парламенти солиқ тушумларини ташкил этиш, ижтимоий таъминотни ва давлат харажатларини молиялаштиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқади ва қабул қилади. Молиявий йўналишдаги қонун лойиҳалари қонун ҳужжатлари орасида алоҳида ўрин тутади ва Филипп Ардан ёзганидек, “қонуннинг солиқлар тўланишига тайёрлигини рамзий ифодалайди”. Миллий Мажлис солиқлар ва давлат харажатлари билан боғлиқ қонун лойиҳалари биринчи ўқишда қабул қилинаётганда қарор қабул қилишга ажратиладиган муддат узоғи билан 40 кунни, ижтимоий таъминотни молиялаштиришга оид қонун лойиҳалари қабул қилинаётганда эса узоғи билан 20 кунни ташкил этади. Агар Миллий Мажлис белгиланган муддатда қарор қабул қилмаган бўлса, Ҳукумат қонуннинг лойиҳасини 15 кунлик муддатда қарор қабул қилиниши учун Сенатга юборади. Бордию, қонун лойиҳаси юзасидан юқори палата ҳам қонун лойиҳаси (айтайлик, келаси йилга оид бюджет лойиҳаси) парламентга киритилган пайтдан эътиборан 70 кун, ижтимоий таъминотга тааллуқлилари эса 50 кун ичида қарор қабул қилмаган бўлса, “ордонанс

		<p>чиқариш йўли билан тегишли ҳолат жорий этилиши мумкин”.</p> <p>Ҳуқуқий ташаббусларни шакллантириш, муайян тизимга солинган қонунчилик таъминотини йўлга қўйиш жараёнида жамоатчилик таъсири шаклидан фаол тарзда фойдаланадилар. Франция Республикасининг Конституциясида назарда тутилишича, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига ёрдам кўрсатиш ва кўмаклашиш мақсадида тадбиркорлар уюшмалари, касаба уюшмалари, Ҳуқумат вакилларида таркиб топувчи ва ҳуқуматга унинг ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан маслаҳатлар бера оладиган иқтисодий ва ижтимоий кенгаш қабилидаги ёрдамчи давлат органлари таъсис этилади. Тадбиркорлик фаолияти билан бевосита боғлиқ қонун лойиҳалари бозор иқтисодиёти шароитида давлат барқарор ривожланишини таъминлаш муддаоси билан ишбилармон доиралар вакиллари, шунингдек касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан кўриб чиқилиши зарур.</p> <p>Франция Республикаси Конституциясидаги мазкур янгиликлар, шу жумладан Парламентдаги янгиликлар қонун лойиҳалари ҳамда қонунга оид таклифларнинг ҳар иккала палата “чиғириғи”дан ўтиши янада демократлашуви ва ошқоралик касб этиши учун асос бўлиб қолади. Ислохот қонун ижодкорлиги жараёнининг ўзига таъсир этиб, унинг янада либераллашувини таъминлади.</p> <p>Эндиликда Франция парламенти аъзолари Парламент фаолиятини ташкил этишда ҳам, Парламентни бошқаришда ҳам анчагина тажриба тўплаганликларини кўриш мумкин.</p> <p>Бешинчи Франция Республикаси парламентининг энг янги тарихи қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятнинг бир бирига зид, қарама қарши туришига ёрқин мисол бўла олади. Қонунчилик техникаси борасида чет эл тажрибасидан, шу жумладан Франция парламенти тажрибасидан фойдаланиш мамлакатимиз қонунчилигини ривожлантириш ҳамда қонун ҳужжатларимизни унификация қилишда алоҳида роль ўйнаши мумкин.</p>
4.	ГФР	<p>ГФРда қонунчиликда иккита орган: Бундестаг ва Бундесрат (Иттифоқ съезди ва Иттифоқ кенгаши) иштирок этади. Бу жараёнда Республика президенти ҳам қатнашади: президент қонунларни имзолайди ва у қонунларни такрор кўриб чиқилиши учун қайтаришга ҳақли.</p> <p>Бундестагга 4 йил муддатга ялпи, тўғридан тўғри, тенг, эркин сайлов йўли билан яширин овоз бериш орқали сайланади. Бундестаг депутатлари эркин мандатга эга. Уларга ўз фаолиятларини ўриндошлик асосида олиб бориш ман этилади. Депутатлар дахлсизлик ҳуқуқига эга. Депутатнинг дахлсизлиги чекланган. Депутатни пул мукофоти билан тақдирлаш назарда тутилган.</p> <p>Бундестагга раис раҳбарлик қилади, палата томонидан сайланган ўринбосарлари унга ёрдамлашиб турадилар. Палата раёсати раис ва ўринбосарлардан таркиб топади. Бундестаг котиблари иш юритиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни олиб борадилар.</p> <p>Бундестагда партия фракциялари тузилади. Бундай фракция раҳбарлари Бундестаг органларини шакллантиришда, шу жумладан ихтисослаштирилган доимий кўмиталарни тузишда ва уларнинг раисларини тайинлашда иштирок этадилар. Палата раиси, унинг ўринбосари, шунингдек фракцияларнинг 23 нафар вакили (фракциялар сонига мутаносиб тарзда) оқсоқоллар кенгашини ташкил этади. Зарур ҳолларда ҳар хил муваққат комиссиялар, хусусан</p>



тергов, тафтиш комиссиялари ва шу сингарилар ташкил этилади.

Бундесрат ўзида ўлкаларнинг вакиллигини мужассам этади. Зотан унинг аъзолари ўлкаларнинг ҳукуматлари томонидан тайинланади ва чакириб олинади. Ваколат муддатлари Конституцияда белгиланмаган. Бундесрат аъзолари таркиби ўзгарувчан. Бундесратда раҳбарий ва ёрдамчи органлар тузилади. Бундесрат раиси ҳар йили қайта сайланади.

Германияда қонунчилик жараёни шу зайл, қонунчилик ташаббусидан бошланади. ГФРда Федерал ҳукумат; Бундестаг депутатлари; Бундесрат аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Бундестагда қонун лойиҳалари уч ўқишдан иборат мумтоз схема бўйича кўриб чиқилади. Хусусан қонун лойиҳасининг асосий қоидалари муҳокама этилади ва лойиҳа тегишли тармоқ доимий комиссияси ёки қўмитасига топширилади; моддама-модда муҳокама ўтказилиб, овоз бериш моддалар бўйича амалга оширилади; қонун лойиҳаси тўлиғича муҳокама этилиб овозга қўйилади. Овоз бериш ўтказилгач, қонун лойиҳаси Бундесратга юборилади. ГФР қонунчилик жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, Бундесрат қонунларни Бундестаг иштирокисиз мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқига эга. Федерал ҳукумат қонун лойиҳасини шошилишч деб белгилаб, қонунчилик зарурати ҳолати шароитини эълон қилган тақдирда шундай бўлади. Бундестаг Федерациянинг қонунчилик ваколатлари доирасига кирадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳуқуқини Федерал Ҳукумат, Федерал вазир ёки ўлка ҳукумати ихтиёрига ишониб топшириши мумкин. Умумдавлат транспорт воситалари, алоқага тааллуқли ва бошқа баъзи масалаларда ваколатлар ишониб топширилиши учун Бундесрат розилиги талаб қилинади.

Асосий қонуннинг 76-моддасига биноан қонун лойиҳалари Бундестагга Федерал ҳукумат орқали, Бундестагнинг ўзидан ёки Бундесрат орқали киритилади.

Ҳукуматнинг қонун лойиҳалари дастлаб Бундесратга йўлланади. Бундесрат 6 ҳафта ичида лойиҳалар юзасидан ўз муносабатини билдиришга ҳақли. Муҳим ва асосли сабабларга кўра, хусусан қонун лойиҳасининг ҳажмини инобатга олиб, бу муҳлат 9 ҳафтагача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин. Бошқа тарафдан олганда, Федерал ҳукумат Бундесратга қонун лойиҳасини юбораётганда уни ўта шошилишч деб хабар қилган бўлса, мазкур муҳлат 3 ҳафтагача бўлган муддатга қисқартирилиши мумкин. қисқартирилган муддат тугагани ҳамони қонун лойиҳаси Бундесратнинг фикрини кутмасданок Бундестагга юборилади. Агар қонун лойиҳасида Асосий қонунга ўзгартишлар киритиш ёки суверен ҳуқуқларни ўзгага ўтказиш (топшириш) назарда тутилган бўлса, муддат Бундесрат учун 9 ҳафталиғича қола беради, бинобарин қисқартирилиши мумкин эмас.

Бундесратнинг қонун лойиҳалари Федерал ҳукумат орқали тақдим этилади, лекин Ҳукумат қонун лойиҳаларини киритиш тартибидан фарқли равишда Бундесратнинг қонун лойиҳаларига Ҳукумат ўз хулосасини бериши шарт. Муддатларни расамадлаштириш аввалги ҳоллардаги кабидир.

Қонун лойиҳаларини Бундестаг мутаносиб муддатда муҳокама этмоғи ва қарор қабул қилмоғи керак.

Бундестаг регламентига биноан қонун лойиҳаси партия фракцияси томонидан ёки депутатлар умумий сонининг камида 5 фоизини ташкил этувчи депутатлар гуруҳи томонидан киритилиши мумкин.

Бундестаг регламентида қонун лойиҳаларини уч ўқишда кўриб чиқиш назарда тутилган. Биринчи ўқиш таклиф этилаётган қонуннинг мазмун-моҳияти ва мақсадларини муҳокама этишга мўлжалланган бўлиб, лойиҳа шундан

кейин овозга кўймай туриб кўмигага юборилади. Иккинчи ўқиш вақтида лойиҳа моддама-модда муҳокама этилиб овозга кўйилади. Ниҳоят, учинчи ўқишда ўта муҳим масалалар ва тузатишлар муҳокама қилиниб, якунловчи овоз беришга киришилади.

Асосий қонуннинг 77-моддасига кўра, федерал қонунлар Бундестаг томонидан тақдим этилади ва қабул қилинган хамони палата президенти томонидан Бундесратга юборилади. Бундесрат Бундестагнинг қонунни қабул қилиш хусусидаги қарори келиб тушганидан эътиборан уч ҳафта ичида лойиҳаларни биргаликда муҳокама этиш учун ҳар иккала палата аъзоларидан кўмига ташкил этилишини талаб қилиши мумкин. Кўмитанинг таркиби ва тартиб-таомиллари Бундестаг билан Бундесрат келишган ҳолда қабул қилинадиган регламент билан тартибга солинади. Бундесратдан кўмига таркибига кирган вакилларнинг, таъбир жоиз бўлса, қўл-оёқлари ҳар хил кўрсатмалар билан боғлаб кўйилмайди. Агар қонун борасида Бундесратнинг маъқуллашига муҳтожлик бўлса (Асосий қонунда бундай муҳтожлик молиявий масалаларга оид, ҳудудий ва бошқа айрим масалалар бўйича тайёрланадиган қонунлар билан боғлиқ бўлиши кўрсатиб ўтилган), ана шундай кўмига ташкил этишни Бундестаг ва Федерал ҳукумат ҳам талаб этиши мумкин. Агар кўмига қонун тўғрисидаги қарорга ўзгартишлар киритишни таклиф этадиган бўлса, Бундестаг бу қарорни янгидан қабул қилмоғи лозим.

Қонун қабул қилиниши учун Бундесратнинг розилиги талаб этиладиган ҳолларда Бундесрат мақбул ва мутаносиб муддат ичида тегишли қарор қабул қилиши зарур. Биргина шарт кўмитани ташкил этиш талаби арз қилинмаган ёки келишув тартиб-таомиллари тўғрисидаги қарорни ўзгартириш билан боғлиқ таклифлар киритилмаган бўлиши лозим.

Бордию қонуннинг қабул қилиниши учун Бундесратнинг розилиги талаб этилмаса, келишув тартиб-таомиллари тугагач, икки ҳафта ичида, Бундесратнинг қонун тўғрисидаги янги қарори олинган хамони Бундестаг қарорга ўз раддиясини билдириши мумкин. Мабодо келишув кўмитаси қонунга тузатишлар киритишни таклиф этмаган бўлса, бу икки ҳафталик муддатни ҳисоблаш кўмига раисининг кўмигада келишув тартиб-таомиллари тугалланганлиги тўғрисидаги хабарномаси олинган кундан эътиборан бошланади.

Бундесрат аъзоларининг кўпчилиги томонидан маъқулланган эътирозни, агар Бундесрат аъзоларининг учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган бўлса, Бундестаг аъзоларининг кўпчилик овози билан ҳам рад этиб бўлмайди, эътироз Бундестаг томонидан рад қилиниши учун малакали кўпчилик овоз ёки ҳеч бўлмаганда, депутатларнинг мутлак кўпчилик овози талаб этилади (25).

Бундестаг қарори билан маъқул топилган қонун, агар Бундесрат унга ўз розилигини берган бўлса ёки келишув кўмитаси чақиришни талаб қилмаган, вақтида эътироз билдирмаган ёки ўз эътирозини чақириб олган бўлса ёхуд Бундестаг эътирозни четлаб ўтишга муваффақ бўлган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади (78-модда).

Қонунда унинг кучга кирадиган санаси кўрсатилмоғи керак, агар бундай қилинмаган бўлса, қонун “Бундесгезецблатт”нинг тегишли сони чиққан кундан эътиборан 14-куни кучга киради. Асосий қонун 115а-моддасининг учинчи қисмига биноан мудоффа ҳолати ҳам айна шу тартибда эълон қилинади, аммо буни вақтида қилишнинг иложи бўлмаса, бошқача тарзда ошкор қилинади ва кейинроқ “Бундесгезецблатт”да эълон қилинади.

Башарти Бундестаг Федерал ҳукумат қатъий равишда жуда керакли деб маълум қилган қонун лойиҳасини рад

қилган бўлса, Федерал ҳукумат ташаббуси ва Бундесрат розилиги билан Федерал Президент ана шу қонун лойиҳаси билан боғлиқ ҳолатни қонунчилик жиҳатидан зарур ҳолат деб эълон этиши мумкин. Айтилган бир вақтда қонун лойиҳаси Федерал канцлер ишонч билдириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйганлиги муносабати билан ана шу қонун лойиҳасининг ҳолатини шундай деб эълон қилиши мумкин. Қонун лойиҳаси, Федерал канцлер ишонч билдириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйганлигига қарамай, рад этилган ҳолларда ҳам шундай бўлиши мумкин. Агар президент даражасида эълон қилинганидан кейин ҳам Бундестаг қонун лойиҳасини яна рад этган бўлса ёки Федерал ҳукумат учун мақбул бўлмаган таҳрирда қабул қилган бўлса, қонун, башарти унга Бундесрат розилик билдирган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Бундестаг қонун лойиҳасини тақроран киритилганидан кейин 4 ҳафта ичида қабул қилмаган тақдирда ҳам шундай бўлади. Бу йўсин қабул қилинган қонун Асосий қонунга даҳл эта олмайди.

Бюджет харажатларини оширувчи ёки келгусида ошириб юбориши мумкин бўлган қонунларни, худди шунингдек бюджет кўрсаткичларини камайтирувчи ёки кўпайтирувчи кодларга оид қонунларни қабул қилиш тартибининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтиш лозим. 113-моддага биноан бу қонунлар Федерал ҳукумат розилигини талаб этади. Федерал ҳукумат эса Бундестагдан улар юзасидан қарор қабул қилишни кечиктириб туришни, Бундестагга ўз ҳулосасини 6 ҳафта ичида тақдим этиш имконияти берилишини талаб қилиши мумкин. Бундай қонун Бундестаг томонидан қабул қилинганидан кейин 4 ҳафталик муддатда Федерал ҳукумат мазкур қонун юзасидан янги қарор қабул қилинишини талаб қилади. Агар қонун ҳар иккала палата томонидан қабул қилинган бўлса, Федерал ҳукумат ўз розилигини фақат 6 ҳафта мобайнида қайтариб олиши мумкин. Юқорида зикр этиб ўтилган тартиб-таомиллар илгарироқ қўлланилган бўлса, айтилган муддат ўтгач, розилик олинган деб ҳисобланади.

Мудофаа ҳолати кезлари қонунчилик жараёнини тартибга солувчи бир қанча конституциявий нормаларга Асосий қонуннинг 115-моддаси асосида риоя этилмаслиги ҳам мумкин. Федерал ҳукуматнинг у шошилинич деб ҳисоблаётган қонун лойиҳалари Бундестаг ва Бундесратга бир вақтнинг ўзида юборилади ва улар ҳар иккала палата томонидан дарҳол муҳокама этилмоғи керак. Агар қонун учун Бундесратнинг розилиги талаб этиладиган бўлса, бу борада Бундесрат аъзоларининг кўпчилик овози етарли. Қонунлар имкониятга қараб эълон қилинади, зарурати бўлганда кейинчалик “Бундесгезецблатт”да чоп этилади.

Шундай қилиб, Германияда қонунчилик жараёни қонунчилик ташаббусидан бошланади. ГФРда Федерал ҳукуматда, Бундестаг депутатларида, Бундесрат аъзоларида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи бор. Бундестагда қонун лойиҳалари мумтоз схемада уч ўқишда кўриб чиқилади: қонун лойиҳасининг асосий қоидалари муҳокама этилади ва лойиҳа тегишли тармоқ доимий комиссиясига ёки кўмитасига ўтказилади; моддада модда муҳокама қилинади ва улар юзасидан овоз бериш таомили ўтказилади; қонун лойиҳаси тўлиғича муҳокама этилиб овозга қўйилади. Овоз бериш ўтказилгач, қонун лойиҳаси Бундесратга юборилади. ГФР қонунчилик жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, Бундесрат қонунларни мустақил равишда, Бундестаг иштирокисиз ҳам қабул қилиш ҳуқуқига эга. Федерал ҳукумат қонун лойиҳасини кечиктириб бўлмайди деб ҳисоблаб, қонунчилик борасида зарурат ҳолати шароитини эълон қилган тақдирдагина шундай қилиш мумкин. Бундестаг Федерация қонунчилик ваколатлари соҳасига кирадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳуқуқини Федерал ҳукумат, Федерал вазир ёки ўлка ҳукумати ихтиёрига ишониб

		топшириши ҳам мумкин. Умумдават транспорт ва алоқа воситаларига ҳамда бошқа айрим масалаларга тааллуқли ваколатларни ўзгага ишониб топширишда албатта Бундесрат розилигини олиш талаб қилинади.
5.	<b>Канада</b>	<p>Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғи қуйидаги икки палатадан иборат Канада парламенти (Parliament of Canada. Parlement du Canada) тимсолида мужассам:</p> <p>Жамоалар палатаси (House of Commons, Chambre des communes ) – бир мандатли сайлов округларидан узоғи билан 5 йил муддатга сайланадиган 308 нафар депутатни ўз ичига олади;</p> <p>Сенат – Бош вазирнинг кенгаши бўйича генерал-губернатор томонидан тайинланадиган 105 сенатордан иборат.</p> <p>Канаданинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Қиролича тимсолида ҳам намоён бўлади.</p> <p>Жамоалар палатасидаги 308 ўринни ўз тарафдорлари томонидан сайланувчи депутатлар ишғол этади.</p> <p>Канада парламенти Жамоалар палатасининг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг микдорий таркиби қатъий қилиб белгиланган эмас. Дастлаб унда 181 депутат бўларди, ҳозирги вақтда 295 депутат бор. Ҳар бир вилоятдан сайланадиган депутатлар микдори қуйидаги тартибда белгилаб қўйилган:</p> <p>худудлар учун 3 ўрин эҳтиёт учун сақланади;</p> <p>10 вилоят аҳолиси сони 297га (аҳолини энг кейинги рўйхатга олиш кўрсаткичлари асосида барча вилоятлардан назарда тутиладиган депутатларнинг сонига) бўлинади;</p> <p>сўнгра ҳар бир вилоят аҳолиси сони олинган квотага бўлинади ва шу зайл Федерациянинг айрим субъектлари учун Жамоалар палатасидаги вакиллик белгилаб олинади.</p> <p>Гарчи Жамоалар палатаси ваколат муддати 5 йилни ташкил этса-да парламентга сайлов ҳар 4 йилда ўтказилади ҳисоб. Парламентни унинг ваколатлари тугамасдан туриб тарқатиб юбориш Канадада сиёсий анъана бўлиб қолганки, бу анъана ҳукмрон партия раҳбариятининг ялпи сайловни ўз партияси учун энг қулай пайтда ўтказиш ва парламентда кўпчилик ўринни таъмин этиш муддаоси, интилишларини акс эттиради. Расман олганда Жамоалар палатасини тарқатиб юбориш генерал-губернаторнинг ваколат доирасига киради. Лекин амалда бу иш Бош вазирнинг талаби билан, унинг ҳукумат аъзолари ва партия раҳбарияти билан маслаҳатлашувларидан кейин амалга оширилади.</p> <p>Жамоалар палатаси ташкилий жиҳатдан иккита асосий қисмдан, яъни расмий ва норасмий (партиявий) қисмлардан таркиб топади. Партиявий қисмга қуйидагилар киради:</p> <p>Партияларнинг кокуслари – Канададаги Жамоалар палатасида ўз вакилларига эга учта сиёсий партиянинг парламент органлари шундай деб юритилади, буларнинг иш шакли мунтазам равишда ўтказиладиган ёпиқ мажлислардир. Парламент амалиёти шунини кўрсатадики, ҳукмрон партия кокуси одатда унча фаол эмас, негаки партия етакчиси айни бир пайтда Бош вазир ҳисоблангани боис биринчи навбатда ҳукуматдаги маслаҳатчилари ва ҳукумат аъзоларига таянади. Айни чоғда муҳолифатдаги партия кокуси зиммасига сиёсатни ишлаб чиқиш ва ҳокимият учун кураш олиб бориш юзасидан анчагина катта масъулият тушганлиги сабабли ҳам ўз партиясининг нуфузли, эл орасида эътиборли аъзоларини олдиндан “хуфиёна маҳкама” таркибига номзод қилиб киритади. Бунинг замирида парламентга ўтказиладиган сайловда ғалабага эришилган тақдирда улар тегишли вазирлик лавозимларини эгаллаб, ишга дарҳол киришиб кета олсинлар деган муддао ётади.</p>

Партия кокуслари кўмиталари одатда давлат бошқаруви ва халқ хўжалигининг алоҳида тармоқлари бўйича ташкил этилади. Масалан, илғор-консерватив партия кокуси халқаро муносабатлар, балиқчилик сингари соҳалар бўйича 9 та ана шундай кўмита тузган.

Жамоалар палатасининг битта партиядан сайланган, Канада минтақасининг битта ёки бир нечта вилояти манфаатларини ифода этувчи аъзоларини бирлаштирувчи органлар, яъни минтақавий кокуслар тузилиши мумкин.

Қонун ижодкорлиги жараёни. Қонун лойиҳаларининг Жамоалар палатаси “чиғириғи”дан ўтиш тартиби лойиҳанинг турига боғлиқ. Тартибга солиш соҳаси (масалалар доираси) бўйича қонун лойиҳалари оммавий ва хусусий қонун лойиҳаларига бўлинади.

Оммавий биллар сирасига умуммиллий қонун ҳужжатларини ўзгартирадиган ёки уларни тўлдирадиган қонун лойиҳалари, шунингдек барчага тааллуқли (бюджетга, ижтимоий таъминотга, соғлиқни сақлаш ва шу сингари соҳаларга оид) қонун лойиҳалари киради.

Хусусий қонун лойиҳалари маҳаллий аҳамиятга молик ва айрим шахслар ёки ташкилотларга тааллуқли (масалан, компаниянинг ҳуқуқий макomini ўзгартириш қабалидаги) қонун лойиҳаларидир.

Оммавий қонун лойиҳалари ўз навбатида кимнинг ташаббусига кўра киритилганлигига қараб, Вазирлар маҳкамаси, амалда кўпинча – вазир-депутат томонидан киритилган Ҳукумат қонун лойиҳаларига ҳамда айрим депутатлар томонидан киритилган Хусусий аъзолар қонун лойиҳаларига бўлинади. Уларни кўриб чиқиш тартиб-таомили бир хил, лекин ҳукуматнинг ҳар қандай билли Жамоалар палатасида тасдиқланиш бобида бирмунча кўпроқ имкониятга эга. Ҳукумат қонун лойиҳалари Вазирлар маҳкамасининг ўзи ёки Вазирлар маҳкамасининг қонунчилик масалалари кўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ва барча тартиб-таомил талаблари инобатга олинган ҳолда Адлия вазирлигида расмийлаштирилади.

Ҳар қандай оммавий қонун лойиҳаси Жамоалар палатасида қуйидаги босқичдан ўтмоғи керак:

*Биринчи ўқиш.* Бу қонун лойиҳаси палатага киритилиши билан биргаликда кечадиган расмий босқичдир. Билль киритиш истагидаги депутат ўз ниятидан спикерни хабардор этади ва қонун лойиҳаси матнини клеркка тақдим этади. Баъзан депутат киритаётган билль мақсадини икки оғизгина қилиб баён этади. Шундан кейин клерк қонун лойиҳаси номини овозини чиқариб ўқийди ва иккинчи ўқиш қайси куни бўлишини хабар қилади.

Регламентга биноан депутат қонун лойиҳаси киритиш ниятини палатанинг кундалик нашрида ахборот чиқариш билан хабардор этмоғи керак. Киритаётган билли хусусида депутат Жамоалар палатасининг расмий розилигини олган бўлиши керак. Жамоалар палатаси амалиётида депутатга қонун лойиҳаси киритиш рад этилган холлар деярли бўлмаган.

Регламент қоидалари билан айрим депутатлар киритмоқчи бўлиб тайёрлаган қонун лойиҳаларига тааллуқли масалаларни кўриб чиқишга ҳафтада икки кун (сешанба ва пайшанба), шунингдек душанба ва жума кунлари бир соатдан вақт ажратилган. Бунда бир қанча холларда мазкур масалалар ҳукумат сиёсатининг янада муҳимроқ муаммолари муҳокама этилаётган важдан кун тартибидан олиб ташланиши мумкин, шу сабабли ҳам хусусий тартибда ташаббус кўрсатиб тайёрланган билларнинг синов - “чиғириқ” лардан ўтиб олиш имконияти кам.

Бундай шароитда Жамоалар палатасининг оддий аъзоларидан кимлар қонун лойиҳасини киритиши мумкинлиги масаласи қуръа ташлаш йўли билан аниқланади. Қуръа ташлаш моҳиятан айрим депутатлар томонидан ҳозирланган қонун лойиҳаларини киритиш имкониятини анчагина чеклайди. Амалда бир сессия мобайнида одатда узоғи билан 20га яқин билль бу йўсин киритилади, аммо ҳаммаси ҳам палатада кўрилади деб бўлмайди.

*Иккинчи ўқиш.* Мазкур босқичда қонун лойиҳаси батафсил кўриб чиқилади, асосий, принципиал қоидалари муҳокама этилади. Тартиб-таомиллар қоидаларига кўра, палата қонун лойиҳасининг алоҳида моддаларини ёки лойиҳага доир қандайдир тузатишларни кўриш билан чекланиб қолмаслиги керак. Зотан у мазкур биллнинг қабул қилиниши принцип жиҳатидан қанчалик мақсадга мувофиқлиги масаласини ҳал этади. Натижада қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда маъқулланиши ва муфассал, синчиклаб кўриб чиқиш ҳамда зарурат ва жоизлигига қараб тузатишлар тайёрлаш учун тегишли қўмитага юборилади ёхуд умуман рад қилинади.

Жамоалар палатаси регламенти ҳар қандай қонун лойиҳасини у иккинчи ўқиш босқичига етиб бормасидан, лойиҳа юзасидан мунозаралар бошланмасиданоқ қонун тартибидан олиб ташлаш имкониятини беради. Чунончи, иккинчи ўқишнинг бошланишида спикер иккинчи ўқишга киришиш жоиз–ножоизлиги масаласини ўртага қўяди. Ана шунда ҳар қандай депутат спикернинг таклифига эътироз билдириб ёки иккинчи ўқишни 6 ойдан кейин ўтказиш хусусида тузатиш киритиш (бу билл жорий сессияда кўрилмайди дегани) таклифи билан сўзга чиқиши, шунингдек қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда умуман рад этиш таклифини ўртага ташлаши мумкин. Иккинчи ўқиш босқичида амалда аъзолар томонидан тайёрланган “хусусий биллар” рад этилиши мумкин. Депутатларнинг аксарияти тоғдай бўлиб туриб берадиган ҳукумат қонун лойиҳаларини бундай қисмат кутмайди, албатта.

*Қўмита босқичи.* Қонун лойиҳаси палатанинг тегишли қўмитасида муфассал тарзда, моддама-модда кўриб чиқилади. Билль муҳокама этилаётганда қўмита Жамоалар палатасининг иккинчи ўқишда чиқарилган қарори билан қандайдир даражада боғланган бўлади деб ҳисоблашади, бинобарин у палата томонидан маъқулланган қонун лойиҳасининг асосий қоидалари ва принципларини ўзгартирадиган, бошқача талқинга олиб келадиган тузатишларни киритишга ҳақли эмас.

Аслида эса қўмита кенг ҳуқуқларга эга. У қонун лойиҳасининг ҳар қандай моддасини рад этиши, биллнинг қайсидир қисмини алоҳида қонун лойиҳаси қилиб чиқариши, палатадан ўзига қонун лойиҳасини иккита ёки бир нечта қисмга бўлиб (ажратиб) ташлаш ёхуд иккита биллни битта билль қилиб бирлаштириш ҳуқуқи берилишини талаб қилиши мумкин. Бунда Жамоалар палатаси қўмитанинг ишига аралашини ёки қонун лойиҳасини кўриб чиқиш ва унга тузатишлар киритиш тугаллангунига қадар қўмитадан чақириб олиши мумкин эмас.

Одатда биллар палатанинг битта ёки бир нечта доимий қўмитасига юборилади, бу нарса биллнинг хусусиятига боғлиқ; баъзан эса улар махсус қўмиталарга ёки парламент ҳар иккала палатасининг бирлашган қўмиталарига юборилади.

Молияга оид қонун лойиҳалари қўмитада бутун палата томонидан кўриб чиқилмоғи лозим.

*Маъруза босқичлари.* Қўмита биллни кўриб чиқиш тугалланганлиги ҳақида палатани хабардор қилади. Палата ана шу зайлда хабардор бўлганидан кейин камида 48 соат ўтгач, қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқишга

киришади, кўмита томонидан қилинган тузатишларни муҳокама этади ҳамда биллнинг айрим моддаларини аввалги (асл) кўринишида, кўмита берган тузатишлар билан ёки маъруза босқичида киритилиши эҳтимоли бўлган ўзгартишлар билан қабул қилиш лозимлиги масаласини ҳал этади.

Депутатлар биллни кўмита киритган тузатишлар билан кўриб чиқишга киришишидан 24 соат олдин кўмита киритганларига кўшимча равишда киритиш мўлжалланаётган қандайдир тузатишларни муҳокамага кўйиш ниятида эканликларини маълум қиладилар. Палата спикери депутатларнинг қайси тузатишларини қанақа изчиллик тартибида муҳокамага кўйдириш масаласини мустақил равишда ҳал этади. Айтиш жоизки, 1968 йилга қадар мазкур босқичда тузатишлар бўйича мунозаралар ўтказилмасди.

*Учинчи ўқиш.* Бу ўқишга, қоида тариқасида, маъруза босқичи тугаллангач, навбат келади. Қонун лойиҳасини муҳокама этишнинг бу бирмунча расмий босқичи ҳисобланади, чунки мунозаралар вақтида биллнинг қабул қилиб бўлинган қоидалари билан рўбарў бўлинади. Учинчи ўқиш босқичида қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятига даҳл этмайдиган тузатишлар таклиф этилиши мумкин. Баъзан муҳолифат учинчи ўқишдан ҳукумат киритган қонун лойиҳасини барбод этиш йўлидаги сўнгги уриниш сифатида ёки маъқулланаётган биллга рози эмаслиги сабабларини яна бир қарра таърифлаб бериш йўсинида фойдаланади.

Учала ўқишдан ўтганидан кейин қонун лойиҳаси Жамоалар палатаси томонидан қабул қилинган ҳисобланади.

Сенат билан ўртада келиб чиққан ихтилоф ва келишмовчиликларни бартараф этиш. Жамоалар палатаси биллни қабул қилгач, клерк уни Сенатга етказди. Сенатда ҳам билль ана шу босқичлардан ўтади. Сенаторлар қонун лойиҳасига тузатишлар киритган тақдирда, лойиҳа палата яна кўриб чиқиши учун қайтиб келади. Биллнинг ҳар иккала вариантида жиддий тафовутлар келиб чиққан тақдирда, Жамоалар палатаси депутатлари ва сенаторлар иштирокида конференция чақирилиши мумкин. Бу конференция амалда муваққат келишув кўмитаси вазифасини адо этади.

Ихтилоф ва келишмовчиликлар бартараф этилиб, қонун лойиҳаси ҳар иккала палата томонидан узил-кесил маъқуллангач, Канада генерал-губернаторига берилади, у Қиролича номидан ўз ижозатини беради, бошқача қилиб айтганда биллни тасдиқлайди. Билль қонунга айланади ва “Парламент ҳужжати” деб юритила бошланади. Агар бошқача қоида айтиб ўтилмаган бўлса, бу қонун генерал-губернатор томонидан тасдиқланган пайтдан эътиборан кучга киради. Айтиш жоизки, генерал-губернатор биллни тасдиқлашни рад этиш борасида соф расмий ҳуқуққа эга, бинобарин вето солиши мумкин. Аммо инглиз монархлари (ва уларнинг вакиллари бўлмиш генерал-губернаторлар) амалда бу ҳуқуқдан XVIII аср бошларидан буён фойдаланишган эмас.

Хусусий қонун лойиҳалари ҳам, гарчи уларни муҳокама этиш тартиб-таомилларида айрим ўзига хос хусусиятлар бўлса-да, худди шу босқичдан ўтади. Бундай қонун лойиҳалари даставвал Сенат муҳокамасига киритилиб, кўмиталарда (энг аввало Сенат кўмиталарида) манфаатдор тарафларнинг вакилларини таклиф этган ҳолда батафсил муҳокама қилинади. Бундай билль қабул қилинишидан манфаатдор шахс ёки компания қонун лойиҳасини киритишда ва муҳокамадан ўтишининг ҳар бир босқичида махсус бож тўлаши лозим. Босқичга қараб бу бож 100-800 долларни ташкил этади. Хусусий қонун лойиҳалари Жамоалар палатасида, одатда унча қизиқиш уйғотмайди, шу сабабли ҳам

амалда мунозаралар ўтказилмайди ҳисоб.

Молияга оид қонун лойиҳаларини Жамоалар палатасида кўриб чиқишнинг, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тартиб-таомиллар билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари бор. Конституцияга биноан молиявий биллар дастлаб Жамоалар палатаси муҳокамасигагина киритилиши мумкин. Бу қонун лойиҳалари олдиндан Вазирлар маҳкамасида муфассал тарзда ишлаб чиқилади. Генерал-губернаторнинг расмий маъқулловидан кейин лойиҳа генерал-губернаторнинг номаси йўсинида Жамоалар палатасига парламент сессияси бошланишига тақаброқ юборилади ҳамда дарҳол тегишли доимий қўмиталарга берилади.

Мазкур тартиб-таомил молиявий масалалар бўйича қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ёлғиз ҳукуматга тегишли эканлигини англатади.

Молияга оид қонун ҳужжатлари Жамоалар палатасининг одатдаги мажлисида эмас, қўмита тимсолида бутун палата мажлисида кўриб чиқилади.

Молияга оид қонун лойиҳасини қабул қилиш учун Ҳукуматнинг тавсия йўсинидаги розилигини олиш зарур.

Жамоалар палатаси ҳар йили бюджет тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқади. Ҳукумат идоралар ва дастурлар бўйича алоҳида-алоҳида асосий ва қўшимча харажатлар сметаси лойиҳаларини, шунингдек “йўл ва воситаларни излаш тўғрисида”ги, бинобарин молиялаштириш манбалари ҳақидаги таклифлар лойиҳасини ишлаб чиқади. Ҳукуматнинг молияга оид таклифлари Жамоалар палатасида қизғин мунозараларга сабаб бўлади. Бунда тартиб-таомил қоидалари молиявий билларни палата қўмита бўлиб, ўзини бутун палата қўмитасига айлантирмаган ҳолда кўриб чиқиш эҳтимолини истисно этмайди.

Жамоалар палатасининг иш тартиби муҳолифатдаги депутатлар ўз таклифларини киритиши учун ҳар бир сессияда 25 кундан вақт ажратади. Депутатлар шунингдек молияга оид қонун лойиҳалари кўриб чиқилиши муносабати билан Ҳукуматга ишонч билдириш масаласини ўз ичига олган, кўпи билан 6 та таклиф киритиш ҳуқуқига эга.

Бюджетнинг алоҳида моддалари бўйича сарфлаш назарда тутилган маблағларнинг сарф қилиниши устидан назорат Канада парламентининг махсус мансабдор шахси – Бош аудитор (тафтишчи) зиммасига юкланади, у давлат харажатлари бўйича доимий қўмитага ҳар йили маъруза тақдим этади. Маблағларнинг ўз ўрнида сарфланиши билан боғлиқ масалалар Жамоалар палатасининг мажлисларида муҳокама мавзуси бўлиши мумкин.



## **Қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар**

1. Қонун лойиҳаларининг концепцияси қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилгунга қадар тайёрланиши, унда бўлғуси қонунни амалга ошириш механизми белгиланиши, қайси масалалар қонунлар даражасида ва қайсилари – қонуности ҳужжатлари доирасида ҳал қилиниши кўрсатилиши лозим.

2. Қонунларнинг самарали ишлаётганлигини, натижадорлигини парламент уларни қабул қилишидан кўзлаган мақсадларга эришилаётганлигини аниқлаш учун тегишли социологик тадқиқотлар ўтказиш амалиётини жорий этиш мақсадида социолог-мутахассис кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш зарур.

3. Тартибга солиш таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ:

ижтимоий соҳани тартибга солишнинг янги воситалари ва тартибини жорий этишда юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни прогноз қилиш ва баҳолаш тартиби;

ижтимоий соҳа субъектлари учун фойда ва харажатларни таҳлил этиш тартиби;

тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолашни амалга ошириш бўйича фаолиятга раҳбарликни ва мувофиқлаштиришни амалга ошириш тартиби;

тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича давлат органларининг аниқ вазифа ва функционал мажбуриятлари;

норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси концепциясида фойда, харажат ва кутилаётган натижалар таҳлилини ҳамда уларнинг ижтимоий соҳага таъсирини, шунингдек, юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни назарда тутиш.

4. Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш амалга оширилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турларининг аниқ рўйхатини ва мезонларини ишлаб чиқиш лозим.

5. Вазирлик ва идораларнинг тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш учун масъул бўлган ходимларининг бу борадаги малака ва аамалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш бўйича ўқув семинар машғулотларини ўтказиб бориш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университетида тегишли ихтисослик бўйича магистратура босқичида тартибга солувчи таъсирни баҳолаш бўйича махсус ўқув курсларини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институтида Тартибга солишнинг ижтимоий соҳага таъсирини баҳолаш муаммолари бўйича алоҳида бўлим ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

8. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида муҳокама қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон “Қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳозирги кунда ўз амалий аҳамиятини йўқотганлиги муносабати билан уни бекор қилиб, қонун ҳужжатларининг тартибга солишнинг таъсирини баҳолаш тизими бўйича янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш зарур.

9. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида баён этилган ҳамда ишлаб чиқарувчи томонидан инобатга олинмаган таклифлар ва мулоҳазалар юзасидан тузиладиган маълумотноманинг намунавий шаклини ишлаб чиқиш ҳамда Адлия вазирининг 2012 йил 9 апрелдаги 83-мх-сон буйруғи билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларда илова қилиш мақсадга мувофиқ.

10. Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун тўғридан тўғри амал қилувчи, консолидациялашган ҳужжат сифатида қонун ижодкорлик жараёнининг барча босқичларида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган барча субъектларнинг фаолиятининг асосий йўналишлари ва хусусиятларидан иборат қоида-талабларни белгилаши лозим. Қонун ижодкорлик жараёни мониторинг қилинганда ташаббус ҳуқуқига эга субъектларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаолияти яъни ваколатлари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва амалга ошириш механизми асосан идоравий ҳужжатларда тор белгиланган. Қонун ижодкорлик жараёни субъектлари фаолияти учун умумий ва махсус қоида ва талабларни қонун лойиҳасида белгиланиши ушбу органларнинг норма ижодкорлиги соҳасидаги фаоллиги ва кафолатларини мустаҳкамлайди.

11. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси барча қонун ижодкорлик жараёни тизимини камраб олувчи қоида ва талабларни белгилаши лозим. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрдаги **“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”**ги ҳамда 2000 йил 14 декабрдаги **“Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”**ги қонунлари нормаларини ҳам **бирлаштириш** мақсадга мувофиқ.

12. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасида қонун ижодкорлик жараёни билан боғлиқ асосий тамойиллар, талаблар ва давлат органларининг ваколатлари ва ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш, экспертиза қилиш, муҳокама қилиш, эълон қилиш ва қабул қилиш қоида ва талаблари асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигининг ўндан ортиқ қарори ва буйруқлари билан тасдиқланган турли низом, йўриқнома, регламент, тартиб ва қоидаларда мустаҳкамланган. Янги таҳрирдаги ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан Ҳукумат ва адлия органларининг қарор ва буйруқлари билан тасдиқланадиган ҳужжатларни бир-бирини такрорловчи қоидаларини ихчамлаштирган ҳолда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

13. Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда **қонунларнинг тўғридан тўғри амал қилишини алоҳида принцип даражасида мустаҳкамлаш** мақсадга мувофиқ. Мазкур принципни қонун лойиҳасида уни тўғридан тўғри амал қилиш ва амалга оширилиши учун зарур бўлган процессуал, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий механизмлар бўлиши шартлиги тўғрисидаги қоида билан ифодалаш мақсадга мувофиқ.

14. Қонун лойиҳасидаги **ҳар бир ҳаволаки норма асослантилган бўлиши** ҳамда қонунни амалга ошириш бўйича **чоратадбирлар режасида уни амалга ошириш юзасидан аниқ чоралар белгиланиши** лозимлиги тўғрисидаги қоидани янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда аниқ-равшан мустаҳкамлаб қўйиш зарур.

15. Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш турлари белгиланган. Қонун ости ҳужжатларида асосан лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш қоида-талаблари мустаҳкамланган. Лекин идоравий ҳужжатларда норматив-ҳужжатлар лойиҳаларини иқтисодий, молиявий, экологик ва лингвистик экспертизадан ўтказиш тартибини белгилаш эътибордан четда қолган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, лингвистик ва антикоррупциявий экспертизадан ўтказиш тартиби ва талабларини мазкур қонунда белгилаш зарур.

**16.** Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини **коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишнинг** умум назарий йўналишлари белгиланган. Ҳар қандай қонун ва қонун ости ҳужжати лойиҳаси коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш зарурлиги нуқтаи назаридан янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида алоҳида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш” бобида ушбу экспертизани ўтказиш тартиби, коррупциявий омиллар ва уларни классификацияси, давлат органлари мансабдор шасларининг ушбу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби моддалардан иборат бўлиши мақсадга мувофиқ.

**17.** Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини **мониторинг ва назорат қилиш** билан боғлиқ муҳим моддада асосий йўналишлар ва умумий талаблар белгиланган. Бугунги кунда қонунларнинг ижросини таъминлашга қаратилган мониторинг ва назорат қилиш институтлари жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, қонун лойиҳасида мониторинг ва назоратни амалга ошириш ҳуқуқига эга давлат органлари ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мониторинг ва назоратни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий таъсир чора-тадбирлари билан боғлиқ конкрет қоида-талабларни мустаҳкамлаш зарур.

**18.** Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, ташаббус қилиш ва ишлаб чиқиш билан боғлиқ конкрет қоида-талаблар алоҳида бобда белгиланган. Ушбу босқич жуда муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда фикримизча ушбу бобга қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда қатнашган ишчи гуруҳ, экспертлар, мутахассислар ва фуқароларни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан боғлиқ қоидаларни белгилаш лозим. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Давлат хизматлари ягона электрон порталида муҳокамасида ўз таклиф ва тавсиялари билан фаол қатнашган олимлар, амалиётчилар ва фуқароларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш билан боғлиқ қоида қиритиш жуда муҳимдир.

**19.** Ҳозирги кунда қонун ижодкорлик соҳасидаги энг муҳим муаммолардан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, расмийлаштириш ва экспертизадан ўтказиш соҳасида чуқур билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган юрист ва экспертларни тайёрлаш ҳисобланади. Тошкент давлат юридик университетида “Қонунчилик

техникаси ва ҳуқуқий экспертиза” махсус кафедрасини ташкил этиш ҳамда бакалаврият йўналишида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими”, “Қонун ижодкорлик жараёни” ва “Лойиҳаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш” каби махсус курсларни ўқув дастурига киритиш ҳамда ихтисослашган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ишлаш” магистратура йўналишини очиш ва кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш жуда зарурдир.

**20.** Тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш шароитида кўп давлатларда **қонунга “иловалар”** қилиш амалиёти мустаҳкам кириб борган. Яъни, қонун билан жорий этилаётган тизимни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжат (масалан, ариза ёки ҳужжат намунаси) ёки схема шаклидаги маълумотлар қонуннинг ўзида илова қилинади. Бу орқали қонунни амалиётда қўллаш янада осонлашади ҳамда қонуннинг тўғридан тўғри амал қилиш даражаси сезиларли даражада ортади. Ҳозирча, гарчанд, бунинг учун етарли имконият бўлсада, миллий қонун ижодкорлиги жараёнида ушбу тизим йўлга қўйилмаган. Масалан, процессуал ҳужжат намуналари Жиноят-процессуал кодексга, Фуқаролик-процессуал кодексга, Иқтисодий-процессуал кодексга илова қилиниши мумкин ва ҳ.к.

**21.** Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда **қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш чегараларини** белгилаб бериш зарур. Фикримизча, бунда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунлар асосида ҳамда уларнинг ижроси юзасидан қабул қилинишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, Қонунда қонунлар даражасида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар юзасидан қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишни тақиқлаш таклиф этилади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари **қайси масалалар бўйича қабул қилиниши мумкинлигини** аниқ белгилаб қўйилиши зарур.

**22.** Қонун лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида экспертлар **лойиҳанинг тўғридан тўғри амал қилиши даражасига мажбурий баҳо бериш** тартибини жорий этиш лозим. Яъни, ҳуқуқий экспертиза натижалари бўйича хулосада ушбу лойиҳа умумий тусдами ёхуд тўғридан тўғри амал қиладими, деган саволга жавоб берилиши лозим. Бунда башарти, лойиҳа умумий тусдаги қонун бўлса, уни тўғридан тўғри амал қилувчи қонунга айлантириш учун киритилиши талаб этиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилиши зарур.

**23.** Янги таҳрирда ишлаб чиқиладиган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ҳамда “Қонунлар лойиҳаларини

тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонунда **Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тўғридан тўғри амал қилиш механизмларига эга бўлмаган қонун лойиҳаларини киритишни тақиқловчи нормани** киритиш мақсадга мувофиқ.

**24.** Хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда **норма ижодкорлиги фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш** ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, қонунларда барча муносабатларни ҳам тартибга солишнинг имкони бўлмайди, уни қўллаш билан боғлиқ айрим масалалар қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солиниши кўзда тутилиши мумкин. Мазкур ҳолатларда парламент қонунда кўзда тутилган қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмуни, унинг қонунда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга мослигини, ҳаволаки норма тўлақонли реализация этилганлигини баҳолаш нуқтаи назаридан **қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ўрганиши кўринишидаги парламент назоратининг янги шаклини жорий этиш зарур.**

**25.** Тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишда лойиҳаларни **жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** тартиб-таомиллари муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда мазкур йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилган бўлсада, ҳали-ҳануз жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилган лойиҳалар билан танишиб чиқадиган аҳоли қисми кўпчиликти ташкил этмайди. Бунинг энг асосий сабабларидан бири шундаки, мутахассис бўлмагани сабабли жамоатчилик учун кўп ҳолларда мураккаб тилда ёзилган ва катта ҳажмли лойиҳалар билан танишиш маъқул келмайди. Шу боис, хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик муҳокамасига лойиҳани эмас, балки **лойиҳа тайёрланмасдан олдин унинг концепциясини, яъни энг асосий ғоясини** кўйиш мақсадга мувофиқ. Шу орқали жамоатчиликнинг кенгроқ қисмининг фикр-мулоҳазаларини қамраб олиш мумкин бўлади. Бу эса, келгусида тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишга ёрдам беради.

**26.** Гендер камситишни тақиқлаш ва қонунчиликни такомиллаштириш, эркак ва аёлларга тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашда гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказувчи аниқ давлат органи белгиланиши ва фаолиятини амалга ошириш учун аниқ механизм ишлаб чиқиш зарур. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасига гендер-ҳуқуқий экспертиза хулосасини бериш шакли, тузилиши билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий асосларини белгилаш лозим. Қонун лойиҳаларида гендер тенглик тамойилларини мустаҳкамлаш мақсадида гендер-ҳуқуқий экспертиза ўтказувчи давлат органи фаолиятини тартибга солувчи намунавий низом ишлаб чиқилиши лозим.

27. Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигида Давлат илмий-техника дастурлари доирасида “Қонун ижодкорлик жараёнини такомиллаштириш масалалари”, “Давлат органларининг норма ижодкорлиги самарадорлигини ошириш ва баҳолаш”, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, экологик, лингвистик ва антикоррупциявий экспертизадан ўтказишнинг назарий ва амалий муаммолари” ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижросини таъминлаш: миллий ва хорижий тажриба” мавзуларда тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан грантларни белгилаш ушбу муҳим фаолиятнинг назарий-ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.